

ШУКУР ИРГАШЕВ


# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ



Тошкент 2003

ШУКУР ИРГАШЕВ

# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ



«Абу Али ибн Сино»  
номидаги тибиёт нашриёти  
Тошкент 2003

Ушбу китобга берилган ном ўзининг мақсадини китобхонга аникроқ ва содда ҳолда тушунтириб бера олади, чунки табиатнинг фарзанди табиатга эргашади, «Табиатнинг ўзи даволайди».

Шарқ табобатининг йирик вакили Абу Али ибн Сино ва дунёдаги бошқа алломаларнинг, ўзларининг шифокорлик фаолиятида табиат инъом этган гиёхлардан беморларни даволашда самарали фойдаланганлари тўғрисида аниқ ва равшан ёритилган.

Китобда, инсонда учрайдиган 105 та касалликни табиий неъматлардан, шифобахш ва беозор омиллар ёрдамида даволаш йўллари ёритилган.

Ҳаётда учраб турадиган, аллергия, ўпка астмаси, асаб касалликлари, авитаминоз, бел оғриғи, буйрак касали, безлар хасталиклари, шунингдек дорилар таъсирида келиб чиқадиган хасталиклар, жигар ва ўт хасталиклари, заҳарланиш, иситма кўтарилиши, ич кетиши ҳақида маълумот берилган.

Улардан ташқари китобда йўтал, кўз, ошқозон ва милк касаллари, суяқ ва тиш оғриқлари, тери хасталиклирида табиат неъматларидан фойдаланиш усуслари кенг ёртитилган. Яна шамолашда, эт узилишида, юрак хасталиклирида, қон босимида, қанд касаллигида ва кулоқ оғриқларида табиат инъом этган шифобахш неъматлари ва беозор омиллар ёрдамида даволаш ҳақида ҳам ёзилган. Китоб илмий асосланган ва ҳаётда кўлланиши аниқ ва содда қилиб берилган. Ҳозирги вақтда ушбу китоб ҳалқ учун кераклилиги билиниб турибди. Инсон табиатнинг бир қисми (зарраси) бўлганлиги учун табиат неъматларидан фойдаланиши керак.

Э 4107030000—  
М354(04)— қатъий буюртма 2003

ISBN 5-638-01541-8

© Абу Али ибн Сино  
номидаги тиббиёт  
нашриёти, 2003 йил.

## СҮЗ БОШИ

Инсоният қадимдан турли касалликларни даволашда шифобаҳаш ўсимликлардан фойдаланиб келган. Доривор ўсимликлар энг муҳим муолажа воситаси ҳисобланган. Уларни яратувчи Аллоҳга беҳад ва бениҳоя ҳамду-санолар бўлсинки, у ҳар бир тирик зотга мижоз берди, одамни энг мӯътадил мижоз билан яратди. Одамдаги ҳар бир аъзога лойиқ мижоз бериб, баъзи аъзони иссиқроқ, баъзисини совуқроқ, куруқроқ ва баъзисини ҳўлроқ қилди. Танадаги энг иссиқ нарса — РУҲ, унинг пайдо бўлиш ўрни юракдир, ундан кейинги даражадаги иссиқ мижоз — қондир. Танадаги иссиқ мижозли аъзолар бу жигар, ўпка, гўшт, мушаклар, талоқ, буйрак, қон томирлари ва кафтнинг териси, совуқ мижозли моддалар эса тери, бош мия, орқа мия, пардалар, пайлар, ёғ, мўй, суяқ, тоғай, бойлоқ, асаб, чарви мойи ва балғамдир. Танадаги энг ҳўл нарса балғам, қон, ёғ, чарви, бош мия, орқа мия, сийна (эмчак) ва мояклар гўшти, шунингдек ўпка, жигар, талоқ, буйраклар, мушаклар ва теридир.

Ҳакимларнинг айтишича — мижоз етмиш хил бўлар экан. Уларни аниқлаш қийин, бўлганлиги сабабли ҳозир табиблар бу етмиш хилни етти хилга олиб келдилар, кейин тўртга бўлиб, шу орқали киши мижозини аниқлаш йўлини ўргандилар. Бундақ ташқари буюриладиган дорилар ҳар бир вилоятнинг иқлим шароитига қараб ҳар хил буюрилади. Масалан бир вилоятда яхши таъсир қиласидиган дори иккинчи вилоятда унча самарали бўлмаслиги мумкин. Шунингдек бир кишига берилган дори, иккинчи кишига ёқмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир кишининг мижози ҳар хил бўлади. Мижозни уйқу ва уйқусизликда бўлишган:

*Сер уйқу кишига ҳўл совуқдир ёр — (совуқ мижоз)*

*Куруқ иссиқ бўлса доимо бедор — (иссиқ мижоз)*

30 ёшгача инсон мижози ҳўл иссиқ, 36 ёшга борганида куруқ иссиқ бўлади, 60 ёшга етганида куруқ совуқ кўтаради бош, шундан сўнг келади қарилик ёши, ҳўл совуқ кишида ҳаким бўлпай боз, ўлгунча тугамас энди бу мижоз.

Қадимги табобатда касаллукни даволашып исесин мижозга қараб белгиланған. Беморнинг мижози томир, тил, күз, бидан ва ахлат рангидан аниқлаб олинган. Сўнг мижозга мос дори-дармонлар истеъмол қилиш буюрилган. Табиб нафақат одам мижозини, балки ҳар бир ўсимлиқдан ва ҳайвонотдан олинадиган дори-дармонлар табиати ва мижозини билган. Ҳўш мижоз нима — унсурларнинг қўрама-қарши кайфиятларининг бир-бирига таъсири, маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфият *мижоз* дейилади. Унсурлардаги кайфият яъни мижоз тўртга — иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва куруқлик, мижозлар биргаликда бўлганида — ҳўл-иссиқ, ҳўл-совуқ, куруқ-совуқ, куруқ-иссиқ, куруқ-совуққа ажратилади. Булар оралиқ мижозлардир. Дори-дармонлар ҳам ҳудди шундай мижозларга эга бўлиб одатда бу дорини табиат дейилади. Бир дори маълум бир киши жисмiga иссиқ бўлса, бошқа бирорнинг жисмiga мўътадиллар, яъни мижозга қараб буюрилади. Буюк олим Гиппократ айтганидек: «Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин».

### Саъдий Шерозий:

«Ичиши бўлса ейши ичишига қобил,  
Ранг тоза, соғлом бўлар дил.  
Хароб бўлар бадан ўйи батамом,  
Қачонки мос келмас мижозу таом» — дейди.

Одам танаси аъзоларига таъсир этувчи минглаб омиллар ичida овқатланиш катта аҳамиятга эга. Таннинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги бирон-бир нарсага боғлиқдир. Масалан семизлик совуқ мижознинг оқибатидир. Қизиллик қоннинг, сариқлик сафроннинг оқибатидур, ёки газаб ҳайвоний кучнинг нофаол ҳаракатининг оқибатидир. Иффат — мўътадил даражадаги шаҳват қувватининг оқибатидир. Дошишмандлик — сўзловчининг вазминнинг оқибатидур. Организм органик оламнинг юксак тириқий этган бирлиги бўлиб, ўзини-ўзи бошқара олади, шу туғайли ички муҳитнинг мудом бир меъёрда туришига эриша олади. Организмнинг тириклигини белгилайдиган бирдан бир ҳодиси моддалар алмашувидир, у ташқи муҳит таъсирига яхлит титим сифатига жавоб бераб, мустақил яшаш ва ривожланиб кўпайиш қобилиятига эгадир. Киши ганаси ташқи муҳит билан моддалар ишмасиуни тўхтаб ҳолса, организм ҳаёти сўнади у ўлади. Инсон танисигига таъсири қилувчи сабаблар одам гавдасининг ҳолатларини ўзигигириучи, ёки ўзгармаган ҳолда сакловчи сабаблардир. Улар ҳаво ти унти илокадор нарсалар, овқатлар, сувлар, ичимликлар, шаҳарлар, гурир жойлар, жисмоний

ва нафсоний ҳаракатлар, уйқу ва уйғоқлик бир ёшдан бошқа бир ёшга ўтиш, жинс эътибори, хунарлар, одатлар, атроф мұхит одам табиатига тескари ё тескари бўлмай таъсир қилувчи сабаблардандир. Касаллик киши танасида гайри табиий ҳолат пайдо бўлишидир. Масалан ўтика яллиғланганда юз ўта даражада қизаради, ошқозон, йўгон ичакда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Инсоннинг вазифаси тананинг табиий ҳолатини ўзгартирмаслигига, касал бўлмаслик, мабодо вазият юзага келганда ҳам тезда табиий ҳолатни тиклаб олишдан иборат. Баъзи касалликлар наслдан наслга кўчади. Касалликларнинг келиб чиқиши турлича бўлиб, уни синчилаб текшириш зарур. Ҳаётий кувватини юрак ва томирларни ҳаракатлантирадиган жавҳарга эга бўлган руҳни тўлдириш учун: — «Табиатни фарзанди табиатта эргашади». «Табиатнинг ўзи даволайди», — деган жумлаларда жон бор.

Бунда асосан қўйидаги етти нарсага эътибор берилиши шарт:

- мижозни мўътадил қилиш;
- ейиладиган ва ичиладиган нарсани танлаш;
- танани чиқиндидан тозалаш;
- тўғри тузилишни сақлаш;
- нафас оладиган ҳавони яхшилаш;
- кийимни тоза ва яхисини кийиш;
- жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадиллаштириш.

Шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйқу ва уйғоқлик ҳам киради. Киши сабр тоқатли, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли, иродали бўлиши лозим. Ана шундай одамнинг асаби тинч, кучли, хотиржам бўлади. Бундай одамлар касалликка кам чалинадилар.

#### Арасту шундай дейди:

Касалдан қўрқмаю ғам ема ҳеч вақт,  
Баданинг дорига қилмасин иллат.  
Одат қилса агар бу ёмон иллат,  
На фақат иллат, балки зўр зиллат. (ҳорлик).

Биз юксак ривожланган технология асрига қадам қўйдик. Айни пайтда ақдимиз қанчалик илгарилаб бораётган бўлсада, танамиз баъзида кутилмаган дард қўзғатувчиларга ҳимоясиз бўлиб келмоқда. Буни олимлар табиий имунитетнинг сусайғанлиги билан изоҳлашмоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда бутун дунёда одамлар ўзларини чиниқтириб соғлом бўлиш чораларини кўришга интилмоқдалар, дардга чалинганда эса иммунитетни сусайтирадиган сунъий даъво воситаларидан иложи борича қочиб, табиий даъво воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Табиат, айниңса бизнинг серқүёш ўлкамиз инсонга бебаҳо хазина ато этган. Бу ўсимликлар дунёсидур. Табиатдаги ва ўсимликлар таркибидаги юзлаб биологик фаол моддалар инсон аъзоларига, мижозга кўра турлича таъсир ўтказади. Абу Али ибн Сино айтганидек ўсимликнинг фойдали томонлари билан бирга, маълум даражада зарарли жиҳатлари ҳам бўлади. Билимсиз кишилар қўлида ҳар қандай дори оғудир, билимдонлар қўлида эса у ҳаёт абадийлигини тамиловчи шарбатдир.

*Абу Али ибн Сино айтганидек:*

*Фидойи, тадбиркор бўлса шифокор,  
Тезда тузалажсак ҳар қандай бемор.*

Мазкур китобда инсон организмидаги кассаликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва табиатда ана шу касалликларга шифо бўладиган ўсимликларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш усуллари баён этилган. Ушбу китоб сизга танангизни бақувват, руҳингизни соғлом асрарда ёрдам беради деб ўйлаб қоламиз.

Китоб тўгрисидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга жўнатинг, келгуси нашрларда фикрингизни инобатта олишга ҳаракат қиласиз.

Тошкент шаҳар 700147 Ҳамза тумани Висол кўчаси 47 уй.

## АЛЛЕРГИЯ

Аллергия сўзи юонча бўлиб, бошқа, ўзга, бегона деган маънени билдиради. Атроф мұхитнинг аллергенлар деб аталувчи баъзи омиллари, кимёвий моддалар, микроблар ва турли озиқ-овқат таъсирига организмнинг ўта сезувчанлиги аллергияни келтириб чиқаради.

Аллергик касалликлар жуда қадим даврлардан маълум. Баъзи одамлар айрим овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда меъда-ичак фаолияти бузилиб, баданига эшакеми тошишини Гиппократ милоддан аввал IV-V асрда аниклаган. Гул исидан баъзиларнинг тумов бўлишини II асрда Гален маълум қилган. Шу каби маълумотлардан билишимиз мумкинки, аллергик касалликлари қадимти тиббиёт вакилларига ҳам маълум бўлган. Масалан Абдураҳмон Жомий: — Жаҳоннинг қонидан еганда таом, ортиқ еб ўз ранжинг чўзмагил мудом. Маҳсум Василий: — Жаҳонда парҳези бўлган киши доим саломатдур, кўрган нарсани оғзи аро тиқмоқ маломатдур. Абу Али Ибн Сино: — Агар еган бўлсангиз қуюқ овқат, суюқ овқат еманг кетидан ҳеч вақт. Низомий Ганжавий: — Оз ейди кўп киши соғлом бўлади, кўп ейди кўп соғлом тезда ўлади.

Кейинги вақтларда аниқланишича, аллергик касалликларнинг кенг тарқалган турларидан бири уй-рўзғор аллергенлариdir. Булар орасида уй чанги, гилам, кийим-кечак, кўрпа-тўшаклардан чиқадиган чанг, зах уйлар деворларида бўладиган мөгорлар, уйда учрайдиган қандала, суварак сингари ҳашаротлар танасининг майдаги қисмлари, ҳайвон жунлари ва бошқа ифлосланган нарсалар аллергия касаллиги келиб чиқишига асосий сабаб бўлади. Баъзан кир ювишда ишлатиладиган турли хил кимёвий моддалар ҳам аллергияга сабаб бўлиши мумкин. Уй рўзғор аллергенлари кўпроқ нафас йўллари касалликлари — бронхиал астма, аллергик тумовни келтириб чиқаради. Ҳозирда аллергенларнинг жуда кўп турлари қаторида уй чанги аллергенлари ҳам аниқланган бўлиб, унда кўз илғамас каналар борлиги маълум бўлган. Булар чанг билан бирга нафас йўлларига кириб қолади ва касаллик қўзғатади. Энг кучли аллергик таъсири кўрсатувчи турлар учун асосий озуқа манбалари одам терисидан кўчган юпқа (эпидермис) пўстлоги ҳисобланади, шунинг учун улар тўшакка ин куради. Тунда одам ухлаёттан вақтда бу ерда митти каналарнинг яшаши учун энг куляй шароит вужудга келади. Бу каналар куляй шароитга тушиши билан тезда кўпая бошлайди.

Каналарни йўқотиши мақсадида, бемор ётган хонадаги кўрпатўшакларни тез-тез шамоллатиб туриш ва чанг ютич ёрдамида уйни тозалаш, полларни ош тузининг 20 фойизли эритмаси билан ювиш ҳам уларга қарши курашнинг энг фойдали чораларидан биридир. Кўрпа, ёстиқ жилдларини ювишдан аввал уларни тузнинг 5-10 фойизли эритмасига солиши ҳам самарали усул ҳисобланади.

Улардан ташқари ялпи мевалар гуллаганда ҳавода ортиқча гул чанги кўпаяди ва нафас йўллари орқали ўз таъсирини кўрсатади яъни аллергия бошланниб биринчи бор тумов шаклида касаллик пайдо бўлиши, унда бош оғриш, бурундан сув оқиш, иситма кўтарилиши мумкин ва ҳоказо.

Энг оғир ўтадиган аллергия бу дори аллергияси ҳисобланади. У ўз аломатларига кўра бир неча хил бўлади — Квинке шиши, анафилактик шок, эшак еми, зардоб касаллиги, аллергик дерматитлар шулар жумласидандир. Антибиотиклар ва бошқа оғир қолдирувчи дориларни ҳар доим ва меъридан кўп истеъмол қилинишида ҳам инсон организмидаги аллергиясини (касаллигини) пайдо бўлишига сабаб бўлади. Квинке шиши юзда, лабда, қовоқда, бурун атрофида, таносил аъзоларидаги тўсатдан пайдо бўлади, унинг ҳалқумда бўлиши хавфли ҳисобланади. Анафилактик шок бемор аҳволининг ёмонлашувидан бошланади, бемор тез-тез безовта бўлади, нафас олиши қийинлашади, кетма-кет йўталади, тана ҳарорати ошиши, ҳушдан кетиши ҳолларини юзага келиши қон босимининг пасайиб кетиши анафилактик шокнинг асосий белгиларидир. Бундай ҳолатда ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, беморнинг аҳволи оғирлашиб, оқибат фожеа билан тугаши мумкин.

Эшакемида терида асосан пуфакчалар пайдо бўлади, тошма тошишидан олдин терининг ўша жойи қаттиқ қичиёдиги, беморнинг иситмаси баланд бўлиши мумкин, бемор ҳолсизланади. Зардоб хасталиги аллергиясининг келиб чиқиши, беморни даволаш мақсадида зардоб ёки эмлаш муолажасидан сўнг 2-14 кун ўткич, баъзи одамларда хасталик пайдо бўлиши мумкин, бунда bemorning аҳволи оғирлашади, танасига тошмалар тошади, ҳарорати баланд бўлади, бўғинлари оғрийди, лимфа тугунчалари ва ҳалқум шиллик қаватларининг шишиши кузатилади. Аллергик дерматитлар эса терининг ўткир яллиғланишидир. Бунда тери оч қизил рангга кириб шишиди, пуфакчалар пайдо бўлади, тери қишишади, қизиб кетгандай туюлади ва ачишади.

Дори-дармонлар таъсирида шундай оғир хасталикларга қалынмаслик учун дориларни керакли пайтда фақат шифокорларнинг маслаҳати билан қабул қилиш лозим. Донишманд Луқмони ҳаким айтганидек: «Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан озод бўлади». Шунинг учун табиатнинг неъматларидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши бу оғир касалликлардан фориғ бўлади.

**Касалликни даволаш усуллари**. Қадим замонларда табиблар олма сиркасини ҳар доим ўзларининг ёнларида олиб юришган. Улар олма сиркаси билан теридаги ҳар хил тошмаларни, яраларни ювишган. Олма сиркасида 20 га яқин дармондорилар, микро-макро унсурлар ва бошқа бирикмалар мавжуд бўлиб, улар орасида «Пектин» ферменти, ошқозон-ичакда овқат ҳазм қилиш жараёнида асосий рол ўйнайди (худди олмага ўхшаб). Одамлар орасида шундай мақол бор: «Агар ҳар куни биттадан олма есангиз, унда табибга боришининг ҳожати қолмайди». Олма сиркасини тенг миқдорда сув билан аралаштириб, қора қотган нон билан 1 чой қошиқдан кунига бир маҳал ичиб турилса, инсонни семиришдан сақлаб қолади, ҳамда қондаги холестерин моддасини камайтиради. Кон айланишини яхшилайди, артериосклериоз ва гипертониянинг олдини олади. Аллергия касаллигига ишлатилса яхши натижалар беради.

Абу Али Ибн Сино аллергия касалини даволашда ялпиз қайнатмасини анжир билан бирга аралаштириб истеъмол қилишни буюрган, бу аралашма кучли таъсир этади (айниқса тоф ялпизи ишлатилса).

Қайнатиб пиширилган шолғомни аллергия бошланиш пайтида доим истеъмол қилиб турилса касалга даво бўлиб ижобий натижада беради.

Аллергия хасталиги терида пуфакчалар пайдо бўлса ва қичиса, қизарса, исириқни қайнатиб сувига чўмилиш тавсия этилади 1-расм, бунинг учун исириқни меваси билан бандини майдалаб қайнаб турган сувга солинади ва 2-3 дақиқа қайнатилади, шу қайнатма билан чўмилтирилади. Ибн Сино теридаги тошмаларга узум сиркасини ишлатган, сирканинг ўзини терига суртиб турган ва айтган: «Сиркадан қичима, қўтиру, тошмаю, сепкилга суркалса, боғланса йўқотар буткул».

Дори аллергиясида энг шифобахш хусусиятга эга бўлган қимиз (бия сути). Қимизнинг шифобахшлиги ҳақида тарихий манбаларда ҳам талайгина маълумотлар бор. Антибиотикларни узоқ муддат истеъмол қилиш баъзан модда алмашувини бузади, чунки антибиотиклар ичакларда «В» группасига кирувчи дармондориларни

ҳосил қилювчи микробларни ўлдиради. Қимиз эса шундай дармондориларга бой. Ҳар куни ов-қатланишдан олдин 1-2 стакан қимиз истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

Абу Али Ибн Сино организм бошқа бир ташки муҳитдан таъсиirlаниб ҳасталанганда, доим истеъмол қилиб туриш учун чаккани (сузмани) буюрган. Инсон организмига энг керак бўлган, ўнлаб турдаги оқисиллар ва дармондорилар факат чаккада (сузмада) мавжуд. Ҳалқимиз чакка (сузма)ни курт, айрон, ёвғон хўрда ва бошқа хил таомлар сифатида истеъмол қиласланлар ва шу туфайли касал бўлмаганлар, ўзлари соғлом, ранглари тиниқ бўлган.

Аллергия билан оғриш бу радиация таъсирига организм қаршилигининг сусайиши ва бошқа шу каби ҳасталикларга чалиниш танада кальций моддасининг етишмаслиги оқибатида содир бўлиши мумкин. Шундай ҳолларда кальций моддасига бой бўлган, тухум пўчоги ёрдам бериши мумкин, ҳатто тухум пўчоги радионуклеидларни танадан чиқарувчи, ғоятда фойдали восита ҳам ҳисобланади. Ундан радиация билан заарланган жойларда самарали фойдаланиш мумкин. Унинг таркибида организм учун керакли бўлган барча микроэлементлар, шу жумладан мис, фтор, темир, фосфор, олтингугурт, кремний ва бошқа ҳаммаси бўлиб 27 элемент мавжуд. Ҳар куни тухум пўчогини ҳовончада янчидан ёшга қараб 1,5 г дан 3 г гача танаввул қилиш тавсия этилади.

Нафас йўллари шамоллаганда аллергия, бронхит, ларингит ва бошқа шу каби касалликларда, энг фойдали даволаш усули — буғ билан ингаляция қилишдир. Яқинда Америка «СТИМ» қулай, ихчам ингалятор ишлаб чиқарди. Унга ҳаммаси бўлиб 50 г сув кетади ва бу сув электр токи ёрдамида иситилади. Курилмага маҳсус панжара ўрнатилган бўлиб у иситилган сувнинг буғ оқимини тартибга солишга ёрдам беради. Ингаляторни оғзи, тузилиши юмшоқ ва шаффоф пластмасадан ясалгани сабабли чиқаётган бугни ҳаво билан аралаштириб, табиий нафас олишни таъминлайди. Унга солинган сув ярим соат ингаляция қилишга етади. Сувга ялпиз, тограйҳон ва бошқа доривор ўсимликларни кўшиш мумкин.

Ҳинд ноанъанавий табобатида яна бир усул, ҳинд табиби Тҳакор томонидан қўлланилиб келётган усули бўлиб, бу инсоннинг ўз пешобини ичириб даволаш ҳам маълум даражада самарали натижада берган. Тҳакорнинг китоблари ҳорижий мамлакатларда нашр этилиб, унда баён этилган кўпгина даволаш усуllibарининг аниқланганлиги маълум бўлмоқда. Аллергия дардига чалинган кишиларга ўз пешобини ёки соғлом қора молнинг пешобидан ичиш тавсия этилган.

Ичиш меъёри катталарга 60-100 г дан, 10 ёшгача бўлган болаларга 20-50 г дан кунига икки маҳал овқатдан 30 дақиқа аввал ичиш тавсия этилади.

### Биласизми:

*Қадимий рубоийлардан.  
Йиллабу ҳафталаб ҳоҳ эртаю кеч,  
Уйингиздан ўн нарса аримасин ҳеч.  
Қатиғу, ҳоҳ гўшту, дўмба ёғ, ҳасин,  
Асалу, нон, мева, сариёғ, шиннию, гуруч.*

### **АСТМА (Нафас қисиши)**

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.**Хозирда астма касаллигининг жуда кўп турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган бўлиб, табобатда бу касалликка қарши курашишнинг асосий ва самарали воситаларини ишлаб чиқишига харакат қилинмоқда.

Кўпинча ўпка нафас йўллари бронхларининг яллиғланиши натижасида нафас сикқилиши пайдо бўлади (астма касали келиб чиқади). Бу касалликнинг келиб чиқишига бир қанча омиллар сабаб бўлиши мумкин. Кузатишларга қараганда биринчидан «аллерген» деб аталувчи ёт моддаларнинг ёки кимёвий газларнинг организмга таъсири ҳам астма касаллигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари кўп сигарет чекувчи кашандаларда ҳам астма касаллигининг кўп учраши аниқланган. Турли хил чанг зарралари, газларнинг иси ҳамда бугсимон заррачаларнинг чукур нафас йўлларига ўтиб организмга, айниқса нафас йўллари фаолиятига салбий таъсири ҳам касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Айрим тадқиқодчиларнинг фикрича астма касаллигининг келиб чиқиш сабабларидан бири, бу яшаб турган жой ҳавоси-икклими узоқ вақт давомида киши организмига мослашмаганилиги ва табиатига тўғри келмаслигидан, нафас йўллари яллиғланиб, ўлкада ва бошқа аъзоларда, балғамга ўхшашиб ҳилтлар йигилиб нафас йўлларини беркитиб қўйиши ва шу туфайли ҳаво етишмаслиги оқибатида нафас сикқилишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолни яхши билган бемор, ҳаво-иклимини узоқ-узоқ жойларга бориб ўзгартира олса, 1-3 кундаёқ касалликдан фориғ бўлиб, натижа самарали бўлиши мумкин.

Болгаријалик тадқиқодчи Ванганинг фикрича, астма касаллигини келиб чиқиши сабаби Киши терлаб чарчаган пайтда совуқ сув ичиб құяды деган. Бронхиал астма касаллигига чалинган беморнинг вақти-вақти билан нафаси сиқилади, ҳаво олиши қийинлашиб, бүғилади. Бу касалликнинг асосий белгилари тез-тез нафас олиш, ҳансираш, тер босиб нафас етишмаслиги, безовтланиш, баъзан эса ҳуруж ўта қаттиқ бўлганида лаблар йа тирноқлар кўкариши кузатилади, юрак уриши тезлашади. Кўпинча астма ҳуружи бошланишидан аввал йўтал, бурун ва томоқнинг қаттиқ қичиши ва ачиши, ҳолдан тойиш белгилари сезилади. Ҳуруж мобайнида оз микдорда оқ кўпик ёки сарғиши балғам тушгач бемор енгил торгади. Бемор ўта оғир аҳволга тушиб қолмаслиги учун даво чораларини касаллик аломатлари сезила бошлиши биланоқ, қўллай бошлиши мақсадга мувофиқдир.

*Шу борада, Абу Али Ибн Сино:*

*Агар балғам танда айласа ватан,  
Уни кучайтирма, у ҳавфли душман.  
Балғамки бадандা иморат қилур,  
Танангни емурур ва горат қилур. — дейди.*

**Касалликини даволаш үсуллари**. Астма касалини даволаш учун бемор ўзини касалини билган ҳолда, врачлар кўрсатмасига биноан, ҳар хил нарсаларни қабул қиласвермасдан, даволовчи врач билан маслаҳатлашиб, шу китобда ёзилган шифобахш неъматлардан бирини олиб, мижозига қараб, ўз танасига мос келган ҳолда танлаб ихлос билан даволанса мақсадга мувофиқ бўлади ва яхши натижаларга эришади. Астма касалига даво сифатида, куйидаги шифобахш неъматларнинг алоҳида-алоҳида таъсири ва уларнинг ишлатиш услубларини келтирамиз.

**Пиёз (Лук репчатый)**. Тухумдан каттароқ битта ёки иккита пиёзни тозалаб, қирғичнинг катта тәщікчаларидан ўтказиб ёки пичноқда тўғраб бир косага солинади, дарҳол коса атрофи сочиқ билан ўралади, ўргаси очиқ бўлиши керак, ана шу очиқ жойига бурун билан оғизни кўйиб 5 дақиқа бурун билан, 5 дақиқа оғиз билан чукур-чукур нафас олиш керак бўлади. Нафас олганда бурун билан олиб оғиз билан нафас чиқариш керак. Пиёз бурунданги, бронхдаги яллиғланишини секин-секин йўқотади, тез-тез шамоллашнинг олди олинади ва ўша заҳотиёқ нафас олиш бир мунча яхшиланади. Бу муолажани касаллик оғир бўлса биринчи 10 кунда уч маҳал овқатдан олдин, иккинчи 10 кунликда кунига икки маҳалдан, эрга билан наҳорда ва кечкурун бажарилади. Иккинчи ойдан бошлаб ҳар куни бир маротабадан шу үсулни қўлланиб турйлса, ўтканнинг юқори нафас қисмлари, бронхлар яллиғланиши йўқолиб нафас олиш анча яхшиланади.

Болгаријалык башоратчи Ванга астмани қүйидагица даволашни тавсия этади: 40 бош ўртача пиёз олиниб тозалаб, устидан пиёзлар чўқалиган қилиб сув қўйилади, бир оздан сўнг улар хўллангандан кейин олиниб устига 0,5 литр Чаканда мойи (Облепиховое масло) солинади ва эзилади. Эзилган пиёзларни бемор бир ош қошиқдан кунига 2-3 маҳал овқатдан ярим соат олдин еб туради.

**Саримсоқ (Чеснок).** Умуман ўпка касаллида, тез-тез шамоллайдиган айниңса қиши фаслида ўпка касалидан қийналаётган беморларга, саримсоқнинг 2 бўлакчаси эзгичда эзилади, бир ош қошиқ олма сиркаси ёки бир дона олмани майда қилиб кесиб эзиб қўшилади ва ярим чой қошиқ асал билан аралашибтириб, ундан ҳар куни янги янги таёrlаб 3-4 маҳал бир-икки ош қошиқдан ичиб турилса, нафас олиш осонлашади. Ундан ташқари тез-тез шамолламаслик учун, куз бошланишидан бошлаб қиши билан то кўкламгача саримсоқни ҳар куни 2-3 маҳал истеъмол қилиб турилса шамоллашнинг олди олинади. Яна бошқа усул: 1 кг қуруқ ўргача катталикдаги саримсоқ олинади, пичноқ билан тозалаб, майдалаб уч литрли банкага солинади, устидан бир литр ароқ қўйилади, банка оғзини капрон қопқоқ билан 15-30 кунга ёпиб қўйилади. Шу қоришмадан бир чой қошиқ олиб, қайнатилган бир стакан сутга солиб аралашибтириб, овқатдан 15-20 дақиқа олдин ичилади, кунига уч марта. Бу аралашмани октябрь ойидан бошлаб, то май ойигача ичиб турилади. Ёз ойиларида танаффус қилинади. Ушбу қоришманинг дориворлиги шундаки, танадаги ортиқча зарарли чўкмалар тозаланади. Тез-тез шамоллаш бора-бора қолади, ўпка сикилиши яхшиланади, инфаркт миокарднинг олди олинади, кўзнинг кўриш қобилияти яхшиланади, турли шишларнинг пайдо бўлишига имкон берилмайди, инсон ёшаргандай бўлиб, яхши эшитиб, яхши кўради.

**Бехи (Айва).** Бехи меваси қадим замонлардан бери шифобахш мева сифатида маълум бўлган ва унинг бир қатор ижобий ҳусусиятлари ҳақида, турли хил маънбаларда яхшигина фикрлар баён этилган. Абу Али Ибн Сино томонидан ҳам бехи астма касалитини даволашда муваффақиятли кўлланган. Бехи уругининг бир қошиғидан тайёрланган маҳсус дамлама балғам кўчиришда ва енгил нафас олишга яхши ёрдам беради. Бехи мевасининг уругини олиб ташлаб, ичига думба ва асал солиниб, қопқоғи ёпилиб, қоғоз пакетга солиниб газ духовкасида паст оловда 25-30 дақиқа пиширилади. Тайёр бехи иссиқлигига истеъмол қилинади, ажralиб чиққан ширасини ҳам ичиш зарур, истеъмолдан кейин чуқур нафас олиш керак, балғамлар пишиб кўчиши осонлашади. Муолажани 10 кун такрорлаш лозим.

Абу Али Ибн Сино инсон танасидан балғамни йўқотиши учун фойдаланиши мумкин бўлган куйидаги малахатниелтиради: «Ҳар куни нонуштада йигирма бир донадан майиз еб турилса, танадан балғамни тезда даф қилишини унугтма». Ва яна: «Агар турпни қайнатиб асал билан кўшиб еб турилса, оғиздан сув келишини йўқотади, ҳамда балғамни кетказади.

Балғамни кўчириш воситаларидан яна бири 2-расм *анжир* (*инжир*) ҳисобланади. Абу Али Ибн Сино тавсиясига биноан анжир мевасини сут билан кўшиб қайнатиб ичилса, у балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи воситадир. Анжир мевасининг қоқисидан тайёрланган дамлама, оғир йўтални қолдирувчи восита сифатида тавсия этилади. Дамламадан овқатдан олдин кунига 4-5 маҳал бир пиёладан камида уч кун ичиш тавсия этилади. Қадимий рисолаларда:

*«Гар нафас сиқса кишида ўрнидан тургач наҳор,  
Яхши ҳидди нарсаларни айласин ўзига ёр» — дейилади.*

**Ўрик (Урюк).** 3-расм. Ўрик меваси ва данаги, таркибида, жуда кўп фойдали моддалар, дамондорилар борлиги аниқланган. Ундан ташқари каротин моддаси, органик кислоталар, эфир мойлари, темир, мис, маргенец, кальций, магний микроэлементларининг кўплиги унинг шифобахшилигини оширади. Ўрик уруғининг дамламаси нафас йўлларининг яллиғланишида даво сифатида ишлатилган. Ўрик уруғини куритиб ҳавончада янчиб ун шакпида ярим чой қошиқ микдорида 4-5, ҳаттоқи 6-8 маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади. Ўрик туршагини ҳам мунтазам равишда қайнатиб ичип туриш, айниқса қиши фаслида беморлар учун фойдали ҳисобланади.

**Бодом (Мидаль).** 4-Расм. Бодомнинг аччиқ ва чучук турлари мавжуд. Абу Али Ибн Сино аччиқ бодомнинг уруғи ва мойини йўталда, астмада, ўпка силида қон тупиришда ишлатган. Ишлатиш учун, аччиқ бодом уруғидан ой жувозда ёки бошқа усул билан сиқиб ёғи олинади ва шу ёғидан бир чой қошиқдан кунига 3-4 маҳал овқатдан ярим соат олдин ичиб турилади. Мойини олишнинг иложи бўлмаганда, аччиқ бодомнинг данагини уруғи билан олиб ҳовончада янчиб, майдалаб ярим литр қайнаб турган сувга икки ош қошиқ солиб бир неча соат дамлаб қўйилади, дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин ярим пиёладан ичиб турилади.

**Карам (Капуста).** Оддий бўлшига қарамай бу ўсимлика ҳам турли хил шифобахш дармондорилар (A, B, C, D)нинг кўплиги бизга маълум. Муолажалардан маълум бўлишича қарам суви таъсирида инсон териси ва мускуллари сувга тушган нондек бўкар ва бўш бўлиб қолар экан. Қарамнинг сиқиб олинган ширасига маълум миқдорда кунжут мойи кўшиб аралашма тайёрланса ва у билан томоқ чайилса нафас олиш енгиллашади ва бўғилиб қолган овоз очилади.

**Кунжут (Кунжут индийский).** 5-расм. Узоқ йиллардан бери озиқ-овқат саноатида, ҳамда турли қасалликларни даволаща қўлланилиб келинган. Абу Али Ибн Сино кунжут уруги ва мойи тенг миқдорда аралаштириб, 10 кун давомида астма қасаллигида кунига уч маҳал бир чой қошиқ миқдорида овқатдан ярим соат олдин ичиб туришни тавсия этган.

**Чилонжийда (Унаби обикновенный).** 6-расм. Унинг меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, кўп миқдорда «С» дармондориси, ошловчи моддалар бор. Абу Али Ибн Сино ва ҳалқ табобатчилари чилонжийда мевасидан тайёрланган дамламани кўкрак оғриганда, балғам кўчирувчи, ўпка тонасини кўтарувчи ва бошқа ичак қасалликларида ишлатишган. Чилонжийда мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуолиб устига 20 г майдаланган мевадан солиб бир соат дамлаб қўйилади. Дамламадан кунига уч маҳал оч қоринга 2 ош қошиқдан ичилади.

**Соҳта қаштан (Коский қаштан).** 7-расм. Манзарали дарахт сифатида ўстирилади, гуллари оқ ёки оқ-пушти рангли, шохлари учида тик жойлашган, шингилга тўплантган. меваси думалоқ, тиконли пўст билан қопланган. Ўсимлик гули, новда пўстлоги ва меваси йигиб куритилади. Пўстлоги таркибида сапонин, эксулин, фраксин, ёғ ва бошқа моддалар бор, гулида бутин, пектин моддалар, уруғида крахмал, сапонин, ёғ ва бошқа биркмалар мавжуд. Ҳалқ табобатида соҳта қаштан пўстлогидан тайёрланган қайнатма бронхит, астма ва шамоллаш оқибатида келиб чиқсан бод ва бошқа қасалликларда тавсия этилади. Пўстлогидан дамлама тайёрлаш учун идишга икки стакан қайнатиб совутилган сув қуйиб, устига майдаланган пўстлогдан бир чой қошиқ солинади ва 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, дамламадан кунига 4 маҳал чорак стакандан 10 кун ичиб турилади.

*Кўка (Матъ-Мачеха).* 8-расм. Тоғ бағрида ўсади. Бўйи 5-25 см. гача етади. Илдизпоясидан гул ҳосил қилуви бир неча шохламаган поялар ўсиб чиқади, гули сариқ тилла ранг. Таркибида аччиқ глукозидлар, сапонинлар, каротин, «С» дармондори, эфир мойи, органик кислоталар ва бошқа моддалар бор. Абу Али Ибн Сино кўка ўсимлигининг баргини гули билан кўкрак оғриганда, нафас олиш қийинлашганда, нафас йўллари яллиланганда ва йўталда балғам кўчирувчи дори сифатида дамлама қилиб беморга ичирган ва бемор шифо топган. Булардан ташқари, баргини туйиб нафас қисиш, ҳансираш ва нафас олиш қийинлашганда ўраб чекиши буюрган. Баргдан ва гулидан дамлама тайёрлаш учун, бир литр қайнаб турган сувга қутилган ва майдалангандан барг ва гулидан 20 г солиб дамланади, сўнгра докадан сузиб кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади. Болгаријлик бащоратчи Ванга болаларда астма касали бўлса, кўка баргини 40 тасини олиб, ярим литр қайнаган сувда бир неча дақиқа қолдириб, кейин шу баргларни болаларнинг кўкрагига кўшишни буюрган яна буюрганки ҳар куни бир бош пиёзни тозалаб, ўрта ўзагини сикқиб чиқариб ичига бир чой қошиқ шакар солиб озгина тургандан кейин болаларга касалликдан тузалгунча еб туришни буюрган.

*Мўмиё (Мумия).* Қадим замонлардан бери ҳалқ табобатида жуда кўп касалликларга қарши даво сифатида ишлатилиб келинган. Лекин кўпчиллик одамлар мўмиё тўғрисида ҳеч нарса билмаганлар. Баъзилар эса мўмиё фақат суюк сингандан ишлатилади холос деб ўйлайдилар. Мўмиё табиатнинг улкан қашфиёти, у даво ҳусусиятлари кўлами жуда кенг бўлган табиий антибиотик ҳисобланади. Мўмиё организмда касалликни ўзи топиб олади ва касалликка шифо бўлади, чунки мўмиё таркибида 28 та кимёвий элемент, аминокислота, бир қатор дармондорилар, эфир мойлари, асалари заҳари, смолосимон моддалар бўлиб у юздан ортиқ касалликларга даводир. Абу Али Ибн Сино ўз асарларида: «Мўмиёнинг даво ҳусусиятлари жуда кенг, яхши мўмиё кўлда бироз эзилса тез юмшайди, ёмони қаттиқлигича қолаверади» — дейди. Мўмиёни астма касалида, қон туфлашда кунига 02-05 граммдан икки маҳал ичилади.

*Себарға (Клевер ползучий).* 9-расм. Ариқ бўйларида, адларда нам жойларда ўсади бедага ўхшаб кетади, гуллари пушти ёки қизил рангли бўлиб бошчага тўпланган. Ўсимлик гулидан дамлама тайёрлаш учун гулидан бир чой қошиқ олиб, бир стакан қайнаб турган сувга солинади бироз тургач, докадан сузиб, кунига 2-3 маҳал ярим пиёладан ичилса, бадандаги балғам тез ва яхши кўчади.

**Мурч-марямми ёки ёввойи мурч (Перец черный).** 10-расм. Халқ табобатида шамоллаш оқибатида, йўтал пайдо бўлиб нафас сиқса, кўкрак оғриб касаллик бошланаётганда, терлатувчи ва пешоб ҳайдовчи сифатида мурч кўлланилган. Абу Али ибн Синонинг ёзишича мурчда тортиш, шимдириш ва тозалаш қуввати бор. Мурч йўталга, кўкрак оғриғларига фойда қиласди. Агар асал билан қўшиб тантгайга суртилса, ўпкани тозалайди ва томоқ оғриғига фойда қиласди. Астма касалида бир чойнакка 10-15 дона мурч ва 2 чой қошиқ асал солиб устидан шифобахш ўсимлиқдан ёки қора чойдан озгина солиб сочиққа ўраб дамлаб кўйилади, 10-15 дақиқадан сўнг ичилади ёки асалсиз мурчни ўзини дамлаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Астма касалини даволашда, халқ табобатида бошқа шифобахш ўсимликлардан сариқ халилали чойни, арпабодиёнили чойни мурчга қўшиб юқоридаги усулда ичиш буорилган ва яхши натижаларга эришилган.

**Ялпиз (Мята полевая).** 11-расм. *Тоғ чой, чой ўт (Зверобой)* 12-расм. Агар йўтал оқибатида ўпкадан қон аралаш кўпик ёки балғам кўчганда, ялпиз ва чой ўтидан, қон тўхтатувчи, балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи сифатида фойдаланилган. Қайнатма тайёрлаш учун ялпиз ва чой ўтнинг устки қисмидан тенг микдорда аралаштириб, шундан бир ош қошиқда олиб бир стакан қайнаб турган сувга солиб 5 дақиқа қайнатилади, кейин докада сузиб овқатдан 20 дақиқа олдин 1-2 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичиб турилади.

**Ковар-ковул (Каперцы колючие).** 13-расм. Ариқ бўйларида, поезд йўлларида, девор тагида, адирларда ўсади. Бўйи 2-3 метргача етади, тиконли, барги юмалоқ, гуллари оқ барг қўлтигига жойлашган. Гули ва барги таркибида «С» дормондори, рутин, стахидрин ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино ковул гули ва баргидан олинган дамламадан астма касалида, нафас қисишида 2 ош қошиқдан кунига уч маҳалдан ичирган.

**Бўйимодарон (Тысячелистник Обыкновенный).** 15-расм. Бу ўсимлик кўпроқ қир, адир, тоғ ён бағларида ўсади. Ўсимликнинг икки тури учрайди. Биринчиси бўйи 20-60 см. гача етадиган хушбўй ўт ўсимлик, пояси бир нечта тик ўсуви юқори қисми шохлаган, барги поядга кетма-кет жойлашган, гуллари оқиши саватчага тўплланган. Иккинчиси бошогриқ ўти бўйи 15-80 см. гача, ўзига хос хушбўй ҳидли ўт ўсимлик. Пояси бир нечта тик ўсуви шохланмаган, барги поядга кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ саватчага тўплланган.

Бўйимодарон таркибида эфир мойи, «Е» ва «С» дармондорилари, кяротин, камфора ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино бошоғриқ ўтнинг ер устки қисмидан, айниқса гулидан дамлама тайёрлаб нафас олиш қўйинлашгандан ичишни буюрган. Дамлама таёrlащ учун бирор оғзи ёпиладиган илишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг ер устки қисмидан ёки гулидан бир ош қошиқ солинади ва бир соат дамланади, сўнгра докада сузилиб кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.

**Қимиз (Кумиз).** Бия суги қимизнинг шифобаҳшлиги азалдан маълум. Қимиз таркибида ўта фойдали ва осон ўзлаштириладиган оқсил бор, бир литр от сугида 20 г гача оқсил мөддаси, 0,5-2,5 фоизгача спирт бўлади. Қимиз организмга жуда тез сингади, натижада мөдда алмашинуви яхшиланади. Астма касалида бемор ёз кунлари 2-3 ой мобайнида, ҳар куни овқатланишдан олдин 1-2 стакан қимиз истеъмол қилиб турилса яхши шифо топади.

### Биласизми:

*Ҳар киши анжир танаевул айласа кун-тун мудом,  
Кўксидан балғамни ҳайдаб, бартараф қилгай тамом.*

### Яна ибн Сино сабоқларида шундай дейилади:

*Мурчни майиз билан тенг миқдорда  
Кўшиб чайнаб юрса киши,  
Ёнишқоқ балғамни кўчириб танда,  
Қолмас ундағаму ташвиши.*

## АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликнинг келиб чикиш сабаблари** Инсон организмидаги кўплаб учрайдиган касалликларнинг бир қатор турлари асаб системасининг иш фаолиятига боғлиқ. Инсон танаси чарчагандан, ўйкусизлик ҳолати рўй берганда, ҳамда асаб системасига салбий таъсиirlар ўтказилганда бир қатор касаллаклар артериосклериоз, ақл фаолиятининг ёмонлашиши, иштаҳа бузилиши, тез-тез толиқиши, шамоллаш ва бошқалар келиб чиқади. Асаби яхши одамнинг саломатлиги яхши, иродаси кучли киши деб айтишади. Зеро асаб ички органлар фаолиятига катта таъсиир кўрсатади. Маълумки, бош мия фаолияти ички органларга таъсиир этиб туради. Айниқса изтироб чеккан, ғамгин кишилар доимо юрак безовталанишидан, юрак атрофидаги оғриқдан шикоят қилишади.

Бир оғиз ноўрин сўз асаби сезгир кишиларга тез таъсир этиб, одам ўзини дарҳол ёмон сеза бошлайди, юраги безовта бўлибгина қолмай, оёқ-кўллари бўшашади, ичи титраб кетади. Шу билан бирга, ички органлар фаолияти бузилади, қонда қанд микдори ошиб кетади, оғиз курийди, дармонсизлик ва шунга ўхшаш бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Асабни сақлаш борасида Жалолиддин Румий шундай деган: — «Бир оғиз сўз билан, ҳам бўғиш, ҳам тўзиш мумкин. Кудратингдан айланай сўз! Яна айтгангки: — «Табассум чеҳрага улутворлик беради, дилни равшан қиласи, қалбга ором бағишлиди. Табассум кўнгилларни яшнатувчи кучдир». Шуни унутмаслик керакки, киши ташқи муҳитдаги ёмон таъсирга қанчалик сезгир бўлса, организмнинг юқумли касалликларга нисбатан чидами шунчалик пасайиб кетади. Натижада киши ҳар хил касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолади. Баъзан оғир стресс, об-ҳаво, күёш нури, иссиқлик, совуқлик ҳар хил ранглар шовқин-сурон, музика ва ҳоказо. Улар инсон асабига салбий таъсир этади. Бу ҳолат икки ҳафта, айрим кишиларда эса бир ойдан кейингина тикланади. Баҳорги толиқиши ёки мадорсизлик организмда органик моддалар етишмаслиги оқибати бўлиши мумкин.

**Касалликни даволаш услублари.** Руҳий соғломлаштиришга Жалолиддин Румий, Фаробий, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар алоҳида эътибор беришган. Жалолиддин Румий: «Ҳар фамнинг охирида бир шодлик, ҳар йигининг охирида бир ҳанда бор» — деган. Ибн Сино музиканинг даволаш ҳусусиятларини ўзининг кўп асарларида ёритиб ўтган. Масалан яхши машқдан ташқари кўшиқ айтиш соғлиқни юқори даражада ушлашилди, деган. Қадим замонларда Хоразм табиблари ўлим тўшагида ётган беморларни сурнай, ноғора, доира овозлари ёрдамида тетиклаштиришга ҳаракат қилганлари ёзиб қолдирилган. Факат унда қандай музика чалинганилиги ёзилмаган. Ҳозирги вақтда психиатрлар, психотерапевтларнинг кўлчилиги турли таъсирчан музика оҳангларидан фойдаланаётирлар. Оғир руҳий сиқилишдан даволанаётган кишиларга, ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган ранглар мавжуд. Жумладан юрак фаолияти бузилган беморлар кўк рангли ҳандориларни яхши қабул қиласидар, чунки бу ранг уларнинг хотиржамтигини таъминлайди. Аксинча тўқ сариқ ёки қизил рангли дори-дармонлар уларни толиқтириши ва асабларини қўзғатиши мумкин ва ҳоказо. Маълумотларга қараганда, уйқусизлик, иш қобилятигининг пасайиши, тинка қуриши ва толиқиши каби ноҳуш вазиятларда, ҳаммомдан фойдаланиш ижобий самара беради.

Ҳаммом қабул қылған кишининг марказий асаб аъзолари фаолияти яхшила нади, ҳар тарафла мағарифни чиниқтиради, асабни мустаҳкамлайди. Шуборада Абдураҳмон Жомий: «Ҳаммомда бошингдан кўйсанг совуқ сув. Танантга касаллик ёпишгуси дув». Яна бири «Табиат доимо ҳақиқатгўй, шунга кўра унга қарши бориб бўлмайди» деган.

**Исмалоқ (Чўчқатикан).** 15-расм. Бу ўсимликнинг барглари, уруғи ва илдизи шифобахш ҳисобланади. Исмалоқ баргининг қайнатмаси асаб системаси бузилганда тинчлантирувчи восита сифатида ичиб турилади. Қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ микдорида барг уқаланмаси олиниб, 200 грамм сувда 10 дақиқа қайнатилади, кейин 1 соат давомида тиндириб кўйилади. Сўнг докада сузуб шарбатидан ярим пиёладан кунига 3 маҳал ичиб турилади.

**Лимонўт (Мелиса лекарственная).** 16-расм. Ўлкамизда ўсуви юзлаб ҳосиятли гиёҳлар орасида бу ўсимликнинг шифобахш хусусиятлари айниқса асабни тинчлантириб, юрак ўйноғига хотима беради, иштаҳани очади. Айни баҳор дамлари лимонўтнинг мурғак кўкатларидан ва бошқа кўкатларни аралашибириб, кўкатли чучвара, кўк сомса тайёрлаб истъемол қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булардан ташқари ундан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан ёки майдаланган баргидан 8 чой қошиқ солиб 4 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилиб, кунига 4 маҳал ичиб турилади.

**Бангидевона (Дурман обыкновенный).** 17-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида учрайди. Бўйи 100-120 см. гача етадиган ҳидли ўсимлик. Гули оқ, меваси чаноқ тиконлар билан қопланган. Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли. Ўсимликнинг барги асаб касалликларида тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Ўсимликнинг баргини ўраб чекилади ёки ҳидланади.

**Бўтакўз (Василёк синий).** 18-расм. Бу ўсимлик ҳамма ерларда, гулзорларда ўсади. Бўйи 40-80 см. гача етади, гуллари тилсимон кўк рангда. Асаб касалликларида бўтакўз ўсимлигининг гулидан дамлама қилиб ичиш тавсия этилади. Гулидан дамлама тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ солинади ва 1 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузуб кунига уч маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичиб турилади.

Асаб системаси фаолиятини яхшилаш ва унинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_6$  каби дорилармонларга бой гўжа оши, арпа нони, кўй гўшти, пишлок, тухум, карам, балиқ, қовоқ кабиларни истъемол қилиб туриш тавсия этилади.

Асабийлашиш оқибатида юраги ўйнай бошлаган хотин киши ярим килограмм лимонни қирғичда қириб, асал билан аралаштириб эрталаб ва кечкүрун овқатдан олдин бир қошиқдан истеъмол қилиб турса шифо топади.

Қаттиқ ҳафагарчилик оқибатида бош оғриғига чалиниб қолган хотин кишига, ётар олдидан бир қошиқ шакарни сув билан ичишни, Болгариялик башоратчи Ванга тавсия этган. Ёнғоқ, майиз ва пишлокни ҳар куни истеъмол қилиб турилса, асаб толалари яхшиланади, одам чарчастан, бош оғриғидан халос бўлади, юрак мушаги мустаҳкамланади, жигар касалликлари барҳам топади.

Бир ўтиришда 30 г. ёнғоқ, 20 г. пишлок, 20 г. майиз истеъмолга етарлидир.

Асаби касал гўдакни тоғдаги салқин жойдан олинган бичанни қайнатиб шунинг сувиди чўмилтириш керак.

Асаб бодига чалинган беморга, аввал оғриған жойларига милтиқ мойи ёки қўй ёғи суртиб кейин офтобда ярим соат ётиш буюрилади.

Олма билан ичилган чой (олма-чой) аъзоларни мустаҳкамлайди, иштаҳа қўзғатади, кишини бардам қиласди, кайфиятни кўтаради.

*Карафс (Сельдерей пахучий).* Ўзбек пазандачилигида кенг ишлатиладиган кўкатлардан бири. Биз уни сельдерей деб атаемиз. Карафс аъзоларда кечувчи модда алмашуви жараённига ижобий таъсир кўрсатади, иштаҳа очади, асаб тизимларини мустаҳкамлаш ҳусусиятига эга. Неъмат таркибидағи калий одамнинг юрак-қон томир тизимларига ижобий таъсир кўрсатса, магний асабга фойдали, темир эса қон тудириувчи омил ҳисобланади. Карафс ёши улуғ кишилар аъзоларидаги туз, сув мутаносиблигини яхшилади, семиришдан ҳам асрайди.

Асаб касаллигини даволашнинг турии йўллари топилган бўлиб, шулардан бири: рус муссавири Поленов 1895 йилда ўз дўсти Левитанга асабийлашишнинг давоси, сифатида айни эриётган қордан ҳосил бўлган аzonдан тўйиб нафас олишни буюрган. Асосий дори-дармон бу тоза ҳаво, муздеккина сув, белкурак, аппа ва болталигини таъкидлаган. Жалолиддин Румий айтганки: ҳар нарсани аралаштириб еявериш ҳам касалликка олиб келади: *Қовун билан бирга емагил асал, Гар есанг албатта бўлурсан касал.* Яна айтганки: Инсоннинг моҳияти тилнинг айланмасида яширингандир, яна бир кишининг ақллими, нодонми ёки жоҳилми эканини, унинг сўзлаган сўзидан деган. Ҳар ким сабр қиласа Аллоҳ уни тезда яхши ниятларига етказади.

## АВИТОМИНОЗ – ДАРМОНДОРИЛАР (ВИТАМИНЛАР) ЕТИШМАСЛИГИ САБАЛЫ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Инсон табиат қўйнида ящайди, меҳнат қилади, ижод этади ва насл қолдиради. Гўзал табиатнинг саҳовати шунчалар кенгки, унинг марҳаматларини, инъомларини санаб ниҳоясига етиш қийин. Табиатнинг ажралмас бўлгаги бўлган наботат олами инсонни тўйдиради, кийинтиради, унга ҳарорат бағишлайди, ҳавони мусаффо қилади. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки жуда кўп наботат намуналари қайсиdir жиҳатлари билан бир бирига ўхшашиб бўлади. Инсон организми учун А, В, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub>, С, Д, РР, К, Н дармондорилари ниҳоятда зарурдир. Уларнинг таъсири инсон организми фаолиятида жуда муҳим роль ўйнайди. Агар мазкур дармондорилардан бирортаси етишмаса, инсон организмидаги турли ҳасталикларнинг келиб чиқишига шароит туғилади.

### *Ҳасталикларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни даволашда табиат незматлари*

*А* дармондориси. Агар инсон организмидаги дармондори етишмаса, кўриш қобиляти пасаядӣ, жумладан қоронфу бўлганда кўра олмай қолади ёки шабкўр бўлиб қолади. Бу дармондори кўпроқ сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсинда бўлади.

*В, В<sub>6</sub>*, дармондорилари организмда камайиб кетса, инсон кўзлари ёшланаверади, камқонлик сезила бошлайди, киши дармонсизланади, лаблари бичилиб кетадиган бўлиб қолади, лаблар устида ажинлар ҳам пайдо бўлади. Бу дармондори тухум, кўй гўшти, хамиртуриш ва пишлокда бўлади.

*B<sub>6</sub>* ва бошқа *B* груҳига кирувчи дармондориларнинг инсон организмидаги камайиши натижасида киши юраги ўйнайдиган бўлиб қолади. Бундай дармондорилар карам, сабзи, қовоқ, сузма, балиқда бўлади.

С дармондори инсон танасида камайиб кетса, унда милкларда оғриқ пайдо бўлади, бўғимлар оғриқ бошлайди, яралар тез битмайди ва киши тез ҷарчайдиган бўлиб қолади. Бундай дармондори картошка, булғор қалампири, ош кўклар, лимон, апельсинда кўп микдорда учрайди.

Дармондорисининг киши организмидагы камайиб кетиши, оқибатида уни тез-тез офтоб урадиган бўлиб қолади, соchlари ҳам тўкила бошлайди. Бу дармондори сут маҳсулотларида кўп бўлади.

К дармондориси етишмаслиги сабаб одам жигари, буйраги ва ичак ҳасталикларга чалинади. Қони яхши ивимайдиган бўлиб қолади. Бу дармондори пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, жигар ва тухумда кўп бўлади.

Н дармондорисининг инсон организмидагы камайиб кетиши оқибатида организмнинг ёғ безлари ҳасталикка чалиниб фаолиятлари бузилади, соchlар тез оқаради ва тез тўклиб кетади. Бу дармондори бўлка нон, гуручли овқатлар, жўхори гўжа ва жигарда кўп бўлади. Ёнгик, кунгабоқар, каноп ёғидан ҳар доим фойдаланиб туриш лозим.

РР дармондорисининг етишмаслиги туфайли, одам ичак, жигар, буйрак дардига тез йўликувчан бўлиб қолади. Шунинг учун карам, пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, кўкатлар истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

Бу дармондориларни тўлдириш учун юқорида айтиб ўтилган нарсалардан еб туриш лозим. Масалан одам бир суткада қанча ёғ истеъмол этиши зарур бўлса, оқсилни ҳам шунчак яъни 1:1 миқдорида олиши зарур. Бунда 50 г. ёғ, 50 г. оқсил энг кам меъёр эканлиги аниқланган. Қаймоқ энг серкувват ва тўқтутар неъмат ҳисобланади. Бинобарин 100 г қаймоқ аъзоларимизнинг суткалик қувват олишини тамиллайди. Қаймоқда ҳамма юқорида айтиб ўтилган дармондориларнинг мавжудлиги аниқланган.

Асалари муми қон алмашувини ва мушаклар қобилиятини оширади, тишни тозалайди, милкни мустахкамлайди. Мисрликлар Пертушкани мардлик гиёҳи деб таърифлашган. Қадимги Румда жангчиларга уруш олдидан петрушка беришган. Унда қатор дармондорилар билан бирга инсонга жасурлик берувчи *Анеол* мавжуд.

Йилнинг турли фаслида етарли миқдорда ноз-неъматларни исътемол этиб туриш зарур. Ўз соғлигини сақловчи киши, овқатининг асосий қисми сабзавотлардан, мевалардан ва бошқа даво бўладиган маҳсулотлардан бўлмоғи лозим. Яхши ҳазм бўладиган таомларни оз-оз ва тез-тез ейиш соғлиқ гаровидир. Ҳакимларнинг айтишларича: Эт этга, шўрва бетдир. Маъноси шуки, гўшт ейилса кишининг гўшти кўпаяди, шўрва ичганда эса, гўшт кўпаймайди юз қизаради холос. Булардан ташқари жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат билан шугилланиш, соғ ҳавода сайр қилиш ва қуёш нуридан фойдаланиш инсон саломатлиги учун зарурдир.

## АНГИНА

***Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.*** Инсон томогидаги бодомсимон безларнинг муздек сув ичиш ёки бошқа совуқ нарсаларни ейиш оқибатида, яллиғланишида нафас олиш оғирлашади, томоқдан овқат, сув ютиш қийинлашади. Ўз вақтида даволанмаса безлар шишиб, ҳаттоқи йиринглаб кетиши мумкин, нафас йўллари беркилиб, томоқ бўғилиб қолиши ҳам мумкин.

***Касаликни даволаши усуллари.*** Назматак (Шиповник). 19-расм. Ўсимликнинг меваси бодомсимон безларнинг тиқилмаларини очади, шишларга даво сифатида дамлаб ичилади.

***Маврак (Шалфей).*** 20-расм. Бодомсимон безлар яллиғланганда, шишганда маврак ўсимлигининг ер устки қисми ва гулидан тайёрланган дамлама ишлатилади. Дамламани тайёрлаш учун бир чойнакка ўсимликнинг ер устки қисми ва гулидан бир ош қошиқ солиб устига 2 стакан қайнаб турган сув куйилиб, 2 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра уни докада сузиб, оғиз чайилади, гар-ара қилинади. Бу дамламадан кунига 6-8 маротаба фойдаланилади.

***Тирноқгул (Цветки колендулы).*** 21-расм. Ўсимликнинг гулини майдалаб қуритиб, бир стакан қайнаб турган сувга бир ош қошиқ солинади, 20-30 минут дамланади, сўнгра докада сузиб, дамламадан кунига овқатдан олдин 1-2 ош қошиқдан уч маҳал ичиб туриш тавсия этилади.

***Далачой (Зверобой обыкновенный).*** 22-расм. Абу Али ибн Сино бодомсимон безларнинг оғриқларини қолдириш, яллиғланишни тўхтатиши ва шишишига таъсир кўрсатувчи восита сифатида далачой дамламасидан фойдаланган. Ўсимликнинг ер устки қисмини йиғиб олиб майдалаб, салқин жойда қуритиб, шундан 10 г қайнаб турган бир стакан сувга солинади ва 10-15 минут дамланади. Ана шу дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатдан кейин 1-2 қошиқ ичилади.

***Зигир (Лён кудряш).*** 23-расм. Зигир уруғидан тайёрланган қайнатма ангинада ижобий натижа беради. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 қошиқ майдаланган зигир уруғи солинади, устига 1,5 стакан сув қўйиб бир оз қайнатилади, сўнгра 10 дақиқа тиндириб кўйилади, кейин докадан сузиб бир идишга солиб қўйилади. Қайнатмадан кунига 3-4 маҳал 1-2 қошиқдан ичилади.

**Мұмиә (Мумия Узбекситанская).** Кадим замонлардан бери ҳалқ табобатида жуда күп касалликтарға қарши даво сифатыда күлланилиб келген. Лекин күпчилік одамлар мұмиә тұғрисида ҳеч нарса билмайдилар. Баъзилар эса мұмиә фақат сүяқ синганда ишлатилади холос деб ўйладылар. Мұмиә табиатнинг улкан кашфиети, даво хусусиятлари күлами жуда көнг табиий антибиотик ҳисобланади.

Мұмиә организмдеги касални үзи топиб олади ва шу касаллікнинг тузалишига шифо бўлади. Мұмиә таркибида 28 та кимёвий элемент, аминокислота, бир қатор дармондорилар, эфир мойлари, асал ари заҳари ва бошқа моддалар бўлиб у юздан ортиқ касаллікка даводир. Томоқ оғриғида мұмиёдан 0,2-0,5 г эрталаб ва кечкурун сут, асал билан ичиб туриш тавсия этилади.

Хитойлик башоратчилар томоқ оғриғида 30 фоизли лимон кислотани оғизга олиб ҳар соатда гар-гарға қилишни буюришган. Агар лимон кислота бўлмаса, лимонни үзини пўстидан тезлаб бўлакчаларга бўлиб, бирин кетин тил охирига томоққа яқин қилиб қўйилади, озгина ушлаб туриб, кейин ютиб юборилади.

Эрон табиблари эса томоқ оғриғини қурбақа билан даволайдилар. Даволаш услуби жуда содда ва енгил бўлиб бемор тез тузалиб кетар. Курбақа касалнинг оғзига уч сантиметр яқинликда, 10 дақиқа давомида ушлаб турилади. Шу вақт ичиде табиб бир нималарни ўқиб туради. Даволаш вақтида бемор лабларини озгина очган ҳолатда бурундан нафас олиб, ўпкадаги ҳавони аста секин қурбақага уфуриб туриши лозим. 10 дақиқа ўтгач қурбақа қўйиб юборилади, у уч-тўрт сакраб ағдарилиб гушади. Қурбақа ҳолдан кетиши, ўлиб қолиши ҳам мумкин. Аммо энг муҳими тез орада бемор тўлиқ соғайиб кетади.

Ҳалқ табобатида томоқ оғриғи касаллiği бошланishi билан тозаланган керосинни паҳтага шимдириб томоқдаги бодомсимон безларни ҳар ярим соатда бир кун артиб туриш тавсия этилган Агар касаллик ўтиб кетган бўлса, безлар йиринглаган бўлса, керосин ишлатишга йўл қўйилмасин.

### **Тиббий Шахобий айтганидек:**

Тутнинг илдизию мевасин түйсин,  
Қайнатиб сувини оғзига қўйсин.  
Гар-гарға қўлса у бир ойга мудом,  
Овози очилиб кетади тамом.

## АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликларниң келиб чиқши сабаблари.** Ҳар бир хотин ўзига керакли бўлган илму ҳунарлар бирла кўл ишларию, уй ишларини ўрганишга ва билишга тиришмоқлари лозимдир. Хотин-қизлар сиз учун энг зўр бойлик, энг зарур мартаба, энг комил фазилат бу — иффатдир! Иффатдан ўн бир фазилат пайдо бўлғанки, улар Ҳаё, сабр, даъват, назокат, қаноат, виқор, рифқ, ҳусн, вараъ, интизом, саҳо.

Ҳакимлар тариф қилдиларки — Руҳ ихтиёрий бўлган ишларнинг ҳар бирида тўгрини хатодан айирув, ёки энг тўғри ҳукмни чиқармоқдир. Одамнинг танасида бўлган ҳар бир аъзо ишлашга ва ҳаракатланишга муҳтождир. Ҳаракатланмаса хасталик-камчиликка дучор бўлади. Касал танадан — жинсий аъзодан фойдаланмоқ мумкин эмасдир. Ҳар ким касаликка чалингандан бир уста табибга кўринмоғи лозимдир. Қатъийлик сабабига олмок билан Оллоҳ таолога топширилмоқдир.

Жинсий аъзоларнинг касалланишига сабаб бўладиган нарсалар қуйидагилар: Шамоллаб қолиш, ҳар бир ишни бажармаслик, фаслга қараб кийим киймаслик, ёмон одатлардан сақланмаслик, тоза ҳаво олмаслик, яхши қувватли овқат емаслик, жинсий алоқадан кейин ювинмаслик, тинч ухламаслик ва ҳаказо. Билмоқ зарурки, жимоъ бу киши табиатнинг бўшашишидир, яъни табиатни ортиқча моддалардан халос этиш, бадани фарогатга етказишидир. Ҳусусан ҳақиқий шаҳват юз берса, жимо орқали ортиқча моддалар ранжи даф бўлиб, кишида енгиллик, осойишталик ва фарогат пайдо бўлади, томирлар қуввати мўтадил ҳолатга келади.

**Касалликларни даволаш усуллари.** Эрмон (*Польш горькая*) ёки Аччиқ-шувоқ. 24-расм. У асосан тўқайзорларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, тепаликларда ўсади. Бўйи 50-100 см. гача етади. Пояси қиррали юқори қисми шохланган, ранги кумиш рангда. Гуллари майда сариқ саватчага тўпланган бўлади. Абу Али ибн Сино эрмоннинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламадан аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтирувчи дори сифатида фойдаланган. Эрмон ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига куритилган ва майдалантган ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб дамланади. Сўнгра докада сузуб, кунига 3 маҳал овқатдан яrim соат олдин чорак стакандан ичилади.

*Карафс (Сельдеері пахучий).* Күп йиллик бүйі 50 см. Гана етадиган ўт-ұсимлік. Пояси ичи ковак, барглари узун баңдлы, гуллари майда оқ рангда, ұсимлікнинг илдизи ва барги йигилиб, дамлама тайёрланади ва қийинлик билан кечадиган ҳайз қўришда қўлланилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1,5 стакан қайнаб турган сув солиб, устига бир ош қошиқ барг ва илдиздан солиб 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузуб кунига овқатдан олдин бир ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади.

*Атала (Затехуха)* Тогорачага 0,5 кг. ун солиб совуқ сув қуйиб, қаймоқдай қилиб аталайсиз. Аталаш вақтида тугунчалар ҳосил бўлмаслигига эътибор беринг. Қозонга бир стакан қўй-ёғи ёки сарёғ солиб қиздирасиз ва 2-3 бош пиёз солиб қовурасиз. Сўнг бир стакан сув қуйиб қайнатиб унни қуйиб капкир билан тез-тез ковлаб пиширинг, акс ҳолда таом қозонга ёпишиб қуйинди ҳиди келиши мумкин. Қўй-ёғида пиширсангиз жizzасини олмайсиз. Сарёғда пиширсангиз унни илгари аталаб олмасдан пиёз билан ёғда қовуриб, сўнг сув қуйиб пиширсангиз ҳам бўлади. Бу таом аёлларда ҳайз тўхтаган вақтда шифо берувчи дори сифатида ичилади ва эндигина кўзи ёриган аёлларга берилади.

Агар аёл кишининг андоми шишган бўлса, Гулирайҳонни янчиб суртса, шиш тез қайтади.

Агар андоми суст бўлса, гўшт билан шакарни хал қилиб еса андоми кавий (кучли) бўлгай. Ва ундан кейин ҳам иложи бўлмаса, унда қизил гул, ясмиқни зафаронни жамъ қилиб суртса дарҳол шифо топгай.

Агар мазлуманинг ичиди боласи ўлган бўлса, итнинг сутини қайнатиб ичирса ўлган боласи дарҳол тушади.

Агар мазлума кишининг йўлдоши тушмаса, унда дарҳол отнинг туёғини тутатиб дудига бироз ўтирса йўлдош тезда тушади. Туғиши осон бўлиши учун хўқизнинг тезагини дуд қиласа осон бўлади.

(Киз бола норасида бўлгач, уни сизламоқ Худога хуш ёқади.)

## АРИ ЧАҚҚАНДА

Ари ва шунга ўхшаш заҳарли ҳашоратлар чаққандада табиатнинг қуйидаги неъматларидан фойдаланиш мумкин.

*Гулҳайри (Алтея лекарственная).* 25-расм. Бу ұсимлікнинг уругини эзib, сув қўшилган сирка билан аралаштириб ари чаққан жойга суртилса шишини қайтариб оғриқни қолдиради. Абу Али ибн Сино петрушкадан эзib олинган шарбатни, ари чаққан жойга суртиб яхши натижалар олган.

Абу Райхон Беруний ёзишича, Абул Ҳасан ат Турунжий бошқа ўсимлик *Зираи кармона* (*Айевон столовый*)ни ишлатган. Бу ўсимлик Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида ва боғларида ўсади. Бўйи 30-60 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, гуллари майда оқ, ёки оч бинафша рангда. Барги икки ёки уч марта ажралган, қини билан поядга кетма-кет жойлашган. Меваси қўшалоқ писта. Ўсимлик мевасини узум виносида дамлаб ари чаққан жойга суртилган.

**Отқулоқ (Шавель конский).** 26-Расм. Абу Али ибн Сино отқулоқнинг баргларини яхшилаб эзib янгилича ари чаққан жойга суртган, баргининг шираси ари заҳарини сўради, оғриқни қолдиради, шишнинг олдини олади.

## БАРМОҚЛАРДАГИ НУҚТАЛАР ХИКМАТИ

Соғлиғингиз бармоқларингизда. Абу Али ибн Синонинг ёзишларига қарагандо, инсон ички аъзоларининг ойнаси бу кафт ва оёқ ости экан. Қадимги табиблар кафт ва оёқ ости чизикларига қараб, одам ички аъзоларидаги хасталикларни даволаганлар. Шиацу усули билан даволовчи япон мутахассислари, кўл панжалари, ички аъзолар ва асосан боц мия билан маҳкам bogланганligini исботлаб беришган.

Масалан юракнинг турли касалликлари билан қийналаётган кишиларнинг жимжилоги доимо кучсиз бўлади, баъзан унинг букилиши ёки ёзилиши қийинлашиб қоладиган пайтлар ҳам маълум. Аксинча, жимжилогини машқ қилдириб туриш юрак фаолиятини яхшилайди. Япон шифокорларининг фикрича бошқа бармоқлар фаолияти ҳам муҳим. Чунончи номсиз бармоқни бакувват қилиш жигар фаолиятини яхшилайди. Ўрта бармоқ эса юқори қон босимини туширади ва ичак фаолиятини яхшилайди. Бош бармоққа тавсир қилиш бош мия фаолиятини яхшилаб, иродани мустаҳкамлайди. Шунингдек, кучсиз ҳисобланган кўрсаткич бармоқни мустаҳкамлаш ошқозон ишини, овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Агар Шиацу усулидаги тавсиялар бўйича ҳар куни кўл бармоқларингизни чиниктириб турсангиз кўпгина аъзоларингиз согайиши ва мустаҳкамланиши мумкин дейишишмоқда мутахассислар. Бунинг учун чап кўл бош бармоғингиз бўғинларини ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан 5-7 лаҳза давомида босиб, чўзиб тортилади. Аввал бош бармоқлардаги учта жуфт нуқталар орқа томони ва кафт томонидан босиб чиқилади. Ҳудди шунингдек чап қўлингиз билан ўнг қўл бармоқларингизни босиб чиқишингиз мумкин. Бу усулни кунига 1-2 марта тақрорлаб туриш керак. Оёқ остидаги нуқталарни уқалаш усуслари ошқозон ичак хасталиклари бўлимида ёзилган.

## БАЧАДОН КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касаллик келиб чиқиши.** Танда саломатлик бўлмаса, ибодат қўймоқ ва хизмат бўлмагани каби, сиҳати бузилган ҳар бир одамнинг жони ва бутун маънавияти мушкул азоб ичидадур. Инсон ўз эҳтиёткорсизлиги билан ўз танасини соғлом тута билмаслиги натижасида турли хил касалликларга учраши мумкин яъни, бачадон шамоллаши, бачадонда шиш пайдо бўлиши, тез-тез терлаб туриш, ҳайиздан ташқари бачадондан қон оқиши ва ҳоказо. Агар ўз вақтида чора кўрилмаса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун тезда мугаҳассисларга мурожаат этилиб касаллик сабабини аниқлаш, табиатнинг шифобахш ўсимликлари билан даволаниш лозим.

**Касалликни даволаш усуллари.** Юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун қўйидаги табиат гиёҳларидан фойдаланиш тавсия этилади.

***Сувқалампир (Водяной перец).*** Ўзбекистонинг ҳамма ерларида, ариқ, ҳовуз ва кўлмаклар бўйларида ўсади. Ўзи бир йиллик, бўйи 20-60 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Барги чўзиқланцетасимон, текис қиррали, гуллари майда кўримсиз, поя учida жойлашган. Ўсимлик гуллаганда ер устки қисми йифилади қуритилиб, шундан бир ош қошиқда майдалангандан олиб чойнакка дамланади. Дамламадан кунига уч маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Яна писта (Фисташка настоящая). Писта ёввойи ҳолда Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида ўсади. Пистанинг барги йигилиб ундан қайнатма тайёрланади. 200 г сувга 10 г барғ солиниб 15 минут қайнатилади. Совутгач докада сузуб бачадондан қон кетганда ва шамоллаганда кунига 3 маҳал овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади.

***Ровоч (Ревен Татарский или Туркестанский).*** 27-расм. Ровочни ҳамма билади. Абу Али ибн Сино ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма билан, бачадон оғриқларини қолдирувчи, қон кетишини тўхтатувчи дори сифатида фойдаланган ва яхши натижалар олган. Қайнатма тайёрлаш учун ровоч илдизи ва мевасидан кузда қазиб майдалаб қуритилади, шундан 20 г олиб бир стакан сувда 5 минут қайнатилади совугач кунига 3 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади.

***Ток (Виноград культурный).*** 28-расм. Токнинг баргини олиб яхшилаб ювиб қуритилади сўнг майдалаб ун шаклига келтирилади, бачадондан қон кетганда, қон тўхтатувчи дори сифатида 2-3 г дан ичиб турилади.

Абу Райхон Беруний ёзишича, Абул Ҳасан ат Турунжий бошқа ўсимлик *Зираи кармоп* (*Айевон столовый*)ни ишлатган. Бу ўсимлик Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида ва боғларида ўсади. Бўйи 30-60 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, гуллари майдо оқ, ёки оч бинафша рангда. Барги икки ёки уч марта ажралган, қини билан пояда кетма-кет жойлашган. Меваси қўшалоқ писта. Ўсимлик мевасини узум виносида дамлаб ари чаққан жойга суртилган.

*Отқулоқ* (*Шавель конский*). 26-Расм. Абу Али ибн Сино отқулоқнинг баргларини яхшилаб эзib янгилича ари чаққан жойга суртган, баргининг шираси ари заҳарини сўради, оғриқни қолдирди, шишнинг олдини олади.

## БАРМОҚЛАРДАГИ НУҚТАЛАР ҲИКМАТИ

Соғлиғингиз бармоқларингизда. Абу Али ибн Синонинг ёзишларига қараганда, инсон ички аъзоларининг ойнаси бу кафт ва оёқ ости экан. Қадимги табиблар кафт ва оёқ ости чизикларига қараб, одам ички аъзоларидаги хасталикларни даволаганлар. Шиацу усули билан даволовчи япон мутахассислари, кўл панжалари, ички аъзолар ва асосан бош мия билан маҳкам bogланганligini исботлаб беришган.

Масалан юракнинг турли касаллуклари билан қийналаётган кишиларнинг жимжилоги доимо кучсиз бўлади, баъзан унинг букилиши ёки ёзилиши қийинлашиб қоладиган пайтлар ҳам маълум. Аксинча, жимжилогини машқ қилдириб туриш юрак фаолиятини яхшилайди. Япон шифокорларининг фикрича бошқа бармоқлар фаолияти ҳам муҳим. Чунончи номсиз бармоқни бакувват қилиш жигар фаолиятини яхшилайди. Ўрта бармоқ эса юқори қон босимини туширади ва ичак фаолиятини яхшилайди. Бош бармоққа тавсир қилиш бош мия фаолиятини яхшилаб, иродани мустаҳкамлайди. Шунингдек, кучсиз ҳисобланган кўрсаткич бармоқни мустаҳкамлаш ошқозон ишини, овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Агар Шиацу усулидаги тавсиялар бўйича ҳар куни кўл бармоқларингизни чиниқтириб турсангиз кўпгина аъзоларингиз согайиши ва мустаҳкамланиши мумкин дейишимоқда мутахассислар. Бунинг учун чап кўл бош бармоғингиз бўғинларини ўнг кўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан 5-7 лаҳза давомида босиб, чўзиб тортилади. Аввал бош бармоқлардаги учта жуфт нуқталар орқа томони ва кафт томонидан босиб чиқилади. Худди шунингдек чап кўлингиз билан ўнг кўл бармоқларингизни босиб чиқишингиз мумкин. Бу усулни кунига 1-2 марта такрорлаб туриш керак. Оёқ остидаги нуқталарни уқалаш усуслари ошқозон ичак хасталиклари бўлимида ёзилган.

## БАЧАДОН КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касаллик келиб чикиши.** Танда саломатлик бўлмаса, ибодат қилмоқ ва хизмат бўлмагани каби, сиҳати бузилган ҳар бир одамнинг жони ва бутун маънавияти мушқул азоб ичидадур. Инсон ўз эҳтиёткорсизлиги билан ўз танасини соғлом тута билмаслиги натижасида турли хил касалликларга учраши мумкин яъни, бачадон шамоллаши, бачадонда шиши пайдо бўлиши, тез-тез терлаб туриш, ҳайиздан ташқари бачадондан қон оқиши ва ҳоказо. Агар ўз вақтида чора кўримаса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун тезда мугаҳассисларга мурожаат этилиб касаллик сабабини аниқлаш, табиатнинг шифобахш ўсимликлари билан даволаниш лозим.

**Касалликни даволаш усуслари.** Юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун қўйидаги табиат гиёҳларидан фойдаланиш тавсия этилади.

**Сувқалампир (Водяной перец).** Ўзбекистонинг ҳамма ерларида, ариқ, ҳовуз ва кўлмаклар бўйларида ўсади. Ўзи бир йиллик, бўйи 20-60 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Барги чўзиқ ланцетасимон, текис қиррали, гуллари майда кўримсиз, поя учida жойлашган. Ўсимлик гуллаганда ер устки қисми йигилиди қуритилиб, шундан бир ош қошиқда майдалангандан олиб чойнакка дамланади. Дамламадан кунига уч маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Яна писта (Фисташка настоящая). Писта ёввойи ҳолда Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида ўсади. Пистанинг барги йигилиб ундан қайнатма тайёрланади. 200 г сувга 10 г барғ солиниб 15 минут қайнатилади. Советгач докада сузуб бачадондан қон кетганда ва шамоллаганда кунига 3 маҳал овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади.

**Ровоч (Ревен Татарский или Туркестанский).** 27-расм. Ровочни ҳамма билади. Абу Али ибн Сино ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма билан, бачадон оғриқларини қолдирувчи, қон кетишини тўхтатувчи дори сифатида фойдаланган ва яхши натижалар олган. Қайнатма тайёрлаш учун ровоч илдизи ва мевасидан кузда қазиб майдалаб қуритилади, шундан 20 г олиб бир стакан сувда 5 минут қайнатилади совугач кунига 3 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади.

**Ток (Виноград культурный).** 28-расм. Токнинг баргини олиб яхшилаб ювиб қуритилади сўнг майдалаб ун шаклига келтирилади, бачадондан қон кетганда, қон тўхтатувчи дори сифатида 2-3 г дан ичиб турилади.

(Жума кундузи ва тунда жимоъ ҳилиш мустахаб (севилган) нарсалардан ҳисобланади).

Ток мевасининг доривор прспарати (ампулада чиқадиган натуроза), кўп қон йўқотиш ва қон томирлар тонусининг ўзгариши натижасида қон айланишининг бирданига сусайиши туфайли юз берадиган ҳолатларда буюрилади.

**Қорақанд (Барбарис).** 29-расм. Абу Али ибн Сино: «Уни кўйиб боғласа, иссиқ шишлигарға фойда қиласи» — дейди. Қорақанд барглари асосида тайёрла надиган — спиртли настойка, қон тўхташи, яллиеланишга қарши даво бўлиши билан бирга, қон томирларини торайтиради, томир ишини тезлаштиради, бачадон мушакларини қисқартиради. Настойкадан ҳар куни 3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичишни тавсия этилади.

**Бўйимодарон (Тысячалиспик обыкновенный).** 14-расм. Ёки бош оғриқ ўти деб аталади, хушбўй ҳидли, гуллари сариқ саватчага тўплантган. Ибн Сино шундай дейди: бўйимодарон ер устки қисми қайнатмасига ўтирилса, ҳайз қонини юриштиради. Бачадондаги яраларга фойда қиласи.

**Наъматак (Шиповник).** 19-расм. Ҳамма ерларда ёввойи ҳолда ўсади. Халқ медицинасида наъматак мева қайнатмаси ёки дамламаси бачадондан қон кетишини тўхтатувчи ва иситма қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. Мевадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув куйилади ва бир ош қошиқ майдаланган (ёнғоқчалари олиб ташланган) мевадан солиб 10 минут қайнатилади ва 24 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докада сузилиб қайнатмага шакар қўшиб, кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичиб туриш тавсия этилади.

**Жень-Шенъ (Одомчик).** 30-расм. Бу ўсимлик кўп йиллик бўлиб, меваси тўқ қизил уругли. Жень-Шенъ ўсимлигининг уруғи ичилса бачадонни тозалайди шамоллашни олади. Бу ўсимлик бозорларда сотилади, унинг ватани узоқ шарқда.

**Петрушка (Петрушка обыкновенный).** Абу Али ибн Сино петрушкани сийдик ҳайдовчи, аёлларда ҳайз келтирувчи ва бачадонни тозаловчи дори сифатида қўллаган. Фойдаланиш учун петрушка мевасидан дамлама тайёрлаган. 2 стакан қайнаб совутилган сувга ярим чой қошиқ майдаланган мева солинади ва 8 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докада сузилиб кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади.

Болгарилик башоратчи Ванга: Агар бачадонда ўсимта бўлса (Миома матки), бемор кенаф уругининг қайнатмасидан 15 кун кунига З маҳалдан ярим стакандан ичишини буюради. Агар бачадондан кўп қон оқса, унда 6 та тухумни оқини олиб унга ярим чой қошиқча лимон кислотасини аралаштириб ичсин, шифо топмаса шу усулни такрорласин, дейди.

Куйидаги сатрларга эътибор беринг:

— Аёл бачадонида сарик сув тўпланган бўлса, ёки шиш бор бўлса ундан аёллар жимо пайтида оғриқдан қийналадилар.

— Агар аёл кишининг юзи сарғайган бўлса, айниқса юзининг лунжлари, унинг бачадони шамоллаган, ундан аёл жимо пайтида кўп терлайди.

## БЕЛ ОГРИФИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Бел оғрифи ёки бол касали ҳамма ёшдаги қишиларда, қарияларда учраши мумкин. Бу касаллик кўпинча шамоллаш оқибатида, кўп терлайдиган қишиларда, қарияларда ва ўрта ёшдаги қишиларда баданларида туз йиғилиш оқибатида келиб чиқади. Жисмоний ҳаракат билан кам шуғулланувчилар ҳам бел оғрифига учраб турадилар. Бел оғрифи бошқа касалликлар оқибатида ҳам юз бериши мумкин.

Масалан буйрак, жигар хасталикларида, қовуқ шамоллаганда, сийдик йўллари, орқа умуртқа хасталикларида бел оғриш бўлиши мумкин. Куз кунлари бошланиши билан айниқса ёши 35 дан ошган қишилар тузли овкатларни ёқтиришади, бундай инсонларда баданида тузлар йиғила бошлайди. Шу йиғилган тузлар намгарчилик бошланиши билан безовта қила бошлайди. Агар чорасини қиласа, бора-бора дард кучайиб қишини кўзгатмай қўяди. Бунда бемор албатта шифохонага бориб шифокорга мурожаат қиласади, шифокор ёзib берган дори-дармонлар билан бир қаторда табиат неъматлари билан даволаниш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

**Касалликни даволаш усуслари.** Бел оғрифи ҳаво иқлимига қараб, кўпинча намгарчиликда орқа умуртқа бўғинлари бел билан бирга зирқираб оғриқ билан бошланса, унда баданда кўп туз йиғилган бўлиши мумкин. Бу касалликни Ўзбекистоннинг туз конларида даволаш мумкин. Бухоро вилояти Олот туманида, Туркманистон чегараси олдилда шундай туз кони бор. Шу туз конида 3-4 кун ичидан даволаниб келинса бел оғрифи тузлади. Даволаниш учун йилнинг ёз чиllасида, яъни 25 июндан 5 августгача 40 кун мобайнида ҳар

йили, вақтта қараб 3-4 кунга қумга, тузга тушиб даволанилса бел оғриғига шифо толади. Тузконга борищдан оддин бемор шифокорлар күригидан ўтиши лозим, тузконга юраги оғриқлар, қон босими юқори юрадиган беморлар бормаганлари маъкул. Кумдан кейин бемор ўрнидан туриб яқин жойда 100 метрча чамаси жойлашган туз кўлига бориб унда ҳам белини тузга кўмади 10-15 дақиқага унда танадаги туз иссиқдан эриб оппоқ кўл тузига ўгади, кейин ювениб, яхшилаб ўралиб кийимлар кийиб пана жойда, кападами ёки хонадами ётиб кўп чой ичилади, кўп терлаш учун вақти-вақти билан кийим алмаштириб ётиб турилади. Шу усулни 3 кун 3 маротаба такрорланса, бел оғриғи (бод) яхши бўлиб кетади ва танадаги тузлар камайиб организм соғлом бўлади. Бу муолажа бошқа касалликлар оёқ, кўл оғриқлари учун ҳам тавсия этилади.

**Карам (Капуста).** Оддий карамни олиб баргларини яхшилаб майдалагичдан ўtkазилади, суви билан оғриган белга қўйиб боғланади, 2-4 соат тургач уни олиб ўша жойга анжирнинг баргини 24 соатга боғлаб қўйилади. Шу муолажани 4-5 маротаба такрорлаш лозим. Тузларни карам суви эритиб дарддан фориг этади. Муолажалардан маълум бўлишича карамнинг суви таъсирида инсон териси ва мускуллари сувга тушган нондек бўкиб бўш бўлиб қолади. Тери ва мускулларни ўз ҳолига келтирувчи омил сифатида анжирнинг барги жуда яхши таъсир кўрсатиши аниқланган.

**Бўйимодарон (Тысячелистник обыкновенный).** 14-расм. Бу ўсимликнинг таркибида эфир мойи, камфора, спирт ва бошқа моддалар бор. Ўсимликни бош оғриғида ишлатилгани учун бош оғриқ ўсимлиги дейилади, гуллари сариқ саватчага тўпланган бўлиб, тоғ ёнбағрида ўсади. Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг ер устки қисмидан, айниқса гулидан тайёрланган қайнатмани қайтиши қийин бўлган шишларда, эт узилганда, радикулит касалида, бел оғриғида, бодда, фойдаланган. Бунинг учун хасталангандан жойга бир матони хўллаб боғлашни буюрган, бу усулни бир кунда бир неча маротаба такрорлаб туришни тавсия этган. Мазкур ўсимликдан ванна қилиш йўли билан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Унинг учун ўсимликнинг ер устки қисми гули билан олиниб қайнатилади. ранги чойга ўхшashi билан ваннага солиниб иссиғига бадан ҷидайдиган бўлганда, 20-25 дақиқа ўтириш тавсия этилади. Бу усул бир неча кун такрорланиши лозим.

**Шафтоли меваси (данаги) (Персиковые kostочки).** Меваси таркибидаги шифобахш воситалардан 15% қанд, ошловчи модда

12% миқдорда пектин, эфир мойи, каратиноидлар, органик кислоталар ва С, В дармондорилари бор, шунингдек калий тузлари ва бошқа шифобаҳиш моддалар ҳам мавжуд. Ҳалқ табобатида бел оғриғида, бод қасалида ва бел оғриғи қовуқ тошларидан бўлганда, шу тошларни майдалашда ҳам шу шафтотли мевасидан муваффақиятли фойдаланиб келинган. Бунинг учун шафтотли, қовун ва турп уруғларидан 24 г дан олиб аралаштириб туюлади, унга 10 г асал ва 20 г шакар қўшиб қоришма тайёрланади. Мазкур дорини ҳар куни наҳорда бир маротаба истеъмол қилиш тавсия этилади. Эргасига шу дорини янгидан тайёрлаш керак бўлади, бир ҳафта ўн кун ичилади.

*Исириқ (Гармала, Адраспан,).* 1-расм. Бел оғриғини, бод қасалини даволашда исириқ ўсимлигидан фойдаланилган. Ўсимликнинг ер устки қисми олиб қайнатилади, қайнатма ранги кўк чой шаклида бўлганда иссиқлигига бадан куймайдиган қилиб ваннага солинади, 15-20 дақиқа ванна қабул қилинади, сўнг белни эски иссиқ рўмол билан ўраб ётилади. Шу усулни 3-4 кун такрорланса бел оғриғи ўтиб кетади.

*Сохта каштан (Конский каштан).* 7-расм. Қишина каштанда бел оғриғи ўта безовта қилганда каштан ўсимлигидан ҳам фойдаланиш мумкин. Касаллик бошланмасдан олдин каштан мевасидан бир шиша идишга тўлдириб солинади ва усти ёпилгунча ароқ қўйилади, сўнгра уч кун мобайнида қўёшли жойга қўйилади кейин, қирқ кун давомида салқин ерда сақланади ва бел оғриғандага оғриётган жойга суртиб турилади.

(Табиат инсонни кафтида тутиб турибди, унинг яхшиликларига кўрнамаклик қилмайлик).

*Бангидевона (Дурман обыкновенный).* 17-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида учрайди. У асосан йўл ёқаларида, сув бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, боғларда ўсади. Буйи 100-120 см. гача етадиган ёқимсиз ҳидли ўсимлик. Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли. Пояси тик ўсади, шохланган. Барги йирик тухумсимон, гули оқ ёқимсиз ҳидли йирик воронкасимон шаклда. Меваси қаттиқ тухумсимон чаноқ тиканлар билан қопланган. Бангидевонанинг барги ва меваси бел оғриғандага ишлатилади. Ишлатиш учун ўсимликнинг барги ва меваси йириллади, салқин жойда қуритилади, кейин ҳовончада янчилади, кукунидан бир ош қошиқда олиб, бир стакан қайнаб турган сувда 10-15 дақиқа дамланади, шу дамламани докага ёки пахтага шимдириб, бел оғриғандага жойга 4-5 соатга қўйилади, яхши шифо беради.

**Торимдори (Горец земноводный).** 31-расм. Кўп йиллик бўйи бир метргача етадиган ўт ўсимлик. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида дарёлар, кўллар, ариқлар бўйларида ва экинлар орасида ўсади. Пояси бўғинли, барги чўзиқ, гуллари тиниқ пушти рангли. Ўсимликнинг илдизи ва илдиз олди пояси барги билан йигилади ва соя ерда куритилади, сўнг майдаланиб кукунидан бир чой қошиқ ярим стакан сувда 10 дақиқа қайнатилади ва бел оғриганда овқатдан олдин ярим стакандан ичиб турилади.

**Қоратерак (Тополь чёрный).** 32-расм. Бу манзараги дараҳт сифатида ўстирилади. У ёввойи ҳолда тоғларда ҳам учрайди. Унинг барг куртаги барг чиқармасдан олдин эрта баҳорда йигилади ва соя жойда куритилади. Абу Али ибн Сино қоратерак барг куртагига сирка (узум сиркаси) қўшиб, тайёрланган аралашмани бел оғриганда, бод касалида оғриган жойга малҳам сифатида суртиб яхши натижалар олган.

**Қариқиз (Лопух войлочный).** 33-расм. Ёки паҳмоқ қариқиз. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерларида, далаларда, уйлар атрофида, ариқ бўйларида ўсади. Бўйи 60-100 см. гача етади, пояси тик қиррали, тукли, барги йирик юқори қисмида майдароқ кенг тухумсимон, тишсимон, қиррали. Гуллари тўпгулли саватчадан иборат бўлиб тўқ бинафша ранг бўлади. Қариқизнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум. Унинг доривор маҳсулотлари - илдизи ҳамда барглари ҳисобланади. Қариқиз илдизи таркибида эфир мойи, инсулин, аччиқ ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд. Қариқизнинг илдизи йигилиб салқин жойда куритилади, сўнг ҳовончада янчиб ун шаклига келтириб суртма дори тайёрланади. Бел оғриганда, бод касалида оғриган жойга шу суртмадан суртиб турилади, яхши натижалар беради.

**Ялпиз (Мята).** 11-расм. Ялпиз жуда қадим замонлардан бери ошкўк, зиравор. Маълумотларга қараганда Абу Али Ибн Сино ялпизли суртмадан шиш ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида фойдаланиб келган. Ялпизли суртма тайёрлаш учун ялпиз гулидан 200 г олиб шиша идишга солинади, унинг устига 400 г зайдун ёғи қўшилади, шиша оғзини оқ мум билан яхшилаб беркитилади ва 40 кун мобайнида қуёш нури тушиб турган жойга қўйиб қўйилади. Шундан кейин бел оғриган жойга суртиб турилса оғриқ тез қайтади.

**Олма (Яблоко).** Абу Али Ибн Сино олма билан бел оғригини ёки сурункали бодни даволаган. Фойдаланиш усули: Агар бел оғриги буйракдаги тошлардан бўлса 3-5 тадан олмани кунига 3-4 маҳал истеъмол қилиб турилади, ёки олма шарбатини, олма

компотини кунига 3-4 марта 1 стакандан ичиб турилади. Бунинг натижасида буйракдаги майда ва сийдик йўлидаги майда тошлар тушиб кетади бир ҳафтада бел оғриғи шифо топади.

**Саримсоқ (Чеснок), Сирка (Разведённый уксус), Асал (Мёд) аралашмаси бел оғриғи ва бод касалига барҳам беради.** Бунинг учун саримсоқнинг 2 та бўлакчасини қирқиб, пиёладаги иссиқ сиркага 5 дақиқа солиб қўямиз, қалин пайпоқни иссиқ сувда ҳўллаб сиқиб ташлаб, сиркада турган саримсоқ бўлакларини 1 чой қошиқ асал билан яхшилаб аралаштириб пайпоқ ичига солинади ва у билан оғриган жойларни бир неча дақиқа давомида артилади, бу бир неча кун давом эттирилади. Яна бир чой қошиқ узум сиркаси, шунча асал, чой қошиқнинг тўртдан бир қисми ҳажмида саримсоқ шарбати ва ярим стакан иссиқ сувдан дори тайёрлаб ҳар куни ухлаш олдидан ичиб турилса мускуллар ором олади (ҳаёт эскиртирганини табиат янгилаб туради).

**Парпи (Аконит). Ўсимлиги.** Ўзбекистонда 2 тури бор Қоракўл парписи, Жунгар парписи.

Ҳар иккала парпи тури Тянь - Шань тогларидаги сув бўйларида нам ўрмонларда ўсади. Қоракўл парписи Иссиқ кўлга яқин жойларда ўсади. Бўйи 70-130 см. гача етадиган ўсимлик. Пояси тик ўсуви туксиз. Барги оддий, устки томони тўқ яшил 1-3 бўлакларга ажралган. Гули қийшиқ шингилга тўпланган косача барги 5 та, ранги кўк бинафша. Меваси кўп уруғли. Июль, августда гуллайди. Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли. Парпи ўсимлигининг илдизи йигилади, сувда яхши ювилиб, кейин салқин ерда қуритилади, ишлатиш учун майдаланган илдизидан бир ош қошиқ олиб 200 г 60° ли спиртда аралаштириб иссиқ жойда 3 кунга қўйиб қўйилади, бу аралашма 3 кундан кейин аччиқ чойга ўхшаб кетади. Аралашмадан бир чой қошиқда олиниб, (кўпроқ олиш тавсия этилмайди), бел оғриган жойга яхшилаб қуриб кетгунча суртилади. Суртилган жойни бошқа бир мато билан ўраб қўйилади. Суртилган жойда тезда қон айланиш оқибатида бел оғриғи қайтади.

**Мўмиё (Мумия).** Мўмиё хоссаларининг ҳамма манбалардаги таъсвири деярли бир хил. Шунга кўра унинг хоссаларини қуидагича баён қилиш мумкин. Буюк аллома Абу Али ибн Синодан бошлаб ҳамма табиблар мўмиёни турли касалликларда бериладиган ҳар хил дориларга кўшиб ишлатадиган бўлиб қолдилар. Чунончи одамнинг бадани лат еганда, чиқиқлар ўрнига солингандা,

сүяклар синганда ва умуман мускуллар, бўғимлар ва сүяклар касалланиб қолганида мумиёни асалга аралаштириб бир қисмини оғриган жойга суртилса, бир қисми мошдек-мошдек қилиб ичиб турилади. Бу усул бел оғриғига яхши кор қиласди.

*Асаларини чақтириш.* Ёз фаслида бел оғриғи ўта безовта қилганда, асалари заҳрига аллергия бўлмаса, у асалари билан бел оғригини даволаш мумкин. Бунинг учун биринчи куни битта асаларини оғриган жойга қўйиб чақтириш керак, орадан бир кун ўтказиб учта асаларига чақтириш керак, бешинч куни учта асаларига, еттинчى куни тўргта асаларига чақтирилади, шу билан ўн учинчى кунигача қўйилмайди, ўша ўн учинчى куни учта асаларига, ўн бешинч куни иккита асаларига ва ўн еттинчى куни битта асаларига чақтирилади. Асаларининг заҳри бел оғриғига шифо беради.

Болгариялик башоратчи Ванаг бел оғриганда қуйидагиларни тавсия этган: Бод бўлса белни қуёш нурига товлантириб туриш, шу билан бирга оғриган жойни қўй ёғи ёки милтиқ мойи билан суртиб турилади. Бел оғриганда Соғ тупроқдан (Гончарная глина) (тепаликларда, жарликларда бўлади), олиб унга олма сиркасидан қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва аралашган лойни матога солиб оғриган жойга кечқурун қўйилади. Бемор шу кунлари бир ҳафта ичида, қовоқ уруғидан дамланган чой ичиб туриши лозим.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино бел оғриганда Шолғомни (Репа) гўшт билан қайнатиб пишириб эзиз иссиклигида белга қўйиб уни қиздириб шифо топган.

*Эрмон (Полынь горькая).* 24-расм. Ер устки қисмини майдалаб ҳина ёғи билан қўшиб мумли суртма қилиниб, шу суртмадан бел оғриган жойига боғланса оғриқлар меъдаданми, жигарданми, белданми барibir барҳам топади.

## БОШ ОҒРИФИ

*Касаллакнинг келиб чиқиши сабаблари.* Бош мия оғриғи турли сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин. Шамоллаш, бошнинг шикастланиши ёки лат ейиши, турли хил асад хасталиклари оқибатида ҳам бош оғриғи касалликлари пайдо бўлади. Бош мия қон томирлари фаолиятида мўътадиллик - бир текислик бузилишида, қон босим юқори ёки паст бўлганда ҳам бош оғриғи пайдо бўлиши мумкин, оғриқ пайдо бўлиб кўнгил айнийди, кўз олди қоронгулашади, кулоқ шангиллайди, кўл - оёқ увишади, бош айланади, қайт қилиш кучаяди. Хуруж бир неча соат, ҳатто бир неча кун давом этиши мумкин.

Мижозини аниқ билип олиши лозим, у тұғрисида ушбу китобнинг кириш қисміда ёзилған. Совуқ мижозли кишилар мошли овқатларни зира, қора мурч ва қалампир билан аралаشتырып есалар бош оғриғига даво беради ва яхши самара оладилар. Иссіқ мижозли кишилар эса аксингча мол ва әчки гүштидан тайёрланған таомларни, турп, карам, қовун ва тарвуз каби полиз маҳсулотларини күпроқ истеъмол қилишлари зарур. Шифобахш ўсимликлардан қуидагилари бош оғриғида ишлатилади.

*Арпа (Ячмень).* Арпа қайнатмасини тайёрлаш учун 100 г арпани 0,5 л сувда 10 дақықа қайнатылади, шу қайнатмадан ҳар куни 1-2 пиёла бош оғриғида ичиб турилади, кун ора бир ош қошиқ аloe (сабур) барғи ичидаги шиллигидан бошта суртиб туриш ҳам яхши натиха беради.

Төг олчани узоқ қайнатыб кун ора 2-3 пиёладан ичиб туриш керак ва бир пиёласи билан башни әмланғ (суртинг). Овқатларингиз ош күклари, аччиқ-чучук ва сирка билан истеъмол қилишни тавсия этилади. Ҳар куни бир бօғ кўк пиёз, бир бօғ кашнич ва 100 гр. карамни хоми майда тўғраб, сузмага қориштириб истеъмол қилиш зарур.

*Исириқ (Гермала).* 1-расм. Исириқни тутатиб тутунига 21 марта башни тутинг, бир бօғ исириқни бир пақир сувда қайнатыб, докадан сузуб олингач (ваннага) қуйилади, устига иссиқ сув қуйиб то совугунча ваннада ётилса бош оғриғига тез шифо топасиз.

*Шафтоли барғи (Листья персика).* Ота-боболаримиз аньяналарини давом эттириб улар томонидан синалган воситаларга мурожаат қиласайлик. Бош оғриғида бир сиқым шафтоли барғидан олиб, чойнакка солинади ва устига қайноқ сув қуйилади, бир оз фурсат ўтгач, шу дамламадан бир пиёла таом олдидан ичилса, терлаш натижасида бош оғриғи тезда тузалади. Дамламани факат бош оғриған вақтда ичиш керак бўлади.

*Тограйхон (Душица мелкоцветная).* 34-расм. Бу ўсимлик дамламаси билан бош ювилса, бош оғриғи тезда қолади. Дамлама тайёрлаш учун 2 чой қошиқ тограйхон кукуни олиниб, 400 г қайноқ сувга солиб дамланади, сўнг докада сузилиб ишлатилади. Шу усулда бош ювиш учун қанча дамлама керак бўлса шунга қараб тайёрланади.

*Карам (Капуста).* Карам япрогини суви чиққунча туйиб, пешонага ва икки чаккага ва билак ҳамда қулоқ орти чукурчасига боғланса, бир оздан кейин бош оғриғи таққа тўхтайди, карамнинг шираси бурунга томизилса, шу заҳотиёқ мияни тозалайди ва бош оғриғи қолади.

**Лимон ўт (Мелисса лекарственная).** 16-расм. Лимон ўт Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли районларида, боғларнинг ўрга қисмидаги дараҳтлар ва катта тошлар тагидаги соя ерларда ўсади. Кўп йиллик, бўйи 30-60 см.га етадиган, лимон ҳиди келиб турадиган ўт ўсимлик. Барги тухумсизон, гули ҳалқасизон тўпгули, июнь-август ойларида гуллайди. Лимон ўтни ер устки қисми йифилади ва камқонликда, қон босими баланд бўлганда, овқат ҳазм бўлишининг бузилишида ва бош қаттиқ оғриганда оғриқ қолдирувчи сифатида дамлаб ичилса, bemor тезда шифо топади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан 8 чой қошиқ солиб, устига 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади. 4 соат дамлаб қўйилади, сўнгра дамламадан 4 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади. Яна бошқа усул: Бош оғриганда янги лимонни олиб пўстини артиб 2-3 см. қилиб қирқилади, уни оқишидан ажратиб олиб икки танелайга босилса, бош оғрифига шифо беради.

**Зубтурум (Подорожник).** 35-расм. Барги кукунини 1 ош қошиқда олиб бир стакан қайноқ сувда 10-15 дақиқа дамланади. Шу дамламадан ярим стакандан аста-секин ютум билан кунига 2 маҳал ичилади. Ундан ташқари bemor нафасини чиқариб бир оз вақт нафас олишни тўхтатиб туриш керак, кейин нафас олинаётганда бош оғрифи аста-секин пасаяди.

**Ялпиз (Мята).** 11-расм. Ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмалари ҳар бир организм учун жуда фойдалидир. Ялпизни айниқса арпа уни билан кўшиб, бош оғрифига қарши бошга боғланади.

**Янтоқ (Янтарь рыхолистный).** 36-расм. Янтоқ турлари Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб энг фойдалиларидан бир шакар янтоқдир. Янтоқ қадим-қадим замонлардан турли қасалликларни даволашда кенг қўлланиб келинган. Айниқса республикамизнинг дала-даштларида ўсадиган шакар янтоқ кўплаб қасалликларга шифодир. Шакар янтоқ асосан август, сентябрь ойларида пишиб етилади ва ўзидан шу пайтда ширин суюқлик ажратади. 2-3 кунда бу суюқлик қотиб маннага айланади. Халқ табобатида шакар янтоқ маннасидан сиқиб олинган ширани сурункали бош оғрифида пешонага оғриган жойга суртма сифатида ишлатилади.

**Бўйимодарон (Тысячелистник обыкновенный).** 14-расм. Бу ўсимликнинг бошоқли ўти (тысячелистник сантолинный) тури, ўзига хос хушбўй. Гуллаган пайтда ер устки қисми йифилади ва салқин ерда қуритилади. Қуритилган ўсимликнинг енгил қайнатиб аччиқ қилиб қуюқ ё суюқ ҳолда бошга кўйиб боғланса ё кўйилса, совукдан бўлган бош оғригини қолдиради. Ундан ташқари бўйимодарондан тайёрланган

дамлама ҳам бош оғригини қолдирувчи сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуилади, устига майдаланган ер устки қисмидан бир ош қошиқ солиб, бир соат дамланади, сүнгра докада сузиб, дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир қошиқдан ичилади. Даволаниш 10 кун давом этади 3-4 кун дам олгандан кейин яна қайтарилиши мумкин.

**Картошка (Картошка).** Картошка таркибида мавжуд бўлган моддалар ҳам бош оғриғига даво эканлиги маълум. Унинг таркиби В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, PP, С дармондорилар (витаминалар), оқсил, ёғ, калий, магний, кальций, натрий, темир, фосфор ва бошқа моддаларга бой. Бош оғригини қолдириш учун, артилган хом картошкани қирғичда қириб, шарбатини сиқиб олиб, шу шарбатдан ярим стакандан ичиб туриш яхши натижалар беради, шуни айтиб ўтиш керакки, 2-3 марта ичилса бош оғриқлари таққа тўхтайди.

**Тоф арчасининг (Ёль).** 37-расм. Ёш новдаларидан олиб қуритилади кейин янчилиб, бош оғриғига кукунини ҳидлаб турилса оғриқ тўхтайди. Ёш новдалар таркибида эфир мойи, кўпроқ буёқ ва бошқа моддалар бор.

**Бодом (Миндаль обыкновенный).** 4-расм. Чучук бодомни чақиб уруғини қанд билан бирга талқон қилиб, бош оғриғига каплаб туриш даволашда яхши натижалар беради.

**Жуқа дарахти (Липа серцевидная широкалистная).** 38-расм. Жуқа дарахти гуллаганда гул олди баргчалари билан бирга қирқиб олиниб соя ерда қуритилади. Шундан дамлама тайёрланади, бир стакан қайнаб турган сувга бир ош қошиқ гулидан солиб, бир соат дамланади. Дамламадан кунига 3-4 маҳал ярим стакандан бош оғриғига ичилади.

**Сассиқалаф (Болиголов пятнистый).** 41-расм. Бу ўсимлик Ўзбекистонда кўп тарқалган. Бўйи 1 метргача етади. Пояси тик ўсувчи, майда қизил доғли, юқори қисми шохланган. Бу ўсимликнинг ер устки қисми ўриб қуритилади, бош оғриғига озигина ҳўллаб бошга боғланади.

**Қовул (Каперцы колючие).** Бу ўсимлик ҳамма жойларда учрайди, девор тагларида, ариқ бўйларида, поезд йўли четларида ва адирларда. Қовул кўп йиллик, бўйи 2,5 м. гача етадиган ўт ўсимлик, пояси тиконли судралиб ўсувчи, шохланган юмалоқ барги калта бандли, пояди кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ барг кутигига жойлашган, май, июнь ойларида гуллайди. Эрта кўклам, ёки кузда қовул илдизи ковлаб олинади ва сувда ювиб уни қуритиб олиб қўйилади. Қовул илдизининг пўстложларини ажратиб чайилса бошдан ратубатни торгади ва бошдаги совуқ оғриқни босади.

**Мүмиё (Мумия).** Бош оғриганда 0,15 г мумиёни қора андиз қайнатмасига құшиб ичирилади. Ибн Байторининг ёзишига қараганда Ар-Розий бош оғриганда, одам ланж бұлғанда бир хаб (0,071 г ға тенг) мүмиёни хұплад ичиб туришни буюрилар экан.

**Итузум (Паслен чёрный).** 39-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма сугориладигин ерларида учрайди. Богларда, әқинлар орасыда, ариқ бүйларida үсади. Бүйи 25-75 см. гача етади. Гуллари оқ 3-8 тадан бирлашған, меваси юмалоқ, сершира, қора рангли хұл мева. Итузумнинг пишиб етилған мевасидан ташқары ҳамма қисми захарлы. Абу Али ибн Сино итузумнинг бош оғригини қолдириш, шишлиарни қайтариш хусусиятини билған. Шунинг учун куритилмаган ўсимликни майдалаб әзіб, бош оғриганда бошта боғлашни тавсия этған.

**Исмалоқ.** 15-расм. Бош оғриганда исмалоқнинг ширасини олиб, унга тенг миқдорда гулхайри ўсимлигининг дамламасидан құшиб бошта суртилса бош оғриғи таққа тұхтайди.

**Олма (Яблоко).** Олманинг хосиятлари ҳам беҳисобдир, уннинг таркибіда ҳам күплаб шифобахш моддалар мавжуд, глюкоза, Фруктоза, сахароза деб аталувчи қанд моддалари, органик кислоталардан ҳисрбланған пектин, микроэлементлардан темир, калий, марганец, мис, кобальт, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, С дармондорилар ҳам уннинг шифобахшларын күчтайды омиллардир. Мия оғриганда ҳам олма шарбатини тез-тез ичиб туриш жуда яхши натижалар беради. Зүриқиб боши оғриған беморға қар куни овқатдан олдин бир чой қошиқ асал билан, бир чой қошиқ олма сиркасини истемел қилиб туриш буюрилади.

**Чойнинг хусусиятлари (Чай).** XVIII асрда яшаган табиб Мұхаммад ал-Оқилюл Үзининг «Маҳзан үл адвия» («Доридармонлар хазинаси») номли китобида чойнинг хосиятлари тұғрисида күп ажайиб гапларни ёзған. Чойнинг хосиятлари: альзоларни ва рухиятни күвватли қылади, кайфиятни құзғатади, мустақамлайди ва күтаради, терлатади, пешоб ҳайдайды, совуқдан келиб чиқадиган бош оғригини қолдиради, қонни, мияни тозалайды, юрак ўйногини босади, рухий толиқишига бархам беради. Жуғрофий ва иқлимий шароитларға ёки бир жойдан иккінчи жойға борған киши анчагача лохас бўлади, боши оғрийди, уйку босади. Үндай киши ўша жой иқлимиға мослабиш олиши керак. Агар ҳавоси салқын ва нам ҳамда қудуқ ва водопровод сувлари мавжуд бўлса қора чой ичиш тавсия этилади аксинча, иссиқ, куруқ иқлимли шароитларда, тоғ ва дарё сувлари мавжуд жойларда кўк чой ичган маъқул.

*Кашнич уруғи (Каршандр посевной)*. 40-расм. Бош айланишида кашнич уругини ховончада түйиб истеъмол қилинса таққа тұхтайды. Халқ табобатида кашнич уругини турли касаллуктарни даволашнинг чой каби дамлаш усули ҳам мавжуд. Бош айланишини тұхтатиши учун бир чой қошиқ кашнич уругини 0,5 литрли чойнакка солиб устидан қайноқ сув қуйиб 5-7 минут қайнатилади ва унга кичкина қошиқда қора чой солиб, совугач ичилади. (Абу Али Ибн Сино қонунлари II жылд 1956 й. 342-343 бетлар).

*Типратикон (Ёжик)* гүштини 5-6 марта қайнатиб ейилса ҳам эски бош оғриғи қыйнаётган беморнинг дардига яхши шифо беради.

Болгаријлик башоратчи Ванганинг айтишига қараганда бош оғриғанда янги Сирень дараҳти баргини пешонага боғлаш керак экан.

Ибн Сино тез-тез боши оғриғ турадиган одамнинг бурнига пиёзни сиқиб сувини оз-оздан бурунга юборган ва бош оғриғини қолдиған, бу усул ҳам жуда яхши таъсир күрсатади ва киши шифо топади.

## БАВОСИЛ ( Геморроид )

Узок вакт ўтириб ишлаш натижасида, сурункали қабзият касалида, тұғри ичак ва орқа чиқарув йўли қон томирларининг ўсма ёки ҳомилали бачадон билан босилиши натижасида тұғри ичакда ва кичик чаноқ томирларida қон димланиши (варикоз көнтайши) ушбу касаллукни келтириб чиқаради. Бавосил кўпинча ўрта ва баъзан ёшлар орасида ҳам учраши мумкин. Аёлларда бу касаллук ҳомиладорликда, кўз ёриши оғир кечган дамларда, шунингдек ўткир таъсир этувчи озиқ-овқатлар, гармдори, қора мурч, сиркаларни кўпроқ истеъмол қылганда кўпроқ учрайди. Умуман олганда бавосил касаллигининг келиб чиқиши сабабларидан бири оғир жисмоний меҳнат қилиш, машина ҳайдаш, доимо ўтириб ёки тик туриб ишлаш (этикдўз, махсидўз, тикувчилар, шунингдек кўп юришdir). Чунки буларда ичаклар босими ошиб боради, у қоринга оғриқ чақиради. Шундан аста секин бавосил касаллиги келиб чиқади.

Бавосил кўпинча аста-секин ривожланади. Унинг дастлабки белгилари орқа чиқарув йўли ачишади, бемор ҳожатга борганды қийналади, ахлатида қон кўринади, ёки геморроидал тутунчалар пайдо бўлади. Шуларни сезган бемор дарҳол шифокорга мурожат қилиши зарур. Тұғри ичакдан сизйлиб ва томчилаб, қизил, қорамтири, ёки аралаш рангли қон кетиши ва ичакда қандайдир нарса (предмет)

борлигини сезиш, оғриқ пайдо бўлиши тўғри ичак деворининг дарз кетганлигидан далолат беради. Бунда беморлар бош айланиши, бўшашиб қолищдан тез чарчащдан шикоят қиласидилар. Касаллик зўрайиб кетса тугунчалар яллиғланиб энг хавфли касаллик — тромбофлебитга олиб келади. Инфекция тушиши натижасида яллиғланиш тўғри ичак атрофларига ўтиб ёф тўқимасининг йирингли яллиғланишини пайдо қиласиди. Хасталикнинг олди олинмаса, хавфли ўсма (рак) га айланиши мумкин. Касаллик белгилари жуда кўп бўлиб, улар бошқа касалликларда ҳам тез-тез учраб туради. Шунинг учун дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

### **Касалликни табиати нематлари ёрдамида даволаш усуллари.**

Бавосилни даволашда аввало касалликни келтириб чиқарган асосий сабабларни аниқлаш ва шу сабабларни иложи борича йўқотиш керак бўлади. Спиртли ичимликларни ичмаслик, гармдори, қора мурҷ, сирка ва шўр нарсаларни вакътинча истеъмол қиласлик зарур. Ёғли шўрвалар, дудланган маҳсулотлар, ўткир зирavorлардан воз кечиш, енгил ҳазм бўладиган овқатларни тановул қилиш зарур. Одамнинг узлуксиз ичи қотиб юриши ҳам ўз-ўзидан бавосил хасталигини келтириб чиқаришини унутмаслик лозим. Бу хасталикка чалинган кишилар қандлавлаги, карам, сабзи, қора нон, қатик, кепак нон, ўсимлик мойи, олма, аңжир, қора олхўри, зардоли каби мева ва маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилишлари керак, ўрик шарбати ниҳоятда фойдали.

**Саримсоқ (Чеснок).** Саримсоқнинг тўрт бўлакчасини қайнатиб эзиз бир чой қошиқ асал ва чой қошиқнинг тўртдан бири ҳажмидаги оқ сирка арагашмаси билан бавосилга куйилса жуда яхши шифо беради.

**Пиёз (Лук).** Пиёзнинг қизили оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Куритилгани хўлига қараганда ва хоми қовурилганига қараганда ўткирроқдир. Қизил пиёзнинг чалароқ пиширилганини бавосилга малҳам сифатида ётиш олдидан кўйилса 4-5 кунда шифо беради.

**Келин тилиш (Горец почечуйный).** Ўзбекистонда деярли ҳамма ерларда ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, боғларда ўсади. Бир йиллик бўйи 20-80 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Барги ланцетасимон ёки чизиқсимон. Ўсимлик гуллаганда ер устки қисми ўриб олинади ва салқин ерда куритилади. Ўсимликдан қайнатма тайёрлаб ундан кунига 3 маҳал ярим стакандан ичиб турилади, ундан ташқари қайнатма билан бавосилни кунига 2 маҳал ювиб турилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув кўйилади, ўсимликнинг майдалангани ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб 15 дақиқа қайнатилади ва 2 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докадан сузиб ишлатилади.

**Далачай (Зверобой обыкновенный).** 22-расм. Абу Али ибн Сино далачай ўсимлигини оғриқ қолдирувчи ва турли яраларни даволашда иштатган, бунинг учун узиб олинган янги баргини майдалаб эзидавосилга қуйилади, ундан ташқари ўсимликдан тайёрланган дамлама қон тұхтатувчи, ички аъзолардан қон оқишиңда кунига 2-4 маҳал овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичишни буюрган. Қайнатма тайёрлаш учун идишгә майдаланган ер устки қисмидан 10 г солиб устига бир стакан қайнаб турган сув күйіб 5-10 дақықа дамланади, сүнгра ишлатылади.

**Алої (Алоэ).** 42-расм. Абу Али ибн Сино алої ўсимлигини сиқиб, ҳосил бўлган малҳамдан давосилни даволашда муваффақиятли фойдаланган. Алої баргларининг ширасига кастор мойи аралаштирилиб ундан ҳар куни тұғри ичакка уч-тұрт маҳал суриш ҳам тавсия этилади, мазкур мойни суришдан аввал орқа чиқарув аъзоларини яхшилаб ювилади, шундан сўнг суртилган малҳам ижобий натижада беради.

**Янтоқ (Янтак персидский).** 36-расм. Бавосилни даволашда шарқ табобатида янтоқни саримсоқ билан тенг аралашмасини ёнларига лой суртилган тешик челакка солиб, уни тутатиб дудига ўтириш тавсия этилган. Ҳар куни шу усулни 10-15 дақықа қўллаш ушбу касалликни даволашда ёрдам беради.

**Зубтурум - Бангизуб (Подорожник ланцетный).** 35-расм. Ибн Сино забтурум барги билан қийин битадиган яраларни, шишларни ва қон оқишини тұхтаттан. Халқ табобатида зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки барг шираси билан йўғон ичак яллигланиши, бавосил, сузак ва күйдирги касалликларини даволанган, дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишгә бир стакан қайнаб турган сув күйіб, устига бир ош қошиқ куритилган ва майдаланган зубтурумнинг барги солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиди овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан 5 маҳал ичиб турилади.

**Тұғмачагул (Мальва дикая).** 43-расм. ёки Қалдирғоч ўт. Бу ўсимлик супориладиган ерларда ўсади. Бир йиллик, бўйи 25-100 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси цилиндриксимон, барги думаллоқ 5-7 бўлакли, иирик арасимон пояда жойлашган. Гуллари пушти - бинафша рангда барг қўлтиғида жойлашган. Бу ўсимликнинг барги ва гули йиғиб олинади ва соя ерда куритилади. Тұғмачагулнинг шифобаҳаш хусусияти дамламаси ичак ҳамда нафас йўллари шиллиқ пардалари яллиглантанда, бавосил касалликларини даволашда көнг ишлатылади. Барги ва гулига қанд қўшиб тайёрланган дамламадан бавосил касалида 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайнаб турган сувга ўсимлик гулидан ёки баргидан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат дамланади, сўнг сузиди ичилади.

(Овқат жуда иссиқ бўлса шошилиб еманг, зиён етади).

**Зулук (Пиявки).** Зулукни қуритиб, туйиб алоэ билан тенг миқдорда аралаштириб, бавосил ярасига қўйилса, уни қуритиб юбориши мумкин, буни 5-8 маротаба такрорланса касаллик йўқ бўлиб кетади.

**Жайронинг ўт қони (Желчный пузырь жайрана).** Унинг ўтини олиб шаробга аралаштириб, хамир қорилади. Бу дори офтобда қуритилади, сўнгра буни аралашган сирка билан юмшатиб, қон оқаётган бавосилга суртилса қонни шу заҳотиёқ тўхтатади, ҳам яхши шифо беради.

**Аччиқ тош (Квасцы).** Олдин катта бир идишга 7,5 литр сув солиб қайнатилади, ана шу сувга 200 г аччиқ тош солиб эритилади, сўнг идишга тахтадан қопқоқ қилиниб ўргасида тешик қолдирилади, айланаси 5 см. бўлиши керак. Шу қоришма қайноқ сувнинг устига бемор ўтиради, аввал бавосили бор жойни яхшилаб ювиб, артиб вазелин ёғи суртилади, бемор 5-8 соат олдин сурги дори ичиб олади ва иссиқ қоришмали сув устига 15-30 дақиқа холига қараб ўтиради, бундай даволанишни ҳафтада 2 маротаба такрорлаб туриш лозим. Худди мана шу усулда ўргача 4-6 бош пиёзни 2 литр сутга солиб озгина қайнатилади, ундан чиқаётган бугига (парига) бемор ўтириши керак. Оловни паст қилиб буг (пар) секин чиқадиган бўлсин. Бу усулни 3 кунда бир маротабадан уч-тўрт марта кўлланилса даво учун кифоя.

**Картошка (Картошка).** Бавосил касалини даволаш учун, орқа чиқарув тешигига яхшилаб ювиб, 35 дақиқа  $30^{\circ}$  ли сувда ванна қилинади кейин ётиш олдидан картошкани кесиб қаламча шаклида орқа чиқарув тешигига шу қаламчани 30 дақиқага қўйилади. Бир икки маротаба картошка билан даволанса бавосил касали тез қайтади ва яхши шифо беради.

**Сувқалампир (Водяной перец).** 49-расм. Ўзбекистонда ариқ, ҳовуз ва кўлмаклар бўйида ўсади. Бўйи 20-60 см. пояси тик ўсувици цилиндрсизмон, қизғиши рангли шохланган ўт ўсимлиқ. Барги чўзиқ поядга кетма-кет жойлашган. Гуллари майдада поя учидга эгилган. Сувқалампирнинг ер устки қисми йиғилиб салқин ерда қуритилади. Сувқалампир дамламаси бавосил касаллигига (ичдан, бачадондан, йўғон ичакдан) қон оқища, қон тўхтатувчи ва оғриқ қолдирувчи дори сифатида ичилади. Дамлама тайёрлаш учун, бир стакан қайнаб турган сувга сувқалампирнинг ер устки қисмидан бир ош қошиқ солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан сузуб кунига уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб туриласди.

Бавосил касаллигини даволаганда бемор ичи келиб туриши учун сурғи дори ичиб туриши лозим ва юқорида ёзилган шифобаҳаш ўсимликлардан бирини ичиб, бирини малҳам сифатида ичакка қўйиб туриш яхши шифо беради.

## БҮЙРАК КАСАЛЛИГИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Буйрак хасталиклари кўпинча шамоллаш, заҳарланиш, буйракда тошлар йигилиши, қовуқни мунтазам тўлдириб юриш туфайли келиб чиқиши мумкин. Буйрак тоши билан қовуқ тоши пайдо бўлиш сабабларида умумийлик бор. Бу шунинг учунки, тошнинг пайдо бўлиши таъсиранувчи модда билан таъсир қилувчи қувват натижасида бўлади. Сийдигида қумли чўкма кўп бўлган кишида тош туғилмайди. Буйракда тош борлигининг биринчи аломати сийдикда бўлиб, у шундан иборатки, сийдик аввалда куюқ бўлиб, кейин суюқقا айланна бошлади. Сийдикдаги лойқа буйракда қамалиб колганидан у тиниқ ҳам бўлади. Бу тошнинг туғилишини кўрсатувчи белгидир. Белда оғирлик ва оғриқ сезилиши ҳам бу далилни қувватлайди, ҳаракат қилинганда бел пастида бир нарса қамалиб тургандек сезилади.

**Касалликни даволаш усуслари.** *Далаҷой (Зверобой обыкновенный).* 22-расм. Абу Али ибн Сино далаҷой ўсимлигини сийдик ҳайдовчи, буйрак тошини майдаловчи, қон тўхтатувчи, оғриқ қолдирувчи сифатида дамлаб ичириб яхши натижалар олган. Далаҷоидан қайнатма тайёрлаш учун, оғзи ётиладиган идишта бир стакан қайноқ сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан 15 г солинади ва 10 дақиқа қайнатилади, совугач докада сузилади ва 2-4 маҳал овқатдан ярим соат олдин икки ош қошиқдан ичилади.

**Маймунжон илдизи (Корень ежевика, малина).** 44-расм. Ўзбекистоннинг тўқайларида, ариқ бўйларида, жарликларида, тоғ ён бағриларида ўсади. бўйи 50-150 см. гача етадиган ётиб ўсувчи бута. Пояси шохланган майда тиконлар билан қопланган. Барги уч пластинкали, гуллари оқ шингил. Ўсимликнинг илдизи баҳорда ёки кузда йигилади, ювиб очиқ ерда қуритилади. Илдизида ошловчи ва бошқа моддалар бор, илдизидан тайёрланган қайнатма буйракдаги тошни майдалаб тушириш учун ичирилади. Қайнатма тайёрлаш учун ўсимлик илдизининг майдаланганидан бир ошқошиқ олиб бир стакан қайноқ сувда 10 дақиқа паст оловда қайнатилади, сўнг докадан сузуб кунига овқатдан олдин уч маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади.

*Қирқбўғим (Хвощ полевой)*. 45-расм. Дала қирқбўғими Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ариқ дарё бўйларида нам жойларда ўсади. Пояси икки хил, баҳорги пояси жигар ранг ёки қизғиш бўлади, ўзи юмшоқ, спора ҳосил қиласди. Баҳорги поясининг споралари етилиб ва сочилиб кетгандан сўнг (май ойининг охирларига бориб куриб қолади, шундан сўнг ёзги пояси яшил рангли бўлади, ўзи қаттиқ бўғинли, 6-8 қиррали, спора ҳосил қилмайдиган, кузга бориб куриб қолади. Ёз ойларининг ўргаларида ёзги поя ўриб олинади ва салқин ерда куритилади. Ўсимликнинг таркибида сапонин, эквизитин, никотин, алколоидлар, С дармондори, каротин ва бошқа сувда эрийдиган органик бирикмалар, ҳар хил кислоталар ва аччиқ моддалар мавжуд. Халқ табобатида қирқбўғим дамламаси сийдик ҳайдовчи, буйракдаги тошларни эритиб туширувчи сифатида беморга ичирилади. Қирқбўғимдан дамлама тайёрлаш учун 2 стакан сув кетадиган кичкина чойнакка 4 чой қошиқ майдаланган қирқбўғимдан солинади ва устига 2 стакан қайнаб турган сув қутилади 5-10 дақиқа дамланади, сўнгра докадан сузиб иссиқ ҳолида кун бўйида оз-оздан ичиб туришини тавсия этилади.

*Рюян (Марена красильная)*. 46-расм. Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида, боғларда, далаларда ва ариқ бўйларида ўсади. Пояси 4 қиррали, бўғинли, барги тухумсимон, гули барг қўлтиғида ўсиб чиқсан тўп гул, меваси қора думалоқ сершира. Ўсимликнинг илдизи буйрак касалида тош ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Илдизи эрта баҳорда ёки кузда ковлаб олинади, тоза ювиб куритилади. Илдизидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама, буйрак ва ўт йўлларидағи тошларни туширища кўл келади. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнатиб совутилган сув кўйиб, устига куритилган ва майдаланган илдиздан 1 чой қошиқ солинади, 8 соатга тиндириб кўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, стакандаги илдиз қолдигига яна бир стакан қайнаб турган сув солиб 10 дақиқа дамланади, шундан кунига 4 маҳал ярим стакандан ичиб турилади.

*Ош қовоқ уруғи (Семена тыквы)*. Буйраги оғриган беморга ошқовоқ уругини дамлаб бир ҳафта давомида ичиш тавсия этилади, Икки пакетча зигир донини ҳовонччада туйиб қуюқ қилиб аралаштириб, буйрак оғриган жойга чаллаб туриш ҳам, тез оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланади.

Болгариалик башоратчи Ванга: Соғ тупроқдан компресс қилишни буюрган. Компресс қилиш учун соғ тупроқ олинади унга олма сиркасини күшиб бўтқа қилинади, шу бўтқани қаттиқ матога кўйиб кечқурун ётиш олдидан, оғриган жойга бойлаб ётилади.

**Шафтоли данаги (Персиковые косточки).** Халқ табобатида буйрак ва қовуқдаги тошларни нурлатиш ва эритиб тушириш хосиятига эга. Шафтоли данагининг магизи эса пешоб ҳайдовчи восита ҳисобланади. Бунинг учун шафтоли магизидан, қовун, турп уруғларидан 24 г дан олиб 16 г асал ва 20 г шакар билан қўшиб мураккаб қоришма тайёрлаб, ҳар куни наҳорда истеъмол қилиш тавсия этилган. Шафтоли меваси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар таркибида 60 фоизга яқин мой, 0,7 фоиз эфир мойи, амилдалин, глюкозидлар, ферментлар ва бошқа моддалар бор. Шуну қайд қилиб ўтиш керакки, қандли диабет хасталиги билан касалланган кишилар шафтоли ва шафтолининг данаги, магизи ва ундан бўлган дориларни ишлатмасликлари лозим.

**Совунўт (Очный цвет пашенный).** 47-расм. Совунўт бир йиллик ўсимлик, бўйи 5-25 см.гача етадиган, пояси тўрт қиррали, барги юмалоқ, појда кетма-кет жойлашган, гуллари қизил гишт рангда узун бандли бўлади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларидағи далаларда, боғларда, адиrlарда, ариқ буйларида, тог ёнбағларида ўсади. Май, сентябрда гуллайди шу пайт ер устки қисмини йигиб соя ерда қуритилади. Таркибида сапонинлар, флавоноидлар, қандлар ва бошқа моддалар бор. Кейинги вақтларда совунўт ўсимлигининг сийдик ҳайдаш хусусиятига эга эканлиги тажрибада тасдиқланди. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама истисқо, буйрак тошини туширишда ва буйрак касалликларини даволашда ичирилади. Дамлама тайёрлаш учун совунўт ер устки қисмидан ярим чой қошиқ олиб идишга солинади, устига бир стакан қайнаб турган сув қўйилади 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнgra докадан сузиб кунинга 3-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

**Чилонжийда (Унаби обыкновенный).** 6-расм. Буюк аллома Абу Али Ибн Сино чилонжийда мевасини буйрак ва сийдик пуфаги касалликларини даволаш учун ишлатган. Унинг ёзишига қараганда чилонжийда иссиқ ва ўтқир буйрак ва қовуқ оғриғига катта фойда қилиб, қонни тез юргизади, жигарга ҳам фойдаси бор экан. Буйраги оғриған кишига чилонжийдан дамлама қилиб ичиш тавсия этилади. (Ибн Сино «Тиб конунлари « II жилд 1956 й. 481 бет ). Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка 10-12 дона чилонжийданинг энг яхшиси, иирик чиройли ва ранги қизилидан солинади устига кичкина қошиқда кўк чой (олий навли) қўшиб, устига қайнаб турган сув қўйиб сочиқقا ўраб 10-12 соат тиндирилади, сўнgra сузиб бир стакандан уч маҳал бир ой давомида ичиб турилади, буртган мевасидан ҳам ҳар гал 3-4 донадан истеъмол қилинади.

**Майиз (Кишиши).** Майиз таркибида қанд моддаси 87 фоизни ташкил этиб, асосан глюкоза билан фруктозадан иборатdir. Халқ табобатида тайёрланган майиз дамламаси тўқутугар бўлиши билан бирга ошқозонни бўшатиш хусусиятига ҳам эгадир. Буюк аллома Абу Али ибн Сино китобида куйидагиларни ўқиймиз: «Майизли дамлама буйрак ва қовуқ хасталикларида ичиб турилса яхши шифо бериб фойда қиласди» (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 и. 492-493 бетлар). Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка кичкина қошиқда қуруқ чой устига 0,5 стакан майиз солиб қайноқ сув куйилади ва сочиққа ўраб 5-7 дақиқа дам едирилади, сўнгра шу дамламадан 1-2 пиёладан овқатдан олдин ҳар доим ичиб туриш тавсия этилади. Бир ой ичиб турилса буйракдаги шамоллаш қайтади.

**Седана (Черничка косевная).** Седана ўзбек пазандачилигида нон ёпишда ишлатилади, ноннинг юзига сепилса мазаси яхшиланади. Абу Али Ибн Сино ёзадики: Седана дамламасига асал кўшиб ичилса, буйрак, пешоб йўлларида тошни майдалайдиган дорига айланади. Хусусан унинг тозалаш хусусияти етарли даражададир, буйрак ва қовуқ тошларини чиқаради (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 и. 590-591 бетлар). Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиқ қора ёки кўк чой солиб устига 25-35 дона седана солиб қайноқ сув қуйиб чўғда 3-4 дақиқа дамланади, сўнг ширинликлар билан ичилади, асал кўшилса янада фойдали бўлиб кетади.

**Кийикўти (Чибрец).** Ўзбекистоннинг тог ёнбагирларида ўсадиган кўп йиллик кўкат ўсимлиги, ифори мойли ва дориворлар қаторига киради. У жигарни мустаҳкамлаш, пешоб ҳайдаш хусусиятлариги эга. «Мудрость веков» (соғлиқни сақлаш тўғрисида қадимги тожик табобати) китобида ёзишларича: Кийикўти қайнатмаси ёки дамламаси пешобни кучли ҳайдайди, буйрак ва сийдик қопидаги тошларни йўқотади. Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиқ қуритилган ва майдалангандан кийик ўтидан солиниб устига қайнаб турган сув солинади ва 5 дақиқа дамланади. Сўнг докадан сузиб 1-2 пиёладан 3-4 маҳал ичиб турилади.

**Петрушка (Петрушка обыкновенная).** Ўзбекистонда зиравор ўсимлик сифатида кенг кўламда ўстирилади. Петрушканинг ҳамма турлари ва ҳамма қисмлари буйракни, қовуқни ва бачадонни тозалайди. Тоғ петрушкаси буйракдаги тошни майдалайди ва сийишини осонлаштиради. Халқ табобатида петрушка ел ҳайдовчи буйрак ва сийдик қопчасидафи тошларни эритувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Петрушка мевасидан дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қўйиб, устига ярим чой қошиқ майдаланган мева солинади ва 8 соат қўйиб қўйилади. Сунгра докадан сузилади, кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади.

Жолинус ҳаким: буйраги оғриган киши эчки ўтини олиб унга тенг миқдорда шакар қўшиб истеъмол қўлсин деган.

**Олма шарбати (Яблочный сок).** Олмадан қадим замонлардан ҳам озука, ҳам дори сифатида фойдаланиб келинган. Халқ табобатида олма шарбати билан буйрак, сийдик қопчасидаги ва йўлидаги тошлар туширилган. Буйракдаги тошни тушириш учун олма шарбатидан эргалаб нахорга 240 г ичилади ва соат 10 да 480 г, соат 2 да 480 г, соат 4 да 480 г, соат 6 да 480 г ва соат 8 да 480 г ичиб турилади. Ўша куни ҳеч нарса истеъмол қилинмайди, овқат ҳам ейилмайди. Эртаси ҳам худли шундай қилиб қайтариш лозим. Агар одамнинг ичи келмаса ични юргазиш учун бир пиёла маккай санодан ичиб ични юргазиш лозим. Учинчи куни эргалаб соат 8 да нахорга яна 480 г олма шарбати ичилади ва ярим соатдан кейин эритилган сариёғдан 120 г ейилади ва орқасидан бир стакан озгина сув қўшилган олма шарбати ичилади. Овқат, бошқа ичимликлар ана шу даволаш кунларида ейилмайди. Учинчи куни албатта натижа бериши керак: -- сийиш пайтида майда яшил рангдаги тошлардан бошлаб, чумчук тухумигача келадиган тошлар тушиши мумкин. Агар одам юқорида ёзилганларга ихлос қилиб даволанса буйракдаги ва қовуқдаги тошлардан фориг бўлиш мумкин. Буйрак тоши юмшоқ ва қизғиши юмaloқ бўлади, қовуқдаги тош бўлса қаттикроқ, анча катта қорамтири, яшил кулранг ва оқиши бўлади. Қовугида тоши бор киши озгинрек бўлади, буйрагида тоши бор киши аксинча семиз бўлади. Қовуқ тошининг оғриги буйрак тошининг оғриғига ўхшамайди. Чунки қовуқдаги тош бўшлиқда туради, тош сийдикни тўсиб турган хол бундан мустаснодир. Дори-дармонлар қабул қилингани сабабли буйракдаги тош қовуқقا сирпаниб туиса, оғриқ тўхтгайди. Гоҳо бадантарбия қилиш, ҳаракат қилиш, йўрға отга миниш ва зинадан тушиши ҳам тошни тушириш учун кифоя қиласи, айниқса доривор ўсимликлар билан ишқаланган бўлса. Агар тош қовуқдан олат йўлига тушса, бунда оғриқ беради, баъзан уни ҳаммом ва ванна тухтатади. Агар буларда ҳаддан ташқари узоқ қолиб, улар бўшашибирса, бир муддатдан кейин қаттикроқ оғриқ яна қайталайди. Бунда қашқарбеда, гулхайри ва кепакларни қайнатиб сувини куйиш фойдали.

## БҮГИМ ОФРИҚЛАРИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Бу хасталик шамоллаш, бўғимларда тузлар тўпланиши сабабли келиб чиқиши мумкин. Чунки инсон ўз ҳаёти мобайнида истеъмол қилган овқатлар таркибидаги тузлар организмда аста-секин тўплана боради, ёш ўтган сари бу тузларнинг йигилиши кучаяди ва оқибатда суякларнинг кўпроқ устки қисмлари бўғимларда тўпланган туз таъсирида ҳаракат қилиш, бўғимларни букиш ва турли ҳаракатларни бажариш қийинлашади. Унинг устига озгина шамоллаш натижасида эса бўғим оғриқлари кучаяди. Ундан ташқари бошқа касалликлар туфайли ҳам бўғимлар оғриши мумкин. Мисол учун жароҳатланиш синиш ёки ёшлиқда суякларнинг бўғимлар олдида сингани оғриқ келтириши мумкин.

Хасталиқдан кўпроқ юрак шикаст топиб боради, шунинг учун қадимда касаллик ҳақида «бўғимларни ялаб туриб юракни узиб оладиган касаллик» деган холосага келишгани бежиз эмас. Бу касаллик ёш қарини ажратмайди баробар ёпишаверади. Айрим одамлар бу касалликка ўта бефарқ қараб келаётгандиклари туфайли, «шамоллабман шекилли» деб лоқайд юраверадилар. Кейин дард зўрайиб кетгач, дўхтирга мурожаат қиласидилар. Шуни айтиш керакки бу касалликка йўлиққанларнинг аксариятида юрак уриши томир орқали тингланганда, товуш бўғиқ ёки уриши паст бўлганлиги аниқланган. Чунки касаллик аввал тирсак бўғимларини, кейин кафт усти бўғимларини, оёқ бўғимларини шикастлаб сўнгра юракка етиб боради.

**Касалликни даволаш усуллари.** Даволанишдан олдин касалликнинг сабабини аниқлаш лозим. Шамоллаш натижасида бўғимлар оғриса, унда табиатнинг шифобахи неъматларидан фойдаланилса албатта шифо бўлади. Бўғимлар оғримаслигининг олдини олиш учун одам ҳар доим ўз баданини ҳаракатлантириб туриши ва табиатдаги ер, ҳаво, қуёш, иссиқ, совуқларга чиниқтириши зарур.

**Хом тухум (Сырые куриные яйца).** Халқ табобатида бўғимлар оғриганда хом тухумни 200 г уксусэнциясига солинади, токи тухум сиркада чўкиб турсин. Аralашмани илиқ жойга кўйилади, 3-4 кундан сўнг юмшаган тухум 150 г миқдорида сариёf аралаштирилади ва 2 кун сақланади. Ушбу аралашмани бўғимлар оғриган жойга қаторасига 3 кун тунда ётишдан олдин, 3 кун эса кун ора ётиш олдидан суркалади, тез шифо беради.

**Карам (Капуста).** Абу Али Ибн Сино сариқ беданинг кукунига кунжут ёғи ёки ўзини аралаштириб тенг миқдорда карам баргини ёки ўзини майдалаб эзиб бўтқа бўлгунча аралаштирилиб ана шу бўтқани бўғимлар оғриган жойга малҳам сифатида суртиб туришни буюрган.

**Хантал (Горчица сарептская).** 48-расм. Халқ табобатида хантал уругидан тайёланган доривор препаратлар (хантал қозози, горчичник), уруғ порошоги ёки кунжараси, хантал эфир мойининг 2 фоизли спиртли эритмаси бўғим хасталикларини даволашда кенг ишлатилади. Абу Али ибн Сино хантал уруғи билан бўғим касалликларини даволаган. У. янчилган хантал уруғини асалга аралаштириб оғриган жойга малҳам сифатида суртишни буюрган.

**Қовоқ (Тыква).** Абу Али ибн Сино ошқовоқнинг этини кўрага кўмиб пиширган ва ундан бўғим оғригини тўхтатиш учун фойдаланган.

**Қоврак (Ферула вонючая).** 49-расм. Бўғимлар оғриганда коврак ўсимлигининг илдизидан елим (смола) олиб оғриган жойга суртилган. Бунинг учун поя чиқармаган ўсимлиқнинг илдиз атрофи чуқур қилиб ковланади, сўнгра илдизининг юқори томонидан озгина жойи кесиб кўйилади, шу ердан елим- смола оқиб туради кейин қотади. Котиб қолган елим-смолани эртасига йигиб олинади. Сўнгра илдизи яна кесиб кўйилади. Илдизида елим-смола тамом бўлгунча шу иш такрорланаверади. Абу Али ибн Сино бўғимлар оғриганда оғриқ қолдирувчи сифатида елимни оғриган жойга суртган.

Бўғим оғриқларида ва падагра касалида мана шу дори фойда қиласи: Совринжондан 12 дирҳам (бир дирҳам 2,975 г), ариқ бўйида ўсадиган ялпиздан 3 дирҳам, мурч ва зираларнинг ҳар биридан 4 дирҳамдан олиб янчилади. Шундан ҳар гал бир дирҳам асалти сув билан ичилади.

**Мумшё (Мумия).** Мумиё хоссаларининг ҳамма манбалардаги тасвири деярли бир хил. Шунга кўра унинг хоссаларини қўйидагича умумлаштириб баён қилиш мумкин. Мумиё бод асоратларини, бўғинлар оғригини йўқ қиласи, ва умуман мускуллар, бўғимлар ва суяклар касалланиб қолганида яхши кор қиласи. Ревматизм касаллигига, бўғимлар оғриганда, чиқсан суяк ўрнига солингандан кейин, пайлар чўзилганда — ҳакимлар 0,5 г дан 0,7 г гача мумиёни гул мойи билан ёки бошқа бир мой билан аралаштириб ишлатишни тавсия этишган, шу билан бирга яна қўйидаги аралашмани ҳам ишлатишни буюришган. Крим ловияси қайнатмаси 3-4 тухум саригига қўшиб ичирилади, ҳамда оғриган жойга суртилади, оғриқни кескин камайтиради.

Бўғимлар оғриганда «С» дармондорига (вигаминг) бой бўлган ўсимликлардан фойдаланиш зарур. Бундай ўсимликлар таркибига картошка, карам, булгор қалампири, кулупнай, апельсин, лимон ва ош кўклари киради. Буларда «С» дармондори (вигамин) кўп бўлиб, уларнинг турли гиёҳлар билан аралашмаси бўғим оғриқларини тўхтатиша ёрдам беради. Кейин дараҳтининг куртакларидан тайёрланган дамланами бўғимлар оғриганда, бод касалликларида тананинг оғриган қисмига суртиш ҳам яхши шифо берид тез оғриқни қўлдиради.

Агар бўғимлар лўқиллаб оғриқ тўхтамаса, унда турп уруғини олиб ҳовончада майдалаб ун шаклига келтириб уни иссиқ қайнатилган сувда хамир қилиб қорилади, шу хамир илиқ холича оғриётган бўғимларга тез- тез боғлаб турилса яхши шифо қиласди.

## БРОНХИТ

(Юқори нафас йўлларининг яллиғланиши)

**Касалликниң келиб чиқиш сабаблари.** Юқори нафас йўлларининг тез-тез шамоллаши сабабли яллиғланиши **бронхит** дейилади. Агар ўпкадаги нафас йўлларининг майдада капиллярлари яллиғланса — бу капиллярит бронхит дейилади. Бронхит касаллигининг асосий сабаблари шамоллаш, совук ҳаво билан нафас олиш, совук шабодадан, терлаб тез совук ҳавога чиқиш, ёмғирда юриш, музхоналарда ишлаш, чанг жойларда нафас олиш, кўп дори-дармон ичиш ва бошқалардир. Бронхит касали бошланганда тана харорати кўтарилиб иситма баланд бўлади, аксириш, куруқ оғриқли йўтал бошланади, кейин бурундан ва оғиздан суюқлик келаверади, кўзлар ёшланаверади, нафас олиш оғирлашади. Тезда даволанмаса касал оғирлашиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Касалликни даволаш усуллари.** Бемор ҳавоси яхши жойга (хонага) ёткизилиши зарур, темир чойнакка сув қуйиб қайнатиб ундан чиқадиган бугини 5-10 дақиқа ичига тортиб, юқори нафас йўлларини яхшилаб терлатиб кейин ўралиб ётиш керак, тана бир маротаба терласа касалтик қайтади.

**Мурчиш чой (Чай с чёрным перцем).** Халқ табобатида мурчили чой шамоллаб йўталганда, бронхитда, кўкрак оғриганда, терлатувчи дори сифатида кўлланилади. Қора мурч тана аъзоларини тозаловчи, қизитувчи хусусиятларга эга. Ярим литргэ чойнакка кичкина қошиқда олий навли қора чой солинади, устига 1,5 чой қошиқида туюлган мурч ёки доналаридан 15 дона солиб устидан қайноқ сув қуйилади ва 4-5 дақиқа сочиқча ўраб дамланади, сўнг bemор чойга ўхшатиб

ичаверади. Агар асал билан мурчни тенг миқдорда аралаштириб қўшиб танглайга суртиса, томоқ оғриғига фойда қиласди ва ўпкани тозалайди. (Абу Али Ибн Сино «Тиб қонунлари» II жилд 1956й. 500 бет).

### Биласизми:

Анжирни сутда қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади.

Болалар учун мурч ва асалли чой дамланади, бунинг учун 300 г лик чойнакка 0,5 чой қошиқ олий навли қора чой, мурч доналаридан 10 десна солиб устига 2 чой қошиқда асал солиб қайноқ сув куйилади, сочиққа ўраб 4-5 дақиқа дамланади, сўнgra чой шаклида болаларга ичирилади.

Сариқҳалилали чой (Репейник азиатский). Тропик мамлакатларда ўсувчи доривор дарахтнинг пишмаган мевасининг қуритилганидир. Меваси ўгкир, таъми бир оз дағалроқ кучсиз ҳиди бор. Халқ табобатида сариқҳалилали чой юқори нафас йўлларини сурункали ялтигланшида беморларга ичирилади. Агар бир ҳафта давомида ана шу чойдан ичиб юрилса, балғамнинг кўчиши осон бўлади, одамнинг юзи тиниқлашади, бош оғриғидан сақлайди. Абу Али ибн Сино: «Бунинг сариқ, хом ва қора, Ҳинд мамлакатидан келтирилган хили бор. Ҳаммаси сафрони сўндиради, рангни тоза қиласди. Қобулдан чиқадиган хили айниқса яхши шифо беради» — дейди. (Ибн Сино «Тиб қонунлари» II жилд 1956 й. 205-206 бетлар). Сариқҳалилали чойни дамлаш учун у туйилади ва ярим литрли чойнакка кичкина қошиқда олий навли қора чой, бир чой қошиқда халила солиниб, устидан қайноқ сув куйилади ва олов олдида 5-6 дақиқагача дамланиб, сўнг ичилади.

*Турп (Редъка).* Абу Али ибн Сино турпни пиширилганини ва шарбатини шамоллаб бронхит касалига чалинган беморларга тавсия этган. Турпни қайнатиб пиширилганини шамоллашта қарши, балғам кўчирувчи томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида едирилади. Турп шарбати бронхит ўпка ялтигланганда ичирилади. Турп шарбатини тайёрлаш учун қирғичда қўриб унинг шарбатидан 3 ош қошиқ олинади, унга икки ош қошиқ асал, бир ош қошиқ (40 фоизли) спирт, бир ош қошиқ миқдорида ош тузи қўшилиши лозим бўлади. Кунига уч маҳал 1 ош қошиқдан овқатланишдан олдин ичилади. Яна: турпни майда бўлакларга бўлиб, қопқоқли идишларга солинади ва устидан шакар сепилади ва шуни духовкада икки соатча қиздирилади, совутиб турп бўлакчалари олиб ташланади тагида қолган суюқликни эса шишага куйилади. Кунига икки чой қошиқдан уч-турт маротаба овқат олдидан ва кечаси ухлашдан олдин ичилади. Бу муолажани қилиб турилса киши аксирмайди, йўгалмайди ва бронхит касалига даво қиласди айниқса болалар учун яхши шифо беради.

*Тоғжамбіл (Тимьян).* 5-расм. Ўрмалаб ўсувчи, гуллари пушти рангда, тоғ ён бағрларыда күп учрайди. Абу Али ибн Сино:

Тоғжамбилининг қайнатмасини асалта күшиб яланса, күкрак ва ўпкани тозалайди, балғамни күчиришга ёрдам қиласи, қон туфлашни ҳам тұхтатади дейди. Қайнатма тайёрлаш учун тоғжамбилинг ер устки қисмининг майдалаб куритилганидан 15 г олинадида 200 г сұнда бир оз қайнатилади, сұнг докада сузиб олинади ва 1 ош қошиқ асал билан аралаштириб кунига 4-5 маҳал ялаб турилади.

Болгариялык башоратчи Ванга: Бронхитни болаларда даволаш учун, *Күқа (Мать-мачеха)* ўсимлигининг куритиб майдаланғандан күлда бир сиқимини олиб иккі літр сұнда қайнатиб, иссиқлигіда болани шу қайнатма билан чүмилгиришни буюрган. Яна туғулган аспиринни тоза чүчқа мойида хамирга ўхшатиб аралашма тайёрланади ва шу аралашмадан 10 кун давомида боланинг күкрагига суртиб турилади. Яна бошқа усул 2 дона тухумни чүчқа мойида пишириб озгина совугач, туз сепиб ётиш олдидан боланинг күкрагига малхам сифатида қўйилади. Яна Ванганинг айтишича: бронхит бошланганида айниқса болаларда, уларга 1 чой қошиқда кастор мойи ичирилса яхши шифо берар өган.

*Қораандиз (Девясил высокий).* 52-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларыда, нам ерларда, сув бўйларыда, ўтлоқларыда, буталар орасида, тоғ ёнбағирларидан бошлаб ўрта қисмигача бўлган ерларда ўсади. Буйи 100-150 (баъзан ундан ҳам баланд) см. гача бўлади. Гуллари тилла сарық рангда бўлади. Қораандизнинг илдизи ишлатилади. Абу Али ибн Сино қора-андиз ўсимлигининг илдизпоясидан тайёрланган дамламани ёки қайнатмани, нафас йўларининг шамоллашида, иситма туширувчи, балғам күчирувчи ва ўпка сили касалликларини даволаща ишлаттган. Ўсимликдан дамлама ёки қайнатма таёrlаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув куйиб, устига майдаланган ўсимликнинг илдизидан 20 г солинади ва бир оз қайнатиб, 4 соат кўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 3-4 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади. Илмий медицинада қораандиз ўсимлигининг қайнатмаси балғам күчирувчи дори сифатида ишлатилади, ҳамда йўтални қолдиради.

*Пиёз (Лук репчатый).* Сентябрь ойининг охиридан бошлаб бигта ёки тухумдай бўлса иккита пиёзни тозалаб қиргичда ёки пичоқда каттакатта бир косага қирқилади, сўнг дарҳол коса атрофини ўраб ўргаси очик қўйилади. Ана шу очик жойга бурун билан оғизни кўйиб 5 дақиқа бурун билан, 5 дақиқа оғиз билан чуқур-чуқур нафас олиш керак.

Нафас олганда бурун билан олиб оғиз билан нафас чиқариш, оғиз билан олганда бурун билан нафас чиқариш керак. Пиёз бурундаги, бронхдағы яллигланишни секин-секин йұқотади, тез-тез шамоллашнинг олдини олади, ўша заҳотиәқ нафас олиш бир мунча яхши бўлади. Бу муолажани касаллик оғир бўлса биринчи 10 кунда уч маҳал овқатдан олдин, иккинчи 10 кунликда бир маҳал кечқурун ётишдан олдин бажарилади. Иккинчи ойдан бошлаб ҳар куни бир маротабадан шу усулни кўлланиб турилса ўпканинг юқори нафас қисмлари, бронхлар яллигланишлари кетиб яхши шифо беради.

Ванга бронхитни күйидагича даволашни тавсия этади: 40 бош ўргача пиёз олиниб, устидан пиёзлар чўқмагунча қайноқ сув қўйилади, бир-оздан сўнг улар хўллангандан кейин олиниб устига 0,5 литр Чаканда мойи(облипеха) солинади ва эзилади. Эзилган пиёзларни овқатдан олдин бир ош қошиқдан кунига 2-3 маҳал еб турилади.

**Саримсоқ (Чеснок).** Умуман ўпка касаллигига тез-тез шамоллайдиган, айниқса қиши фаслида ўпка касаллигидан қўйналаётган беморларга саримсоқдан тайёрланган доривор аралашмалар буюрилади. Саримсоқни тозалаб майдалаб 3 литрли банкага солиб устидан 1 литр ароқ қўйилади. Банка оғзини капрон қопқоқ билан 15-20 кунгача ёпиб қўйилади. Шундан кейин 1 стакан қайнатилган сутга 1 чой қошиқ шу саримсоқ пиёз ва ароқ қоришмасидан аралаштириб овқатдан 15-20 дақиқа олдин кунига 3 маҳал ичилади. Бу қоришмани октябрь ойидан то май ойигача ичиб турилади. Ёз ойларида танаффус қилинади. Қоришманинг дориворлиги шундаки танадаги ортиқча зарарли чўқмалар тозаланади, кўзнинг қобилияти яхшиланади, инфаркт миокарднинг олди олинади, ёшаргандай бўлиб, турли шишлар пайдо бўлишининг олди олинади.

### **Билиб қўйган яхши:**

Сурункали йўталга қайнатилган турп ейилади.

## **БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИ**

**Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.** Одам бурни нафас олишда ўпкага ҳавони тозалаб берувчи аъзо сифатида хизмат қиласи. Бурун касалликлари ҳар хил бўлади. Бурун хасталиклари кўпинчча атроф мухитнинг таъсирида келиб чиқади. Бундан ташқари кўп маротаба шамоллаш ва ўз вақтида даволанмаслик, таомларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ҳам бу касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Буларга бурундаги пай пардаларининг яллигланиши, ёки ўсмалар пайдо бўлиши киради. Улардан ташқари бурун хасталиклари

орасида кўп учрайдиган тури, буруннинг тез-тез қонаб туриши ҳисобланади. Бунга бурун йўлларидағи майда қон томирларининг ёрилиб қоннинг ташқарига чиқиши сабаб бўлади. Бундай ҳолат кўпинча одамнинг қон босими ошганда, бирон нарсага қаттиқ урилганда ёки бирон бир ўзга сабаб таъсирида рўй бериши мумкин ва ҳаказо.

**Касалликни даволаш усуллари.** Агар бурунда ўсма ёки ҳар хил чиқиндилар кўп бўлса унда:

**Тоғ яллизи (Мята азиатская).** 11-расм. Унинг қайнатмаси билан бурун чайиб турилса бурун тешитидан чиқиндиларни туширади, нафас олишни осонлаштиради. Яллизли қайнатма тайёрлаш учун 5-20 грамм куритилиб майдаланган яллизни 200 г сувда 15 дақиқа қайнатилади ва шу қайнатмадан кунига 2-3 маҳал 4-5 томчидан бурунга томизиб турилади.

**Пиёз (Лук).** Пиёзни сиқиб суви олинади, олинган сувидан бурунга кунига 2-3 маротаба томизиб турилса бурундаги ўスマларни, яллигланган пардаларни йўқотади ва яраларни куритади, бурундаги чиқиндиларни туширади, биратўла бошга, кўзга, кулоқча ҳам шифо бериб уларни соғломлаштиради. Ундан ташқари пиёзни майда-майда килиб кесиб ҳуддаш ҳам яхши шифо беради.

**Совунёт (Очный цвет пашенный).** 47-расм. Совунёт икки хил бўлади, бирини гули сариқ бўлади, иккинчисининг гули ҳаворангдир. Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида, боғларда, адирларда, ариқ бўйларида, тоғ ёнбағирларида ўсади. Бўйи 5-25 см.гача етадиган бир йиллик ўсимлик. Совунётнинг ер устки қисми ишлатилади. У жароҳатларни тузатади, шишиларга, оғир яраларнинг тарқалишига тўскинлик қиласи. Совунётни сиқиб сувини касалланган бурунга томизилса, кўп шилликни туширади ва шу туфайли тиш қамашишини ҳам тўхтатади.

**Шолғом (Репа).** Бурун бўшлиги касалликларида, ўпка касалликларида яхши даволовчи восита сифатида синалган. Шолғомнинг хислати шундаки, у бурун бўшлигидаги ҳамма шилтиқларни тозалаб чиқарип ташлайди. Бироқ шолғом қай гарзда, қанчадан ва нималар билан истеъмол қилиниши тўғрисида ҳалқ табобатида яхши ишлаб чиқилган тизим бор. Ҳар қандай шолғом кунига икки марта ярим қадоқдан (200 г) қирғичдан ўтказиб, хом ҳолда ишлатилади ва истеъмол қилинади. Сўнг кам деганда бир соат бошқа нарса емаслик, ичмаслик лозим. Бундай даволаниш жараёнида ҳар куни 2 марта икки пиёладан қаттиқ ичиш керак. Қовурилган, ёғли овқатлар, қази, кабоб ва сут вақтингча истеъмол қилинмайди. Бурунга кунига икки маротаба 2-3 томчидан шолғом шарбати томизиш лозим.

Агар бурун тез-тез қонайверса, аввало совуқ сув билан ювилади ва бир оз хўл латта босиб турилади. Тасодифий ҳолатларда ҳеч қандай ўткир таъсирчан воситалар кўллаш тавсия этилмайди. Қонашни тўхтатиш мушкул бўлса, ҳалқ табобати бўйича даволанилади.

**Кашнич (Кореандр посевной).** 40-расм. Янги узиб олинган кашнич бурун қонашини тўхтатади. Кашнич ўсимлигининг фойдали хусусиятлари билан бирга, унинг заарли томонлари ҳам бор. Уни мунтазам ишлатиш киши зеҳнига салбий таъсир кўрсатади, жинсий қувватни пасайтиради, эрлик уругини қуритади, юрак хасталигида, миокард инфаркти, қандли диабет, қон босими паст бўлган, оғир юқумли хасталикларга чалинган беморларга уни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Абу Али ибн Сино бу тўғрисида шундай дейди: кашнич уругини аччиқ қилиб дамлаб бурунга томизилса, оқиб турган қон дархол тўхтайди.

**Мўмиё (Мумия).** Мўмиёни камфора билан аралаштириб ёки унга майорон суви қўшиб бурунга томизилса, бурун қонашга ва буруннинг бошқа касалликларига яхши даво бўлади. Мўмиёни нўхатдагига 5-6 г камфора аралаштирилади кунига 2 маҳал 2-3 томчидан бурунга томизилади.

Агар бурунда яра бўлса ва у қуруқ ҳолатда бўлса, мол миасини ва мўмни суркаш яхши даво қиласи. Агар бурундаги яра хўл бўлса, унга товуқ ёғи билан заъфорон ўтини қиймалаб суркашни тавсия этилади.

### **Биласизми:**

Агар бурун ичи қуриб кетса, унда семиз ўтни сиқиб, унинг шарбатига бодом ёғи аралаштириб пешонага суртиш тавсия этилади.

**Зубтурум (Подорожник большой).** 35-расм. Абу Али ибн Сино Бурундан қон оққанда, қон тупиришда, бурунда қийин битадиган хавфли яралар ва шишларни зубтурумнинг дамламаси билан даволаган. Зубтурум турлари Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, улар далаларда, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида ўсади. Ҳалқ табобатида зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки барг шираси бурундан қон оққанда, нафас йўллари яллигланганда ва ўпка ракида беморга томизилган ва ичирилган. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув қуйиб устига бир ош қошиқ қуритиб майдалангандан барг солинади ва 2 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилиб кунига 4 маҳал бурунга 24 томчидан томизилади.

Итузум (Паслён чёрный). 39-расм. Бу ўсимликнинг пишган мевасидан ташқари ҳамма қисми захарли ҳисобланади. Итузумнинг янги узиб олинган баргини эзib шираси олинади. Бурун ичидаги хавфли ярани даволаш учун итузум ширасидан бурунга томизилса, 3-4 маротаба муолажадан кейин яра битади.

## БЕЗЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Одам организмида бирор бир хасталикларнинг келиб чиқиши оқибатида, ёки танада безлар озиқланадиган дармондорилар (витаминалар) етишмаслиги сабабли - безларнинг иш мароми бузилиб, инсон организмида ўзгаришлар содир бўлади. Кўпинча организмда «Н» дармондори (витамин) камайиб кетган ҳолларда, турли аъзоларнинг иш фаолияти бузилиб хасталиклар келиб чиқиши мумкин.

Касалликни даволаш усуллари. Бундай ҳолларда дармондориларга бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Бундай таомлар бўлка нон, гуручли овқатлар, жўхори гўжа, мол жигари. Агар ички аъзолар ишини бошқарувчи безлар хасталанса:

*Ёнғоқ барги (Листья грецкого ореха)* ни чой қилиб бир кунда бир маҳал оз-оздан ичиб туриш яхши натижа беради. Ёнғоқ барги таркиби каротин, аскорбин кислота, «В» дармондори группасига бой бўлиб хасталанган безларга яхши таъсир қиласди. Дамлама тайёрлаш учун бир ош қошиқ қуритилган ва майдаланган ёнғоқ барги олинади, устига 200 г қайноқ сув куйиб 30 дақиқа дамланади, шу даламадан кунига 2 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичиб турилади.

Инсон организмида безларнинг хасталигини даволаш ва уларнинг бир ой ичida ўз фаолиятига қайтиши учун пешоб билан даволаш яхши натижалар беради. Ҳар ким ўзини пешобини саҳарда оч қоринга 15-20 кун давомида 60-100 г дан ичишни тавсия этилади, болаларга 30-60 г дан.

Мева, сабзавотлар шарбатларини кўпроқ истеъмол қилиб туриш лозим. Узум шарбати (Виноградный сок) ни кўпроқ ичиш безлар хасталиклирида фойда қиласди. Агар шамоллаш оқибатида киши организмининг ташқи безлари хасталанса қиздириш ҳам яхши даво қиласди, унинг натижасида шамоллаш кетади.

## ВАБО ИСИТМАСИ

***Касаллуккунинг келиб чиқиши сабаблари.*** Айрим бир аъзога хос бўлмаган касаллуклар, масалан қадим замонларда вабо иситмасининг келиб чиқиши сабабларини шундай изоҳлашган: Сув соф ҳолида эканлигига бузилмай, унга тупроқ жинсидан бўлган ёмон жисмлар аралашиб таркибида ёмон кайфият пайдо қилгандағина бузилганидек, ҳавода ҳам сувдагидек ҳолат юз беради, унинг кайфияти иссиқлик ва совуқликка томон ўзгаради, табиати ҳам ўзгаради. Ҳаво соф ҳолатида эканлигига бузилмайди, балки унинг таркибида ёмон кайфият пайдо қиласидан ёмон буғларни яхши ҳаволи жойга ҳайдайди. Бу ўзгаришларнинг барчасининг манбаи осмон жисмларининг маълум бир вазияти бўлиб, бу вазият уларни бизга ноъмалум бўлган тарзда вужудга келтиради. Осмоннинг таъсир қилувчи қувват билан ернинг таъсирланувчи қуввати ҳавода кучли рутубатлилик ҳосил қилганида буғлар ва тутунларни ҳавога кўтариб тарқатади ва уларни кучсиз ҳаракат билан чиритади. Мана шу ҳолатдаги ҳаво юракка етиб боради ва ундаги руҳ мижозини бузади.

### Вабо пайдо бўлишининг белгилари

Вабо сабаблари меъёрий ҳолатларнинг вабо пайдо бўлишига далолат берувчиларидан бири куз фаслининг бошларида ва сентябрь (Элул) ойида осмон тошлари ва юлдуз учшининг кўпайишидир, чунки булар бўлгуси вабодан худди унинг сабабига, масалан декабрь (Қонун) ойида жануб ва шарқ шамолларининг бир неча кун тинмай эсишига ўхшаб дарак беради. Шунга ўхшаш ҳавонинг бир кунда бир неча марта ўзгарганини кўрсанг, кейинги кун эса ҳаво тиниқ бўлса, кўёш бир куни соф бошقا бир куни қудратли кўриниб, губор ўралиб чиқса вабо ҳукм қиласи.

Сабаблар билан гўё биргалашиб келувчи белгиларга келсак, сен, масалан вабодан олдин курбақа кўпайганини ва чириндишлардан пайдо бўладиган ҳашаротларнинг ҳам кўпайганини кўрасан, яна вабога далолат қиласидан белгилардан бири шуки, сен сичқон ва ер тагида яшайдиган жониворларнинг ҳайронлик ва саросимага тушиб, ер юзига қочиб чиқсанликларини, лайлак ва шунга ўхшаш ўз табиати бўйича сезигир жониворлар уясидан қочиб, баъзан босиб ётган тухумларини ҳам ташлаб кетишларини кузатасан. Вабо бу инсон танасида жуда катта ўзгаришлар олиб келади. Олди олинмаса тана чирий бошлайди, натижада тана ҳарорати анча кунгача жуда баланд кўтарилиб туради.

**Касалликни даволаш усуллари.** Вабодан сақланиш, бадандан ортиқча рутубатларни чиқарыш, ҳар бир важхдан баданни қуришишга яқин тадбирни құллаш ва овқатни кам бериш лозим. Аммо жисмоний ҳаракатларни мутлақо қылдирмаслик, касални ҳаммолға туширмаслик, унға шароб ичирмаслик ва уні ташна қилиб күймаслик керак. Очиқ яхши ҳавода бұлиши яхши натижа беради Овқатни нордонникка моил қилиб, оз миқдорда бериш лозим. Касалға бериладиган гүштни нордон нарсалар билан күшиб қайнатиб берилади. Бузоқ гүштидан тайёрланған яхна ва енгил гүштларға мева ва сирка күшиб бериш тавсия этилади. Құшларнинг ичига турлы сабзавотларни тиқиб сирка күшиб пишириб едирилади. Ҳаммаси енгил овқатдан иборат бўлсин.

**Лимон (Лимон).** Бу саратон күшандаси деб бекорга айтилмаган. Вабо касалида лимоннинг ўзи, унинг шарбати даво сифатида асқотади. Лимон вабо касалининг ривожланишини тұхтатиб қўяди. Маълум бўлишича лимон шарбати янгилигида инсон организмидә вабо, саратон (рак) хужайраларини ўсимтата, чиришга айлантирадиган заҳарли концероген моддаларни йўқотиб юбора оладиган хусусиятта эга экан. Ана шулар фойда етказадиган нарсалардан бўлиб, кишилардан касални узоклаштиради.

**Билиб қўйган яхши:**

Кўл-оёқ шишиганда, сиркалаб қўйилган кашнич суртилса, тез шифо қиласи.

## ГИЖЖА ВА УНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Куртлар ёки гижжалар тиббиётда глиствлар ёхуд гельминтлар деб ҳам юритилади. Улар одам, ҳайвон ва ўсимликлар организмидә яшашга қодир бўлган хасталиклар келтирувчи паразитлар. Гельминтларнинг 250 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, улар организмга сув, сабзавот, кўкатлар, ўрин-тўшак, чанг зарралари орқали юқиши мумкин. Одам хом нарса, чала пишган гүшт, балиқ, қисқичбақа истеъмол қилганда ҳам организмга тушади. Кўпинча ифлос сувда чўмилтанды ҳам гижжалар тери шиллик пардалари орқали танага ўрнашиб олиши мумкин. Ундан ташқари тозаликка кўпинча риоя қилмаслик, турли паррандалар, мушуклар, итлар билан ўйнаш, қўлларини ювмасдан овқатланиш кабилар натижасида турли хил микроблар организмга ўтади ва оқибатда гижжа кўпаяди. Гижжа кўпроқ ёш болаларнинг организмидә, ўзига қулай шароит топади ва кўпаяди. Гижжаси бор болалар кечалари кўп безовталаңадилар, иштаҳалари бўлмайди ва инжиқланиб қолишади. Чунки организмда

сингиши лозим бўлган моддаларнинг кўп қисмини гижжалар ўзлаштиради. Бундай болаларнинг ахлати кузатилса, уларда майдагижжаларни кузатиш мумкин. Гижжаларни тушириш бола соғлигини тиклашда ва унинг вазнини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Гижжалар (гельминтлар) одам баданидаги барча тўқималарни жароҳатлайди. Жумладан одам ичакларида аскарида деб аталадиган юмалоқ гижжа, остица-карлик гижжа, туклибош, қийшиқбош мол гижжаси, чўчқа гижжаси, кенг тасма деб аталадиган гижжалар ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, ўт пуфаги йўлларида жигар курти ин қўяди. Ришта ва бошқа хавфли касалликларни кўзгатувчи гижжалар тери остига жойлашади. Мушакларда трихинеллалар, лимфатик томирларда — филяр, вена қон томирларида — шистосом гижжалар бўлади. Гижжалар (гельминтлар) қайси аъзога тушса, ўша аъзодан озиқланадилар. Улар бир неча ҳафта, ҳаттоқи қирқ йил ва ундан ҳам қўпроқ яшаши мумкин. Бундай пайдада беморда умумий беҳоллик кузатилади. Тинка мадори курийди, иштаҳа пасаяди ёки кўтарилади, озади, сўлаги оқади, киндик атрофи, ўнг томондаги қовурғалари ости оғрийди, боши айланади, бемор тажанг бўлиб қолади, уйкуси бузилади. Баданида шиш пайдо бўлади, бетоқатланиб тоҳо хушидан кетади.

Гижжа касалига чалинган кишини аниқлаш қийин эмас, унинг ахлатида гижжалар кўриниб туради.

### Гижжага қарши ишлатиладиган воситалар

*Карам (Капуста).* Халқ табобатчилигига карам енгил сурги сифатида ёрдам беради. Гижжаси бор одамга карам уругини аччиқ қилиб дамлаб ичиш тавсия этилади ва гижжалар 2-3 кунда тушиб кетади. Карам уруғидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир чой қошиқ карам уруғидан солиб, устига 200 г қайнаб турган сув куйилади, бир оз тургандан кейин чорак стакандан наҳорда ичилади.

*Саримсоқ (Чеснок).* Гижжаси бор болага саримсоқ билан эрмон (полынь горькая)ни тенгма-тент омухта қилиб дамламаси билан ҳуқна қилинса бола тинчланади. Иккинчи муолажа, бунда икки дона ўртача катталикдаги саримсоқ қиймаси, бир стакан майдаланган Сарикбош (Крестовник обыкновенный) 76-расм уруғлари олинади, 2 стакан сут билан ёпик идишда 10 дақиқа қайнатилади, сузиб олингач илиқ ҳолида ҳуқна (клизма) қилинади. Гижжаларни тезда йўқотишга ёрдам беради. Муолажа бир неча кун давом этади. Учинчи муолажа саримсоқ пиёзидан тайёрланган қайнатмани ичиш ҳам гижжа ҳайдашга яхши шифо беради.

*Ош қовоқ уруғи (Семена тыквы).* Уруғ чақилганда унинг мағзидаги кўкиш қобиги сақланиши керак. Мағзини майдалаб идишга солинади ва устига асал ёки мураббо қўшиб аралаштирилади. 3-4 ёшли болалар учун 75 г урукча 25 г асал, 10 ёшли болаларга эса, 150 г уруғга 50 г асал ёки мураббо қўшиш мумкин. Ушбу аралашмадан болаларга наҳорда оз-оздан берилади. Кейин 3 соат ўтказиб, маккай санодан тайёрланган дамламадан бир пиёла миқдорида ичирилади. Сурги ичирилгандан сўнг гижжалар тушиб кетади ва бола секин-асталик билан соглигини тиклай боштайди.

*Бўйимодарон (Тысячелистник обыкновенный).* 14-расм. Ўсимликнинг гули гижжага қарши ўта осон ва яхши шифо берадиган табиат неъматидир. Абу Али ибн Сино ўсимлик гулининг кукунини олиб куюқ қилиб дамлаб, сўнг докадан сузуб 1,5 қошиқдан наҳорга ичишни буюрган.

*Сабзи (Морковь).* Қиргичдан ўтказилган сабзидан 3 қошиқ олиб бир стакан сувда қайнатилади. Сабзили бўтқадан бир ош қошиқ миқдорида кунига 3-4 маҳал истеъмол қилиб турилса гижжаларни йўқотишга ёрдам беради. Иккинчи муолажа: Сабзи уруғларидан кукур ҳолида ёки сувли дамлама қилиб, гижжа ҳайдовчи восита сифатида ишлатиш ҳам яхши шифо беради. Дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ сабзи уруғи олинисб устига 200 г қайнаб турган сув қуйиб 5 дақиқа дамланади. Дамламадан наҳорда бир ош қошиқдан ичилади. Сабзининг шакар ёхуд асал билан аралаштирилган шарбатини кунига 1-2 ош қошиқдан ичилса ижобий натижга беради.

*Тоғжамбили (Тимьян ползучий).* 5-расм. Халқ табобатида тоғжамбили гижжа ҳайдовчи сифатида ҳам ишлатилади.

*Турп (Редька).* Турп шарбатини асал ёки шакар билан аралаштириб, гижжаси бор одамга берилса гижжаларнинг йўқолишига омилкорлик қиласи.

Болгариялик башоратчи Ванга: ялпизни дамлаб бир ош қошиқдан наҳорга ичилса гижжани тезда йўқотади — деган.

## ГАВДАНИ БЎШАТИШ ҲАҚИДА

Табобатда беморлар организмнинг фаол ишлаши учун уларнинг ичини бўшатишади. Абу Али ибн Синонинг айтишига қараганда ични бўшатишдаги ҳукмнинг тўғрилигига далил бўладиган нарсалар ўнтадир: Сурги қилдирмоқчи бўлган кишининг табиатида ич кетиш кузатилмаганда, чунки ич кетиши, устига сурги албатта кўрқинчлидир.

Иссиқ қуруқ мижозда ич бўшатиш ман қилинади. Совук ҳўл мижозда ҳам иссиқликнинг йўқлиги ёки кучсизлиги туфайли бўшатиш ман қилинади. Аммо иссиқ ҳўл мижозда бўшатишга кенг рухсат берилади. Ташқи кўринишга келсақ, агар киши жуда озғин ва бадани ғовак ва бўш бўлса, рухи ва қуввати тарқалишидан қўрқиб бўшатиш ман қилинади. Ўта семизликда ҳам ич бўшатиш ман қилинади, бунда совукликнинг ғалаба қилиш хавфи бор. Қаттиқ иссиқ ва қаттиқ совуқда ҳам ич бўшатиш ман қилинади. Кўп терлаш билан алоқали бўлган қасб, масалан ҳаммом ҳодими ва ҳамоллик ва умуман оғир меҳнат билан алоқали бошқа қасбларда ҳам бўшатиш ман қилинади. Ўзига яхши тадбир қилувчи кишининг қайт ва сурги қилишга ҳожати қолмайди, чунки яхши тадбирли енгилроқ нарсага муҳтоҷи бўлади. Баъзан у кишига бадан тарбия, уқалаш ва ҳаммомга тушиш кифоя қиласи. Сурги дорини баҳорда ё кузда ичиш керак.

Ични юмшатишга эҳтиёж бўлган ҳар бир вақтда ҳам сурги дори ичишга одатланиш керак эмас. Шунинг учун табиат неъматларидан билиб овқатларни оғирини камроқ истеъмол қилиб, асосий овқатлар табиат ноз-неъматларидан иборат бўлиши керак. Ана шунда гавдада ични бўшатишга эҳтиёж қолмайди. Табиатнинг ўзи тенглаштиради. Инсон ҳам табиатнинг бир заррачасидир.

## ДОРИЛАР ТАЪСИРИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Одамлар ўртасида кейинги вақтларда дori-дармонсиз яшаш шиори борган сари кенг тус олмоқда, шуни эътироф этиш керакки бу шиор амалда тўлиқ тасдиқланган. Ҳозирги кунда шифокорлар тавсия этаётган дori-дармонларнинг ҳам фойдадан кўра заари кўпроқ. Масалан сульфаниламидларни истеъмол қилиш дерматит, бронхлар астмаси, нефрит, қандли диабет, эндоартерит касалликларининг келиб чиқишига сабабчи бўлса, антибиотикларни истеъмол қилиш аъзои танда хасталикка қаршилик кўрсатиш омилларининг йўқолишига олиб келади.

Дорилар воситасида биз дардни йўқотиш пайига тушиб, касаллик аломатларини бартараф этамиш-у, оддий ҳақиқатни унтиб қўямиз.

Одатда биринчи навбатда аъзои раисаларнинг хасталикни енгишга ёрдам бериши керак. Ахир у касалликни қўзғатувчи зарарли таъсирга қарши курашишга қодир бўлган ҳимоя кучига эга.

Организмдаги химоя кучларини кучайтиришнинг кўпгина усуллари бор. Инсон ўз ҳаёт фаолиятида табиат мұхитига мослашишга ҳаракат қиласы. Одам организми табиаттнинг нохуш таъсуротларига қарши ҳимоя кучига эга бўлиш билан бирга, бир қатор касалликларга қарши курашиш хусусиятига ҳам эга. Турли кимёвий дори воситалари оқибатида организмнинг бу хусусияти пасайиб, одам касалликка чалиниши мумкин. Одам дори-дармонлар билан касалланганда, турли дармондориларни ёки дармондорилар сақловчи табиий неъматларни истеъмол этиб турса, дард енгиллик билан ўтади. Таркибida дармондориларни сақловчи табиий неъматлардан ўз ўрнида фойдаланиш, мурғак организмнинг камолатга етиши, соғлом кишининг саломатлигини янада зиёда бўлишини таъминлайди.

**Касалликни даволаш усуллари.** Табиат неъматлари инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир. Масалан чумчук ва кабугар миясидан элликта, чумчук тухуми сарифидан йигирмата, товук тухуми саригидан ўн иккита ва янчилиб яхши пиширилган қўй гўштининг сиқиб олинган сувидан бир коса, сиқилган пиёз сувидан 150 г олиниб, булардан кўймоқ тайёрланади ва оз-оздан ейилади. Унинг устидан ҳазм бўлиш олдида ширинга мойил кучли райҳоний шароб ичилади. Ичимликлардан ширин шароблар, чинакам ширин майиздан тайёрланган майиз шароблари ичилади. Ҳар қандай заҳарнинг ози дори, ҳар қандай дорининг кўпи заҳар эканлигини ёддан чиқариб қўйилмасин.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган табиий воситалардан бири витаминлар (дармондорилар) ҳисобланади. Дармондори номини олган витаминлар билан организм тегишли меъёрда таъминланиб турилса, унинг касалликларга нисбатан бардошлилиги кучли бўлади. Булар тўғрисида «Витаминлар (дармондорилар) етишмаслигидан келиб чиқадиган хасталиклар» деган мавзууда аникроқ ёзилган. Оғир хасталиклардан ҳолсизланган организм тегишли витаминлар билан таъминланганида куч-қувватнинг тикланиши яхши бўлади. Организмнинг мослашувчанлигини ошириш хусусиятига эга бўлган гиёҳлар — адаптогенларга жень-шень, хитой лимони, элеутеракокк ҳамда оралиқ ўсимликлар киради. Улар организмда кўплаб энергия сақловчи ҳисобланади. Тиббиёт олимлари фикрича адаптогенлар инсон умрининг узайишига ҳам ҳисса кўшар экан.

## ДОГЛАР

Тирик организмнинг асосий хусусиятиларидан бири мәддалар алмашувидир, чунки у тирикликни белгилайди. Моддалар жонсиз табиатда ҳам алмашиниб боради, турли жисмлар атроф-муҳит ўзаро таъсир қилиб туради. Организм озиқланар экан оқсиллар, ёғлар ва уйлеводлар билан бирга сув, минерал моддалар ва витаминалар (дармондорилар) қабул қиласи. Бу моддалар организмда безлардан ажралаётган моддалар таъсирида парчаланади, шунинг натижасида ҳётни мөбёрида сақтайдиган хилма-хил ўзгаришларни таъминлаб беради. Инсон организмидә юқорида айтиб ўтилган айрим моддаларнинг етишмаслиги, ёки бирор бир без фаолиятининг бузилиши оқибатида тананинг турли ерида доғлар пайдо бўлиши мумкин. Тери устидаги доғлар айниқса одамнинг юзида кўпроқ учрайди. Абу Али ибн Сино: «Бу жуда оғир хатардир, чунки у сабабли баданда тўхтаб қоладиган хиллар ва бошқа заҳарли нарсалар, ички аъзоларда зотилжам қаби ишишлар бўлиши ҳам мумкин» — дейди. Буларни даволаш учун куйидагиларни тавсия этган.

*Табиат неъматлари билан докларни даволаш усуллари.*

*Пиёз уручи (Семена лука).* Қизил пиёз оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Пиёз уруғидан бир чой қошиғида олинади-да, икки стакан сувда беш дақиқа қайнатилади, совугач докадан сузилади, сўнг сувидан танадаги докли жойларга суртилади. Муолажани камида бир ҳафта давом эттирилса доғлар кетади. Агар пиёз уруғини туз билан қўшиб ишлатилса сугалларни кўпоради.

*Саримсоқ (Чеснок).* Саримсоқни кули олинниб унга тенг миқдорда асал билан қўшиб доғларга суртилса фойда қиласи.

*Келинтили (Горец поченчуйный).* Барглари шафтolinинг барига ўхшайди. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерларида ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, боғларда ҳамда сугориладиган ерларда ўсади. Келинтили бир йиллик, буйи 20-80 см. гача етади. Пояси тик ўсади, бўғимли барги чизиксимон, юқори томонида қўнғир рангли доклари бор, гуллари шинги. Ҳалқ медицинасида ўсимликдан тайёрланган қайнатма, терига тошган доклар, гошлар ва яралар ювишда ишлатилади. Ўсимликдан қайнатма тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуйилади ва ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб 15 минут қайнатилади ва икки соат қўйиб қўйилади, сўнгра докадан сузилиб ҳар куни 2-3 маҳал докларни ва яраларни ювиб турилади.

*Тактак ўти.* 53-расм. Халқ орасида ёввойи арпа деб ҳам аталади. Июнь ойининг ўрталарида пишиб етилади. Таркибида оқсил, сахароза, мой моддалари ва турли хил дармондорилар мавжуд. Таңадаги ёки юздаги доғларни кетказиш учун тактак ўтининг кукунидан тайёрланган дамлама билан доғли жойларни ювилади. Оқибатда доғлар аста-секин йўқола боради. Сепкилга ҳам худди шундай усул қўлланилади. Жайроннинг қони суртилса ёки боғлаб қўйилса, доғлар ва йирингли яраларни йўқотади.

*Турп уруғи (Семена редъки).* Уруғни майдалаб, сиркага қўшиб, юздаги доғларга суртилса доғлар тез кунда йўқолади.

Бақлажонни сиқиб ундан олинган сувидан таңадаги ёки юздаги доғ ёки яралардан қолган жойларга суртилса уларни кетказади.

Тана ва юз доғини кетказиш ва рангини чиройли қилиш учун нўхат ва илитилган тухум, гўшт сели ва ҳущбўй шароб истеъмол қилиш ҳамда анжир ейиш тавсия қилинади. Анжир терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қиласи ва шу сабабли киши танаси ва рангини тиниқ қиласи ва семиртиради.

Юзда доғ бўлса ҳар куни крахмал қатронини сут билан суртиш ҳам кўпинча юзни тозалаб тиниқ қиласи.

Терида қора доғлар қоннинг бузилганини кўрсатадиган аломатdir. Бундай пайтда албатта, мутахассис шифокорга мурожаат этиш лозим.

Кўпинча қора доғлар ҳомиладор аёлларда учрайди. Бу доғларни кетказиш учун кўпроқ редиска, сут истеъмол қилиш керак. Ҳар куни сархил пиёз, бодринг шарбати билан теридаги доғлар артиб турилади. Шунингдек, хинани қовурилган саримсоқ билан яхшилаб аралаштириб ва асал қўшиб паста ҳолига, келтирилади, сўнгра тайёр аралашмани доғли жойга суртиб 25-30 дақиқадан сўнг илиқ сувда юваб ташланади. Бу муолажани 10-15 кун мунтазам давом эттирилса, ижобий натижани беради.

Биласизми: Табиатдан йўқолганини тиклаб бўлмайди.

Абу Али ибн Сино танасидаги ва юзидағи доғларни кетказиш учун пиёзнинг уруғини ишлатган, уруғни янчиб ун қилиб хамирга қориб доғли жойга суртиб доғни кетказган.

## ДИМЛАНИШДА (баданда ел йигилганда) КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Меъданинг касалланишида овқат алоҳида аҳамиятга эга, айниқса унинг ҳажми кўп бўлса, соғлом меъданни ҳам касал қиласди, аввало ел ёғилади, қорин дамланади, овқат яхши ҳазм бўлмайди. Дориларни кўп истеъмол қилиш ҳам яхши эмас, бунда меъда ўз ишни дорининг ёрдамида бажаришта одатланиб қолади. Айрим овқатлар, меъдада яхши ҳазм бўлмасдан димланади (ел кўпаяди), шунинг натижасида совуқ ва елдан бўладиган меъда оғриқларини пайдо қиласди, агар улар енгил бўлса, унда тариқни қиздириб оғриган жойга боғланса тезда оғриқни қолдиради, шу билан бирга бошқа ел ҳайдовчи неъматлар билан елни ҳайдаш кифоя қиласди.

**Касалликни даволаш усуллари.** Ошқозонда ел тўпланганида организмни димланишида қуйидаги табиат неъматларидан фойдаланилади.

***Седана (Чернушка посевная).*** Абу Али ибн Сино: Седана ўткир, организмни тозаловчи, ел ва димланишни шимдирувчи сифатида ишлатилади дейди. Хусусан унинг тозалаш хусусияти етарли даражададир. Дамламани тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка 20-25 дона седана солиниб, устига бир чой қошиқда кўк чой солинади, устидан қайноқ сув қўйиб 4-5 дақиқа давомида чўрга қўйиб дам едирилганидан сўнг ширинликлар билан ичилади, асал кўшилса яна яхши.

***Зира (Тмин).*** Зиранинг фойдалилиги тўғрисида Ибн Сино: Унда қиздирувчи куч бўлиб елларни ҳайдайди ва тарқатади. Унда парчалаш, қуритиш қуввати бор, ҳамда буриштирувчи ҳисобланади, дейди. Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиқда зира ва шунча кўк чой солиниб устига қайноқ сув солинади, 4-5 дақиқа дам едирилгач иссиғида ичилади.

***Занжавул (Горец бухарский).*** Бу ўсимликни қиздириши кучлидир. Юмшатувчи бўлиб димланишни тарқатади.

Дамламани дамлаш олдидан занжавулни туйиб элаки қилинади, сўнг 0,5 л совуқ сувга 10 г (1 чой қошиқ) ҳисобида кастрюлкага солиб 5 дақиқа қайнатилади. Сўнгра қора чой дамлаб, баробар микдорда (1:1 ҳисобида) олинган занжовул қайнатмаси билан қўшиб чойнакка яна 4 дона оқ қанд ёки 2 чой қошиқ асал солиб ичилади.

***Биласизми:*** Инсонни табиат яратгани учун ҳам у табиат оддилда доимо қарздор.

**Арпабодиён (Анис обыкновенный).** 54-расм. Арпабодиён ўзбек низандачилигига лағмонга солинади, қайнатмаси ширмой нон хуруши сифатида ишлатилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино: Арпабодиён енгил буриштирувчи ҳоссали бўлиши билан бирга очувчи ҳамдир, оғриқларни қолдиради. Димланишда, кўл-оёқ шишларида, заҳарларни қайтарувчи, сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади, дейди. (Ибн Сино «Тиб қонунлари» II жилд 54 бет). Арпабодиёндан дамлама тайёрлаш учун 0,5 литрли чойнакка бир чой қошиқ майдаланган ўсимликдан солинади устига қайнаб турган сув куйиб 10-12 дақиқага чўғга кўйилади (қайта қайнаб чиқиши учун) устига озгина қора чой солиб яна 4-5 дақиқа чўғ олдида тутилади, сўнг чойга ўхшатиб ичилади.

**Лимон ўт (Мелиса лекарственная).** 16-расм. Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида ўсади. Ҳиди худди лимон ҳидига ўхшаб кетади. Организм димланганда, қоринда ел йигилганда, лимон ўтни дамлаб ичилса 5-10 дақиқадан кейин димланишни қайтаради.

Булардан ташқари агар инсон организмида сурункали димланиш, ел йигилаверса, унда ўсимликлардан йифма қилиб дамлаб ичиш буюрилади.

Игирилдиши (Аир болотный)	— 15,0 г.
Доривор валериана илдиши	— 20,0 г.
Арпабодиён мевалари	— 15,0 г.
Ўтқир ялпиз барглари	— 20,0 г.
Мойчечак гуллари	— 30,0 г.
Илиқ ҳолида дамламадан чорак ёки ярим стакандан кунига 3 марта ичилади.	

Қирқбўғим (Хвощ полевой)	— 30,0 г.
Эрмон ўти (полынь горькая)	— 20,0 г.
Бўймадарон (Тысячелистник)	— 30,0 г.
Ҳозпанжা (Лопатка) иядизи	— 20,0 г.
Қайнатма қилиниб 5-10 дақиқа дамлаб кўйилади, совугач сагал илиқ ҳолида кунига 3 марта ярим ва ундан кўпроқ стакандан қорин димланганда ичиб турилади	

Мойчечак гуллари (Ромашка)	— 50,0 г.
Доривор валериана илдиши	— 40,0 г.
Оддий зира мевалари (Тмин)	— 10,0 г.

Булардан ярим литрли чойнакка дамлама тайёрланади, шу дамламадан кунига эрталаб ва кечкурун ярим стакандан ел ҳайдовчи сифатида ичилади.

Ўткир ялпиз барглари	— 25,0 г.
Оддий зира мевалари	— 25,0 г.
Арпабодиён мевалари	— 25,0 г.
Доривор валериана илдизи	— 25,0 г.

Булардан ярим литрли чойнакка дамлама тайёрланади шу дамламадан кунига 3 маҳал ярим стакандан сурункали димланища ичиб турилади.

Ейладиган овқатлар тоза ва соф бўлиши керак масалан нон оғат тегмаган тоза буғдой унидан бўлиши, гўшт эса соғлом ҳайвоннинг гўшти бўлиши билан бирга, яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос бўлиши, мева ва сабзавотлар эса етилиб пишган бўлиши лозим. Овқатларни бир- бирiga аралаштириб еб бўлмайди.

## ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

***Касалликнинг келиб чиқини сабаблари.*** Маълумки инсон организми ниҳоятда мураккаб тузилган бўлиб, унда ҳар бир аъзонинг ўз фаолияти бор. Жигарнинг инсон организмидаги фаолияти жуда муҳимдир. У истеъмол қилинган овқат ва суюқликларни ҳазм қилинганда фаол роль ўйнайди. Жигар орқали танага керакли моддалар сингади ва инсон яна шулардан қувват олади. Модда алмашинуви ҳам фақат жигар фаолияти орқали амалга оширилади. Моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган ёки ташқаридан организмга кириб қолган заҳарли моддаларни зарарсизлантириб, овқат ҳазм бўлишида ва озиқ моддаларнинг ичакдан қонга суримишида муҳим роль ўйнайди. У оқсилилар, углеводлар ва ёғлар алмашинуvida қатнашади. Айрим ҳолларда киши овқатланиш таргибига тўлиқ амал қилмайди. Овқат устига овқат ейиш энг зарарли нарсалардан саналади. Турли хил ёғли овқатларни меъеридан ортиқ тановул қилиш оқибатида аста-секин жигар тўқималарини ёғ босиб, ўт пуфагида майда тошлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Наҳорга ҳаммом, жинсий алоқа ва бадан тарбиядан кейин бирданига совуқ сув ичиш, кўпинча жигарнинг жуда совуб кетишига олиб келади. Ширин шароб жигарда тиқилмалар пайдо қиласди. Ширинликлар жигарга ёқади, уни

семиритиради, улғайтиради ва кучли қиласы, лекин улар жигарда тезда тиқилмалар пайдо қиласы, чунки жигар уларни бошқа хилтларга құшиб қаттық тортади. Шунинг учун жигаридан шиш бор киши ширинликлардан сақланиши керак, чунки ширинликлар тезда ўтга айланади, ҳамда тиқилмалар пайдо қиласы. Организмда заарарлы моддалар мөъёридан ортиқ бўлганида турли хил жигар касалликлари (гепатит, жигар циррози) келиб чиши мумкин.

Тажрибали табиб жигар ва меъда касаллигига чалингандарнинг ҳаммасини рангидан билади ва у бошқа бир далилга муҳтоҷ бўлмайди. Масалан баданнинг ранги жигар аҳволидан далолат қиласы, у қизғиши оқ бўлса жигарнинг соғломлиги билинади, сариқ бўлса жигарнинг иссиқлигига, кўроғшин рангли бўлса совуқлигига, гунгурт бўлса совуқ ва кўруқлигига далил бўлади. Жигар кучсизлиги кўпроқ совуқлик ва ҳўлликдан, ёки куруқликдан ёки жигарда тўхталиб қолган ёмон моддалардан бўлади. Инсон организми учун керакли бўлган оқсил, қанд моддалари, ёғлар, микроэлементлар, айниқса дармондорилар (витаминлар)ни табиатдан етарли микдорда олиш учун жигар муҳим ўрин тутади. Кишининг ранги кўп ҳолларда жигар аҳволига далолат қиласидан нарсалардандир. Ўт қопчаси сабабли бўладиган жигар кучсизлигига юзниң сариқ касаллигидаги каби ранги далолат қиласы. Баъзан шундай кучсизликда ўт қопчаси билан ичаклар ўртасида тиқилма бўлса ахлат оқ рангда бўлади. Талоқ ҳамкорлиги билан бўлган жигар кучсизлигига талоқ касалликлари ва рангда қораликнинг устуналиги далолат қиласы. Меъда сабабли бўлганини меъда касалликлари ва ҳазм бузилганлигининг белгиларидан билинади. Ичаклар сабабли бўлган жигар кучсизлиги, ичак оғриқлари, ел, қорин гулдираши, кўланж ва шунга ўхшащ белгилар билан билинади. Буйрак ва сийдик қопи ҳамкорлиги билан бўлганида сийдикнинг ранги табиий рангдан ўзгаради. Кўкрак аъзолари сабабли бўладиган жигар кучсизлигига, нафас олишнинг ёмоғлашуви ва қуруқ йўтал белги бўлади, баъзан у киши кўкрак аъзоларининг бойлоқларида оғирлик ва чўзилганлик сезади. Танага мунтазам тушиб турган спиртли ичимликлар жигар, ўт, ич фаолиятини анча бузади. Шунинг учун ҳар бир инсон барча нарсаларни ўз меъёрида истеъмол қилиши, ўз саломатлигини сақлаш йўлида парҳез таомларни тановул этиши жигар касалининг олдини олади.

**Жигар касалликларини даволаш усуллари.** Жигар хасталикларига чалингандар кишилар қўйидаги шифобахш неъматлардан фойдаланишлари мумкин.

*Түя ўткаси (Верблюжие лёгкие).* Агар кишининг бағир (жигар) ида оғриқ бўлса, түянинг (теванинг) ўткасини ейиш буюрилади, жигар касали кетади.

*Ертум (Земляника).* Абу Али ибн Сино инсон жигарида тошлар аломатлари бўлганда, уни кетказиш учун, касалланган одамга ҳар куни олти марта ярим пиёладан ертутни истеъмол қилишни буюрган.

Болгаријалик башоратчи Ванга: Жигар тўқималари беркилганда (циррозда) беморга она сутига (аёллар кўкрак сутига) оқ ун солиб атала қилиб, бир ош қошиқдан эрталаб наҳорга ва кечкурун ухлаш олдидан бериб туришни буюрган.

*Биласизми:* Парилардек пок яхши табиат, ёмон хулқ дев каби барчага офат.

*Маккажўхори попуги (Кукурузные рыльца).* Ундан ташқари маккажўхори дони, ёш поясининг суви жигар касалида фоят фойдали ҳисобланади. Чунки маккажўхори дони таркибида крахмал, ёғ, пентозан ва бошқа турли хил моддалар бор, шунингдек  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_6$  дармондорилари мавжуд. Шу сабабли маккажўхори жигар таркибидаги холестеринни йўқотади, қондаги гемоглобинни мутаносиблаштиради. Қайнатма тайёрлаш учун 2-4 ош қошиқ маккажўхори попугини олиб, бир стакан миқдордаги қайноқ сувда 30 дақиқа қайнатилади, сўнг докадан сузиб ҳар куни 3-4 соатда бир марта 1-2 ош қошиқдан ичилади.

*Қариқиз (Лопух войлочный).* 33-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида, далаларда, уй атрофида, ариқ бўйларида ва бошқа ерларида ўсади. Қариқиз бир йиллик, бўйи 60-100 см. гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси қиррали, тукли, юқори қисми шохланган. Барги йирик тухумсимон, тишсимон, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари саватчага тўпланган. Қариқиз илдизи кўкламда ёки кузда ковланиб олинадида, ювиб, майдалаб салқин ерда қуритилади, ундан ташқари қариқизнинг барги ва гули териб олинади, у ҳам майдаланиб салқин ерда қуритилади, уларнинг таркиби инулин, эфир мойи, гликозидлар, флаваноидлар, аччиқ ошловчи ва бошқа моддаларга бой. Абу Али ибн Сино жигар касалликларини даволашда қариқиз ўсимлиги уругини ажратиб олиб, 20-30 донасини бир пиёла сутга солиб қайнатиб, ҳар куни овқатланишдан аввал ичирган ва яхши шифо топган.

**Эрмон (Полынь горькая).** 24-расм. Халқ орасида «Аччиқ шувоқ» деб ҳам аталади. Эрмон ўсимлигининг таркибида эфир мойи, абсингтин, анабситин, аччиқ гликозидлар, органик кислоталар, С, К дармондори, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлиги гуллаган вақтида илдизолди баргларни териб уни янчиб, атиргул мойи ёки ўсимлик мойини қўшиб жигар қорин оғриғида, оғриған ерга боғлаб оғриқни қолдирган. Халқ медицинасида эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар, ўт пуфаги, ичак яраси, овқат ҳазм бўлишида иштага очувчи, ухлатувчи, ел ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув кўйилади, устига қуриғилган ва майдалангандан ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб дамланади (қайнатилмайди). Сўнгра докадан сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан яrim соат олдин чорак стакандан икки марта ичиб турилади.

**Чақамиқ (Подмаренишк цепкий)** ёки халқ орасида «Кумри-ўт» деб ҳам аталади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида, адирларда, далаларда, салқин ташландиқ ерларда, тўқайларда ўсади. Ўзи бир йиллик ўсимлик. Бўйи 30-100 см. гача етади. Пояси тўрт қиррали, шохланган, илашувчи, тукли. Барги тор, тукли, учи илмоқли, тўл-тўл пояда жойлашган. Гуллари майда оқ рангда. Ўсимликнинг ер устки қисми йифилади. Чақамиқ таркибида сапонинлар, лимон кислотаси, С дармондори, гликозидлар ва бошқа моддалар бор.

Халқ медицинасида чақамиқ ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар хасталикларида даволовчи восита сифатида кенг ишлатилади. Чақамиқдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув кўйиб, устига ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан тўла бир чой қошиқда солинади ва 3-4 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузиб жигар касаллигига кунига 3-4 маҳал чорак стакандан оз-оздан хўплаб ичилади.

**Сано (Кассия остролистная).** 71-расм. Сано ўсимлиги ёввойи ҳолда Африканинг чўл ва яrim чўлида Судан, Нубия, Қизил денгиз бўйларида, Арабистоннинг жанубида учрайди. Санонинг баргчалари ўсимлик гуллаганда йифилади, уларнинг таркибида антрогликозидлар, органик кислоталар, кўп миқдорда алколоидлар ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино сано турларининг барисидан тайёрланган дамламани жигар оғриғи ва сариқ касалликларини даволашда ҳамда сурги сифатида кўллаган. Сано баргидан дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайнаб турган сувга 10-15 г қуриғилган барг солиниб бир соат дамланади, сўнгра докадан сузиб, кечқурун ётишдан олдин бир стакан ичилади.

*Зубтурум (Подорожник большой).* 35-расм. Бу ўсимликтининг турлари кўп (Баргизут, Катта зубтурум, Пахмоқ гулли зубтурум) Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Абу Али ибн Сино зубтурум барги билан қийин битадиган ва хавфли жигар, ўт пуфаги касалликларини даволаган, ҳамда қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган. Зубтурум уругини яна жигар, буйрак касалликларига даво қўлган. Шу мақсадда барг ширасини беморнинг орқа чиқарув аъзосига юборган (клизма қўлган) ёки ургу қайнатмасини ичирган. Барг ширасини олиш учун зубтурумнинг қуритилган баргини эзиб, шу миқдордаги шакар билан аралаштириб иссиқ жойга уч ҳафтага кўйиб қўйилади. Ажралган ширадан кунига 3-4 ош қошиқдан ичиб турилади. Зубтурум баргидан дамлама тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга, бир стакан қайнаб турган сув кўйиб, устига бир ош қошиқ қуритилган ва майдалангандан барг солинади ва икки соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилади, дамламадан кунига овқатдан 20 дақиқа олдин бир ош қошиқдан тўрт маҳал ичиб турилади. Яна бошқа бир усул: Бирор идишга янги узиб олинган ва майдалангандан зубтурум баргидан уч ош қошиқ солиб, уни шакар билан аралаштирилади ва устини ёпиб, илиқ плита устига кўйилади. Ажралган ширадан ҳар куни тўрт маҳал овқатдан ярим соат олдин бир чой қошиқдан ичилади.

*Рўян (Марена красильная).* 46-расм. Рўян кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Ўзбекистоннинг деярли ҳамма жойларида, далаларда, боғларда, ариқ бўйларида учрайди. Бўйи 50-100 см. гача етади. Пояси тўрт қиррали, бўғимли ва шохланган, барги тухумсимон, гуллари барг кўлтиғида. Ўсимликтининг илдизи баҳорда ёки кузда ковланади, тозалаб очиқ ҳавода қуритилади. Илдизи таркибида антрагликозидлар, органик кислоталар, қандлар, буёқ ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино рўян илдизидан тайёрланган қайнатмани жигар ва талоқ қора жигар шиши ва бошқа касалликларда даволовчи дори сифатида кўллаган. Халқ медицинасида рўян илдизидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама жигар ўт йўлларидаги тошларни тушириш учун ва даволовчи дори сифатида ишлатилиади. Асал кўшилган илдиз қайнатмасини сариқ касаллигида дори сифатида ичилади. Ўсимликтининг илдизидан дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнатиб совутилган сув кўйиб, устига қуритилган ва майдалангандан ўсимликтининг илдизидан бир чой қошиқ солинади ва 8 соат кўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузилади, стакандаги илдиз қолдигига яна бир стакан қайнаб турган сув солиб, 10 дақиқа дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилади. Ҳар иккала дамламани бир-бирига аралаштирилади, кунига 4 маҳал 0,5 стакандан ичилади.

**Биласизми:** Ҳар қандай қайнатилган маҳсулот нуклеоидларнинг икки баробар қисқаришига олиб келади. Табиат зарранинг ҳам қадрини билади.

**Совунүт** (*Очный цвет пашенный*). 47-расм. Ҳалқ медицинасида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар, ўт пуфаги касалликларини даволаща ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишта бир стакан қайнаб турган сув куйилади-да, устига ўсимликнинг қуритиб майдалантган ер устки қисмидан ярим чой қошиқ солиб 10 дақиқа дамлаб, кейин сузуб кунига 3-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

**Сачратқи** (*Цикорий обыкновенный*). Бу ўсимлик Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида, далаларда, боғларда, тогли жойларда ва бошқа ерларда ўсади. Сачратқи кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 30-100 см гача етади. Пояси тик ўсуви шохланган, барглари йирик тишсимон, қиррали пояди бандсиз кетма-кет жойлашган. Гуллари ҳаво рангда саватчага тўпланган. Сачратқи гуллаганда ер устки қисми, ҳамда илдиз олди тўп барглари алоҳида-алоҳида йигиб олинади. Илдизи эрта баҳорда ёки кеч кузда ковлаб олинади. Ўсимликнинг таркибида инулин, аччик гликозидлар, В<sub>1</sub>, С дармондорилар ва бошқа моддалар бор. Сачратқи ўсимлиги сут ширага бой. Абу Али ибн Сино сачратқи ўсимлиги билан мойчечакнинг (ромашка) тенгма-тенг аралашмасидан тайёрланган қайнатмани жигар, талоқ касалликларида ичириб даво топган. Ҳамда бундай беморларга сачратқи илдизининг қайнатмасига ҳандарус (рум будойи)дан бўлган ундан патир қилиб едирган.

Жигар ва ўт йўли касалликларида тавсия этиладиган йиғма чойлар.

1. Доривор қўштироқ Тирноқтул (Колендула) — 20,0 г.
2. Учбарг баргларидан (Вахта трехлистная) — 30,0 г.
3. Кон-чўп ўтидан (Чистотел большой) — 15,0 г.
4. Доривор мойчечак гулидан (Ромашка) — 10,0 г.

Йиғма чойдан икки ош қошиқ олиб, унинг устига бир стакан қайноқ сув солиниб, 5 дақиқа қайнатилади, 1 соат давомида дам едирилади, сузуб олингач дамламадан кунига ярим стакандан икки марта эрталаб ва кечкурун овқатланишдан кейин ичилади.

1. Момоқаймоқ илдизидан (Одуванчик) — 15,0 г.
2. Ўткир ялпиз баргларидан (Мята перечная) — 15,0 г.
3. Кончўп ўтидан (Чистотел большой) — 15,0 г.
4. Итжумрут пўстлоғидан (Крушина альховидная) — 15,0 г.
5. Учбарг баргларидан (Вахта трехлистная) — 15,0 г.

Шу йиғма чойдан бир ош қошиқ олиб, унинг устига бир стакан қайнақ сув қуйилиб, 20-25 дақиқа қайнатилғач докадан сузіб куніга иккі марта ичилади.

1. Маккажұхори попугидан (Кукурызные рыльца) — 30,0 г.
2. Наыматак меваларидан (Шиповник) — 30,0 г.
3. Қон-чүп үтидан (Чистотель большой) — 15,0 г.
4. Сарық чой үтидан (Зверобой) — 15,0 г.
5. Үткір ялпиз баргидан (Мята перечная) — 15,0 г.
6. Қора зира мевалари (Тмин) — 15,0 г.
7. Итжумрут пүстлөгидан (Крушина альховидная) — 15,0 г.

Шу йиғма чойдан 20 г олиб устига бир стакан сув қуйиллады, қайнаб турған сув ҳаммомида 30 дақиқа ушлаб турилғач, 10 дақиқа совутылади, сузіб олинғач дастлабки ҳажміга етгүнча қайнаган сув құшилади. Дамламадан куніга 0,5 стакандан 2-3 марта ичилади.

Үт пуфаги яллиғланишида (сурункали холецистит).

1. Бұзноч гулларидан (Бессмертник) — 15,0 г.
2. Йғир илдизидан (Аир болотный) — 15,0 г.
3. Қонтари уни, сигир ўт (Золототысячник зонтичный) — 15,0 г.

Шу йиғма чойдан бир чой қошиқ олиб, бир стакан сув қуйиллады 10-12 соат илиқ жойда дамлаб қўйилади. Сўнгра 5-7 дақиқа қайнатиб сузилади. Дамламадан наҳорда бир стакан, қолганини эса тўрт марта овқатланишдан бир соат ўтгандан сўнг ичилади.

1. Маккажұхори попугидан (Кукурызные рыльца) — 20,0 г.
2. Бўйимадарон ўти (Тысячелистник обыкновенный) — 10,0 г.
3. Үткір ялпиз баргларидан (Мята перечная) — 10,0 г.
4. Итжумрут пүстлөгидан (Крушина альховидная) — 10,0 г.

Шу йиғма чойдан 20 г олиб, унга бир стакан сув қуйилади, қайнаб турған сув ҳаммомида 30 дақиқа ушланади, 10 дақиқа совутилиб сузіб олинади, куніга чорак стакандан 3-4 марта ичилади.

**Биласизми:** Инсон табиатнинг кенжә фарзанди бўлгани учун ҳам хўжалигига хўжа қилиб қўйилган.

**Лимонли чой** фойдали моддаларга бой бўлиб, унда 0,6 % оқсил, 3% қанд, 6% жавҳар, 1,5-2% ифори мойи мавжуд. Дармондорилардан А, В, В<sub>1</sub>, ва С сероб. Шунинг учун лимонли чойни Абу Али ибн Сино жигардаги тўқималарни яхшилаш, ошқозонни мустаҳкамлаш учун кенг кўллаган. Айниқса сарық касалтида битта лимонни сиқиб ширасига

бир кичкина чой қошиқда чой содаси (ишқор) солиб, 3 кун нақорда беморға ичирилса, сариқ касалттыгы йүқолади. Бу дори шундай дорики, у таъсир қылувчи куввати билан эмас, балки хұлликдан иборат таъсирланувчи кувват билан кетказиб тозалайды. У тешикларнинг оғизлари томон оқиб ўз хұллигі, оқиши ва тешик атрофидә ёпишган ва қоттан хилтларга аралашуви билан хилтларни юмшатади. Сұнгра аъзо сатхидаги ҳаракати билан у хилтларни кетказади. Бу ўринда тозаловчи кувват бўлса, ювиш яна кучлироқ бўлар эди, ҳамда иштаҳани оширади (Ибн Сино Тиб конунлари II жилд 1986 й. 92 бет).

**Мурчли чой.** Лимон чойга ўхшатиб жигар касаллигида мурчли чой, райхонли чой, кийик ўтли чой, қалампир мунчоқли чой, лимонутли чой, наъматакли чой күлланилади. Булардан мижозга қараб бирини танлаб чой дамлаб ичиб турилса жигар касалига шифо беради. Касаллыйдан сақланишнинг асосий омили кучли таомлардан, спиртли ичимликлардан ва чекищдан сақланишдир. Холецистит билан оғриган одам иложи борича вазнини ўргача ҳолатта етказиши, озиб кетищдан қўрқмаслиги даркор. Пархезни яхши тутган бемор жигар касаллуклари дардини кўрмайдиган бўлиб кетади.

**Кийик ўтли чой.** Халқ табобатида бундай чой жигарни мустаҳкамлаш, пешобни ҳайдаш учун ишлатилади. Қадимги тоҷик табобати китобида ёзилишича:» Кийик ўт қайнатмаси ёки чой қилиб дамланганини ичиш инсон танасида куйилиб қолган моддаларни чиқаради, иштахани очади, кўнгил айнишини тўхтатади.» Дамлама тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиғида куритилган ва майдалангандан ўсимликдан солинади, устига яна бир чой қошиқ олий навли кўк чой солинади, кейин 5-10 дақиқа дамланади, дамламадан чойга ўхшатиб ичиб турилади.

Яна жигари касал одам анорни сиқиб олинган сувига қаттиқ нонни ботириб, ҳар доим еб туришни тавсия этилади.

**Биласизми;** Ҳар куни иссиқ сувни бир идишга солиб жигар жойлашган жойга қўйилса, жигар ўз фаолиятини яхшилайди.

Ёнғоқнинг меваси фўралигида олинниб, гўшт майдалагичда майдалаб, унга тенг миқдорда асал ёки шакар қўшиб, шиша идишга солиб қопқоғини маҳкам беркитиб, салқин қоронги жойга қўйиб қўйилади, бир ой ўтгач ишлатса бўлади. Шу аралашмадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин бир чой қошиқдан еб турилади. Бу шифобахш неъмат ўпка, жигар, буйрак касаллукларида яхши шифо қиласади, ундан ташқари, агар бир йил ичилса бошқа тери касаллукларидан шифо топади, буқоқ касалини ҳам тузатади.

## ЖИНСИЙ ЗАИФЛИК

Касалликинг келиб чиқиши сабаблари. Агар одам жинсий алоқадан кейин ўзида ўта ҳорғинлик, заифлик, эзилиш ва сиқилишни ҳис қилмаса, бир-оз вақт дам олгандан кейин ўзини тетик күтариинки кайфиятли, меҳнатга лаёшатли сезса, бундай жинсий муносабатларни нормал деб ҳисоблаш мумкин. Соғлом эркакда жинсий алоқа уруғ (шахват) ташлаш ва унинг хуш ёқиши ҳиссини сезиш (оргазм) билан тугалланади. Жинсий қобилиятнинг сустлиги ё олатнинг ўзида, ё уруғ аъзоларида, ёки мия, юрак, жигар ва бошқа аъзоларда, ёхуд бошқарувчи аъзолар билан жинсий аъзолар ўртасида турувчи аъзоларда бўлади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаётнинг энг муҳим масалаларидан бири уйланиш, оила қуриш, фарзанд кўриш, эри-хотин билан бўлиб, баҳтиёр ҳаёт кечиришдир. Аммо ҳамма келин-куёв ҳам оила қуриб, баббаробар баҳтли бўлиб кетолмайди. Бунга турли хил баҳоналар сабаб бўлади. Шундай баҳоналардан бири ва энг муҳими йигит кишининг жинсий ожизлиги, ёки келинда шахвоний иштиёқнинг ўта камлиги ёки бутунлай йўқлигидир. Семиз кишилар ориқ кишиларга қараганда алоқага ожиз бўладилар. Шуни билиш керакки шахватни кесадиган нарсалар олтитадир: биринчи — ғамнинг кўплиги, иккинчи — бўғимларнинг сустлиги, учинчи — қаттиқ чарчаш, тўртинчи — хунук манзарали кўриниш, бешинчи — эркак уруғдан идишларидан (моягидан) баъзисининг бузилиши, олтинчи — жинсий олатнинг шамоллаши ва яра бўлиши. Аёлларнинг организми анча заифроқ, касалга тез берилувчан бўлади. Айниқса улар жинсий аъзолар шамоллашидан кўп азият чекишиади. Шунинг учун касал хотин, яъни хайз кўрган хотин, кампир, балогатга етмаган қиз, узоқ вақтдан бери жинсий алоқа қилмаган хотин билан алоқа қилишдан сақланиш лозим. Чунки буларнинг ҳаммаси ўз хосиятлари билан уруғ аъзоларининг қувватини кесади. Қариндош-уруғ оила кўрса олдинги авлоддаги хасталик янги авлодга ўтади. Буни «Ирсий касалликлар» деб аталади. Ҳозирги вақтда илмий текширишлар шуни кўрсатаяттики, бу касалликларнинг наслдан-наслга ўтишига оқсишларнинг ҳар хил таъсирлар туфайли ўзгариши ва бузилиши сабаб бўлади. Жинсий заифлик қариндошга турмушга чиқиш, ичкликбозлик хасталикнинг оғир кечиши, нотўғри овқатланиш оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Эрлик уругига зааралып даңталған нарсалар қуйидагилардир: қовуқда юз берган иллат, ҳаммомда күп ўтириш ва күп терлаш, кечалари күп ухламаслик, күп қусиши сурғи қилиш, ёнбошлаб ётиб жинсий алоқа қилиш, аччиқ нарсаларни күп ейиш, күп оч ва ташна юриш. Ҳар бир одам бу ҳолатлардан ўзини иложи борича сақлаши лозим.

**Касалликни даволаш үсуллари.** Аёллар жинсий аъзолари шамоллаганда унни 1,5 ош қошиқ асал ва олма сиркаси билан қоришириб, кулча тайёрланади. Кулчани кечаси ухлашдан аввал баданга күйиб, устидан дока ёпиб, иссиқроқ нарса билан ўраб күйилади. Бу үсулни ўсма касали бўлганлар бажармасинлар. Ўсма касали борлар эса ўша дорига ун билан қичитки ўт уругидан тенгматенг миқдорда аралаштириб, уни баданга кўйгач дока боғлам билан ўраб кўйсалар, кифоя.

Агар аёл киши хўқиз ўтини вужудига кўйса, худойи таоло фарзанди солиҳ рўзи қилган. Яна агар мазлумани фарзанди бўлмасатовушқонни тезакини вужудига суртса фарзанд бўлади. Яна мазлумани ичида боласи ўлган бўлса итнинг сутини қайнатиб ичирилса, дарҳол ўлган бола тушгай.

Аёлларда шаҳват заифлиги бўлса, давоси шуки: Ҳинд уди, кашнич уруги, турп уруғи ва шолғом урганинг ҳар биридан тенгматенг вазнда олиб туйиб элаб, оқ пиёз ва тоза асалдан ҳамир қилинади ва бир дирам (2,975.) оғирлиқда хаблар (юмалоқ дори таблетка) боғланади. Уч кунгача ҳар куни наҳорда бир донгдан (0,495.) сувга эзиз аёлга берилади. Аёл шаҳвати шу даражада ҳаяжонга келадики, ихтиёрсиз талабга тушади. Агар шу юмалоқ доридан (хабдан) бир озини лимон суви билан бирга аёлларнинг жинсий аъзосига томизилса шаҳват аёл устидан бутунлай ҳоким бўлади.

Эрқакларнинг жинсий заифлигига шаҳват кувватини ошириш, урганинг кучини яхшилаш учун фойдали таомларни истеъмол этиш даркор. Бунга асосан тоза буғдой унидан қилинган патир нон, жўжа товуқнинг гўшти ва шўрваси, капитар боласининг гўшти, тоза балиқ гўшти, товуқ тухуми, тоза сут, пишган сабзи, пишган шолғом, саримсоқ, пиёз, бое ялпизи, асал, мол ёғи, хандон писта, бодом, оқкунжут, янги хурмо, холвайтар, ширгуруч, янги анжир ва бошқалар киради. Булар эрлик кувватини зиёда ва урганини кучли қиласади. Отда юриш эрлик кувватини кучайтиради.

**Чумоли.** Учинчи даражада қуруқ иссиқ, ундан олатга ва унинг атрофига суртилса, умидсиз бўлиб қолган одамларнинг эрлигини келтиради, олатга салобат ва ургулик бағишлайди.

Яна бошқаси: Доимо чумчук гүштидан еб, сув ўрнига сут истеъмол қилган одамнинг олати маҳкам бўлади, манийси зиёда бўлади. Яна чумчук миясини калтар тухумига аралаштириб жинсий заифликда уч кун истеъмол қилиш тавсия этилади, бундан ташқари анор сувини ичиш ҳам яхши даво беради. Яна бошқаси: чумчуқни сигир ёғида қовуриб, пиёз, зира ва керакли туз кўшиб пишгандан кейин, қозондан оладиган вақтда 10 дона товуқ тухуми сарифини унинг устига сепиб, чала пишган вақтида қозондан олиб, аъло навли ундан қилинган нон билан ейлади. Эркакнинг куввати ошади мустаҳкам бўлиб, кўнглида курсандчилик бўлади.

*Шолғом (Рена).* Иккинчи даража ўрталарида иссиқ, биринчи ўринда ҳўл. Эрликни ҳаяжонга келтириди, уругни кучайтиради, хусусан эрталаб иссиқ ҳолида ейилса:

*Шолғом есанг сийнанг мулойим бўлур,  
Ҳам белда куч қувват қиласи пайдо.  
Киши ичи яна юмшайди ундан,  
Сийдик равон бўлар, келар иштаҳо.*

*Пиёз (Лук репчатый).* Жинсий ожизликда кувват багишловчи восита сифатида пиёзни ховончада яхшилаб янчиб, суви сиқиб олинади, кейин унга икки ҳисса асал кўшиб, паст оловда асал чўзилиб секин оқадиган ҳолга келгунга қадар қайнатилади уч қошиқдан яланади. Кишининг куч куввати ошади.

Анор, беҳи, олма, лимон, ошқовоқ, кашнич, саримсоқдан тенг бўлакдан олиб қайнатилади ва қуюқ шарбат тайёрланади. Шарбатдан кунига оч қоринга бир ош қошиқдан ичиб туриш тавсия этилади. Абу Али ибн Синонинг таърифлашича, юқоридаги аралашмани истеъмол қилган киши бақувват бўлади ва дармони ҳар галгидан яхши бўлади.

*Нўҳат (Горох).* Жинсий кувватни оширишда бошқа овқатлардан кучлироқдир, чунки унинг озиқлиги кўп. Нўҳатни сувда қайнатиб танаввул қилинса, жинсий заиф одамнинг мақсадини ҳосил этади. Агар ўзини тановвул қилса, жинсий кувватни оширади. Олатни қаттиқ қиласидиган, шахватни кўзғатадиган нарсалар, говмиш сути, байтал сути, тuya сути, қўй сути ва ёғи, каклик, чумчук, кабутар, қуй гўшти, буғдой нони, нўҳат, шолғом, пиёзни канда қилмасдан истеъмол қилиб турилса, одамнинг жинсий куввати ошади. Маний ва шаҳват кувватини оширадиган яна мураккаб овқатларга сузма, бузоқ ва товуқ гўшти, нўҳат, боқила, занжабил, товуқ тухумининг сариги билан ўзаро тайёрланган кўшма овқат бу соҳада кучлироқдир. Тоза балиқни бирён қилиб, пиёз билан ейилса фойдали бўлади.

Бошқа хили-шолғом ууруғи, сабзи ууруғининг, қовун ууруғининг мағзидан бир қисмдан олиб, буларни майдалаб элақдан ўтказиб, тоза сут билан ҳар куни наҳорда 10 г дан (бир чой қошиқ тұла) ичиб турилади.

Олатни үйғотиши ва шаҳватни кучайтириш учун зарчавани бир бўллагини олиб, пўстини олиб ташлаб идишга солинади, устига лимонни сиқиб суви қуйилади, керак пайтда шундан олатга озгина суртилади. Оқ қюённинг ўтини тенгмәтенг асал билан аралаштириб бир қайнатиб олинса, олатга суртилса ва жимо этилса, шундай лаззат бўладики, аёл ўзгани ҳоҳламайди.

*Ширип бодом (Миндаль обыкновенный).* Биринчи ўринда ҳўл иссиқ эрлик ууруғини туғдирувчи, эрликни кучайтирувчи, унинг гули эркакларнинг истагини ҳаракатга келтирувчи, аёлларнинг жинсий кучини кесувчидир.

Жинсий заифликда ўтмишда табиат неъматларидан кенг фойдаланилган. Табиат ўзи табиблик қилиб келган ва табиблик қила олади.

Биласизми: Инсон икки жағи ва икки оёғи ўртасидаги аъзоларини тийса, ўзига фойда.

## ЖИГИЛДОН ҚАЙНАШИ

*Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.* Одам организмida меъда учун овқатларнинг энг яхшиси буриштириш ҳусусияти ва аччиқлиги бўлиб, ўтқирлиги йўқ ва ачиштирмайдиган нарсалардир. Инсон ўз гавдасига оғирлик ва касаллик етказмаслиги учун оз ейиши зарур. Соғлом кишиларга меъдани бакувват қилиш учун буриштирувчи нарсалар фойда қиласи. Ҳаддан ташқари буриштирувчи нарсаларни ишлатмаслик керак, чунки улар меъда оғзини қурилади ёки қайнатади, оқибатда жигилдон қайнайди, ундан ташқари бирор етишмовчилик туфайли ошқозон ачитқич ажralиши ҳусусияти пасайган ҳолларда жигилдон тез-тез қайнайдиган бўлиб қолади, натижада овқат егандан кейин бошланиб жигилдон қайнаб, қусиб ташлаш билан тўхтайдиган оғриқ ҳам ёмон бўлади. Уни даволаш учун тўғри тадбир топиб уни қўллаш зарур.

*Касалликни даволаш усуллари.* Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй ҳид ва ҳазм қилиш қийин бўлган овқат.

*Зардбоб (Обрат, сыворотка).* Жигилдон қайнашини түхтатиш учун шифобаңш зардбдан фойдаланиш зарур. Шу зардбдан уч хўплам ичилса, жигилдон қайнаши таққа тўхтайди. Зардобни тайёрлаш учун сигир, кўй ёки эчки сугини қайнатиб, қатиқ қилиб ивтилади, кейин уни латта ҳалтага солиб осиб кўйилса зардеби оқади. Бундан ташқари яна маҳсус усул билан мастава тайёrlаб жигилдон қайнашини даволаш мумкин. У куйғидагича тайёрланади: гуручни илиқ сувда ювиб, беш олти соғт мобайнида ивтиб кўйилади, сўнгра манги қасқон лаппасига дока ёпилиб, устига гуруч солиб юмшагунча буелаб пиширилади. Аввал ажратиб кўйилган зардоб қозонга солиниб, пиёз, сабзи ҳамда ёғли гўштдан тайёрланган қийма солиниб, маълум вақт мобайнида қайнатилади. Сўнгра пишган гуруч кўшилиб яна бир оз қайнатилади. Тайёр бўлпач ичиб турилади. Ёз пайгларида зардобнинг ҳар бир литрига бир ози қошикдан асал солиб қайнатилади. Сўнгра шишаларга қуиб, салқин жойда сакланади ва яхна ичимлик қилиб ичилади.

*Сабзи (Морковь).* Сабзини қирғичдан ўтказиб сиқиб олинган шарбатидан 2-3 қултум ичилса, жигилдон қайнашини таққа тўхтатади.

Жигилдон қайнаганда олма, нок, сабзини истеъмол қилиш ҳам яхши.

## ЗАҲАРЛАНИШ

*Захарланишиш келиб чиқиш сабаблари.* Одам организми турли хил таомлар таркибида учраб турадиган заарли моддалар таъсирида заҳарланиши мумкин. Метёридан ортиқ ичилган дори-дармонлар, кўп ейилган овқат ҳам қучли заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари турли хил заҳарли ҳашоротлар чаён, илон, қорақурт чаққандা ҳам одам танасида заҳарланиш содир бўлиши мумкин. Заҳарланган киши ўзидан кетса ва кўзи олайиб, кўз қорачиги кўринмай қолса, унинг тузалишидан умид қилинмайди. Кўзи қизариб, тили осилиб қолса ҳам шундай. Томир уриши тушшиб, совуқ тер чиқса, бу ёмонлик белгисидир, бу ҳолда киши камдан-кам тирик қолади. Агар оғир уйқу, увушиш ва совуқ пайдо бўлса, заҳарнинг увштирувчи нарсалар жумласидан эканлиги маълум бўлади. Агар ачишиш, шол-шол бўлиш, ич буриш ва ўйиб ейиш каби ҳолат пайдо бўлса, заҳарнинг зирниҳ, маргумуш ва ўлдирилган симблар каби ўткир, тез ва иссиқ дорилар ҳилидан эканлиги билинади. Агар қаттиқ аланталаниш, кўп терлаш, кўзда қизариш, бехузурлик ва ташпалик пайдо бўлса, булар заҳарнинг фарфийон каби фақаттана ҳарорати туфайли заҳар эканлигига далолат қиласиди.

Заҳарланишни даволаш усулари. Заҳарланишни сезилиши билан оқ заҳарнинг куввати баданга ёйилишидан бурун тезда даволашга киришиш керак. Заҳарланган кишига илиқ сув ёки кунжут ёги ва зайдун ёғи ичириб, қостирилади, бу тадбирни иложи борича кўпроқ кўллаш лозим. Бу ичирилаётган нарсаларга укроп суви аралашса яхшироқ бўлади. Заҳарланган қиши мумкин қадар кўп кусгандан кейин кўп сут исса, бу тадбир заҳарнинг зарарини синдиради, сутни ҳам кусиб ташласа зарари йўқ. Кусгандан кейин айниқса азият пастга тушгани сезилса, хуқна (клизма) қилиш керак. Агар бетоқатлик бундан ҳам зўрайса, қостирадиган ва ич сурадиган нарсалар ичирилади.

Агар дори ичиришга эҳтиёж тушса, унда ичириш мумкин, чунки бу заҳарни ҳайдашда яхши фойда етказади. Заҳар ичган кишини ҳеч бир ухлатмаслик, уни талвасага тушиб ўзини йўқотишга кўймай, огоҳлантириб туриш ва унинг олдида қаттиқ шовқин-сурон солиши керак бўлади. Ўлдирилмаган симобни ичган кишиларнинг кўпчилиги заҳарланмайди, чунки бу қуий (орқа чиқарув аъзоси) томондан қандай бўлса шундайлигича чиқиб кетади, баъзан у тиришиш касалига олиб келиши мумкин. Ўлдирилган ва буғлатилган симобга келсак бу ёмон, зарарли ва парчаловчидир. Бундан ич буриш, оғриши, ичак буралиши, ичдан қон келиши, тил оғирлашуви юз беради. Бу ҳолатда қостириш тадбирларидан кейин, асал сувни дамба-дам ичириб туриш яхши даволардандир. Шунга ўхшаш асал сувини бурақ билан қўшиб хуқна (клизма) ҳам қилинса яхши шифо беради.

**Нок (Груша).** Кўзиқорин, кўрғошин, симобдан заҳарланган кишилар дарҳол нокни тўйиб-тўйиб танавул этишлари лозим, ёки тўйиб нок сувидан иссалар ундан ҳам яхши. Чунки нок заҳарни олиш қобилиятига эга, пешобни тез ҳайдайди, жигарда ҳам тиқилмаларни тез очади ва ични яхшилайди. ҳамда нок меъда мушакларини мустаҳкамлайди. У ҳатто ичбуругни ҳам қолдиради.

**Анжир (Инжир обыкновенный).** 2-расм. Абу Али ибн Сино чаён ва қорақурт чаққан кишига ва ундан қаттиқ заҳарланганга дарҳол шу ҳашаротлар чаққан жойга анжирнинг баргини юлиб ундан оқаётган сутини ишқаланса наф беради ва заҳарланиш камроқ бўлади, чаён ва қорақурт заҳрини қайтаради, деган. Анжирни энг яхлиси оқи, сўнг қизили, ундан кейин қора ранглигидир.

Лайлак ёғи билан сигир ёғини олиб tengma teng ҳажмда аралаштириб заҳарланган одамга берилса, тез таъсир қилиб заҳарни қайтаради.

Болгариялык башоратчи Ванга: ишхонасида рутубатли бүглардан захарланган одам кечкүрунлари оёқларини илиқ сувга тушириб озгинадан ушлаб туришни буюрган.

*Мүмиё (Мумия).* Бутун организмга айникса юракка күч-куват беради. Захарланишда, чаён чаққанда, қорактурт, илон ва бошқа ҳашаротлардан захарлансан, киши мүмиёни мошдек-мошдек қилиб ичиб туриш ҳам яхши шифо қиласы.

*Пешоб (Моча).* Заҳарланишда кустириб бўлингандан сўнг ўз пешобини 50-100 г дан ичиб туриш ҳам яхши шифо беради.

Ибн Сино шундай насиҳат беради: Дори-дармон ичмоққа ўзингни кўп ўргатма. Ўғил болага кучли таомлар бериб бокмоқ керак, мижози иссиқ бўлади.

## ИЛОН, ЧАЁН ЧАҚҚАНДИ ЁКИ ИТ ТИШЛАГАНДА

Абул Хасан ат-Турунжийнинг айтишларича: бир заҳарли илон бир аскарни жанг пайтида чаққан экан. Унинг саркардасида мана шу «базизахр» дан (заҳарли илон чаққанда ишлатилидиган дори) бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Ўшанинг бир қиротидан (0,236 г) озини олиб шароб ичига солибди-да, аралаштириб илон чаққан аскарга берибди, кейин унга саримсоқни эзиз сувини ичирибди, кўп ўтмай аскар баданида доф кўринибди, кейин қон сийибди, шу билан илон заҳари балосидан кутилиб қолибди.

Илон чаққанда асоратсиз бўлиши учун илон мунчоқ тақишиади. Илон авровчилар шундай даҳшатли илонларни овлашар эканки, улар овлайдиган илонлар бошқа илонларни еб тириклик қиласы экан. Мана шу мунчоқ тошлар унинг бўйнида бўлар экан, ўзи оқ марварид тортган бўлар экан. Баъзида буларнинг оқ аралашган қораси ҳам бўлар экан. Бундай тошлар илондан чиқар экан, илондан чиқиши учун ўша илон 400 дан зиёдроқ илонларни еган бўлиши керак экан. Шундагина улардан мунчоқ тош чиқар экан. Менимча бундай саноқ «Китоб ал-ойин» дан олинган бўлса керак. Уни синааб кўриш учун уни дағалроқ газмолга суртилса, ўша заҳоти оқариб кетади. Бу оқариш ва унга суртиладиган нарса табиатнинг сири албатта. Айтишларича, илон авровчилар бу мунчоқларни «Маръям тоши» деб аташади.

*Мурчли чой (Чай из чёрного перца).* Халқ табобатида мурчли чой аъзоларни тозаловчи, заҳарларга қарши хосиятларга эга. Илон, қорактурт, чаён чаққанда мурчли чой бир неча бор қайта-қайта ичирилган ва шу орқали заҳарнинг кучи қирқилиб беморнинг ҳолати яхшиланган. Мурчли чойни тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка

кичкина қошиқда олий навли қуруқ чой, устига 0,5 чой қошиғида түйилган мурч, ёки доналаридан 15дона солиб устидан қайноқ сув қуйилади ва 4-5 дақиқа сочиққа ұраб дам едирилтгач чойға ұхшатиб ичирилади. (Ибн Сино «Тиб қонунлары» II жылд 1956 й. 500 бет.)

**Қора зиркли чой** (*Чай из барбариса продолжавшегося*). Қора зирк заҳарли илон, чаён чаққанда ичилади. Қора зирк меваси майиз катталигида бўлиб ранги тўқ сапсар ёки қора бўлади. Меваси овқатларда ишлатилади. Меваси гаркибида алкалойидлар, бўёқ моддалар, қандлар ва органик кислоталар бор. Зиркли чойни тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир ош қошиқ қора зирк солинади, устидан совуқ сув солиб қайнатилади ва қопқоғи берк ҳолича шабадага кўйиб, 10-12 соат давомида сөвутилади. Сўнгра ярим литрли бошқа чойнакка бир чой қошиқ қора чой солиб устидан қайноқ сув солиб дамланади. Қора зирк қайнатмасидан дамланган чойга қўшиб ичилади. Уни яхна ҳолида истеъмол қиласа ҳам бўлади. (М. Ҳасаний «Ҳакимлар ҳикояти» 1985 й.)

Илон чаққанда ўша жойга дарҳол саримсоқ палласини сургинг.

Илон чаққан кишига лайлак ёғи тавсия этилади.

Агар киши саримсоқни кўп еса, унга илон заҳри урмайди, чунки саримсоқ заҳри илон заҳридан зўроқдир.

Илон чаққан жойга оқ хўрознинг сафросини суртилса заҳарни кесади.

Оқ хўрознинг калласи куйдирилган жойдан илон, чаён, қоракурт ва бошқа газандалар даф бўлади.

Чаён чақса, ниш урган жойга аввалдан чаённи ушлаб солиб кўйилган мой суртиш керак.

Ҳар кимсанни илон ва чаён чақса, эчки боласини гўштини боғласа даф бўлур.

**Анжир** (*Инжир обыкновенный*). 2-расм. Анжирни хомини ёки янги узиги олинган япрогини кутирган ит тишлаган жойга кўйилса, шифо қиласи. Кишини кутирган ит тишлаганида умуман бошқа жароҳатларга ұхшаш оғриқли жароҳатдан бошқа нарса кузатилмайди. Сўнг бир неча кундан кейин у кишининг фикри бир оз бузилади, юзи қизарали, кучли оғриқлар пайдо бўлади. Овози бузилади, сувдан кўрқа бошлайди, гоҳо сув истайди, аммо сув берилса, додлаб ичмайди, ёки бирор қултум ичгудек бўлса, сув тиқилиб қолиб ўлади. У одамларни тишлашга урунади. Бу касаллик икки ҳафта ва шунга яқин вақтдан бошлаб олти ой муддат орасида ўлдиради. Ўртacha муддат қирқ кун. Даволаш аввало жароҳатни бирикишга қўймаслик, аксинча у агар кенг бўлмаса кенгайтириш ва очиш керак, сўнгра

юқорида ҳашаротлар чақишида ёзилган тадбирларни құллаш даркор. Жароғатни әнг қамида қирк кунгача битишига йүл қўймаслик керак. Бошқа тадбирлар-беморни кўп юргизиш, ҳаммомга тушириш, терлатиш лозим. Биринчи кунларда бўшатишга шошилмаслик, балки заҳарни тортиб чиқариш керак.

**Биласизми:** Шошма-шошарлик ва тезлик кўп ишларда зиён келтиради. (Ҳадисдан)

## ИНФАРКТ

Инфаркт қон томири, ҳужайраларда тиқилмалар (тромб) бўлиши туфайли қон ўтишининг қўйинлашиб ёки тўхтаб қолишидир.

**Касаллигининг келиб чиқиши сабаблари.** Инфаркт юракда, буйракда, қора жигарда (тaloқда), ўпкада ва бошқа аъзоларда бўлиши мумкин. Кўпинча инфаркт касалтиги инсонларда тўсатдан рўй берадиген оғир ва асоратли касаллик. Бу касаллик рўй берганда юрак мускулиниг бир ёки бир қанча муҳим қисми нобуд бўлиб, юрак фаолияти издан чиқади. Бу касаллик кўпроқ 40-60 ёшли эркакларда содир бўлади. Инфаркта атеросклероздан заарланган тож артериялар юракни қон билан таъминловчи томирлар тешигининг торайиши, томирлардан бирининг тромб билан беркилиб қолиши натижасида шу томирлардан қон қисман ёки бутунлай ўтмай қолади. Инфарктга қон босими, қандли диабет касалликлари, шунингдек семизлик, асабийлашиш ва чекиши сабаб бўлади.

**Касаллигининг олдини олиш.** Тамаки чакиши заарарли бўлгани учун уни тўхтатишлари лозим.

Овқатланиш меъерида бўлиши керак, семизликдан озишга ҳаракат қилиш инфарктнинг олдини олади ва даволаш натижалари яхши бўлади.

Кўп асабийлашадиган ишни бошқасига алмаштириш даркор. Инсонда қон босими бўлса унда олдин шу китобда қон босимини даволаш маёзусига эътибор бериб ўз вақтида даволаниш лозим.

Инфарктнинг олдини олиш учун қуйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланилади.

**Занжавул** уни занжабил ҳам дейилади (*Горец бухарский*). У кўп ийтилик ўт ўсимлик. Бўйи 100-150 см. гача етади, пояси бир нечта силлиқ, сершоҳ, барги тухумсимон. Гуллари оқ. Занжавул жанубий ва шарқий Осиёда учрайди. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида, тоғли районларида ўсади. Занжавулнинг илдизи Япония, Ҳиндистон, Покистон сингари Осиё мамлакатларида озиқ-овқат тайёрлашда

доривор сифатида ишлатилади. Заңжавул қадимдан ишлатилиб келинади. Бир қатор хасталикларни даволашда заңжавулдан буюк Ҳаким Абу Али ибн Сино фойдаланган, жумладан у ўз асарида шундай ёзади: Эслаш қобилиягини ортиради. Бош ва юрак атрофидаги рутубатларни кетказади, овқатни яхши ҳазм қилдиради. Баъзи кишилар қайикда сузганларида кўнгли айнаб қусадилар. Шу ҳолатга қарши ҳам заңжавулни кўллаш мумкин, буни АҚШнинг «ЛИУЗИНА» тиббиёт институтининг олимлари аниқлашган.

Болгариyaлик башоратчи Ванга: инсон инфаркт олдидағи ҳолатда тўрт кун давомида Итбурун (Терновник) мевасини чойга ўхшатиб дамлаб ичиб туриши керак деган.

Инфаркт касалининг олдини олиш учун ва даволашда тоғолчадан тайёрланган чой ичиб туриш энг яхши ва фойдали таъсир кўрсатади.

**Тоғрайхон** (*Душица мелкоцветная*). 34-расм. Ўрта Осиё мамлакатларида ва Ўзбекистоннинг тоғли районларида кенг тарқалган. Тоғрайхонни ер устки қисми гуллаган вақтида йигиб олинади. Инфаркт касалида ва унинг олдини олишда тоғрайхон билан кўк чой аралашмасини ичиб турилса, қон томирлар кенгайиб инсон ўзини яхши ҳис қила бошлайди.

**Чой (Чай).** Қора чой, кўк чой. Кўк чой яхшироқ ҳисобланади. Чой дармондорилар сероблиги билан ҳам машхур неъмат бўлиб, таркибида B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, C, PP дармондорилари қўплиги аниқланган. В<sub>1</sub> дармондориси кишининг асаб тизими ва юрак учун энг яхши шифо ҳисобланади. Чойда экстракт моддалардан танин, катехин ва эпикатехин деб аталувчи моддалар ҳам бор. Карбонсувлар (сахароза, глукоза, целлюлоза, крахмал) ҳам мавжуд. Ундан ташқари чойнинг муҳим таркибий қисмларидан бири кофеиндир. Ушбу модда дастлаб кофеда топилгани учун шундай аталади. У бошқа ўсимликларда ҳали топилганича йўқ. Қоидаси билан дамланган чой ичилганда (кофеин билан танин бирикса) юрак, буйрак, жигар сингари энг муҳим аъзолар фаолиятини яхшилайдиган дорига айланади. Хитойлик олим Чженцян вилоятидаги тиббиёт билимтохининг профессори Лоу Фуцинь чойнинг юрак инфаркти ва парок бўлишининг олдини олиш ҳамда даволашга кучли таъсирини исботлайди. Чой дамлашда унинг дориворлиги сувга боғлиқ. Олий навли сув тог сувлари бўлиб күёш радиациясини тўла эмган, тошдан тошга урилиб пишган сувдир. Ўрта навли сувга дарё, сой ҳамда водопровод сувлари киради. Паст навли сув қудук, булоқ ва артезиан сувлари бўлиб, күёш радиацияси таъсир этмаган, бундай сувларга турли тузлар аралашган, bemaza бўлиб, қоринни шиширади ва дориворли ҳусусияти ҳам жуда паст.

## ИСИТМА КҮТАРИЛИШИ

***Иситманинг келиб чиқиши сабаблари.*** «Барча дунё неъмати соғлиққа тенг келолмас» нақлини ўйлаганда, дард келганда дармон кетишини ҳис қылганда, соғ одамнинг касал бўлишига асосан нималар сабаб бўлиши ўйлантириб кўяди. Соғлом одамда касаллик қандай пайдо бўлади? Барча касалликлар қўйидаги сабаблар: кўп ейиш, кўп гапириш, кўп ухлащ, кўп жинсий алоқа қилиш ва шунингдек тез-тез шамоллаш туфайлидир. Кўп ейишдан меъда бузилади, жигар заифлашади, қорин ва буйрак касаллиги юз беради. Кўп ухлашдан юз саргаяди, тана оғирлашади, ҳарорат кўтарилади. Кўп гапиришдан кишининг эски касалликлари ҳуруж қиласи, бош оғрийди, ҳарорат кўтарилади, ортиқча ҳафаликдан ҳам ҳарорат кўтарилади. Одам боласи мурғак пайтида, қариликда аъзои тани заиф бўлади. Иситма кўтарилганда аввало иситма кўтарилишининг асл сабабларини аниқлаш лозим бўлади, аниқлангач унинг сабаб йўқотиш керак бўлади. Мурғак болани йўргаклаш олдидা қобиз (буриштирувчи) мойлар билан мойлаш лозим, токи унинг терисида пишиқлик кўрингунча. Уни чўмилтирилса хилтлардан (кирлардан) тозаланади. Унинг йўргак боягини ўртача боғлаш лозим. Уни кўп эмизишдан сакланиш керак, чунки ошқозон бузилади, эмизишни узоқ вақт тўхтатиб қўйилмасин иситмаланади. Болани тинч жойда ухлатиш даркор. Ўйғоқлик вақтида уни ёруғликдан айирманг, токи у осмон ва юлдузларни кўрсин. Болани кўришга ўргатмоқ учун кундуз куни унга ҳар хил рангли нарсаларни кўпроқ кўрсатиш лозим. Уни сўзлашга ўргатмоқ учун таълимда овоз билан унга гапириб туриш керак бўлади. Унга асал ялатиб ёки уни танглайига ва тилига суртиб ишқалаб туриш ҳам кўтарилган иситманинг сабабини йўқотади.

***Иситма кўтарилганида табиат неъматларидан фойдаланиши усуllibari.*** Маймунжон (Ежевика). 44-расм. Маймунжоннин янги баргини майдалаб қутилганидан бир чой қошиқ олинади, унга шу ўсимлик уругидан ҳам ярим чой қошиқ олиб, ярим литрли чойнакка солиб устидан қайноқ сув куйиб 5-6 дақиқа дамланади, сўнг чойга ўхшатиб ичилади, иситмани тез туширади.

***Қоратерак (Тополь чёрный).*** 32-расм. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма жойларида манзарали дараҳт сифатида ўстирилади. Ҳалқ табобатида қоратерак барг куртагидан тайёрланган дамлама иситма кўтарилганда, ҳароратни пасайтирувчи ва юрак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига куртакдан бир чой қошиқда солинади, 5 дақиқа дам олгач бир ош қошиқдан 5-6 маҳал иситма кўтарилганда ичиб турилади, иситмани тез туширади.

**Лимон (Лимон).** 58-расм. Янги лимон ошқозён, жигар, ва буйрак касалликларида иситма туширувчи ҳамда дори сифатида қўлланилади. Иситма қўтарилиганда лимончи сиқиб шарбатига озгина асал кўшиб ичилса, иситма тушади.

**Олхўр (Сливा).** 57-расм. Олхўрини ўзи иштахани очали, эъқатни хазм қўлдиради. Иситмани тушириш учун олхўрининг илдизи, пўстлоги ва ёш новдалари қайнатмаси ичирилади. Қайнатма тайёрлаш учун олхўрининг илдизи, пўстлоги ва ёш навдаларини майдалаб аралаштириб, бир чой қошиқ олиниади, бир стакан сув қўшиб 30 дақика қайнатилади, сузуб кунинга 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

**Шолғом (Репа).** Гўшт билан қайнатилган шолғом кучли озиқа бўллагуриб, меъдада узоқ вақтгача қолади. Шолғом қайнатмаси иситма баланд бўлганда, ҳамда юрак безовтланишида жула яхши шифо беради. Фойдаланиш учун майдаланган шолғомдан 2 сш қошиқ олиниб, устига бир стакан қайноқ сув солиб 15 дақика давомида қайнатилади, совугач докадан сузилади ва шу қайнатмадан иситмани тушириш учун чорак стакандан ичиб турилади.

**Арпабодиён (Анис обыкновенный).** 54-расм. Ўзбекистонда зирavor ўсимлик сифатида ўстирилади. Ўсимлик бир йиллик бўлиб, бўйи 30-60 см. гача етади. Поясининг юқори қисми шоҳланган, барглари уч бўлакли, гуллари оқ майда кўримсиз соябонга тўпланаётган. Арпабодиённинг меваси ва илдизи йиғилади. Иситма қўтарилиганда арпабодиённи уруғи билан илдизини қўшиб совуқ сув билан ичирилиганда иситма вақтидаги кўнгил айнаш ва иситмадан келиб чиққан меъда алангланишида катта фойда қолади. Ундан ташқари арпабодиён уругининг дамламаси ҳам тана ҳарорати қўтарилиганда ичилади. Дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ ўсимлик уругини 1 стакан қайноқ сувда 1 соат дамлаб кун бўйи ичиб турилади.

**Саҷратқи (Цикорий обыкновенный).** 55-расм. Ўрга Осиёда ва Ўзбекистонда кенг тарқалган ўсимлик, унинг меваси етилганда йиғиб олиниади. Иситма қўтарилиганда мевасидан тайёрланган қайнатма ичирилса яхши шифо беради. Қайнатма тайёрлаш учун ўсимликнинг мевасидан бир чой қошиқ олиб, устига икки стакан сув куйиб бир оз қайнатиб, 1-2 соатга қўйиб қўйилади, сўнгра докадан сузуб купига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

**Картошка (Картошка).** Агар иситма юқори бўлса, картошкадан тайёрланган малҳамни (компрессни) манглайга қўйилса, бирор соат ўтгач иситма тушади. Бунинг учун иккита йирикроқ картошка олиниб қирғичда қирилади, унга бир ош қошиқ узум сиркаси қўшиб тоза латтага ёки докага солиб ўралади Сўнира уни манглайига қўйилади ва бир оз ўтгач янгиланади.

*Чучукмия (Солодка обыкновенная).* 66-расм. Ўрта Осиё давлатларида ва Ўзбекистонда кенг тарқалган. Абу Али ибн Сино чучук мия илдизини қайнатмасини иситма кўтаришганда беморларга ичирган. Қайнатма тайёрлаш учун чучукмия илдизидан майдалаб 15 г олинади, устига бир стакан сув солиб 10 дақиқа қайнатилади, кейин бир соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб иситмада кунига 4-5 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

*Шотара (Дымяна войяна).* 59-расм. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўсимлик таркибида алколоидлар, гликозидлар, ошловчи ва буёқ моддалар, дармондори С, К ва бошқа бирикмалар бор. Халқ табобатида шотара ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма бадандаги ҳароратни пасайтирувчи дори сифатида ичилади.

*Кунгабоқар (Подсолнечник обыкновенный).* 56-расм. Халқ табобатида кунгабоқар гулидан ва барги дамламаси безгак, иситмада даво сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун ўсимлик гулидан ва баргидан бир ош қошиқ солинади ва 15 дақиқа дамланади, яrim стакандан ичилади.

*Шотут (Тут чёрный).* Халқ табобатида шотут мевасини иситма кўтирилганда ҳароратни пасайтирувчи дори сифатида ичилади.

Болгариялик башоратчи Ванга: икки ойдан ортиқ қаттиқ иситмалаб ўт бўлиб ётган гўдакнинг ота-онасига, болани узумнинг фўраси қайнатилган сувда чўмилтиришни тавсия этган.

*Ровоч (Ревень татарский).* 27-расм. Иситмани тушириш учун, халқ табобатида ровоч меваси ва илдизидан қайнатма тайёрлаб ичирилади.

## ИШТАҲА ЙЎҚОЛИШИ

Иштаҳа тиб ҳақидаги китобларда сабаб деб олдин пайдо бўладиган ва одам организмида қандайдир бир ҳолатни келтириб чиқарувчи, ёки бу ҳолагни турғунлигича сақлаб турувчи омилга айтилади. Касаллик эса, киши танасидаги файритабиий бир ҳолат бўлиб, касал киши аъзосининг ишига бевосита заарар етказади. У файритабиий мижоздан ё файритабиий таркибидан пайдо бўлади. Унинг юз бериши шу касаллик ҳолатининг натижасидир. Гоҳ бу табиатга қарама-қарши бўлсин, ёки қарама-қарши бўлмасин ўз асоратини билдириб туради. Масалан, инсон организмида В<sub>1</sub> дармондори камайиб кетса, иштаҳа йўқолади. Бу эса оғир касалликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Касалликларнинг кўпчилигида тўрт давр бўлади — бошланиш даври, зўрайиш даври, зўрайишда ниҳоятга етиш даври ва пасайиш даври. Ҳамма даврларда иштаҳа йўқолиши ва шунинг натижасида касаллик зўрайиб, бошқа касалликларга айланishi ёки йўқолиб кетиши мумкин. Булардан ташқари иштаҳа йўқолишига ҳаво ҳам таъсир қилиши мумкин. Ҳаво мўтадил ва соф бўлиб у соглиқ учун ишловчи ва уни сақловчи бўлади. Ҳаво ўзгарса бу ишнинг тескарисини қилади. Иштаҳа йўқлигига ташқи муҳит, туар жой, йилнинг фасли, ейдиган ва ичиладиган нарсалар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

**Иштаҳани очиша табиат неъматларидан фойдаланиш усуллари.** Иштаҳа йўқлигини келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш даркор ва бу сабабларни тезда тутатишга ҳаракат қилиш керак бўлади.

**Лимон (Лимон).** 58-расм. Таркиби фойдалари моддаларга бой, унда 0,6% оқсил, 3% қанд, 6% жавҳар, 1,5-2% ифори мойи мавжуд. А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, ва С дармондориларга бой, шунинг учун буюк аллома Абу Али ибн Сино иштаҳани очиша лимонни сиқиб олинган сувини ёки ундан мураббо қилиб ичирган. Кетидан ёки олдидан бирор таом ейилмагани маъқул.

**Олхўри (Слива).** 57-расм. Ҳалқ табобатчилигига олхўри қайнатмаси иштаҳа очувчи, овқатни ҳазм қилувчи сифатида чойга ўхшатиб ичиб турилади.

**Қорақанд (Барбарис).** 29-расм. Ҳалқ табобатчилигига иштаҳа йўқлигигида, иштаҳа очадиган восита сифатида фойдаланилади. Қорақанд баргини янгилигига ёки куритилган ҳолда чой ўрнида дамлаб ичилади. Мевасидан қайнатма тайёрланади, бунинг учун бир стакан сувга 2 ош қошиқ қорақанд мевасидан солинади ва 20-30 дақиқа қайнатилади. ҳар куни овқатдан олдин 2-3 маҳал 50-100 г дан истеъмол этиб турилади.

**Кийик ўтлиши чой (Чай из чебреца).** Тот ён бағирларида ўсадиган кўп йиллик кўкат ўсимлик. Кийик ўтли чойни ҳалқ табобатида иштаҳа очиш, кўнгил айнишини тўхтатиц ҳамда кайфиятни ёзиш учун ичилади. Чой дамлаш учун ярим литрли чойнакка битта кичкина қошиқ олий навли кўк чой озгина ва бир чой қошиғида куритилган ва майдаланган кийик ўт солинади, устидан қайноқ сув куйиб бир оз дам едирилгач чойга ўхшатиб ичилади.

**Хантал (Горчица сарепская).** 48-расм. Ўрта Осиё мамлакатларидағи экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади, таркибида синигрин, гликозид, миразин ферменти, ёғ ва оқсил моддалар бор. Абу Али ибн Сино хантал уруғини иштаҳа очувчи омил сифатида овқатга кўшиб ва нонга суртиб едирган.

*Арпабодиён (Анис обыкновенный).* 54-расм. Ватани Туркия, Ўзбекистонда зиравор ўсимлик сифатида ўстирилади. Халқ табобатчилигига арпабодиён дамламаси иштаҳа очувчи, чанқов босувчи ва енгил сурги дори сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига майдаланган арпабодиён мевасидан бир чой қошиқ солинади ва бир соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилади. Дамламадан овқатдан 15-20 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

*Игир (Аир болотный).* 60-расм. Ўрга Осиёда ва Ўзбекистонда дарё, кўл бўйларида ва кўлмакларда ўсади. Игир кўп йиллик ўсимлик бўлиб бўйи 1 м. гача етади. Илдизпояси йўғон, шохланган ва кўп илдизли бўлади. Халқ табобатида илдизпоядан тайёрланган қайнатма ёки ароқда тайёрланган шарбат (настойка) иштахани тез очади, кўнгилни яхшилайди, ёғни ҳайдайди. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 3 стакан сув қўйиб, устига 15 г майдаланган илдизпоясидан солинади ва 15 дақиқа қайнатилади. Совугач докада сузиб 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан ичилади.

*Кунгабоқар (Подсолнечник обыкновенный).* 56-расм. Халқ табобатида кунгабоқар гули ва баргидан шарбат (настойка) тайёрлаб иштаҳа очиш учун ичилади. Барг ва гулидан шарбат (настойка) тайёрлаш учун қуритилган барг ва гулни тенг миқдорда аралаштирилади, сўнгра бу аралашманинг бир қисмига 5 қиём нисбатида ароқ кўшиб 1-2 ҳафта қўйиб кўйилади, сўнг докада сузиб иштаҳа очиш учун кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

*Карафс (Селдрей пахучий).* Ўрга Осиёдаги ҳамма мамлакатларда сугориладиган ерларда ўсади. Халқ табобатида ўсимлик илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама иштаҳа очувчи сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қуритилмаган баргни майдалаб бир ош қошиқ солинади ва 4 соат дамланади. Дамламадан кунига овқатдан олдин 1 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади.

*Эрмон (Польнь горькая).* 24-расм. Ўрга Осиёда кенг тарқалган шифобаҳш ўсимлик. Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлигидан сиқиб ширасини олиб иштаҳа очувчи дори сифатида ишлаттган.

*Петрушка (Петрушка обыкновенная).* Халқ табобатида мева ва илдиз дамламалари овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, иштаҳа очувчи сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун чойнакка ярим чой қошиқ майдаланган мева ва 4 чой қошиқ илдизидан солинади, устига 2 стакан қайнаб турган сув қўйиб 8 соат дамланади, сўнгра шундан бир ош қошиқдан ичилади.

*Аччиқмия (Горчак обыкновенный).* Унинг турлари кўп. Ўрта Осиё мамлакатларида кенг тарқалган, асосан чўл ва ярим чўлларда, қирларда ўсади. Аччиқмия турларининг ҳамма турлари заҳарли. Таркибида алколоидлар бор. Халқ табобатида аччиқмия уругини иштаҳа оча тиган дори сифатида ишлатилади.

*Йигма дори (Лекарство из нескольких составов).* Халқ табобагида иштаҳани очиш учун ўрик, ёнғоқ, майиз, асал керак бўлади. Йигма дори тайёрлаш учун 400 г ўрик баргига 400 г ёнғоқ мағзи, 400 г яхши майиз (данаги бўлмасин) қўшилади, ҳаммасини аралаштириб гўшт майдалагичдан ўтказилади, кейин унга 200 г яхши асал қўшиби аралаштирилади. Шу йигма доридан бир чой қошиқдан еб, устидан оғиз куймайдиган қилиб иссиқ сув ичилади. Иштаҳа очища яхши таъсир кўрсатади ва ошқозонга ҳам фойда қиласди.

**Биласизми:** Кимнинг ҳаётлигига нонини ейишмаса, ўлганидан кейин номини эслашмайди.

Табассум чехрага улуғворлик беради, дилни равшан қиласди, қалбга ором багишлайди.

## ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

*Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.* Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида ичак касалликларининг кўпгина турлари ва уларга даво бўладиган воситалар ҳусусида бир қатор муҳим фикрларни баён этган. Бу ўринда яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ичак касалликларига чалинган кишилар аввало ўзларини эҳтиётлаштари, ўтқир таъсир кўрсатувчи таомларни истеъмол қилишдан тийилишлари зарур. Бемор ахлатни чиқармай туриши зарар, аксинча ҳар бир ухлашдан олдин ҳожатга бориш лозим. Чиқармай сақланган ел кўпинча куланж пайдо қиласди, чунки у ахлатни юқорига ҳайдаб туради. Ахлат эса тигиз бир ғулакка айланниб ичакларда кучсизлик пайдо қиласди. Куланж бу ичакка оғриқ берувчи касаллик бўлиб, бунинг натижасида табиий равишда чиқадиган нарса(ахлат)нинг чиқиши қийинлашади. Куланж ҳақиқатда йўғон ичак, яъни кулун ва унга ёндош ичаклардаги сабаблардан бўладиган касалликнинг исми, у касаллик эса ичакларнинг совукдаги ва қалинлашуви сабабли зўрайдиган оғриқdir. Ҳақиқий куланжда чиқариладиган ахлат озаяди, ўз вақтидан кечикиб чиқади, иштаҳа пасаяди, ҳатто бутунлай йўқолади, ёғли ва ширин нарсаларни кўнгил истамайди, фақатгина нордон, аччиқ ёки шўр нарсани бир оз истайди, касалнинг кўнгли айнаб ўқчийди, доимо ичак бураб оғрийди, тез-тез сув ичгиси келади, орқа ва иккала поча оғриб туради.

Кейин бу белгилар кучайиб ич тўсилиб тўхтайди, ахлат ва ел чиқмайдиган даражага яқинлашади, сийдик қизаради, чунки ўтнинг кўп қисми буйракка боради, тўлиб қолган ўт қопи ичақда йўл тополмайди. Натижада куланжга хос оғриқ ва шу оғриқقا тегишли белгилар юз беради. Ичақдаги қуланж оғриғи қоринда ва бел томонда катта жойда бўлади. Буйракдаги тош оғриғи эса жуволдиз қадаётгандай бўлиб, кичкина жойда бўлади. Ҳуқна (клизма) қилиш ел ва ахлатнинг чиқиши қуланж оғриғини енгиллатади, буйрак оғриғини эса кўпинча сезиларли даражада енгиллатмайди. Буйрак тошини майдалайдиган дорилар буйрак оғриғини енгиллатади қуланжни эса енгиллатмайди. Булардан ташқари ичак касалликларини келиб чиқишида турли хил ичимликлар ва озиқ-овқатларни меъридан ортиқ истеъмол қилиш, ичаклар шамоллаши ва унда яралар пайдо бўлиши, турли хил салбий таъсир кўрсатувчи микроблар муҳим роль ўйнайди. Агар кишининг тўғри ичагида ёки ундан юқорироқда яралар бўлса, бу ҳақда бавосил деб номланган касаллик тўғрисида фикр юритиш лозим.

**Ичак касалликларини даволашда табиат неъматларидан фойдаланиш усуллари.** Касалликнинг бошлангич алломатлари сезилиши биланоқ даволашни бошлаш лозим. Тезда касалликнинг келтириб чиқарган сабабларини аниқлаб, уларни йўқотишга ҳаракат қилиш зарур. Қуланжни даволаш учун қоринда қамалиб қолган ел ва озукани, чиқиндиларни чиқариш керак бўлади, яъни юмшатувчи ҳукна (клизма) қилинади. Ичак касалликларини даволаш учун қўйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш мумкин.

***Шафтоли барги (Персиковые листья).*** Халқ табобатида кўнгил айнаганда, қайд қилганда, шу билан бирга бош ҳам қаттиқ оғриганда шафтоли баргини дамлаб ичиш тавсия этилади. Бунинг учун бир сиқим шафтоли барги олинади, ишқалаб ўлдириб чойнакка солинади, устидан қайноқ сув қўйилгач 5-6 дақиқада «шарбат-дамлама» тайёр бўлади. Шу дамламадан юқорида айтилган касалликда ярим пиёладан бир пиёлагача ичиб юборилса, 10-15 дақиқадан сўнг ичакдаги оғриқ ҳамда бош оғриғи таққа тўхтайди.

***Исмалоқ (Чўқатикан).*** 15-расм. Абу Али ибн Сино исмалоқ баргларидан қайнатма тайёрлаб ични юмшатиш, сафрони қаттиқ ҳайдаш, ел чиқариш ҳамда қорин ва ичакларнинг яллиғланишига қарши фойдаланган. Қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ миқдорида исмалоқнинг сархил мурғак ўти, ён барглари олинади, 200 г сув билан 10 дақиқа қайнатилиб, бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузилади ва шарбатидан кунига ярим пиёладан овқатдан олдин 3 маҳал ичиб турилади.

*Укроп (Укроп пахучий)* шивит, бодиён деб ҳам аталади. Халқ табобатида укроп ва унинг уруги дамламаси, ичак оғриқларини қолдиради. Дамлама тайёрлаш учун чойнакка 2 стакан қайнаб турган сув куйиб, устига 2 чой қошиқ укроп уругидан майдалаб солинади ва 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига овқатдан олдин ярим стакандан ичиб турилади.

*Олма ва асалли чой (Чай с мёдом и с яблоком).* Олмани ҳамма турлари ва навлари яроқлидир. Қора чой одатдагича дамланади, кесилган олма ва асал пиёлага куйилади. Бир ҳўплам чойга бир бўлак олма ташланади. Ҳар пиёла асалли чойга бир олмани ярмиси кетади ва чой қошиқда асал керак бўлади. Олма билан асалли чой ичак касалликларига шифо қиласи, ичакни мустажкамлайди, оғриқни қолдиради. ( Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» VI жилд 1956 и. 488 бет).

*Майизли чой (Чай с кишмишем).* Халқ табобатида ичак қаттиқ оғриган вақтида майизни уруги билан дамлаб ичилса яхши шифо беради.

*Далаҷой (Зверобой обыкновенный).* 22-расм. Халқ табобатида далаҷоидан тайёрланган дамлама ошқозон ичак оғриқларини қолдирувчи, ичак яраларини даволовчи, ички қон кетишида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув куйиб устига ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан 10 г солинади ва дамлаб қўйилади, сунгра докадан сузилади. Дамламадан кунига 2-4 маҳал овқатдан кейин 1 ош қошиқ ичилади.

*Тұғмачагул (Мальва дикая).* 43-расм. Қаддирғоч ўти деб ҳам аталади. Абу Али ибн Сино ўсимликнинг барги ва гулига қанд қўшиб тайёрланган дамламани меъда ичак ялғиғланишида ишлатган ва яхши шифо топган. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув куйиб, устига майдалангандан барг ва гулидан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади, сўнгра докадан сузиб ва озрок қанд қўшилиб кунига 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади.

*Эрмон (Полынь горькая).* 24-расм. Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлигини янчиб, унга атиргул ва хина мойларидан қўшиб қорин, ичак оғриғида оғриган ерга боғланган ва шу билан бирга оғриқни қолдиришга эришган.

*Мумиё (Мумия).* Ичак, меъда касаллигига зира ёки қора зира суви билан бир қирот (0,19) г тоғ мумиёси ичилса оғриқ таққа қолади.

Агар кишининг ич кетиши қора ёки сариқ ёхуд ахлати қуруқ бўлса 5 дона ёнғоқ мағзини эчки сутиди қайнатиб ичиш тавсия этилади. Агар ичи тўхтамаса товуқ гўштини қайнатиб тузлаб ейиш керак.

*Бурган (Полынь однолетняя)*. 61-расм. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма оқмали ичак касалликларини даволашда ичилади. Қайнатма тайёрлаш учун идишга 1 стакан сув қуйиб устига 1 чой қошиқ ўсимликнинг ер устки қисмидан солиб 5 дақиқа қайнатилади, совугач сузилиб кунига бир ош қошиқдан овқатдан олдин 3 маҳал ичиб турилади.

*Асалари елими (Прополис)*. Одамда меъда ва ўн икки бармоқли ичакда яра бўлса, унда асалари елимидан катталиги мошдек-мошдек қилиб овқатдан ярим соат олдин кунига 3 маҳал бир ой давомида ичиб турилса, ичакдаги ва меъдадаги яралар тезда битиб кетади.

*Алоэ (Алоэ древовидное)*. 42-расм. Бу ўсимликни уй шароитида тувакларда ўстирилади. Барглари чўзиқ, икки ёnlари тиконли бўлади. Абу Али ибн Сино алоэдан кенг фойдаланган. Ичак безларининг яхши ишлаптида ва у безлардан моддалар чиқаришда ҳамда ошқозон ишини яхшилашда, ҳар хил ошқозон ва ичакдаги яралар ҳамда гастритни даволашда ишлатган. Алоэдан сиқиб олинган шарбат, яъни сабурни ичак яраларида ишлатган, ундан ташқари алоэнинг мусаллас билан тенг миқдордаги аралашмаси ичакдаги яраларни даволашда асқотади ва яхши натижга беради. Халқ табобатида алоэ баргини олиб икки ёнидаги тиканларини кесиб ташлаб, кунига наҳорда ва ётишдан олдин битта барғдан тишлаб чайнаб ютиш тавсия этилади. Шу усулда бир ой муолажа қилинганда, ошқозондаги ва ичакдаги яралар битиб кетади (гастрит ҳам йўқолади).

Болгариялик башоратчи Ванга: ич оғриғига чалинган тўрт яшар гўдакнинг ота-онасига уни нотўғри овқатлантираётганларини, болага ёғни чекланган миқдорда едиришни уқтиради.

*Гулҳайри (Алтея лекарственная)*. 25-расм. Ўрта Осиёда кенг тарқалган ўсимлик бўлиб, боғларда, тоғ ёнбағриларида ўсади. Гулҳайри кўп йиллик ўсимлик, бўйи 1,5 м.гача етади, пояси битта ёки бир нечта, шоҳданмаган тик ўсуви. Гуллари пушти ёки оқ рангли, поядга шоҳлари учида барғ кўлтиғига жойлашган. Илдизи ва барги таркибида шиллиқ моддалар, крахмал, қандагар ва бошқа моддалар бор. Халқ табобатида гулҳайри илдизидан тайёрланган дамлама юмшатувчи, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигида кўлланилади. Дамлама тайёрлаш учун гулҳайри илдизидан 4 чой қошиқ майдалаб идишга солинади, устига 2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйилади, 8 соат қуйилади, сўнгра сузиб дамламадан кунига овқатдан олдин 3-4 маҳал 0,5 стакандан ичилади.

*Ошқовоқ (Тыква)*. Ичакларда оғриқ сезган одам ошқовоқнинг пустини хом ҳолида истеъмол қиласа оғриқ қолади.

Ичак касалликларида юқорида ёзилғанлардан ташқари ўсимликлардан: анжабор, чилонжийда, янтоқ ва сабзи ўз мижозига қараб ишлатиш лозим.

Абу Али ибн Сино сабокларида шундай дейилади: ёнғоқ магзини қөвуреб майдалаб, киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ич кетишини тұхтатади. Вақти-вақти билан ёнғоқ еб турилса, күр ичак бўлишнинг олдини олади.

**Биласизми:** Очкўз бутун жаҳонга тўймас, қанотли одам нонга ҳам тўқдир.

Оч кишига қотган нон ҳам асалдан ширин туюлади.

## ИЧ КЕТИШИ (Ичбуруғ)

Одам организми содда гузилган бўлиб овқат оғиздан қизилўнгач орқали тўғри ошқозонга тушади, ошқозон безидан чиқадиган шира таркибида пепсин ферменти, ширдон ферменти ва 0,1 дан 0,5% гача хлорид кислота бўлади. Кислотали муҳитда пепсин активлашиб, оксиларга таъсир кўрсата бошлайди ва уларни пептонларга ажратади. Улар ўз йўлида чайнаш, оғиз сўлаги билан овқатни ҳазм бўлишида иштирок этади. Ейилган озуқа қисман ошқозонда ҳазм бўлади, сўнг ошқозондан ингичка ичакка тушади, бу ерда ошқозон шираси ва жигар ўти таъсирида озиқнинг кислотали муҳити ишқорий ёки нейтралга айланади. Оксиллар яна ҳазм бўла бошлайди ва аминокислоталаргача парчаланади. Ҳазм бўлмаган моддалар ингичка ичакдан йўгон ва кўричакка ўтади, у ерда бактериялар таъсирида моддалар яна парчаланади ва ҳазм бўлади. Ҳазм бўлмаган овқатлар (моддалар) йўгон ичак орқали аҳлатга айланиб ташқарига чиқиб кетади. Абу Али ибн Сино шундай дейди: агар у (аҳлат) суюқ рутубатли бўлиб кўринса, баданда тортиш кўп бўлмаган деган гапдир. Ёки ҳали ёмон бўлган бадандаги совуқлик, ёки ични сурувчи гизо туфайли воқеа бўлгандир (Абу Али ибн Сино «Тиббий рисола» 1987 и. 52 бет). Демак турли сифатсиз овқатлар таркибидаги заарарли моддалар таъсирида заҳарланиш мумкин. Жумладан, эски ёки айниган таомларни, ювилмаган ҳўл мевалар ва сабзавотларни истеъмол қилиш оқибатида ич кетиш келиб чиқади. Ҳозирги вақтда кимёвий дори-дармонларнинг заарарли таъсири ҳам аниқланган. Табиатда шифобахш ўсимликлар жуда кўп. Шулардан кўнгилга, мижозга қараб бирини ёки бир нечтасини олиб ич кетганда ишлатиш мумкин.

**Касалликни даволаш усуллари.** Халқ табобатида мазкур касалликни даволашда шифобахш ўсимликлардан кенг фойдаланилган.

**Анор (Гранат).** Шифобахш неъмат ҳисобланиб, ич кетишига қарши пўстлоғидан фойдаланилади, 50 г микдоридаги анор пўстлоғини ярим литр сувга солиб 20 дақиқа қайнатилади, сўнгра бир оз тиндириб қўйилгач, докадан сузиб олинади. Дамламадан ҳар куни овқатдан олдин ярим стакандан ич кетганда истеъмол қилинади. Агар одамнинг ичи bemavrid кетадиган бўлса (ич буруғдан холи) анорнинг майдалангандан пўчоқларидан 1 ош қошифи 2 литр сувда 15 дақиқа қайнатилиб, шарбати овқатланишдан ярим соат олдин бир пиёладан ичиб турилади.

**Пешоб (Моча).** Сурункали қон аралаш ич кетганда, одамнинг ўз пешоби ҳам шифобахш ҳисобланади. Одам ўз пешобидан катта ёшдагиларга 60-100 г дан, болалрга 25-50 г дан кунига икки маҳал оч қоринга наҳорда ва кечқурун ётишдан олдин овқатланишдан бир соат аввал ичиши буюрилади.

**Жийда (Лох узколистый).** 62-расм. Жийда меваси таркибида кўп микдорда қандлар, ошловчи моддалар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бор. Халқ табобатида жийда меваси ёки унинг қайнатмаси ич кетганда айниқса болаларда, бошқа ичак касалликларида ҳам ишлатилади. Жийдадан қайнатма тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга бир ярим литр сув куйиб, устига мевадан 50 г солинади ва қайнатиб бир соат кўйиб қўйилади, сўнгра докада сузилади. Қайнатмадан кунига овқатдан кейин 2-4 маҳал ярим стакандан ичилади.

**Қаттиқ нон (Сухари).** Талқонни қаттиқ қориштириб истеъмол қилинса ичбуругга (дизентерия) яхши даво қилиб ич кетишни тўхтатади.

**Ёнғоқ мағзи (Зёрна гречского ореха).** 63-расм. Агар кишининг ичи кетганида ранги қора ёки сарик, ёхуд ахлати куруқ бўлса, беш дона ёнғоқ мағзини эчкини сутида қайнатиб овқатдан олдин истеъмол қилиш лозим.

**Шафтоли данаги (Персидские косточки).** Агар кишининг ичи доим кетатурғон бўлса унда шафтоли данагини мағзини туйиб, бир ош қошиқ олиб чойнакка солинади устига бир стакан қайноқ сув солиб иссиқ ичилади.

**Олма (Яблоко).** Наҳорга олма ейилса, аъзолардаги ортиқча даҳмаза моддаларни ҳайдаб чиқаришга ёрдам беради. Олмали пархез ич буруг (қон аралаш ич кетганда) ва ичак пардаси ялтиғланганда жуда яхши фойда беради.

**Отқулоқ (Шавель курчавый, конский, водяной).** 26-расм. Илдизи, барги, мевасидан тайёрланган дамлама ич кетишида (дизентерияда) ва ичак яралари учун жуда яхши даводир. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладаган идишга бир стакан сув қуиб, устига майдаланган ўсимлик илдизи, барги ва мевасини аралашмасидан 2 чой қошиқ солинади, ва икки соат дамлаб күйилади, сұнгра докадан сузіб, кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади.

**Сувқалампир (Водяной перец).** 50-расм. Аптекаларда сотилади. Халқ табобатида сувқалампирнинг дамламаси, ич кетишида, қон аралаш ич кетишида, қон оқишини тұхтатувчи, оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимликтан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турған сув қуиб, устига ўсимликтеги майдаланган ер устки қисмидан бир ош қошиқ солинади ва бир соат дамлаб күйилади. Сұнгра докадан сузіб кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан бир хафта ичип турилади.

**Ровоч (Марена красильная).** 27-расм. Абу Али ибн Сино шундай дейди: инсоннинг сафроли ёки қон аралаш ичи кетишида, ровоч поясини пустидан ажратыб куритилади, шундан 2 ош қошиқ (20-30 г)га бир ёки бир ярим стакан (100-250мл.) қайнатилған сув қуиляди ва паст оловда 30 дақиқа қайнатилади, совугач докадан сузіб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қолпикдан ичилади. Ровоч уруғини тановувул қилинса ичбуруғ дардига дармон бұлади.

**Сачратиқи (Цикорий обыкновенный).** 55-расм. Халқ табобатида сачратқи илдизидан тайёрланган дамлама ич кетишида (дезентерия) яхши фойда қиласы. Илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуиб устига майдаланган илдизидан бир чой қошиқ солинади, бир ош қайнатыб совугач, сузіб кунига 3 маҳал ярим стакандан находрга ичилади.

**Бұтакүз (Василёк синий).** 18-расм. Бу ўсимлик ўта шифобаҳаш ҳисобланади, айниқса ич кетганды. Бир сиким бұтакүзни чойнакка солиб, устига бир стакан қайнаб турған сув қуиляди, шу жумладан 3 маҳал чорак стакандан ичилади.

**Төвук тухуми (Яйцо куриное).** Ич кетганды 3 дона тухум олиб сувда 15 дақиқа қайнатилади. Пишган тухумни оч қоринга кунига 3-4 маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади, келәёттан ичи таққа тұхтайди, устидан бир икки пиёла аччиқ қилиб дамланған қора чой ичилиши шарт.

Абу Али ибн Сино сабоқларида шундай дейилади: ёнтоқ маззини (внутренняя мякоть греческого ореха) қовуриб, майдалаб киндик устига сепилса ичак оғриқларини босади ва ич кетишни тұхтатади. Вақти-вақти билан ёнтоқ еб турилса, күричак бўлишининг олди олинади.

**Биласизми:** Ўзингизга ёқмаган нарсани ўзгагараво кўрманг.

## ЙЎГОН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликшинг келиб чиқши сабаблари.** Йўғон ичак касалликларини ичак кўзгалиши — ялтигланиши, ёки яралы колит деб ҳам аталади ва бавосил турлари ҳам мавжуд. Ичак кўзгалишига чалинган кишиларнинг ич келиши бузилади. Аввал уч-тўрт кун ичи қотади, кейин икки-уч кун давомида ичи суюқ сувга ўхшаб келади. Қадимдан уни қонли ич суриш деб ҳам аталади. Оғриқ кучайиши, ич келиши ва қориннинг бураб-бураб оғриши ҳам хосдир. Йўғон ичак кўзгалиши хасталиги қишлоқ аҳолисига нисбаган шаҳарликлар орасида кўпроқ учрайди. Чунки шаҳарликлар хўл мева, кўкатлар, сабзавотлар, қора нон маҳсулотларини кам истеъмол қиласидар, кам ҳаракат қилишади. Узлуксиз ўтириб ишлаш ҳам йўғон ичак хасталигининг сабабларидан биридир. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино «Одам ички аъзоларининг ойнаси бу кафт ва оёқ остидир», деган эди. Қадимги табиблар кафт ва оёқ ости чизикларига қараб одам ички аъзоларидаги хасталикларни даволаганлар. Одам юрганда ана шу рецепторлар кўзғалиб, ичаклар харакатини тезлаштириб, овқат юришини ва ҳазм бўлишини, безлардан ширалар чиқшини яхшилади. Шу боис қишида оёқни иссиқ тутиб кўп юриш, ёзда эса тупрокли йўлда оёқланг юришнинг фойдаси катта. Яралы колитнинг келиб чиқши сабаблари ҳамон етарли даражада аниқланмаган.

**Касалликни даволаш усуллари.** Касаллик кучайган даврда асосий эътиборни пархезга қаратиш зарур. Бунда ширинликлар, квас, мевали шарбатлар ва ундан тайёрланган маҳсулотларни мутлақо истеъмол қиласмаслик керак. Ёғли шўрвалар, дудланган маҳсулотлар, ўтктир зираворлардан воз кечишига тўғри келади. Яхшиси кеча ёпилган ёки озгина қуритилган нонни еган маъкул. Нонуштага гуручли, арпали бўтқани ейиш керак. Оз-оздан тез-тез овқатланиш даркор, печенье, памидор, апельсин шарбатларидан ичиш керак ва шунга ўхшаш енгил овқатларни истеъмол қилиш лозим.

***Тарвуз (Арбуз).*** Халқ табобатида тарвуз уруғидан ҳам фойдаланилади. Унинг уругини янчиб, сут билан аралаштириб истеъмол этилса, йўғон ичакдаги қон кетишни тұхтатади, уни йўғон ичакка юборса ҳам бўлади, яхши шифо қиласиди.

*Сувқалампир* (*Водяной перец*). 50-расм. Аптекаларда сотилади. Халқ табобатида сувқалампирнинг дамламаси, йўғон ичакдан қон оқиши тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир ош қошиқ сувқалампирни майдаланганини олиб, бир идишга солинади, устига бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва бир оз тургач илиқ пайтида кунига 2-3 маҳал йўғон ичакка юборилади, бир ҳафта муолажа бажарилса, бемор тез кунда шифо топади.

*Ширчой* (*Гравилат речной*). 64-расм. Ўрта Осиё давлатларининг тоғли жойларида кент тарқалган шифобаҳаш ўсимлик. Ширчой кўп йиллик бўлиб, бўйи 25-75 см. га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шоҳланган, илдиз олди туп баргли узун ва бандли, ўргаси кесилган бўлади. Гуллари сариқ қизгиш ёки оқ. Халқ табобатида ўсимликдан тайёрланган дамлама йўғон ичакдан қон оқишида, қон тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун ширчойнинг ер устки қисмидан оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади. Йўғон ичакда ана шу дамламадан игнасиз шприцда 10 г юборилса, яхши шифо беради.

Агар йўғон ичакда (орқа тешикда) ёрилиш ва шишлар бўлса уларни даволаш учун, ўрик ёғини йўғон ичакка юбориш фойдалидир.

Агар йўғон ичак (орқа тешик) шишиб кетса ва қаттиқ оғриши кузатилса, таги тешик челакка исириқни дудлатиб, дудига ўтириш лозим. Юмшатувчи дорилардан ёғма қилиб масалан, писта, ровоч, сариқ бош, зубтурумларни сувда қайнатиб касални ўтқазиш ёки уни орқасига қувиш ҳам шифо килади.

Зифир, гулхайри ва қарам уруғларини солиб қайнатиб, шу қайнатма билан илиқ ҳолича йўғон ичакни ювиб туриш тавсия этилади.

Йўғон ичак касалланган вақтда кишининг аҳлати суюқ бўлиши учун озгинадан сурги дори ичиб туриши лозим, бунинг учун, аптекаларда сотиладиган сано ўсимлигини дамлаб ичиш, киши ичини яхши юмшатишга фойда беради.

**Биласизми:** Тан соғлиқ, хотиржамликни подшолиқдан афзал кўринг. Яхшиларнинг дийдорига боқиши умрни узайтиради, кўзни ўткирлаштиради ва кўнгилни ҳар хил губордан пок этишини зинҳор унутманг.

## ЙҮТАЛ. КҮК ЙҮТАЛ.

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Шамоллаш ва бошқа касалликлар оқибатида нафас йўллари яллиғланади. Бундай ҳолатда ҳарорат кўтарилиши, кучли йўтал хуруж қилиши мумкин. Ўта оғир кечадиган юқумли касаллик натижасида ҳеч тўхтамайдиган, узоқ вақтгача чузиладиган қаттиқ йўтални - кўк йўтал дейилади. Кўпчилик одамлар одам фақат шамоллаганида йўталади деб ўйлади. Ваҳоланки, йўтал бошқа касаллик аломати ҳам бўлиши мумкин. Киши бурун билан эмас, оғиз билан нафас олганда, бурунда пай ўсмалари (полипи) бор болалар кўпинча оғзи билан нафас олади. Хаво таркибида чанг нафас йўлининг ички шиллиқ қаватига ёпишиб, уни қичишириди, натижада йўтал тутади. Худди шунингдек юқори нафас йўлларини бирор нарса қичитганда ёки аллергия натижасида, ё бўлмаса ўпкада балғам йигилганда йўтал пайдо бўлади. Юракнинг турғма касаллигида ўпкадаги кичик қон айланаш доирасида қон айланиши қийинлашиши натижасида ҳам йўтал тутади. Бирор ёқимсиз хид нафас йўлини қичитиб, йўталга сабаб бўлиши мумкин. Кўп чекадиган кишилар йўталади. Чунки чекадиган одам бронхларида шиллиқсимон суюқлик кўп ишлаб чиқлади. Никотин бронхларнинг торайиш, кенгайиш хусусиятини бузади, оқибатида сурункали бронхит пайдо бўлади. Йўталганда бронх йўллари очилади, балғам ташлашдан кейин нафас олиш бир оз енгиллашади. Кўк йўталда йўтал хуруж қиласи, охирида оғзидан кўпик чиқади, бу юқумли касалликларда бўлади, лекин бундай йўтал хуружи бошқа йўтал хуружларидан фарқланниб туради. Шунинг учун ҳар қандай йўтал бошланганда шифокорларга мурожаат қилиб, йўтал сабабларини аниқлаш мақсаддага мувофиқдир.

**Касалликни даволашда табиат неъматларидан фойдаланиши.** Киши шамоллаб қаттиқ йўталса, эрталаблари тоифи майизини бинафша ёғида қовуриб ейиш лозим.

***Шолғом (Репа).*** Ўпка касалликларида овоз йўқолганда, нафас йўлларидаги хасталикларни даволаш учун шолғом истеъмол қилинса ижобий натижа беради. Шолғом шарбатининг шакар ёки асал билан аралашмаси йўтал қолдирувчи восита ҳисобланади. Бунинг учун шакарли шолғом шарбатидан кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичиш лозим. Шолғомдан тинчлантирадиган дори қилиш учун бир ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайнот сув солиб, 1 дақиқа давомида қайнатилади. Бундай қайнатма уйқу олдидан бир стакан ичилса, тинчлантирувчи дори сифатида таъсир кўрсатади.

Шолғомнинг яна бир ижобий хислати бор. У бурун бўшлигидаги ҳамма шиллиқларни чиқариб ташлайди, унинг учун юқорида ёзилган қайнатмани бурунга кунига 2-3 маҳал юбориш лозим.

**Беҳи (Айва).** Агар одам шамоллаб «томоқ йиртар» бўлиб йўтгалса, унда беҳини ичини ўйиб асал солиб, яна думба солиб бугда пишириб еса шифо топади.

**Швим (Укроп пахучий)** уруғларидан тайёрланган дамлама кўлланилади. Бир чой қошиқда уроп уругини чойнакка солинади, устига бир стакан қайноқ сув куйилиб бир оз дамланади, ўз тафти билан совугилади, сузиб олингач йўталда кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Бу муолажа йўтални қолдиради, шифо беради.

**Анжир (Инжир обыкновенный).** 2-расм. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз асарида шундай ёзган: Агар киши шамоллаш натижасида қаттиқ йўталса, унда унга анжир қоқисидан дамлама тайёрлаб ичинг. Дамлама тайёрлаш учун анжир қоқисидан 15-20 г олиниб, 200 г қайноқ сувда 30 дақиқа дамланади, кунига 4 маҳал 1-2 стакан ичилади.

**Зигир (Лён кудряш).** 23-расм. Куруқ йўталга фойда қилувчи яланадиган дори. Таркиби зигир уругини қовуриб асал билан қорилади ва идишга солиб кўйилади. Қаттиқ куруқ йўтал бўлганда озгинадан истеъмол қилиб турилади.

**Нок (Груша).** Агар йўтал захмати кишида қаттиқ бўлса, халқ табобатида нок уругини қайнатиб ичса йўтал тўхтайди.

**Қора андиз (Девясил высокий).** 52-расм. Ўрга Осиё мамлакатларида тоғли жойларда кенг тарқалиб ўсади. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 100-175 см. гача етади. Гуллари тишила сарик рангда бўлиб саватчага тўпланган. Ҳалқ табобатида қора андиз илдизи ва илдиз поясидан дамлама ёки қайнатма тайёрлаб, нафас йўлларишамоллашида ва ўпка силида йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади. Бирор идишга бир стакан қайнаб совутилган сув куйилади, устига бир чой қошиқ майдалангандан илдиз ва илдизпоя аралашмасидан солиб 8 соат кўйиб кўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 4 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин бир ош қошиқдан ичилади.

**Пиёз (Лук репчатый)** халқ табобатида пиёзни асал ва олма билан аралаштириб истеъмол қилинса, йўталга даво қиласи. Яна бошқача муолажа: Қаттиқ шамоллаш касалликларини даволащда пиёзни косага майдалаб тўғраб эзилади ва пиёзли коса устига энгашиб бошга каттароқ рўмол ёпиб ҳидланади, ёки пиёз ширасидан бурунга 1-2 томчи томизилади. Пиёз ўсимлиги препаратлари кучли бактериоцид хоссага эга

Майдалантан пиёзбошда! ўпка яллигланиши кетади, йўтал йўқолади. Киши яхши нафас ола, ғиган бўлиб қолади, бу муолажани кунинга 2 маҳал эрта билан наҳорда ва кечқурун ётиш олдидан бажарилади.

Кўк йўталга кўй қорачигини қайнатиб, куритиб, кейин уни шакар билан бирга истеъмол қилиш фойда беради. Сурункали йўталга эса қайнатилган турп ейиш фонда беради. Йўталдан қийналган одам буғдойни қайнатиб, қайнатмани сутга омухта қилиб, уни хуфтондан кейин ухлашдан олдин ичиш тавсия этилади. Яна бошқаси, думба ёғини сутда қайнатиб, сирка билан истеъмол этиши лозим.

**Кунжут** (*Кунжут индийский*). 5-расм. Озиқ-овқат саноатида ҳамда турли касалликларни даволаш учун кўлланилади. У Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади. Кунжут уругини ҳар куни ейилса тандан эски йўтал кувилади.

Йўтални давоси: Йигма дори. Янги сариёғдан 2 ош қошиқ, 2 та тухум сарифи, бир чой қошиқда ун, 2 чой қошиғида асал олинниб ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади, ҳар куни бир чой қошиқдан бир неча марта ичилади. Яна бошқа йигма дори: Бодом мойи, қовун шарбати, узум, анжир, чилонжийда меваларини меъёрида истеъмол қилиб туриш ҳар вақт йўтални давосидир.

Йўталнинг давосига яна бошқа усул: 10 дона пиёз ва бир дона чеснок бўлаги олинниб майдаланади, тўғралади, уни юмшагунча сугда қайнатилади, бир оз ялпиз шираси ва асал қўшилади. Кун бўйи ҳар соат бир ош қошиқдан ичиб турилади, яхши шифо қиласди.

Ибн Сино сабоқларида шундай дейилади. Пиширилган қовоқни иссиги йўтали бор одамга жуда яхши фойда қиласди.

## КАМҚОНЛИК КАСАЛЛИГИ

**Касаллакнинг келиб чиқиши сабаблари.** Камқонлик — бу танада қоннинг камайиши ёки қизил қон таначаларининг (эритроцит) камайиб кетиши, ёки қизил қон таначаларида (эритроцитларда) гемоглобиннинг камайишидир. Булар асосан қон йўқотишидан, кесилган жойлар, меъдадаги яралар, гижжалар натижасида пайдо бўлиши мумкин. Ундан ташқари қизил қон таначалари (эритроцитлар) бошқа бир қатор моддалар етишмаганлиги, масалан, темир моддаси танқислиги оқибатида камқонлик келиб чиқиши аниқланган. Камқонлик хомиладор аёллар ўргасида учрайди. Камқонлик қишлоқларда яшовчи кўп болали аёллар ўргасида кенг тарқалган бўлиб, бунинг натижасида мадорсизлик, бosh айланиши, қулоқда шовқин эшигитилиши, юракнинг тез уриши, нафас қисиши ва ҳаказо, кузатилади.

Беморларнинг териси қуруқ, тирноқлари мўрт бўлади. Бундай аёллар нимжон, заиф фарзанд кўрадилар, ҳарорат кўтарилиши, турли оғриқ безовта қилиши, кўп ҳолларда қон босими баланд бўлиши мумкин.

### Камқонликни даволашда табиат ңемматларидан фойдаланиши.

**Майиз шарбати (Кишмишный настой).** Камқонликни давоси жуда осон. Уйку олдидан бир ховуч майизни бир пиёла қайноқ сувга солиб бир оз қўйиб қўйилади. Эрта турганингизда майиз шарбатини симириб, майизни ҳам еб олинг, тез кунда қувватга кирасиз, ундан ташқари кундуз кунлари шолғом, сабзи, лавлагини тенг қилиб майдалаб шарбатини олиб тиндириб ичиб турилса киши куч-қувватга киради, қондаги гемоглобин кўпаяди. Муолажа 2-3 ой давом этса камқонлик орқага қайтиб, инсон нормал (ўз) ҳолига қайтади.

**Ёнгок мағзи (Зёрна греческого ореха).** 63-расм. Камқонликда одам силласи қуриб бедармон бўлса, унда 200 г ёнгок мағзи, яхши асал, қора майизни ҳовонччада янчиб, шу омухтадан овқатдан олдин 1-2 чой қошиқдан истеъмол қилиб турилса тез кунда дармонга кириб, киши шифо топади.

**Олма (Яблоко).** Таркибида салмоқли миқдорда темир моддаси бўлганлиги учун, у киши аъзоларида қон ҳосил бўлишига ёрдам беради, камқонлик касалидан кутилишда ҳам бекиёс фойдалидир.

**Одамгиёҳ (Жень-Шень).** 30-расм. Бу ўсимликнинг илдизи ишлатилади, ҳар хил аъзо ва тўқималар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У қувватни оширади, толиқиши ва хомушликни йўқотади, моддалар алмашинувини кучайтиради, қон босимини пасайтиради, юрак уришини, камқонликни яхшилайди ва шифо қиласи. Айни пайтда Жень-Шень илдизидан тайёрланган дорилар капсула ҳолида «Жень-Шень плюс», «30 плюс» номи билан чиқарилмокда ва дорихоналарда сотилмоқда.

Болгариялик башоратчи Ванаг камқонлик ёки оқ-қон касали билан оғриган bemorlariga *Гулхайри* (Алтей лекарственный) томирини ивитиб сиқиб, шарбатини ичишни маслаҳат беради. Ёш болаларга эса ана шундай касаллик билан оғриганда гулхайри мевасининг шарбатини ичишни тавсия қиласи. Яна оқ-қон камқонлик касали бор кишилар ўзларининг пешобини, катталарга 50-100 г дан, болаларга 30-50 г дан ҳар куни эргалаб ва кечкурун ичишни тавсия этган.

### Биласизми:

*Одамнинг ранг- рўйи мусаффо бўлар,  
Хурмо билан сигир сутини ичган кез.  
Ориқ бўлса агар, семиз бўлади,  
Аичик нарсалардан айласа пархез.*

*(Касалликлар давоси рисоласидан)*

## КАФТДА БИТИЛГАН ТАҚДИРЛАР

Инсонда сирли фанларга бўлган қизиқиш азалдан кучли бўлиб келган. Франциялик Теб хоним кафт ва қўлларга қараб тақдир айта олиши билан машхур бўлган. Унинг «Кўллар сехри» китобида айтилади: қўл — бу имо-ишора, имо-ишора эса сўзни кўз билан илғаш демакдир. Сўз кўнгил, кўнгил эса имкон. Демак, инсоннинг дили қўлларида акс этади. Кафтга қараб тақдирни ўқищдан аввал қўлнинг умумий хусусиятлари ҳам жуда кўп маъноларни ифода этишини айтиб ўтиш лозим. Ўртacha, яъни инсон гавдасига муносиб қўллар соҳибининг умумий мувозанатдалигидан гувоҳлик беради.

— Кичкина панжа — нодонлик кусурларини билдиради.

— Узун панжалар ҳам яхшилик белгиси эмас, унинг соҳиблари майдакаш.

— Панжалар узун ва кенг бўлса, соҳиби айёр, ёвуз бўлади.

— Қисқа ва думбоқ бармоқли панжалар ялқовлик, енгил табиатлик, эҳтиётсизлик белгисидир.

— Умуман жудаям узун бармоқлар лоқайдлик, тепса-тебранмаслик, совуқлонликни акс эттиради.

— Узун қўлли аёлларнинг тўлғоқ дардлари оғир кечади.

— Думбоқ ва чиройли қўллар яхшилик белгиси, узоқ умр кўриш белгисидир.

— Хунук ва озғин қўллар эса аксинча.

— Узун суякли ва йўғон қўллар ҳам яхшилик белгиси эмас, унинг соҳиби золимлик хусусиятларига эга, жанжалкаш ва одамга эликмайдиган, чиқишимайдиган бўладилар.

— Калта, озғин қўлларнинг эгалари сергап, зиқна бўладилар.

— Жуда узун қўллар, яъни ўрга бармоқ тиззагача етадиган қўллар соҳиби бағри кенг, мардонавор, ҳимматлидирлар, улар жиддий ҳаракат қилишса хокимиятга, салтанатга эришишлари мумкин.

— Қўлларга эътибор берилганда, бармоқларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

1-суратга эътибор берилса, бир-бирига жуда мос тушган, бўғимлари бир-бирига тент, нозик, текис жойлашган чиройли бу қўл эгалари — иродали, ўқимишли, эзгу ҳислатларга бой, салтанатга интилиш хусусиятлари бор, сураткашларда ҳам бўлади.

2-суратга эътибор берилса, кафтни, яъни бар бармоқлар узунилигига тент, бош бармоқ, бесунақай алоҳида жойлашган кафтда, кичкина ва нозик бармоқлар тўлақонли. Бу қўл ва бармоқлар соҳиби меҳнат билан шуғулланадиган, яхши гаплашишни билмайдиган кам фаҳм, меҳнатдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган одамлар.

3-суратга эътибор берилса, бармоқлари олдин ажралиб, охирида бирлашган. Бу кўл ва бармоқларнинг эгалари калта бўлади, енгил, тез ҳаракатчан (ихтирочиларда бўлади), сергап, сир сақлай олмайдиган бўлишиади.

4-суратга эътибор берилса, бу қўллар жуда қаттиқ, жисмоний мустаҳкам. Бармоқлари зич жойлашган. бунаقا қўлларнинг соҳиби эзгу ҳикматли, виждонли, оқибатли, ҳамма нарсани ўз вақтида бажарадиган, ақлли, фикрлайдиган, гоҳида эса тежамкор, ҳатто хасис бўлиб кетадиган инсонлардир. Булар кўпинча раҳбарлик лавозимларида ишлайдилар.

5-суратга эътибор берилса, бу қўлларнинг бармоқлари панҷа билан тугашган жойидан юқорисига учига қараб конус шаклига ўхшаб кетади. Бу қўлларнинг соҳиби дунё параст, яккахонликни яхши кўради, тарки дунё қилишни ёқтиради, табиатни яхши кўради, шулар билан бирга бўлсан дейди, ишчан бўлади.

6-суратга эътибор берилса, бу қўлнинг бармоқларидаги тутунчалар шуни кўрсатадики, кишининг мияси яхши ишлайдиган, тўғри йўл тутишни яхши кўради, тежамкор ва ихтирочи ҳам бўлиши мумкин, буларда бармоқлари орқага яхши қайриладиган бўлса, унда айёр ва уддабурон бўлишаркан.

Кишиларнинг имо-ишоралари ва ҳаракатлари орқали ҳам феъл-авторини билиш мумкин.

Бош бармоқни шаходат бармоқ билан босиб муштини тутса, иродасизлик, ожизлик аломати. Чақалоқлар учун бу одатий ҳол. Лекин катталарда бу одат ажал талвасаси ҳисобланади.

## КУЙИШ

Одам ўз ҳаётida ҳар хил хасталикларга учрагандай, фавқулотда ёнгиндан ёки иссиқликдан, қайноқ сувдан, электр токидан ёки кимёвий дорилардан бадани куйиб қолиши мумкин. Бу ҳолат айниқса болаларда кўп учрайди. Бу уларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқади. Инсон баданининг куйган жойида териси шикастланади. Куйган жойнинг ҳажмига қараб унинг оғир енгиллиги аниқланади.

Куйганда табиат незматларидан фойдаланиш усуслари.  
Оддий қарам (Капуста). Халқ табобатида инсон бадани куйганда, янги қарам баргларини майдалаб, тухум сарифи билан аралаштирилган холда кечиккан куйишга қўйилса уларнинг эт олиб тузалиши тезлашади ва оғриқ йўқолади.

**Чақамуқ (Подмареник цепкий).** Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўсади. Халқ табобатида одам танаси оловдан куйганда, чақамиқни гули ва баргларини аралаштириб куйган жойга малҳам сифатида кўйилади.

**Роз ёни (Гүчиний жир).** Халқ табобатида деярли фойдаланилмайди. Лекин тана куйганда роз ёғи суртилса зинҳор доғ қолмайди, тез битади.

Болгариялик башоратчи Ванга 6 дона тухум сариги ва 6 чой қошиқда доғланган ёғни олиб, иккиласини қўшиб аралаштирилади. Шу дорини докага шимдириб куйган жойга ётиш олдидан 3-4 марта кўйишни тавсия қиласди.

**Алоэ шираси (Эмульсия из алоэ).** 42-расм. 78 г Алоэ барги шираси, 10,1 г костор мойи, 0,2 г сорбин кислотаси, 1,5 г туз, 0,1 г эвкалипт мойи. 1-10.1 г эмульгатор олиб аралаштирилади ва кунига 2-3 марта юбқа килиб куйган жойга суртилади, яхши шифо беради.

**Курбақа (Лягушка).** Тана куйганда дарҳол курбақани қорнини ёриб кўйиш керак

**Себарга (Клевер луговой).** 9-расм. Ўсимлик гулидан тайёрланган қайнатма куйган терини даволашда ишлатилади. Қайнатма тайёрлаш учун идишга бир стакан сув куйиб, устига гулидан 20 г солиб бир оз қайнатилади ва бир соатгача кўйиб қўйилади. Докадан сузиб, латтатга шимдириб куйган жойга босилади.

**Биласизми:** Фарзандингизга илму адаб ўргатинг.

## КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Кўриш учун ташки мұхитдан келаётган ёруғлик тўлқинлари кўз орқали ўтиб марказий нерв системасига узатилиши лозим. Бинобарин кўриш туфайли молдий дунёдаги нарсалар, уларнинг шакллари, ранглари, ҳолатлари, ўзаро олган ўринлари, муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилинади, натижада организм мұхитта мослашади. Кўз касалликлари бошланишида кўзниң ёши кўпаяяди. Кўз ёши тиник, бир оз ишқорий реакцияга эга бўлиб 99% сув, тахминан 0,1% оқсил, 0,8% минерал тузлардан иборат бўлади, унинг таркибида лизоцим деб аталадиган модда бўлади, у микроблар, вируслар кучини қирқади. Кўз ёш фақат шўр бўлиб қолмай, балки аччиқ ҳам бўлади. Бу организмда модда алмашувига боғлиқ. Кўзда ҳар хил касалликлар бўлиши мумкин. Туғма филай, кесик, кўр, кўзниң ҳар томонга йўналиши, булар камдан-кам учрайдиган туғма ҳодисалар.

Бундай ҳолатларда ёшлик вақтида тиббиёт шифокорларига мурожаат этиш лозим. Бошқа хасталикларда күз хиралашганда, шабкүрликда, күзга оқ тушганда, күзда шиш бўлганда, күз безлари хасталиклирида (глаукома, катаракта) табиат шифобахш неъматларидан тўғри фойдаланилса ижобий натижа беради.

**Кўз касалликларида табиат неъматларидан фойдаланиши. Совунўт (Очный цвет пашенный).** 47-расм. Ўсимликнинг қуритилмаганини эзib шираси олинади. Бу ширани асал билан аралаштириб, кўзга суртилса гавҳарнинг хиралашшигига (катарактага) даво ва энг яхши шифо қиласи.

**Ровоч (Марена красильная).** 27-расм. Ровочни сиқиб, суви кўзга қуйилса, ўткир қиласи.

**Пиёз (Лук репчатый).** Абу Али ибн Сино шундай дейди: пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга оқ тушганда (катарактада) фойда беради. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруги асал билан кунига 2 мартадан қуйилса оқни даф қиласи.

**Кашнич (Колеандр посевной).** 40-расм. Абу Али ибн Сино: кашнични ҳўлидан сиқиб олинган сувини она сути билан кўшиб кўзга томизилса оғриқ тўхтайди, деган.

**Саримсоқ (Чеснок посевной).** Халқ табобатида саримсоқни кулини асал билан қўшиб кўз остидаги қонталашларга суртилса, тезда фойда қиласи.

**Шолғом (Репа обыкновенная).** Халқ табобатида шолғомни пишириб ёки хомлигича ейилса, кўз хасталиклирида шифо, ҳамда фойда қиласи.

**Итузум (Послён чёрный).** 39-расм. Абу Али ибн Сино итузумни эзib ширасини олиб, кўзга сурма қилиб суртиб, кўз кувватини оширган.

**Сачратқи (Цикорий обыкновенный).** 55-расм. Халқ табобатида ёввойи сачратқи сутини, кўзга тушган оқни кетказиш учун кунига 3 маҳал 1-2 томчиidan кўзга томизиши буюрилади. Ундан ташқари сачратқи ўсимлигига мижози иссиқ кўзга яхши фойда қиласи.

**Кўён қони (Кровь кролька).** Халқ табобатида кўздан ёш оқиши дардига йўлтиққан кишига кўзига қўён қони суркалса шифо топади. Кўён ёғи эса кўзнинг сурункали қичишида даводир.

Кўзингизнинг нури қочтан бўлса, унда таомларга асл зира кўшинг, тузи кўп бўлган таомларни истеъмол қилишга ҳаракат қилманг, сархил жигарни кўрада пишириб сели билан пиёз қўшиб истеъмол қилинг.

Агар муайян миқдор сирка билан қуритилган чигиртка талқонини омухта этиб қовоқقا суртилса, кўзга тушган оқ кетади.

Шабкүрлик азобини тортаётган киши кўзига кашнич (кореандр) билан мойчечак (ромашка) қайнатмасидан қўйса дардан халос бўлади.

Кимки аёл сутини шакарга аралаштириб, қовоғи остига суртса, кўз оғриқларидан халос бўлади.

Кўзига оқ тушганидан қийналган киши типратикон зардонини қуритиб, оловда қуритиб, кейин сурма кўйгандай кўзига суртсин.

Агар кўз шишиб оғриқ берса, қуритилган бинафшани майдалаб, унга сув кўшиб кўзига қўйса, шиш қайтади, кўз равшан бўлади.

Кўзга оқ тушса, лолақизғалдоқ (красный мак)ни асал сувига аралаштириб, кўзга малҳам сифатида суртилади.

Кимки таканинг қуритилган ўт пуфагидан сурма тайёрлаб, қовоқларига сурса, кўз касалликларидан фориг бўлади. Агар илон териси кўзга қўйилса унда кўз нигоҳи тиниклашади.

Табиатда кўзга ишлатиладиган жуда кўп шифобахш ўсимликлар ва ноз неъматлар бор. Юқорида ёзилгани атиги бир қисми холос, булар энг яхши таъсир қилувчи унсурлардир.

**Биласизми:** Бироннинг уйига кирганда кўз ва тилингизга эҳтиёт бўлинг.

## КЎКРАКДАГИ СУРУНКАЛИ ОҒРИҚ

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Абу Али ибн Сино «Турли заарларни юқтириш» ҳақидаги рисоласида соғлиқ мижознинг мўътадиллигига, ҳаво овқат таркибига боғлиқ дейди. Шу нарсалар бузилса киши танасида хасталиклар пайдо бўлади, шулар қаторида кўкрак оғриғи ҳам айрим касалликларнинг оқибатидир. Масалан: киши шамоллаганда, ўпка, юрак касалида, сил касали ҳамда ҳар хил яраларда гоҳо ичда ёки терида бўлсин барчаси кўкрак оғригини келтириб чиқаради. Бу хасталикни даволаш учун аввало касалликни аниқлаш ва сабабини тезда йўқотиб даволашга ўтиш лозим.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш усуллари.** Болгариялик башоратчи Ванга ўн йилдан ортиқ кўкраги оғриб келган хотинга, ўпка қобиги яллиғланганини айтгач, унга қарши хонаки квасга қорилган хамирга 100 г сирка, 100 г кунга боқар мойи, 100 грамм узум мусалласи(вино)ни аралаштириб уни оғриган жойга ёпиштириш билан малҳам (компресс) қилишни тавсия этган.

*Лимонли ва асалли чой (Лимонный чай с мёдом).* Халқ табобатида лимонни паррак қилиб кесиб, уруғи олиб ташланади, пўсти билан бирга қўймалагичдан ўтказилади. 0,5 кг лимонга 0,25кг асал қоришириб, ҳар пиёла қора чойга бир чой қошиғида лимон асал қоришмасидан солиб ичилади, оғриқ тез йўқолади.

*Саримсоқ (Чеснок).* Абу Али ибн Сино саримсоқни пишириб кўкрак оғриганда истеъмол қилдирган ва сутни ҳам иссиқ ҳолича кунига 3-4 маҳал ичирган.

*Ялпиз (Мята азиатская).* 11-расм. Халқ табобатида тог ялпизини 10-15 г ни 200 г сув билан 15 дақиқа қайнатилади, сўнгра докадан сузиб, шарбатидан кунига 2 маҳал овқатдан 2 соат олдин ичилади, у кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ ҳилтларни чиқаради, қовурғалардаги оғриқларни кетказади ва яхши шифо қиласди.

*Арпабодиён (Анис обыкновенный).* 54-расм. Кўкрак шамоллаб оғриганда арпабодиённи майдаланганидан кичкина чой қошиғида олиб чойнакка солинади, устига қайноқ сувдан 2 стакан солиб, қайтакайта чиқиши учун чойнак 10-12 дақиқага чўққа кўйилади, сўнг асал билан чойга ўхшатиб ичилади. Ибн Сино «Тиб қонунлари» 54 бет.

Болаларда кўкраги оғриса, бронхити бўлса 2 та товуқ тухумини олиб чўчқа ёғида қовуриб туз сепиб, совугач бола кўкрагига кўйилади (ётиш олдидан токи эталабгача) 3-4 кунда бола ўзини яхши ҳис қиласидиган бўлиб колади.

Ибн Сино сабоқларида шундай дейилади: кўкраги оғрийдиган беморларга қовоқни пишириб, иссиқ-иссиқ қилиб истеъмол қилиб турсалар жуда яхши фойда қиласди.

#### Биласизми:

Овқат жуда иссиқ бўлса, шошилиб еманг, зиён етади.

## КЎНГИЛ АЙНИШИ

*Касалшкнинг келиб чиқиши сабаблари.* Кўпинча бирор-бир ташқи таъсир туфайли инсон организмидаги рўй берадиган салбий ўзгаришлар туфайли кўнгил айниши ва бехузур бўлиш кузатилади. Бундай ҳолда кўпинча табиий равишда даволаш усули ўзининг афзаллиги билан ажралиб туради. Халқ табобатида табиатнинг шифобахш неъматларидан кўнгил айнаганда кенг фойдаланилган ва ижобий натижалар олинган.

*Табиат неъматларидан фойдаланиши усуллари.* Лимон чой (Чай с лимоном). Таркиби фойдали моддаларга бойлиги туфайли лимонли чой халқ табобатида юрак тез урганда, кўнгил айнаганда тавсия этилади. (Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» II жилд 1986 й. 92-93 бетлар).

*Шафтоли меваси (Плоды персика).* Таомни ҳазм қилдирувчи, қайт қилишни тұхтатувчи восита сифатида тавсия этилади. Шафтоли баргининг шарбати ёки қайнатмасидан ошқозон-ичак касалпикларини даволашда фойдаланилади. Унинг учун бир сиким баргдан дамлама тайёрлаб бир пиёлада ичилса күнгил айнамайди.

*Бұтакұз (Василек синий).* 18-расм. Гулидан дамлама тайёрлаб күнгил айнаганда ярим пиёла дамламага қизил дўлана кўшиб ичилса, тез шифо қиласи.

*Олхұри (Слива).* 57-расм. Фоятда фойдалы неъматдир. Күнгил айнаганда, иштаха очища олхұрига тенг келадиган неъмат йўқ. Овқатни яхши ҳазм қилдиради, ичакнинг қисқариш ва чўзилиш мувозанатини маромлаштиради, фойдаси катта.

*B<sub>1</sub>, дармондори (Витамин B<sub>1</sub>).* Агар киши танасида B<sub>1</sub> дармондориси камайиб кетса күнгил айнаб, иштаха бўлмайди. Бу ҳолда тезда шу дармондорига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш зарур. Улар кўй гўштида, сугда, пишлокда, тухумда кўпроқ бўлади. Шулардан күнгил хоҳлаганича олиб истеъмол қилиш буюрилади.

Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга нон тўғраб ивитиб, сўнг докада сузиб ичилса, кўнгил айнаши ёзилиб кетади.

Агар киши кўнгил айнашидан қийналса, аввалдан шакар солиб қўйилган ялпиз баргини есин, ялпиз истеъмол этиш танани балғамдан фориқ қиласи.

Одам доимо ташна бўлса, кўнгли айнаса, қизил ғиштни олиб гулханда тоблаб, кейин уни сувли идишга солиб, сувни тиндириб қўйиб ичилса шифо қиласи.

## ЛАТ ЕЙИШИ

Инсон ҳәётида ҳар хил тасодифлар рўй беради. Турли сабабларга кўра кишининг оёғи ёки кўли, ёхуд бошқа бирор аъзоси лат ейиши, эти узилиши мумкин. Баъзан суяклар синиши мумкин. Бундай ҳолат юз берганда тезда дастлабки ёрдамни кўрсатиш лозим бўлади. Лат ейиш натижаси аниқланганидан сўнгтина уни тўлиқ даволашга ўтмоқ лозим. Абу Али ибн Сино ҳам лат еган, аъзолари синган ёки чиқсан беморларни шифобахш ўсимликлар воситасида даволашга катта ўрин берган.

*Касалликни даволашда табнат неъматларидан фойдаланиш.*  
*Бўйимодарон (Тысячелистник обыкновенный).* 14-расм. Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг ер устки қисмидан, айниқса гулидан тайёрланган қайнатмани қийин бўлган щипшларга, эт узилганга, яра-чақага, лат

еган жойларға малҳам сифатида қўллаган. Унинг устки қисмими қайноқ сувда ивтиб олиб лат еган жойга 2-3 соат мобайнида боғлаб қўйилади. Бу усул бир неча марта тақрорланиши керак.

*Анор (Гранат).* Қадим замонлардан бери халқ табобатида анор пўстлоги ва гулини қайнатиб, аччиқ қилиб матога шимдириб лат еган жойга, шишлирга, эт узилганга малҳам сифатида ишлатилиб келинган ва яхши шифо топишган.

Болгариялик башоратчи Ванга лат еган жойга картошкани паррак қилиб кесиб қўйишни буюрган. Яна қўённи сўйиб терисини шилиб, дарҳол лат еган жойга терисини қўйишни буюрган. Яна бошқа усул, 0,5 кг оқ эски ловияни сувда пишириб, ловия бўргиб кетгач эзиб лат еган жойга қўйиб устидан юмшоқ пахта мато билан боғлаб эрталабгача туришини буюрган.

*Алоэ (Алоэ).* 42-расм. Қадим замонлардан бери алоэни баргини сиқиб ширасини асал билан аралаштириб, лат еган жойларга суртилади, яхши шифо қиласди.

*Мўмиё (Мумия).* Инсон танаси шикастланганда қаттиқ лат еганда, мўмиёни мошдек-мошдек қилиб кунига З маҳал овқатдан оддин ичиб туриш лозим.

*Петрушка (Петрушка).* Халқ табобатида петрушканинг янги шарбати эт узилишида, лат еганда, жароҳатларни даволашда, ўша жойга суртилади.

**Биласизми:** Пиёз, саримсоқ ва бошқа нохуш ҳидли нарса еб кўпчилик орасига борманг, чунки одамларга озор етади.

## ЛИТАРГУС (Совуқ сарсом)

Одам ухлаб қолгандек бўлиб, ўзини билмай ётаверади. Бу касаллик ўз белгисининг исми билан аталган чунки, литаргус сўзининг таржимаси «унутиш» бўлиб, бу касалликда доим унутиш юз беради.

**Касалликни даволашда табиат неъматларидан фойдаланиши.** Агар бирор монелик бўлмаса, оддин қон олдириш зарур, кейин ҳуқна (клизма), ўткир дорилар ишлатилади. Шифокор билан маслаҳатлашиб, ҳардол (горчица) ва асалга булғалган патни касалнинг томогига текказиб қустириш керак. Касални ёруғ уйга ётқизиб, қаттиқ ухлашга қўймасдан доимо уйғотиб туриш лозим. Бундан ташқари ҳидланадиган ва аксирирадиган дорилар ичига тоғ жамбил, ялпиз, каклик ўти ишлатилади. Агар касаллик бошланишида дengiz пиёзини, айниқса уни ҳўлини ишлатилса, ҳидлаш учун жуда фойда қиласди.

**Пиёз (Лук репчатый).** Халқ табобатида литаргус касалида думалоқ оқ пиёзни ёки күкимтииррорини танлаб олиб, бир идишга майда-майда қилиб кесиб ёки қирғичдан ўтказиб, шу идиш атрофига сочиқ ёки рўмол ўраб 2-3 дақиқа бемор бошини идишга тўғрилаб ҳиддатиш лозим, кунига 2 марта, эрталаб наҳорда ва кечқурун ухлашдан олдин, бу муолажа ижобий фойда беради.

**Мўмиё (Мўмил).** Халқ табобатида мўмиёни буюк аллома Абу Али ибн Синодан бошлаб ҳамма табиблар турли касалликларда бериладиган ҳар хил дориларга қўшиб ишлатишган. Агар бемор ўзини сезмайдиган ҳолатда бўлса, 0,15 г мўмиёни кора-андиз (девясил высокий) қайнатмасига қўшиб ичирилади. Қайнатма тайёрлаш учун бир чой қошиқ кора-андизни бир стакан сувда 5 дақиқа қайнатиб тиндирилади, шундан бир ош қошиқда олиб, 0,15 г. мўмиё билан аралаштириб ичилади. Бир нарсага аҳамият берип зарурки, ҳозирги кунда сифатли шифобахш мўмиёни топиш анча мушкул. Тибет табобатида тоза мўмиёни овқатга қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим.

Нордон мевалар иссиқлик нарсалардан ичириб, енгил сурги бўладиган ўрик туршагини қайнатиб, сувларини ичириш ҳам яхши натижада беради.

## МАДОРСИЗЛИК (Камчувватлик)

**Касалликнинг келиб чикиш сабаблари.** Табобат тарихидан маълумки, юонон, араб, ҳинд, форс тиббиёти ўзаро бир-бирини бойитиб, тўлдириб ривожланган. Уларда тиббиётнинг алифбоси бўлмиш, ҳаво, сув, олов ва ерга эътибор берилган бўлиб, булар инсон танасидаги бирор ҳолат, аъзо тўқимага таққосланган. Агар бу унсурларнинг мувозанати бузилса, хасталик рўй беради. Йилнинг тўрт фаслида инсон баданида турли ўзгаришлар рўй беради. Булардан бири мадорсизлик (куват йўқлиги, кучсизлик) ҳолатидир, айниқса кўклам фаслида одам қаттиқ чарчаганда, кишининг бирор бир аъзоси оғриганда унда кучли мадорсизлик сезилиши мумкин. Бундай ҳолатда тиббий унсурлар воситасида даволашнинг аҳамияти каттадир.

**Мадорсизликда табиат неъматларидан фойдаланиш.** Кучсиз, мадори қуриган кишилар чўрганг балиқдан қилинган шўрвани танаввул қилишлари лозим. Балиқ таркибида натрий ва фосфор кўп бўлади. Бу унсурлар инсон организмига куч-куват баҳш этади.

Анор, бехи, олма, лимон шунингдек ошқовоқ, нилуфар, кашинич ва откулоқ каби шифобаҳаш ўсимликлардан тенг микдорда олиб, қайнатилиб ва ҳосил бўлган қуюқ шарбатни ҳар куни бир ош қошиқдан оч қоринга истеъмол қилиш киши ўзини бардам сезади, мадорсизлик ҳолати йўқолади.

Агар одам организмида В<sub>2</sub> дармондори камайиб кетса, унинг тинкаси қурий бошлайди. Бунда В<sub>2</sub> дармондорига бой неъматларни кўпроқ истеъмол қилиш керак бўлади, бу дармондори хамиртурушда, кўй гўштида, тухумда кўп бўлади.

Мадорсизликда ёнгоқ магзидан 400 г ўрик баргаги 400 г майиз данаги бўлмасин 400 г олинади, уларни аралаштириб гўшт майдалагичдан ўтказиб бир идишга солинади, устига 200 г асал солиб уни ҳам яхшилаб аралаштириб салқинроқ жойга кўйиб кўйилади. Шу аралашмадан овқат олдидан бир ош қошиқдан еб турилса мадорсизлик йўқолади, куч-кувват ошади.

Агар кишининг аъзои бадани қақшаса, Куръони Каримдан «Муаввазатони» сурасини ўқисин, яхши бўлади.

**Биласизми:** Сабр ўзи нима? Борига шукур қилиб, йўғини яратишадир.

## МАНҚА КАСАЛЛИГИ

**Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.** Одам ўз хаётида ҳар хил ташқи муҳитдаги таъсирчан моддалар туфайли бошқа касалликлар каби, томоқдаги бодомчани, ҳамда буруннинг пардалари яллиғланганда манқа бўлиб қолиши мумкин ёки киши гапирганида бурун билан гапиргандек бўлиб, товуши ҳудди бурнидаги шиллиқ пардалари ҳаво йўлларини беркитиб кўйгандек бўлиб қолади. Манқа касали туфма бўлиши ҳам мумкин. Бу касаллик томоққа кўшилаётган буруннинг ҳаво йуллари яллиғлангандан ташқари жароҳатланиши ҳам мумкин, ёки кимёвий дорилар таъсирида бўлиши ҳам мумкин.

**Касалликни даволаш усуллари.** Пиёз (Лук репчатый). Қизил пиёз оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Ҳалқ табобатида манқа касалига чалинган беморга камида 1,5 ойдан 2 ойгача ҳар куни ётишдан олдин ёки овқат егандан 2 соат кейин тўғралади ёки қирғичдан ўтказилади ва суви сиқилиб идишга солинади. Сўнг бошни сочиқ ёки рўмол билан ўраб, 5 дақиқа давомида уни ҳидлаш лозим. Муолажа вақтида атчиқ нарсалар, шўр, ўткир, совуқ нарсалар ҳамда спиртли ичимликлар ейиш ва ичиш ман қилинади. 1-2 ҳафта ўтгандан кейин муолажа ўз натижасини кўрсата бошлайди, ва беморни аҳволи бирмунча яхшиланади, даволаш 1,5-2 ой давом этади.

## МИЛК КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касаллукнинг келиб чиқиши сабаблари.** Тиббиётнинг отаси Гиппократ «Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дардингиз таомдан иборат бўлсин» деган эди. Инсон танаси аъзоларига, таъсир этувчи минглаб омиллар ичидаги овқатланиш, уни иссиқ, совуқлиги, шур, аччиқлиги, заҳарлилиги аввало оғиз бўшлиғида билинади.

Милк касалликлари — бу касаллик стоматит деб ҳам аталади, оғиз бўшлиғидаги, тишлар оралиғидаги шиллик пардаларни яллигланишидир. Шамоллаганда, урилганда, куйганда, кимёвий дорилар таъсирида милкларда хасталиклар пайдо бўлади. Милкни ранги қизариб шишади, тил сарғиши юпқа парда билан қопланади, кўп сұлак оқади. Милкларда яра пайдо бўлиши ҳам мумкин ва оғиздан ёқимсиз ҳид кела бошлайди, тишлар бўшашиб қолади, овқат ва ичимликлар истеъмол қилиш қийинлашади. Бемор чорасини тезда кўрмаса, касаллик оғирлашиб, тана ҳарорати кўтарилиб, овқат ва ичимликлар едирмай, ичирмай кўяди, қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Даволаш услубига ўтишдан олдин хасталикни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш лозим. Аниқланган сабабни йўқотиш билан бирга қўйидаги шифобахш неъматлардан кенг фойдаланиб хасталикни даволаш даркор.

**Касаллукни даволашда табиат неъматларидан фойдаланиши.** ЭМАН (Дуб обыкновенный). 65-расм. Манзарали дараҳт. Эман пўстлоғи ва гулларидан тайёрланган дамлама билан милк қонаганда оғиз чайилса яхши фойда қилиди. Иккиси пўстлоққа бир хисса гул қўшиб, бир қошиқ бол аралаштириб, чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

**С дармондориси (Витамин С).** Агар организмда дармондори С этишмаса милклар хасталанади. Буни олдини олиш учун С дармондорисига бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Картошка, карам, булғор қалампири, ош кўклар қулупнай, лимон, апельсинда С дармондориси кўп бўлали.

Агар милклар оғриб бўшашиб қолган бўлса, халқ табобатида ачиган карамни чайнаш тавсия этилади, анор гули ва анор уругини аралаштириб сиқиб шарбатини оғизда бир паст ушлаб турилса, қонашини таққа тўхтатади.

Шунингдек милк оғриганда милкка ҳом саримсоқ палласини босилса, оғриқ қолади.

**Маймунжон (Ежевика).** 44-расм. Маймунжонни 50 г баргини олиб устига 1 литр қайнаб турган сув куйилади, кейин 15-20 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузилади. Милклар ялиғланганда бу дамлама билан оғиз чайилса яхши фойда беради.

**Тут (Тутовые лгоды).** Қадим-қадимдан шарқ ҳалқлари табобатида тут шифобахш неъмат сифатида қадрланиб келинган. Абу Али ибн Сино тут меваси ва унинг шираси билан оғиз ялиғланниши, оғиз бўшлиғи тошмаларни даволаганлиги маълум. Айтишларича: бир кафт тут, битта уколни ўрнини босар экан. Бу ҳалқ иборасида жон бор албатта. Тут ўта хосиятли неъмат.

**Чеснок (Чеснок).** Ҳалқ табобатида чеснок жуда ҳам кўп касалликларни даволашда буюрилган. Турли заҳарланишда ҳам ишлатилади. Бир қисм чеснокни шарбати, 4 қисм сув билан аралаштирилиб оғиз чайилса, милкдаги ҳар-хил йирингли яралар йўқолади, микробларни ҳам яхши йўқотади.

Милклар қочиб бўшашибганда қаттиқ нонни чайнаш керак.

**Туз (Соль).** Тузлар уваланадиган, қазиб олинадиган, ва оқ тош тузлар бўлади. Яна қора нефти туз ҳам бўлади. Туз сасишни олдини олади. Уваланадиган туз тозаловчиидир. Оқ туз эса ел ҳайдайди. Тузнинг ҳамма тури ҳам қотган ҳилтларни эритади. Оқ туз зеҳинни ўткирлаб, бўшашибган тищ милкларини мустаҳкамлайди. Ҳалқ табобатида тищ, милклар шамоллаб оғриганда, оғиз тузли қайнатма билан чайилади ва оғриқ таққа тўхтайди. Бундай қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ оқ туз, 1 чой қошиқ қора чой ярим литр сув билан обдон қайнатилади, шу қайнатмадан оғизга олиб бир оз турилади, уни ташлаб яна хўплаб олинади, токи милклар лўқилламагунча буни такрорлаш керак. Лўқиллаш милклардаги майда (капилляр) қон томирларнинг кенгайганини билдиради, қон юришиб кетгандан кейин шамоллаш барҳам топади.

**Ялпиз (Мята азиатская).** 11-расм. Ҳалқ табобатида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси оғиз оғриши, милк ялиғланнишини даволашда тавсия этилади. Ялпизли қайнатма тайёрлаш учун 5-20 грамм куритилиб майдаланган ялпизни 200 грамм сувда 15 дақиқа қайнатилади, докадан сузуб оғиз чайилади.

**Далаҷой (Зверобой обыкновенный).** 22-расм. Ҳалқ табобатида далачойнинг спиртли тиндирмаси (настойкаси) милкларни мустаҳкамлашда ва оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидларни йўқотишида тавсия қиласи. Бунинг учун далачой тиндирмасини (настойкасини) тайёрлаш учун 15 грамм далачойга бир стакан ароқ қўйиб, 10 кун тургач у билан оғиз чайилади.

Ибн Сино: Алээ эзид шилтигини яраланаётган милкка күйишни тавсия этган, муолажа эргалаб ва кечқурун ётиш олдидан қилинса тез кунда шифо топиб, яралар битиб кетади.

## МИЖОЗ ҲАҚИДА

Қадимда ҳакимлар «одам мижозини — соғлиқнинг кўзгуси» деб ҳисоблашган. Абу Али ибн Синонинг ёзишича: «Унсурларнинг ниҳоятда майда бўлаклардан, қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига таъсиридан пайдо бўладиган кайфиятларга мижоз дейилади». Унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирига таъсир қилишлари натижасида бир кайфият вужудга келади ва ана шу кайфият мижоздир. Шарқ табиблари айтишларига қараганда (мижоз асли арабча сўз) кишининг сиҳат-саломатлигини, овқатланиши ва бетоб бўлганида қайси дори дармонлардан фойдаланиши лозимлигини билдиради.

Табобатда асосан тўрт хил: иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ мижоз бор. Яна оралиқ мижозлар ҳам бўлиб, улар ҳўл иссиқ, ҳўл совуқ, қуруқ иссиқ, қуруқ совуқ деб аталади. Дори дармонларга келсак, улар ҳам ҳудди шундай мижозларга эга бўлиб, бу дориларни табиати дейилади. Қадимий табобатда даволаш асосан мижозга асосланиб белгиланган. Бунда ҳар бир кишининг мижози томир, тил, кўз, бадан ва аҳлат рангидан аниқлаб олинган ва шунга мос мижозли дори-дармонлар буюрилган.

Лўқмони ҳаким фикрича, одам организмида хиллар, яъни қон, балғам, сафро мужассам ва улар бир-бирига тенг, ўзаро мутаносиб бўлса, одам соғлиғи ҳам яхши бўлади. Агар бу унсурларнинг мувозанати бузилса хасталик рўй беради. Ҳакимлар, табиблар, унинг «иссиқлиги», ёки «совуқлиги» ошиб кетибди, деб шунга қараб даво тайинлаганилар. Агар одамнинг тили караш қоплаб, лаблари қовжираф, боши оғриб, бетига қон телиб турган бўлса, «иссиқлиги» ошиб кетган, ёки ранги учеб, томири суст уриб, кўнгли айнаб қусишига мойил кишининг «совуқлиги» ошиб кетган дейишиади. Шунингдек бадан қуруқ ёки ҳўл бўлади. Совуқ ва қуруқ организмга шафтоли ейиш тавсия этилади. Иссиқ ва ҳўл баданга кашнич ва ялпиз тавсия этилади. Иссиқлиги ошган баданга лимон, апельсин, олча истеъмол қилиб туриш лозим. Совуқлиги ошган организмга майиз, асал, бодом, ёнғоқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Демак, табиб нафақат одам мижозини, балки турли ўсимлик, маъдан ва ҳайвондан олинадиган дори-дармонлар табиати ва мижозини ҳам пухта билиши зарур бўлган. Масалан киши оғзи таъми

аччиқ ва шүр бўлса, бу сафродандир. Сафро эса куруқ иссиқ мижоздан далолат беради. Сафрони даф қилиш учун эса аччиқ ва чучук анорни гулоб билан омухта қилиб, эрталаб нонуштага ичиш тавсия қилинади.

Кишининг оғиздан сув келиб, соч соқол бевақт оқарса, қорни куруқ оғриса, табиб бу иллатлар сабабчиси балғам эканлигини тақидлайдилар. Балғамнинг мижози совуқдир. Совуқ мижозли bemorларга иссиқ табиатли озиқ-овқат, яъни майиз, ёнғоқ ва бошқаларни истеъмол қилиш маслаҳат берилади.

Абу Али ибн Сино инсон организми тўқималари ва аъзоларини иссиқ ва совуққа бўлган, масалан юрак, қон, жигар, ўпка, талок, буйрак, шоҳ томир, терини ва кафтни иссиқ аъзолар деб атайди. Оёқ совуқ, бош эса иссиқ ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бошимдан совуқ ўтмасин десанг, оёқни иссиқ сақла деган гапда жон бор. Яна чинорнинг ёниши ўзидан деб айтилганидек, одам ўзига ўзи қиласди. Одамга ема десанг, бекитиб ейди, ичма десанг ўғирлаб ичади. Бепархез касал ҳамиша ўсал. Киши ўз мижозини ўзи билиши, шунга яраша овқатланиши керак. Нафсини тийиш-касалликка чек кўйишидир. Мижоз кишининг ёшига, руҳиятига, еб ичишига ва ҳатто фаслларга қараб ўзгариб туради. Ёшларда 30 ёшгача ва балоғатга етганда 40 ёшгача иссиқ ва совуқ мижоз устун туради. Кексаларда 60 ёшдан ошгандан сўнг аксинча куруқлиги ва совуқлиги ошган бўлади. Бинобарин унинг мижозига суюқ, иссиқ овқат тўғри келади, сутли таомларни талаб қиласди, ундан ташқари фасл ўзгариши, яшаш учун иқлими бошқа ерларга бориш, иш шароити ҳам мижозга таъсир қилиб уни ўзгартириши мумкин.

Шунга кўра ҳар ким ўзи тайёрлаб ичиши ва ейиши мумкин бўладиган дори-дармонларни мана шу китобга ўхшаган, ёки бошқа мижоз ҳақида рисолаларга қараб истеъмол қилишлари керак бўлади. Ота боболаримиз улардан кундалик ҳаётларида фойдаланганлар ва ўз саломатликтарини сақлаганлар.

Мижозни яхши билган табибгина bemorни муваффақиятли лаволай олади. Аммо мижозни пухта билиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун жуда кўп тажрибалар ўтказиш, уни аниқлаш устоз ҳузурида узоқ бўлиб мукаммал ўрганиш, тўғрироғи зийрак ақл ва туғма қобилият талаб этилади.

#### Саъдий Шерозий мижоз ҳақида шундай дейди:

Ичинг бўлса ейиш ичишига қобил,  
Ранг тоза бадан соз, соғлом бўлар дил.  
Ҳароб бўлар бадан уйи батамом,  
Қачонким жос келмас мижозу таом.

## МИЯ ОФРИГИ

Бош мия бир қанча бўлимлардан ташкил топган — кейинги мия, узунчоқ мия, мияча, ўрта мия ва катта ярим қоринчалар шулар жумласидандир. Буларни фаолияти бўлмиш ақл, зеҳн, фаросат, хотира. Масалан: кейинги мия ёки (узинчоқ мия) нафасни, юрак фаолиятини томирларни, ютиш ва кусишни, ҳаётда организм ҳолатини белгилайдиган вазифани ўйнайди. Агар шу юқорида айтиб ўтилган аъзоларни фаолияти бузилса, ёки қаттиқ шамоллаб қолса бош мияга таъсир кўрсатиб у лорсиллаб оғрийди, ундан ташқари бош мияни ўзи шикастланса ёки шамолласа ҳам мия оғрийди. Мия касалликларининг ҳаммаси деярли, ё мия жисмида, ё унинг томирларида, ёки пардаларида бўлади. Мия йўллари ва томирлари тиқилмалар билан тўсилади, тиқилмалар эса ё олдинги қоринчада ё орқа қоринчада, ёки иккаласида бўлади.

Мия моддасининг ўзида, ё унинг юпқа пардасида, ё қалин пардасида, ёки сиртқи пардада шишлар пайдо бўлади. Агар олди олинмаса, унда оғир касалликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан: Шақиқа (Мигренъ), Литаргус-совуқ сарсон. Ақл кетиши, эслаш қобилияти бузилиши, кўп оҳ-ух тортиши, тутқаноқ бўлиши, Сакта билан оғриш-хириллаш нафасга зарар етказиш, фалаж ва юз фалажи. Даволашга ўтишдан олдин оғриқни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб уни йўқотиш керак.

*Мия оғриганда табиат неъматлари билан даволаш усуслари.* Мия хасталиги бошқа касалликлар билан бир қаторда туради. Уни оғригини кетказиш учун, аввало фойдали тадбирларни қилиш лозим. Оз ейиш, оз ичиш, айниқса шаробни оз ичиш, жинсий алоқани қўлмаслик ва кўп ухлашдан иборат.

*Арлабодиён (Апис обыкновенный).* 54-расм. Мия шамоллаганда киши ғам-ғуссали ҳолатга тушганда, ёмон туш кўрганда, ўсимликдан чой қошиқда дамлаб ичилади.

*Жўқа (Липа серцевидная).* 38-расм. Манзарали дарахт. Мия оғриганда Жўқа гулидан тайёрланган дамлама терлатувчи восита сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга бир қошиқ жўқа гули солинади ва 0,5 стакан ичилади.

*Карам (Капуста).* Халқ табобатида карам ширасини олиб, мия қаттиқ оғриганда 3-4 томчидан бурунга томизилса мияни тозалайди, оғриқ қолади.

*Пешоб(моча).* Мия лорсиллаб оғриганда, одам ўз пешобини кунига 2-3 маҳал, катталарга 50-100 г дан, болаларга 30-50 г ичиши тавсия этилади

аччиқ ва шўр бўлса, бу сафродандир. Сафро эса куруқ иссиқ мижоздан далолат беради. Сафрони даф қилиш учун эса аччиқ ва чучук анорни гулоб билан омухта қилиб, эргалаб нонуштага ичиш тавсия қилинади.

Кишининг оғзидан сув келиб, соч соқол бевакт оқарса, қорни куруқ оғриса, табиб бу иллатлар сабабчиси балғам эканлигини такидлайдилар. Балғамнинг мижози совуқдир. Совуқ мижозли беморларга иссиқ табиатли озиқ-овқат, яъни майиз, ёнғоқ ва бошқаларни истеъмол қилиш маслаҳат берилади.

Абу Али ибн Сино инсон организми тўқималари ва аъзоларини иссиқ ва совуққа бўлган, масалан юрак, қон, жигар, ўпка, талоқ, буйрак, шоҳ томир, терини ва кафтни иссиқ аъзолар деб атайди. Оёқ совуқ, бош эса иссиқ ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бошнимдан совуқ ўтмасин десант, оёқни иссиқ сақла деган гапда жон бор. Яна чинорнинг ёниши ўзидан деб айтилганидек, одам ўзига ўзи қиласди. Одамга ема десант, бекитиб ейди, ичма десант ўғирлаб ичади. Бепархез касал ҳамиша ўсал. Киши ўз мижозини ўзи билиши, шунга яраша овқатланиши керак. Нафсини тийиш-касалликка чек кўйишидир. Мижоз кишининг ёшига, руҳиятига, еб ичишига ва ҳатто фаслларга қараб ўзгариб туради. Ёшларда 30 ёшгача ва балогатга етганда 40 ёшгача иссиқ ва совуқ мижоз устун туради. Кексаларда 60 ёшдан ошгандан сўнг аксинча куруқлиги ва совуқлиги ошган бўлади. Бинобарин унинг мижозига суюқ, иссиқ овқат тўғри келади, сутли таомларни талаб қиласди, ундан ташқари фасл ўзгариши, яшаш учун иқлими бошқа ерларга бориш, иш шароити ҳам мижозга таъсир қилиб уни ўзгартириши мумкин.

Шунга кўра ҳар ким ўзи тайёрлаб ичиши ва ейиши мумкин бўладиган дори-дармонларни мана шу китобга ўхшаган, ёки бошқа мижоз ҳақида рисолаларга қараб истеъмол қилишлари керак бўлади. Ота боболаримиз улардан кундалик ҳаётларида фойдаланганлар ва ўз саломатликтарини сақлаганлар.

Мижозни яхши билган табибгина беморни муваффакиятли даволай олади. Аммо мижозни пухта билиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун жуда кўп тажрибалар ўтказиш, уни аниқлаш устоз ҳузурида узоқ бўлиб мукаммал ўрганиш, тўғрироғи зийрак ақл ва түгма қобилият талаб этилади.

### Саъдий Шерозий мижоз хакида шундай дейди:

Ичинг бўлса ейши ичишига қобил,

Ранг тоза бадан соз, соғлом бўлар дил.

Ҳароб бўлар бадан уйи батамом,

Қачонким мос келмас мижозу таом.

## МИЯ ОГРИФИ

Бош мия бир қанча бўлимлардан ташкил топган — кейинги мия, узунчоқ мия, мияча, ўрта мия ва катта ярим қоринчалар шулар жумласидандир. Буларни фаолияти бўлмиш ақл, зеҳн, филосат, хотира. Масалан: кейинги мия ёки (узинчоқ мия) нафасни, юрак фаолиятини томирларни, ютиши ва кусишни, ҳаётда организм ҳолатини белгилайдиган вазифани ўйнайди. Агар шу юқорида айтиб ўтилган аъзоларни фаолияти бузилса, ёки қаттиқ шамоллаб қолса бош мияга таъсир кўрсатиб у лорсиллаб оғрийди, ундан ташқари бош мияни ўзи шикастланса ёки шамолласа ҳам мия оғрийди. Мия касалликларининг ҳаммаси деярли, ё мия жисмида, ё унинг ғомирларида, ёки пардаларида бўлади. Мия йўллари ва томирлари тиқилмалар билан тўсилади, тиқилмалар эса ё олдинги қоринчала ё орқа қоринчада, ёки иккаласида бўлади.

Мия моддасининг ўзида, ё унинг юпқа пардасида, ё қалин пардасида, ёки сиртқи пардада шишлилар пайдо бўлади. Агар олди олинмаса, унда оғир касалликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан: Шақиқа (Мигрень), Литаргус-совуқ сарсом. Ақл кетиши, эслаш қобилияти бузилиши, кўп оҳ-үҳ тортиши, тутқаноқ бўлиши, Сакта билан оғриш-хириллаш нафастга зарар етказиш, фалаж ва юз фалажи. Даволашга ўтишдан олдин оғриқни келтириб чиқарган сабабларни аниклаб уни йўқотиш керак.

### Мия оғриганда табиат неъматлари билан даволаш усуллари.

Мия хасталиги бошқа касалликлар билан бир қаторда туради. Уни оғригини кетказиш учун аввало фойдали тадбирларни қилиш лозим. Оз ейиш, оз ичиш, айниқса шаробни оз ичиш, жинсий алоқани қилмаслик ва кўп ухлашдан иборат.

*Арлабодиён (Анис обыкновенный).* 54-расм. Мия шамоллаганда киши ғам-фуссали ҳолатга тушганда, ёмон туш кўрганда, ўсимликдан чой қошиқда дамлаб ичилади.

*Жўқа (Липа серцевидная).* 38-расм. Манзарали дарахт. Мия оғриганда Жўқа гулидан тайёрланган дамлама терлатувчи восита сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга бир қошиқ жўқа гули солинади ва 0,5 стакан ичилади.

*Карам (Капуста).* Халқ табобатида карам ширасини олиб, мия қаттиқ оғриганда 3-4 томчидан бурунга томизилса мияни тозалайди, оғриқ қолади.

*Пешоб(моча).* Мия лорсиллаб оғриганда, одам ўз пешобини кунига 2-3 маҳал, катталарга 50-100 г дан, бодаларга 30-50 г ичиши тавсия этилади.

аччиқ ва шүр бўлса, бу сафродандир. Сафро эса куруқ иссиқ мижоздан далолат беради. Сафрони даф қилиш учун эса аччиқ ва чучук анорни гулоб билан омукта қилиб, эргалаб нонуштага ичиш тавсия қилинади.

Кишининг оғзидан сув келиб, соч соқол бевақт оқарса, қорни куруқ оғриса, табиб бу иллатлар сабабчиси балғам эканлигини такидлайдилар. Балғамнинг мижози совуқдир. Совуқ мижозли беморларга иссиқ табиатли озиқ-овқат, яъни майиз, ёнғоқ ва бошқаларни истеъмол қилиш маслаҳат берилади.

Абу Али ибн Сино инсон организми тўқималари ва аъзоларини иссиқ ва совуққа бўлган, масалан юрак, қон, жигар, ўпка, талоқ, буйрак, шоҳ томир, терини ва кафтни иссиқ аъзолар деб атайди. Оёқ совуқ, бош эса иссиқ ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бошимдан совуқ ўтмасин десанг, оёқни иссиқ сақла деган гапда жон бор. Яна чинорнинг ёниши ўзидан деб айтилганидек, одам ўзига ўзи қиласди. Одамга ема десанг, бекитиб ейди, ичма десанг ўғирлаб ичади. Бепархез касал ҳамиша ўсал. Киши ўз мижозини ўзи билиши, шунга яраша овқатланиши керак. Нафсини тийиш-касалликка чек кўйишидир. Мижоз кишининг ёшига, руҳиятига, еб ичишига ва ҳатто фаслларга қараб ўзгариб туради. Ёшларда 30 ёшгача ва балогатга етганда 40 ёшгача иссиқ ва совуқ мижоз устун туради. Кексаларда 60 ёшдан ошгандан сўнг аксинча куруқлиги ва совуқлиги ошган бўлади. Бинобарин унинг мижозига суюқ, иссиқ овқат тўғри келади, сутли таомларни талаб қиласди, ундан ташқари фасл ўзгариши, яшаш учун иқлими бошқа ерларга бориш, иш шароити ҳам мижозга таъсир қилиб уни ўзгартириши мумкин.

Шунга кўра ҳар ким ўзи тайёрлаб ичиши ва ейиши мумкин бўладиган дори-дармонларни мана шу китобга ўхшаган, ёки бошқа мижоз ҳақида рисолаларга қараб истеъмол қилишлари керак бўлади. Ота-боболаримиз улардан кундалик ҳаётларида фойдаланганлар ва ўз саломатлиқтарини саклаганлар.

Мижознинг яхши билган табибина беморни муваффақиятли лаволай олади. Аммо мижозни пухта билиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун жуда кўп тажрибалар ўтказиш, уни аниқлаш устоз ҳузурида узоқ бўлиб мукаммал ўрганиш, тўғрироғи зийрак ақл ва туғма қобилият талаб этилади.

#### *Саъдий Шерозий мижоз ҳақида шундай дейди:*

Ичинг бўлса ейиш ичишига қобил,  
Ранг тоза бадан соз, соғлом бўлар дил  
Ҳароб бўлар бадан уйи батамом,  
Қачонким мос келмас мижозу таом.

## МИЯ ОФРИГИ

Бош мия бир қанча бўлимлардан ташкил топган — кейинги мия, узунчоқ мия, мияча, ўрта мия ва катта ярим қоринчалар шулар жумласидандир. Буларни фаолияти бўлмиш ақл, зеҳн, фаросат, хотира. Масалан: кейинги мия ёки (узинчоқ мия) нафасни юрак фаолиятини томирларни, ютиш ва қусишни, ҳаётда организм ҳолатини белгилайдиган вазифани ўйнайди. Агар шу юқорида айтиб ўтилган аъзоларни фаолияти бузилса, ёки қаттиқ шамоллаб қолса бош мияга таъсир кўрсатиб у лорсиллаб оғрийди, ундан ташқари бош мияни ўзи шикастланса ёки шамолласа ҳам мия оғрийди. Мия касалликларининг ҳаммаси деярли, ё мия жисмида, ё унинг томирларида, ёки пардаларида бўлади. Мия йўллари ва томирлари тиқилмалар билан тўсилади, тиқилмалар эса ё олдинги қоринчада ё орқа қоринчада, ёки иккаласида бўлади.

Мия моддасининг ўзида, ё унинг юпқа пардасида, ё қалин пардасида, ёки сиртқи пардада шишилар пайдо бўлади. Агар олди олинмаса, унда оғир касалликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан: Шақиқа (Мигрен), Литаргус-совуқ сарсон. Ақл кетиши, эслаш қобилияти бузилиши, кўп оҳ-ух тортиши, тутқаноқ бўлиши, Сакта билан оғриш-хириллаш нафасга зарар етказиш, фалаж ва юз фалажи. Даволашга ўтишдан олдин оғриқни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб уни йўқотиш керак.

### Мия оғригандаги табиат неъматлари билан даволаш усуллари.

Мия хасталиги бошқа касалликлар билан бир қаторда туради. Уни оғригини кетказиш учун, аввало фойдали тадбирларни қилиш лозим. Оз ейиш, оз ичиш, айниқса шаробни оз ичиш, жинсий алоқани қилмаслик ва кўп ухлашдан иборат.

*Арлабодиён (Анис обыкновенный).* 54-расм. Мия шамоллаганда киши ғам-ғуссали ҳолатга тушганда, ёмон туш кўрганда, ўсимлиқдан чой қошиқда дамлаб ичилади.

*Жўқа (Липа серцевидная).* 38-расм. Манзарали дарахт. Мия оғриганда Жўқа гулидан тайёрланган дамлама терлатувчи восита сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга бир қошиқ жўқа гули солинади ва 0,5 стакан ичилади.

*Карам (Капуста).* Халқ табобатида карам ширасини олиб, мия қаттиқ оғриганда 3-4 томчидан бурунга томизилса мияни тозалайди, оғриқ қолади.

*Пешоб(моча).* Мия лорсиллаб оғриганда, одам ўз пешобини кунига 2-3 маҳал, катталарга 50-100 г дан, болаларга 30-50 г ичиши тавсия этилади.

Кашнич, бинафша, қызил гулдан тенг З г дан олиб учаласини аралаштириб, туйиб мия қаттиқ оғриганда ундан истеъмол қилиш тавсия этилади.

## МОХОВ КАСАЛЛИГИ

Мохов хасталиги савдонинг бутун баданга ёйилишидан пайдо бўладиган ёмон бир иллатдир. Мохов аввало, кўл-оёқлардан ва юмшоқ аъзолардан бошланади, шу аъзоларнинг мўйи тўкилиб ранги ўзгаради, сўнгра мохов аста-секин бутун баданга ёйлади. Мохов касаллиги бутун баданга тарқалган саратон (рак) кабидир. Мохов баъзан ярага айланиси ҳам мумкин.

Мохов касалининг энг биринчи таъсир этувчи аъзоси жигар бўлиб, бунда қон куйиб савдога айланади, ёки бутун баданнинг мижозини бузилишига сабаб бўлади. Мохов касаллиги юкумлидир. Баъзан мохов касаллиги наслдан-наслга ўтиши мумкин. Бу касални заифини ҳам даволаш қийин, кучлисини эса даволашга умид йўқ. Моховнинг энди бошланаётганини даволаса бўлади, касаллик авж олиб кетган бўлса даволаб бўлмайди.

Абу Али ибн Сино дейди: Бу касалликни келиб чиқиши асосан иссиқлик овқатлар, бир ҳиллари саримсоққа ўхшаш енгил жавҳарли, баъзан эса бақлажонга ўхшаш оғир жавҳарли бўлади. Саримсоққа ўшагани кўпроқ мияга зарар етади, унинг хосияти қонни қизитиш ва уни саситиш, сўнг кўпроқ пастки аъзоларга зарар етказади, у ерда савдо аралаш қон туғидиради. Жигар ва талсқининг фаолиятини бузиб бошқа аъзоларга ҳам зарар қиласи. Агар кимки иссиқлик овқатни кўплаб истеъмол килса, у қон олдириши девпечакли дам солинган нарса ёрдамида сурги қилдиришга шошилиш керак. Бундай пайтда бақлажон, тия гўшти, от гўшти, куритилган гўшт, тузланган балиқ истеъмол қилиш ман этилади. Агар организм тозаланмаса, мохов, пес, қора-доғ, темиратки, бавосил, қора жигар шишлари ва шуларга ўхшашлар хавф солади.

Энди бошланаётган мохов касаллигини давлашда табиат неъматларидан фойдаланиши учунлари. Касаллик белгиси сезилгандаёқ организмни тозалашга шошилиш керак. Беморда қон кўплиги аниқланса, унинг иккала кўл томирларидан, тезда етарли даражада қон олиш лозим. Томирдан қон олингандан сўнг касалга бир ҳафта дам берилиб, кейин тарвуз ва бошқа сийдик ҳайдовчи дорилардан бериб, бадандан сийдикни ҳайдаш даркор. Мохов касалига чалинган одамга жинсий алоқа қилишга рухсат этилмайди.

Ичимликлардан ичиладиган нарсаларга келганды афъо илонидан тайёрланадиган күлтәларнинг ёлғиз ўзидан ҳар гал бир мисқолдан (2,995г) 3 г дан, бир уқия (29,75г) шароб билан ичилади. Денгиз пиёзини сиқиб шарбатини ичирилади. Афъо илонининг гўшти ёки унинг гўшти кўшилиб тайёрланган дори мохов касаллигида яхши фойда беради.

Афъо илонидан тайёрланган шўрва ҳам яхши фойда беради. Боши ва думи кесилиб, ичи тозаланади, унга укроп, нўхат ва бир оз туз солиниб, гўшти титилиб кетгунча қайнатилади. суякларини олиб ташлаб, гўштини тозалаб истеъмол қилинади. Афъо илонни истеъмол қылган мохов касалига учраган беморлар кўпинча тузалиб кетади. Мохов касалига чалинган беморларга енгил ҳазм бўладиган, овқатлар (куш гўштидан шўрва, янги балиқ, арпа нони, суюқ ошлар, хўл сабзавотлар, сут, асал, майиз, узум, анжир) тавсия қилинади.

Мохов касалида девпечак ўсимлиги қайнатмаси ҳам яхши шифо беради. Бунинг учун бир сиқим ўсимликни 2 стакан сувда қайнатилади ва кунига ярим стакан ичирилади.

Типратикон гўштини бадандаги моховларга bogланса, ёки уни ичилса ҳам яхши ёрдам беради. Бундан ташқари типратиконнинг куритиб, сўнг майдалаб туйилган гўшти мохов касалини даволаща истеъмол қилинади.

Дашт анжирининг (ёввойи ҳолда даштларда ўсади) куритилган илдизини туйиб наҳорга бир чой қошиқдан ичилса ижобий таъсир этади. Бу тўғрисида Тиббий Шахобий -- шундай дейди: Ўзи осон дори ва лекин қиммат. Дашт анжири томирини топиб, пўстини олиб куритиб, бир идишга солиб, сабабчи ўсимлиги билан кўшиб ундан ичилса наҳор, мохов бўлар тори-мор.

Абу Али ибн Сино «Илож ал-амраз» рисоласида мохов касаллиги тўғрисида шундай дейди:

Кимга етса агар мохов иллати,  
Бу дарддан қутулмоқ бўлса нияти,  
Қони кўп бўлганда, томирдан қон ол  
Девпечак қайнатиб бергил ул вақти.

### Биласизми:

Мохов нафаси эл сийин қаро қиласи,  
Хотину фарзанддан жудо қиласи.  
Чириб кетмай туриб бадан аъзоси,  
Баъзилар дейишар бордир давоси.

## НАСЛСИЗЛИК

Бола бўлмасликнинг сабаби ё эр уруғида, ёки хотин уруғида, ёхуд бачадон аъзоларида, ё эрлик олати аъзолари ва уруғ олатларида бўлади. Баъзан хафагарчилик, бош оғриқлари, меъда бузилиши, ёки алоқа вақтидаги хатоликлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳомиладор бўладиган аёллар, ҳомиладор бўлмайдиган аёлларга қараганда кам касал бўлишади. Аммо туғадиган аёл туғмайдиган аёлга қараганда заифроқ бўлади ва тезроқ қарииди. Бола бўлмайдиган аёл кўп касал бўлади, унинг қариши секинроқ кечади, қариганда ҳам ёш кўринади. Наслсизлик яна нималарга боғлиқ — Никоҳ ила турмуш Азиз ва буюк Оллоҳ жинсий аъзоларни насл қолдириш учун яратдики, дунёнинг бокийлиги у биландир. Шу туфайли танадаги шарафли бошқарувчи аъзолар тўртта: мия, юрак, жигар ва икки мояқ(тумрук). Ҳар биридан ўзи бажариши лозим бўлган иш учун маълум бир хил кўмакни узатади. Масалан жинсий аъзо ҳисни асаблар воситасида миядан олади. Ҳаракат ва руҳни урадиган қон томирлар (arterиялар) воситасида юракдан олади. Ўзига оқиб келиб манийга айланадиган қонни эса урмайдиган қон томирлар яъни (веналар) орқали жигардан олади.

Наслсизликдан шикоят қилувчи эркак агар аёл кўрганда шахвати кўзғалса, бундай ҳолатда у миясини даволаши даркор.

Агар эркак кишида кўзғалиш заиф бўлса, бу билан мақсадига етолмаса, унда кўрқинч, хижолат бўлиши ва уялиш ҳолатларида у юрак қон-томирни даволаши лозим.

Агар эркак кишида маний оз ва суюқ бўлса, у қотиб ёки қуолиб қолса, ранги қизил, кўк, қорага айланса, ёқимсиз ҳидга эга бўлса — бундай ҳолларда жигар, қон ва ҳароратсиз томир (вена)ларни даволаш лозим.

Манийнинг маромида бўлиши, об-ҳаво, ҳаракат ва ҳаракатсизликка, овқат ва ичимликларга, уйку ва уйғоқликка, ҳаммом қабул қилиш ва жинсий алоқага боғлиқ. Овқатларга қуидагилар киради: қуритилган ёғли гўшт, тухум сарифи, пиёз, ҳалим, тандирда ёпиладиган овқатлар, қовурмалар, ширинликлар, асал, ҳолта, гўштлардан — чумчуқ гўштлари, кантар болалари гўшти, кўзичоқ ва ҳайвонларнинг калласи қовурилгани ва қайнатилгани, хўroz ва кўзиларнинг мояклари киради. Барча ачимаган сутлар, пишлоқ, оғиз сути, ширгуруч фойдалидир. Мевалардан — узумнинг барча тури нордони бўлмасин, магизлардан — ёнғоқ, бодом, писта, фундук, кокос. Сабзвотлардан — сабзи, кўзиқорин, ёввойи пиёз, шолғом, қора-беда фойдали ҳисобланади.

Қайнатма шўрваларнинг барчасидан сақланиш лозим, чунки ундан вужудга келган маний суюқлиги қайнатмаларга ўхшаш бўлиб кетади. Яна қордан, яхдан, бўзадан, шолғом сувидан, жуда совуқ сувдан сақланишини унутмаслик керак.

Ичимликлардан: гулоб ва асал суви, эски узум шарбатидан масти қилмайдиган, балки тетиклаштириб кайфиятни кўтарадиган миқдорда ичиш тавсия этилади. Буни ичишдан мақсад шуки, меъда овқатни яхши ҳазм қилмаса, овқат сифатли бўлса ҳам у қонга айланмайди. Бирор бир озуқавий модда ёки ичимлик меъда оловини қўзгатишида ва овқатни ҳазм бўлишини яхшилашда, шаробчалик кучли таъсир қилмайди. Қадимда ва ҳозирги кундаги барча табиблар ана шу фикрдалар. Мастлик эса у хоҳ узум шарбатидан бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин, энг заарли нарсадир. Агар қон бузилса, маний ҳам бузилади. Овқатланганда йўл қўйиладиган катта хатолардан бири, овқатдан кейин ҳаракат қилишdir, асло бундай қилмаслик керак. Лекин ҳаракатсизликда ҳам овқат ҳазм бўлиши бузилади.

*Фоз мояги (Гусиное яйцо).* Серхосиятли бўлиб, юқори калорияяга эга. Айтишларича олти дона фоз моягини бир бора тановул қилган эркак шунча кун жўшиб, тошиб юрар, у шахватни беҳат оширур.

*Тактак (Трава обыкновенная злаковая).* 53-расм. У наслсизликдан сақланишида бекиёс шифодир. Тактак ёввойи арпа ҳам дейилади, у крахмал, оқсил, сахароза, мой моддалари ва турли хил дармондориларга бой, шу билан бирга ички аъзоларга гаройиб таъсир кўрсатади. Бошоги пишганда уни куритиб ховончада туйилади, ва ундан бир ош қошиқ олиб, устига бир стакан қайнаб турган сув кўйилади 10-15 дақиқа дамлаб қўйилади, сўнг докадан сузуб 5-8 ярим стакандан ичилади.

Шолғом ургини туйиб, майдалаб асал билан қўшиб истеъмол қилиш ҳам яхши фойда беради.

Агар топилса, тоф сабзи ургини ҳар куни чойга аралаштириб ичиб турилса бу ҳам наслсизликка фойдалидир.

Аёл киши ҳомила бор бўлишини истамасалар, канакунжут донидан ютиб туриш лозим.

Аёл киши денгиз кўпигидан еса, етти йилгача ҳомиладор бўлмайди.

Мурчни янчиб озгина андомига киргизилса ҳомиладор бўлишини олдини олади.

Агар мазлума киши ҳўқизни (уй) ўтини вужудига қўйса, Худойи Таоло фарзанди солиҳ рўзи қилгай.

Агар аёлнинг бачадочидан сув оқса, фаржига эчки сути ва қўй жунидан доривор тайёрлаб суртсин, бўйида бўлади.

Аёл наҳорда уч қисм арпабодиён ва бир қисм қалампирдан қилинган талқон еб юрса ҳомиладор бўлади.

Хачир юрагини танавул қўлган ҳар бир аёл фарзанд кўради.

Сигирнинг ўт пуфатини жийда баргига ўраб, тумор қилиб юрган ҳар бир одам фарзанд кўради.

**Биласизми:** Аёлнинг бачадонида касал бўлса, уч мисқол жийда, икки мисқол кашничдан қайнатма тайёрлаб, етти кун ичсин, бўйида бўлади. (1 мисқол- 4,5 г ёки 1 мисқол- 4,64 г).

## НАФАС ҚИСИШИ

Нафас — организмга қабул қилинган кислөроднинг тўқималарда истеъмол қилинишини ва бунинг натижасида карбонат ангидрид гази ва сувнинг ажралиб чиқишини таъминлаб берадиган физиологик актдири.

Ташқи муҳитдан организм ўпса, бурун ва оғиз бўшлиқлари, томоқ, ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхлар орқали нафас олади. Ана шу юқорида айтиб ўтилган аъзолар, ёки қисқа бўлимлар шамоллаганда, яллигланганда ва бошқа бир касалликлар натижасида, кишида нафас олиши қийинлашади. Агар буни олди олинмаса оқибати ёмон бўлиши мумкин. Одам буруни билан эмас, балки оғиз билан нафас олса (бурнида полипи бор болалар оғзи билан нафас олади) ҳаво таркибидағи чанғ нафас йўлиниң ички шиллиқ қаватига ёпишиб, уни касалланишига, яллигланишига олиб келади, қичиштиради, натижада нафас олиш қийинлашиб йўтал пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳар қандай нафас йўллари хасталикларида ўз вақтида тегишли мутахассисга мурожаат қилиб, уни сабабларини аниқлаш ва керакли даво чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

**Касаллишни табиат неъматлари билан даволаш усулари.** Нафас қисишида фойдали тадбирлардан бири, кўкракни ва бикиниларни қўл ёки дағал сочиқ билан ишқалашдир. Айниқса бунда тик туриб нафас олиш фойдалидир, ишқалашни мўътадил ва ёғезиз куруқ қилиш керак, агар чарчаш пайдо бўлса, ёғ билан ишқалаш фойда беради.

Нафас қисишида ич юришиб туриши лозим.

Бу касалликда суст бадантарбиядан, аста-сеник тез бадантарбияга ўтиш ҳам қўлланиладиган тадбирлардан биридир. Аста-сеник ўтилмасдан шошилса, бу нарса моддани қўпол равища кўзғатиб бўғилиш пайдо қиласди.

Нафас йўллари ялтиғланганда бир пиёла сут ва бир ош қошиқ майдаланган *маврак ўти* (*шалфей, 20-расм*) бирга қайнатилиб, совутилади кейин яна қайнатилади, ва бу қайнатмани жуда иссиқ ҳолида кечкурун уйқудан олдин ичиш тавсия қилинади.

Нафас қисишида шунингдек бир литр сув қайнатилиб ва қайнаб турган сувга 400 г кепак солинади, уни тиндириб докадан ўтказилгач новвот қўшиб кун давомида ичилади.

Ҳар куни ярим пиёла янги соғилган сут ичилса, оғир нафас олишида яхши фойда беради. Сугли бўтқа ҳам ана шундай шифобахш хусусиятга эга.

Агар нафас нотекис бўлиб, кўкракдан хириллаш эши билса, қора қўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб, 3 кун ичиш лозим.

Кўкрак оғриганда, нафас йўллари шамоллаганда, нафас қисишида, 100 г ароққа 40 г саримсоқ тозаланган пиёзбошисини бўтқа ҳолига келтириб солинади, унга ялпиз шарбати қўшиб бир ҳафта қўйиб қўйилади, сўнгра кунига 4 маҳал 15 томчидан овқатланишдан олдин ичиб турилади.

Тибетликларнинг айтишича сут ва сутли бўтқа танаввул қилиш билан кунни бошлаган экансиз, кечкурун ҳам шундай таом танаввул қилинг.

## ОВОЗ БЎГИЛИШИ

**Касалмикнинг келиб чиқиши сабаблари.** Организм ташқи ва ички муҳитдан келаётган турли таъсуротларга рефлектор равишда овоз чиқариб жавоб беради. Овоз нафас ҳавосининг ҳаракати билан ҳиқилдоқда пайдо бўлади. Ўпкадан босим остида келаётган ҳаво ҳиқилдоқдаги товуш бойламларини тебратади, бу тебраниш оғиз ва бурун бўшлиғига ўтиб зўрайди ва тил орқали турли қаттиқликлардаги овоз бўлиб эши билади. Чиқаётган овознинг ўзгариши нафас йўлларидаги, томоқ, бурундаги шиллиқ пардаларни шамоллаши, ялтиғланиши ёки бошқа хасталикларга бослиқ бўлиши мумкин, шулар натижасида овоз ўзгариши, ёки умуман йўқолиб қолади. Даволашни бошлашдан олдин бўғилиш сабабини билиб, ана шу сабабини йўқоғишига ўтиш лозим.

**Овоз бўғилганда табиат неъматлари билан даволаш исуллари.** **Карам (Капуста).** Овоз бўғилганда карамни майдалаб шираси сиқиб олиниади, унга озгина кунжут ёғи қўшиллади. Тайёрланган қориашма билан томоқ чайилса (гарфара қилинса) овоз очилиб, нафас олиш ҳам енгиллашади.

Агар кишини овози бўғилса, қўй сути билан 5-6 марта гарфара қўйла, овози очилади. Ундан ташқари яна, бўғилган овозни қўй ўти билан гар-фара қилинса ҳам овоз очилади.

**Шолғом (Репа).** Шолғомни қайнатиб пиширилгани, шунингдек унинг шарбати дикқанафас, кўксов касаллигида, истиробли йўтал пайдо бўлганида, ўткир ларингитда, шамоллаш натижасида овоз йўқолганда, уйкусизликка яхши фойда беради. Бунинг учун шолғом шарбатидан кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш буорилади.

**Чучукмия (Салодка обыкновенная).** 66-расм. Таркибида ширин сапонинлар, қандлар, крахмал, глицерин, аччиқ модда ва бошқалар бор. Халқ табобатида чучукмия илдизидан тайёрланган қайнатма нафас йўллари шамоллаганда, томоқ қуриганда, овоз бўғилганда ишлатилади. Қайнатма тайёрлаш учун идишга 1 стакан сув кўйиб, устига 15 г илдиздан солинади, 10 дақиқа қайнатилади ва бу қайнатмадан, кунига 4-5 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

**Турп уруғи (Семена редьки).** Овоз бўғилганда турп уруғидан бир ош қошиқ олиб, 2 стакан сувда 10 дақиқа қайнатилади, кейин 5-10 дақиқа тиндирилади. Сўнг докадан сузилади, қайнатмадан кунига 5-6 маҳал гар-фара қилиб оғиз чайилади, 4-5 кунда овоз очилиб кетади. Муолажадан кейин 1 соат ейиш-ичиш мумкин эмас.

#### Биласизми:

*Фидойи, тадбиркор бўлса шифокор,  
Тезда тузалажак ҳар қандай бемор.*

## ОЁҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.

Оёқда ҳар хил касалликлар кузатилиши мумкин:

1- Оёқ томири тортиши. Оёқ увишиб қолиши.

2- Оёқда бод касали, туз йигилиш касали.

3- Оёқдаги қон томирлар кенгайиши, торайиши, шамоллаши.

4- Оёқ шиши, сувлар йигилиши, куйиш ва бошқа касалликлар.

1- Оёқда томир тортганда каттиқ оғриқдан бемор азоб чекади, бу хасталик хамма ёшдагиларда, ҳатто чақалоқларда ҳам томир тортиши мумкин. Томир асосан мускулларда тортишади, бунда болдир қисқариб, тощдек қаттиқ бўлиб қолади, оғрийди, киши уйқуда бўлса ҳам уйғониб кетади, кўпчилик инсонлар сувда томир тортишишидан ҳалок бўлади. Бундай ҳолат такрорланаверса, қон томирлар билан шуғулланадиган, нерв касаллиги мутахассисларига учраб маслаҳат олиш лозим. Томир тортиши одатда оёқни иссиқ тутмаслиқдан, тез шамоллашдан келиб чиқади.

2- Оёқ увишиши бошқача хасталик. Тананинг увишиши, оёқми, кўлми, юзми икки хил бўлади, бири ётганда, ўтирганда, ёнбошлаганда бирор жой увишиш мумкин. Буларнинг увишиб қолишига кўпинча катта ёки кичик қон томирларининг вақтинча кесилиб, босилиб қолиши сабаб бўлади. Иккинчиси, одам юриб кетаётганда оёғи увишиб қолади ва у тўхтаб дам олиши билан асли ҳолига келади, бундан ташқари оёқ совуқ қотса болдиради томир тортишади, буларнинг ҳаммаси оёқ қон-томир касаллигидан дарак беради.

3- Оёқда бод касали бўлса. Бунда умуртқа поғонаси атрофига туз йигилиб, моддалар алмашинуви секинлашиши натижасида бўлиб оғриқ юзага келади. Бу кам ҳаракат қиласидан кишиларда кўп учрайди. Бундан ташқари ёзнинг иссиқ кунларида ҳам ёши улғайиб қолган кўпчилик отахон-онахонларимиз елкалари, оёқ- қуллари қақшаб оғришидан нолишади. Бу касаллик одатда қиши ёки эрта баҳорда шамоллаш туфайли содир бўлади. Шунингдек тумов касаллигининг асорати бўлиши ҳам мумкин.

4- Оёқда қон томирлар кенгайиши хасталиги (варикозное расширение вен). Кўпинча ёши улуғ кишиларда, баъзан ҳомиладор аёлларда кузатилади. Бу хасталик ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Оёқ артерия хасталикларига сабаб бўлиши мумкин. Бу касалликларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлади. Бири одам организмида липид ва холестерин моддаларининг бузилишидан бўлса, иккинчиси яллигланиш натижасидир. Бунда артериялар бўшлиги битиб қолади, болдири соҳасида, оёқ учларида чидаб бўлмайдиган оғриқ пайдо бўлади.

5- Оёқда шишишлар пайдо бўлиш хасталиги ҳам турли сабабларга кўра рўй беради. Кечкурун уйкуга ётиш олдидан кўп суюқлик ичиш, шишиш пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Кунига кулуниай, шоколад, асал, балиқ ва бошқа маҳсулотлар истеъмол қилганда ёки бошта ёстиқни паст кўйиб, ухлаганда ҳам оёқ-қуллар шишишади. Шишиш буйрак ва юрак касалликлари оқибатида ҳам бўлиши мумкин. Ундан ташқари оёқ урилиши, кесилиши, куйиши ҳам мумкин. Бу ҳолатларда тезда хасталикларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб даво чораларини кўриш лозим.

**Оёқ хасталикларини даволаш усуллари.** 1- Оёқ томири тез-тез торгишиб турадиган кишиларга, мунтазам оёқни иссиқ тугиш тавсия этилади. Куннинг иссиқ пайтларида оёқ болдирига ва панжага вақти-вақти билан балчиқ, иссиқ кум (парофин, азокерит) кўйиш ҳамда оёқни силатиб туриш яхши ёрдам беради.

2- Оёқлари тез увишиб, совук қотадиган кишилар, ҳаракат қилаётган вактда оёқлари увишиб қолса, уни тез силаш, қуруқ иссиқ қилиш, айниңса совук кунларда иссиқ кийим кийиш, эрталаб бадан тарбия қилиш яхши натижа беради.

3- Оёқчинг бод касали ёки қарилукдаги оёқ хасталикларини даволаш халқ табобатида кўп минг йиллик тажриба бор. Биринчиси: оёқларни яланғочлаб, унга доғ қилинган пахта ёғини суркаб, ёз офтобида ўтириш ёки ётиш керак, бошни офтоб урмаслиги учун ўша томонга соябон илиш керак, шу ўтиришда бир соат ўтириб, 10 дақиқа дам олиб яна бир соат, жами бўлиб 4-5 соат ўтириш керак. Муолажани ёз кунлари ҳар 10 кунгача қилиш лозим. Оёғида боди бор беморларга ёз чилласида тузконига бориш, (Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти Олот тумани Туркманистон чегарасида яхши туз кон бор) тавсия этилади. Туз конига боришдан олдин кишида қон босимини яхшилаб текширтириш лозим, қон босим бўлмаган кишиларга тузкони яхши шифо беради. Туз конига борганда олдин оёқларни яланғочлаб қумга 15 дақиқага кўмилади, офтоб урмаслиги учун бошга соябон тутилади, кумдан чиқиб ёнида катта туз кўли бор, шунга худди қумга кўмтандай қилиб, 15 дақиқа тузга кўмилади, сўнг ювиниб туз сувига ўралиб келиб, пана жойда қора чой дамлаб ичиб кўп терлаш натижасида оёқдаги тузлар тер билан чиқиб кетади. Туз конида кунига бир маротаба қумга оёқларни кўмиш, бир маротаба тузга оёқларни кўмиш кифоя. Шу усулда уч кун даволаниш ўз натижасини беради, бемор соғайиб кетади. Ундан ташқари оёқдан тузларни кетказиш учун: Абу Али ибн Сино оёқлари қақшаб оғриган кишиларга Қовоқни (Тыква) кўрга кўмиб пишириб оёқ ва қўлларнинг оғриган жойларига қўйишни тавсия этган. Муолажани 3-4 кун ётиш олдидан қилинса яхши натижа беради.

Болгариялик башоратчи Ванга оёғ оғриганда озгина беда пичанини олиб бир каттароқ идишга солинади, устига сув қуйиб қайнатилади, сўнг докадан сузиб, устига бир қошиқ қеросин солиб, 3-4 кун кечқурун оёқларни иссиқ қайнатмага солиб буғлантиришни буюрган.

4- Оёқлардаги қон томирларининг кенгайишида, торайишида, Новосибирскдаги олим К.П. Бутейконинг айтишига қараганда учбарг (лавровый лист) баргидан 5 г олиб, уни 300 г сувда 5 дақиқа қайнатилади, кейин 3-4 соат тиндирилади. Шу қайнатмани озгина- озгинадан 12 соат ичиди ичиб турилади. Тез-тез ичиб бўлмайди, чунки у қон кетишини келтириб чиқариши мумкин. Муолажани 3 кун такрорлаш лозим.

Бундан ташқари бемор энг аввало томириларни чиниқтириши зарур, бунда пиёда юриш жуда яхши наф беради. Бунда заарланган қон томирлар қисман тикланади, қон айланиши яхшиланади. Оёқни совуқдан шикастланишидан эҳтиёт бўлиш керак. Беморлар ҳар доим сузма, қаймок, ҳамда ширинликлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилиши керак. Одамларнинг оёқ кийимлари кентая бошласа, 350 г асалга 250 г саримсоқ майдалаб эзиз қўшилади ва шу малҳамдан бир ҳафта давомида суркалади, бир ҳафта ўтгач, ушбу малҳамдан ҳар куни 3 маҳал бир ош қошиқдан оч қоринга ичилади.

5- Оёқларда шиш бўлганида — уни даволаш учун ип газламасидан оёқ ўлчамига мос тиззагача етадиган халтacha тикилади. Халтacha ичига оқ қайин барги тўлдирилади ва беморнинг оёғи унга тикилади. Барглар қалинлиги, қатлами бир бармоқча бўлиб ҳамма томонини қамраб олиши керак. Бунда оёқлар қаттиқ терлайди. Агар барглар 3-4 соатдан кейин ниҳоятда хўл бўлиб кетса, уни янгилари билан алмаштириш керак бўлади. Бир неча марта шундай қилингандан кейин оёқ шиши қайтади. Шиш унча катта бўлмаса муолажани бир икки марта қилиш кифоя бўлади. Оёқда сув йигила бошлаганида тавсия этиладиган усуулар қаторига куйидагилар киради: анор гулини олиб, иссиқ сувда яхшилаб ҳўлланади, оёқларнинг сув йигилган жойига қўйиб, устидан боғлаб қўйилади.

Агар оёқ терлаб ёқимсиз ҳид келса, унга туюнинг иссиқ қонини суркаш тавсия этилади.

Оёқ куйганда роз ёғи суркаш тавсия этилади, шунди у тез битади.

**Биласизми:** Оёқни устма-уст қўйиб, узатиб ўтириш юзсизлик ва беҳаёлик ҳисобланади.

## ОВҚАТ ҲАЗМ БЎЛМАСЛИГИ

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Овқатланиш маданиятига етарли аҳамият берилмаслик оқибатида меъдада овқат ҳазм бўлмайди. Америкалик бир неча олимлар 2-3 йил мабойнида инсон меъдасида қанақа овқат, қанча вақтда ҳазм бўлишини шундай деб изоҳлашган. Кўп овқатлар тез ҳазм бўлавермас экан. Масалан: қовирилган бузоқ гўшти 4 соату 49 дақиқада ҳазм бўлади, тузланган карам 4 соату 30 дақиқада, чўчқа гўшти 4 соату 26 дақиқада, гилос, шафтоли ва олхўри эса 3-4 соатда ҳазм бўлар экан. Мол гўшти ва пишлоқнинг ҳазм бўлиши учун 3-4 соат, тухум, олма, нок ва хом балиқнинг сингиши учун 1 соатгача вақт керак экан.

Соғлом кишиларнинг беморларнинг овқатланишини тұғри ташкил этиш лозим. Овқат ҳазм бўлмаслигининг асосий сабабларидан, палапартиш овқатланишдир ва турли хасталикларни келтириб чиқаради. Масалан, нон билан гўшт, тухум билан картошка, хамиртурушдан бўлган овқат билан ширилпиклар, мева ва бодринг билан сут ва ҳаказо. Устма-устига овқатланиш спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш меъда ишини бузади.

### **Касалликни даволашда табиат неъматларидан фойдаланиши.**

**Қарафс** (*Сельдерей пахучий*). Халқ табобатида ўсимликнинг илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама-овқат ҳазм бўлишни яхшиловчи, ел ҳайдовчи ва иштача очувчи омил сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан қайнаб турган сув қуийлади-да, устига ўсимлик илдизи ва баргидан майдалаб бир ош қошиқ солинади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан сузуб бир ош қошиқдан ичилади.

**Седана** (*Чернушка посевная*). Овқат ҳазм бўлишига яхши ёрдам беради. Ярим литрли чойнакка озгина қора чой солиб, устига 20-25 дона седана солинади кейин қайноқ сув қуиб, 3-4 дақиқа дамланади, чойга ўхшатиб овқат ҳазм қилдириш учун ичилади. (Ибн Сино «Тибиёт қонунлари» II жилд 590 бет).

**Эрмон** (*Польнь горькая*). 24-расм. Эрмон сафрони суради, овқат ҳазми бузилишини яхшилайди. Халқ табобатида дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуиб, устига қуритилган ва майдаланган эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан 1 чой қошиқ солиб, дамлаб, чорак стакандан ичилади.

**Олмали чой** (*Чай с яблоком*) ҳам кишини бардам қилиб, овқатни яхши ҳазм қилади, ошқозон, жигар ва ичакни мустаҳкамлайди, ҳам иштахани очади. Олмани паррак-паррак қилиб кесиб, чойнакка солинади устига озгина қора чой солиб, қайноқ сув қуиб бир-оз дамлаб асал ёки бошқа ширилник билан чойга ўхшатиб ичилади.

## ОФИЗ КАСАЛЛИГИ

**Касаликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Оғизга олинган овқат (озика) таъм билиш сезгиси орқали анализ қилиниб, оғизда тишлар, тил ва безлардан чиқадиган сўлаклар ёрдамида қабул қилиниб, томоққа йўналтирилади. Тишлар хасталигига, бу физиологик акт (овқат ичимлик қабул қилиш) вақтингча тўхтаб қолиши мумкин.

Тил ва безлар хасталигига ҳам шундай ҳолат кузатилади. Муздай нарсаларни еганда оғиз бўшлигига тишлар, милклар, тиш ости безлари, жағ безлари, томоқ шамоллашларидан оғизда хасталик бўлиши мумкин. Ёки аксинча иссиқ овқатлар, ичимликлар оғиз бўшлигини куйдириши мумкин. Ундан ташқари айрим касалликларда, тил, милклар, безлар касалланиши мумкин. Яна оғиздан бадбўй ҳид, келиши мумкин. Масалан: тишлар, милклар, тилда, жағларда ҳар-хил яралар бўлиб, улардан йиринг ҳиди келиши мумкин. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қўлмаслик, тишларни ўз вақтида ювиб турмаслик, оғиз хасталикларига сабаб бўлиши мумкин.

#### ***Оғиз касалликларидаги табиат неъматларидан фойдаланиши.***

Оғиз ҳидланиши(сассиқлиги)ни даволашда ҳалқ табобатидаги саримсоқ ва қалампирмунчоқдан тенг миқдорда олиб, туйиш ва уни асалга аралаштириб, наҳорда ва уйку олдидан 1 ош қошиқдан истеъмол қилишни тавсия этади.

Кашнич ўти ва янги мевасидан олиб қуритиб талқони билан оғиз чайилади.

Оғиз бўшлиги ва милкларнинг яллиғланишида янги тут мевасини эзиб шираси олинади, шу шира билан 5-6 кун эрталаб ва кечкурун оғиз чайилади.

***Наъматак (шиповник).*** 19-расм. Наъматакни бир ош қошиқда олиб идишга солинади, устига бир стакан сув қўйиб, бир оз қайнатилади ва у билан ҳар куни 4-5 маҳал оғиз чайилади.

Милклар ҳасталанганда бўшашиб кетганда *туз (соль)* ли ачиқ номокоб қилинади (концентрированный раствор поваренной соли) 10-15 фоизли шу номокобни илиқ қилиб оғизга солиб бироз ушлаб яна ташланади, бу муолажа 4-5 марта қайтарилса милклар оғриғи қолади.

***Қора-қанд (Барбарис).*** 29-расм. Илдизи ё шохи ёки мевасидан қайнатма тайёрлаш учун 200 г сувга 2 ош қошиқ қора-қанд солинади 20-30 дақиқа қайнатилади ва бу қайнатма билан ҳар куни 4-5 маҳал 3-4 марта оғиз чайилса, яхши шифо қиласи.

Ундан ташқари ҳудди шу усулда маймунжон, арча ва аррабодиёндан қайнатма тайёрлаб оғиз чайиш мумкин.

Тил касалланса бот-бот пиёз, ялпиз, сули истеъмол қилинг. Оғзи қуриб қолса саримсоқни турп ва туз билан истеъмол қилинг.

***Биласизми:*** Агар турпни қайнатиб ва уни асал билан қўшиб еб турилса, оғиздан сув келишини йўқотиб ва балғамни йўқ қиласи.

## МЕЬДА КАСАЛЛИКЛАРИ

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари. Меъда иш фаолиятининг бузилиши жуда оғир ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Меъда фаолияти бузилмаслиги учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатларни бажариб туриш керак. Меъда касалликларининг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, кўпинча улар тартибсиз равишда пала-партиш, керакли-нокерак нарсани истеъмол қилиш натижасида, озодаликка риоя этмаслик, ҳазм бўлиши учун қийин таомларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади, ўта иссиқ овқатларни истеъмол қилиш сабабли, ёки аксинча, муздек нарсаларни кўп истеъмол қилиш оқибатида ҳам касаллик пайдо бўлади.

Меъда ҳасталикларида овқат, ичимликлар алоҳида аҳамиятга эга, айниқса у кўп ва сифатли, ёмон бўлса соғлом меъданни ҳам касал қиласди, ёки овқат жуда кам миқдорда бўлса, соғлом ошқозонни оздиради ва сўлдиради. Дориларни кўп истеъмол қилиш ҳам яхши эмас, бунда меъда ўз ишида дорининг ёрдамига ўрганиб қолади. Меъда учун овқатларнинг энг яхшиси буриштириш хусусияти ва аччиқлиги бўлиб ўткирлиги йўқ ва ачиштирмайдиган нарсалардир. Соғлом кишиларга меъданни бақувват қилиш учун буриштирувчи нарсалар фойда қиласди, бироқ иситма касаллигига учраганларга бу жиҳатдан ҳаддан ошиб кучли буриштирувчи овқатлар бермаслик керак. Меъдада ўткир хилтлар бўлиши сабабли яра ва тошмалар пайдо бўлади, уларга кўпинча бошқа аъзодан меъдага оқиб келинадиган нарсалар ҳам сабаб бўлади. Меъда яралари кўпинча кичик нафаста, кўп терлашга, бехушликка ва кўл-оёқларнинг совушига сабаб бўлади. Яра борлигини тоҳо кекирикнинг сассиклиги ва тилни куригадиган буғ кўтарилишидаң билиш мумкин. Қизил ўнгачдаги яранинг меъда оғзидағи ярадан фарқи шуки: Агар яра қизил ўнгачда бўлса, одам жуда кўп кекиради ва орқа томонда икки курак ўртасида ва бўйнида кўкрак бошида оғриқ сезилади. Яранинг борлиги ютилган овқатнинг ўтишини аниқлайди, чунки овқат ўтаетганида оғриқни қаердалигини билдиради, овқат ўтиб кетгач оғриқ тез босилади.

Агар меъда оғзида яра бўлса, унда кўкрак қуйисида ёки қорин тепасида оғриқ сезилади, бунда кучли оғриқ кузатилиши мумкин.

Меъда ҳасталикларида оғриқ яна овқат егандан кейин бошланиб, овқатни кусиб ташлаш, уни яхши ҳазм қилолмаслик, совуқ ва елдан бўладиган меъда ҳасталиклари пайдо бўлиши билан кечади.

## Меъда касалликларида табиат незматларидан фойдаланиши.

Қадимги шарқ табобатида меъда касалликларини ҳам даволаща шифобахш ўсимликлардан фойдаланилган. Абу Али ибн Сино гиёхлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланибмеъда ҳасталигини асоратсиз даволаган.

**Бўйимодарон** (*Тысячелистник обыкновенный*). 17-расм. Ўсимлигидан меъда касалини даволашда самарали фойдаланилган. Ундан шифобахш дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйилади ва ўсимликни қуритиб майдаланган ер устки қисмидан бир ош қошиқ солиб, бир соат дамлаб қўйилади. Шу дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатланишдан олдин 1 ош қошиқ ичилади.

Меъда фаолияти бузилиб, ичи кетганда кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, кетидан бир пиёла қаттиқ ичиб юборилса, касаллик таққа тўхтайди.

Болаларда учрайдиган ич кетишини тўхтатиш учун жийда ёки унинг дамламасини ичириш тавсия қилинади.

Агар одамда жигилдон қайнаб ва меъдада оғриқ пайдо бўлса, унда, халқ табобатида оддий зигир (лён обыкновенный) ёки сули (овса) ни бирини олиб қайнатилади (шиллиқ бўтқага айлангунча), шундан бир ош қошиқдан овқатдан олдин кунига 3-4 маҳал ичиб турилиса, яхши фойда беради.

Меъдангиз оғриса — халқ табобатида яна бошقا бир усул, ҳар куни наҳорда икки дона тухумнинг оқини ютинг, нонуштадан яrim соат олдин.

Меъданинг айрим касалликларида иштаҳа бўлмаслиги, меъда безларининг сусайиши кузатилади. Бундай ҳолларда овқатланиши ҳом салатлар, венегретлар ейишдан ёки айрим сабзавот шарбатларини ичишдан бошлаш лозим. Янги сабзи, карам, лавлаги, шолғом, бодринг, турп шарбатлари ошқозоннинг кислота ҳосил қилиш, ҳамда безлар фаолиятини кучайтиришга кучли таъсир кўрсатувчи маҳсус дорилардан қўра яхши таъсир этади. Айниқса турп ва редискани қаймоқ ёки ёғ билан аралаштирилган салатлар меъда яллифланганига (гастритга) шифо қиласиди.

Ундан ташқари меъда шиллиқ пардаси яллифланганда, гастрит касаллиги пайдо бўлганлигига, Алоэ (Алоэ) ўсимлиги қўлланилади. Уйбекалари тувакларда ўстиришади. Шу ўсимликнинг бир дона баргини олиб ёнларидаги тиконларини кесиб ташлаб, ўзини яхшилаб илиқ сувда ювиб ҳар куни наҳорда овқатланишдан яrim соат олдин бир дона баргини оғзингизда чайнаб ютиб юбориш зарур. Муолажа бир ой давом этади. Бир ойнинг ичидаги гастрит касалидан ҳеч нарса қолмайди.

Болгариялик башоратчи Вангани айтишига қараганда, меъда яраси бор беморга ҳом картошка ёки карамдан сиқиб шарбати олиниб, шу шарбатдан овқат ейишдан 40 дақиқа олдин кунига 3-4 марта ярим стакандан ичиш тавсия қилинади. Бунда ҳам даволаниш муддати бир ой бўлиши керак.

Совуқ ва елдан бўладиган меъда оғригидан тариқни қиздириб оғриган жойга боғланса, оғриқни тўхтатади.

Агар овқат егандан кейин қусиб ташлаш билангина тўхтайдиган оғриқ бўлса, унда ҳар куни овқатдан олдин бир оз асал ейиш лозим.

Агар меъдада яралар бўлса, унда касалга тез ҳазм бўладиган овқатлар берилади, меъдадаги ярани ва унинг ўйилишини даволашда дастлаб уни асал суви ва тулоб каби нарсалар билан тозалаш керак. Яна тозаланиб бўлганидан кейин, сигир қатиғининг ёғи олинган айрони ичирилади, ундан ташқари беҳи, анор ва шунга ўхшаш нарсаларнинг шарбатини ҳам ичириш лозим. Яна уларга арпа сувини анор суви ва буриштирувчи меваларнинг сиқиб олинган сувлари билан кўшиб ичирилади. Баъзан уларга бузоқ ва эчки болаларининг қорнини пишириб, сиркалаб едиришга тўғри келади.

Меъдада қаттиқ оғриқ юз берса шафтолининг қуритилган ёки қуритилмаган баргидан дамлаб, ярим стакан ичилади, дамламани ичган бемор 10-15 дақиқадан кейин терлайди ва ошқозон оғриги таққа тўхтайди.

Сурункали ич кетар касалига мубтало бўлган киши 300 г ёнгоқни олиб чақиб ва унинг магзини бир-биридан ажратиб турувчи пардалари олиниади. Уни 250 мл спиртга солиб уч кун тиндирилади, сўнг шу тиндирмадан 6-10 томчисини илиқ қайнаган сувга кўшиб ичилади, 4-5 кунда ўз шифосини кўрсатади, ич кетиш секин- секин қолиб, 6-7 кунга бориб таққа тўхтайди.

Табиблар меъдадаги зардобни камайтириш учун сабзи шарбатидан муввафоқиятли фойдаланиб келишган. Фақат шарбат янги тайёрланган бўлиши зарур. Агар сабзининг ўзи ҳам янги ковланган бўлса яна ҳам яхши. Бу шарбат ҳам наҳорга, оч қоринга ярим стакандан ҳар куни бир марта ичилади.

Абу Али ибн Сино меъда касалликларида анорни қобиғи, гулини дамлаб беморга ичирган. Яна анорни сиқилган шарбатини, мевасини ўзини ич кетишга қарши ичирган. Арабистонда анорни уруғини қовуриб сурункали ич кетиш касалига мубтало бўлган беморларга аччиқ чойга кўшиб оз-оздан ичиришган.

Меъдада оғриқ бўлса, ел (дам) бўлса, ич кетса, халқ табобатида Олабута (Марь душистая)ни ер устки қисмидан дамлама тайёрлаб, бир ош қошиқдан овқатдан олдин ичиш фойда беради. Яна ошқозонда ел (дам) бўлса лимон ўтни ичирилган. Лимон ўтдан дамлама тайёрлаш учун икки стакан сувга саккиз чой қошиқ ўсимликнинг ер устки қисмидан солиб, бир оз дамланади, сўнг докадан сузиб дамламадан кунига тўрт маҳал ярим стакандан ичиб турилади.

Агар кишининг қорни оғриса, турп уругини сут билан ичиши лозим.

Агар кишининг ич кетиши қора ёҳуд сариқ ёки аҳлати қуруқ бўлса беш дона ёнгоқ магзини эчки сутида қайнатиб истеъмол қиласин шифо топади.

Агар одам наҳорда оч қоринга озгина исириқ уругини ютса у ошқозон, жигар ҳасталиклари, ичак яллиғланиши, қорин дам бўлиши балғам ва бавосилдан фориг бўлади.

Овқатга тоғ ялпизи ишлатилса одамнинг меъдаси бақувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди, «Харом-қон» қўпайиши деган дарддан қўйналмайди.

Асалга омухта қилинган турп уруғи меъда касалига кор қиласи.

Агар меъда оғриса отнинг сутидан уч мисқол ( $4,25 \times 3$ ) 12,75г қайнатиб ичилса, ошқозон оғриғи қолиб, меъда ҳам соф бўлгай.

Бу ёзилғанлардан ташқари ошқозон ҳасталиклирида ўрик чой, олма чой, майизли чой, ялпизли чой, лимон чой, дала чой, мурчли чой, қалампирмунчоқли чой, бодиёнли чой кўлланилади. Шулардан бирини мижозингизга тўғрилаб, танлаб ичиш тавсия этилади.

### *Ошқозон, жигар, ўт пуфаги, ўн икки бармоқ ичак ҳасталикларини даволаш*

Су-Жок усули билан жигарни, ошқозонни, ўн икки бармоқли ичакни даволаш мумкин. Даволаш учун суратларда кўрсатилгандек оёқда ва кафтдаги нуқталарни топиб, тўмтоқ учли нарса билан қаттиқ-қаттиқ босиб уқалашлари керак. Шу билан бирга бемор энг аввал овқатланиш тартибига қатъий амал қилишлари керак. Қовурилган ёғли овқатлардан ўзларини тийишлари, кўпроқ енгил овқат ейишлари лозим.

Одам танасида (меъдасидаги) шиллиқли ва сафровий чиқиндилар бўлганда ибн Сино Алоэдан фойдаланган. Бунинг учун алоэнни ўзини олиб сиқиб бир қошиқ алоэнни икки қошиқ сувда аралаштириб, ҳар куни эрталаб наҳорга ичирган ва одам танасини чиқиндилардан тозалаган.

### Биласизми:

Барча борлық табиат бешигида улғаяди.  
Хар кимки ич оғриқи бұлса, шишиша,  
Гулирайхонни суртса даф бұлгай.  
Елни йүқтөт қорин дамланган замон,  
Корин ели юрак учун бил илон.

(Шерозий)

## ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ

Қадимдан турлы касалліктерні очлик билан даволаганлар. Аждодларымиз яралғанған ёки касалланған тақдирларыда үнга даво сифатыда очлик пархезини күлләгандар. Шундай қилиб очлик билан даволаш эңг қадимий илмий ҳазиналардан десак янглишмаган бўламиз.

«Очлик — бу мўжиза», «Ҳаёт — мўжиза». Бу мўжиза бизнинг ихтиёриимиизда. Дунё яралғандан бўён инсоният ўлимдан ҳолос бўлгани йўқ. Лекин одам парҳез, соглиқни сақлаш ва уни яхшилаш усуслари га риоя қилса, нуроний кексалик ёшига етиши мумкин (албатта, баҳтсиз ҳодисалар юз бермаса). Ўтган улуғ алломаларни айтишларича, ҳар бир одам табиатан 120-130 йилдан кам яшамаслиги керак. Мисол учун 90 ёшли Амриқолик Пол Бретгнинг ўз китобида ўзича хос овқатланиш ва очлик тартибини жорий қилди ва ўзи шунга амал қилиб, 90 ёшда узоқ масофаларга бемалол юргурган, балиқдек сузган, ёшлардек теннис ўйнаган, рақсга тушган, у 1, 2, 3, 7 ва ҳаказо кун оч юришнинг тарғиботчиси эди. У 120 йил умр кўришни орзу қилган эди. Аммо баҳтсиз ҳодиса туфайли 1976 йили 95 ёшда вафот этди.

Табиатда яратилган мавжудодлар орасида одамгина ўзига ажратилган муддатини оҳиригача яшай олмади. Чунки ҳайвонот олами табиатан қандай кун кўришни, нима ейиш-ичишни билади, қасал ёки яралғанған тақдирда оч қолади. Фалати бир хақиқат: «Инсонни тўқлик ўлдиради, очлик эса тирилтиради». Одам очликдан ўлмайди. Илмий асосдаги парҳезга амал қилинса, одам ўзига ёшлигини қайтаради, ва кўп ҳасталиклардан фориг бўлади.

**Очликни бажариш усуллари.** Бир кунлик очлик (пархез). Ҳафтада бир кунлик (йилида жами 52 кун) уч ойда 7-10 кунлик пархез бўғим ва мушакларда тўпланиб қолган захарни модда ҳамда тузлардан тозалайди. Пархез пайтида овқат ҳазм қилишга кетган куч-қувват танадаги зарарли моддаларни чиқариб ташлашга сарфланади. Яъни вужуд ўзини-ўзи тозалайди, даволайди, тиклайди.

24 соатли очлик даврида, сувга бир чой қошиқнинг учдан бир қисми миқдорида асал ёки бир чой қошиқ лимон шарбати аралаштириб ичиб туриш мумкин. Бундай илиқ (қайнаб чиққан) сув организмдага захарли моддаларни эритиш учун ҳизмат қиласди.

24 соатли очликдан сўнг биринчи таом янги сабзавотлардан тайёрланган салатлар бўлиши лозим. Бу салатлар ичакларни ҳудди сулириб чиққандай бўлади. Ундан сўнг қайнатилган ёки буғда пиширилган сабзавотни истеъмол қилиш зарур. Очликдан сўнг дарров гўшт, сут, шишлюқ, ёғ, балиқ, ёнтоқ кабиларни ейиш ман этилади.

Одам уч, етти ва 10 кунлик очлик пархезни ўтказиши мумкин, 3 кунлик очлик пайгида организмдан заҳар чиқа бўшлайди бунда одам беъовтала нади, шу вактда тинч жойга кириб ҳеч нарсани ўйламасдан, телевизор кўрмасдан, радио эшитмасдан, ҳеч ким билан гаплашмасдан бир жойда ором олиш лозим. Бу вактда одам иложи борича камроқ ҳаракат қилиши зерур. Очлик ҳолатининг биринчи кунларида организмни этдаги шакар мoddаси заҳираси озиқлантириб турса, 3-5 кунлик очликдан кейин киши танасидаги ёғ, оқсил ва бошқа озиқ мoddalar меъдага озиқ сифатида ажrala бошлайди. Бемор ташқаридан озиқ қабул этмаганда, организмга йигилган турли касалпикларни ҳам озиқлик сифатида эригиб нешоб ва тер орқали ташқарига чиқариб юборади ва натижада одам кўп касалпиклардан фориг бўлади.

Энди жуда озғинлик хақида, кўпчилик озғин кишилар ўн йиллаб даволаниб ўзлари кутган натижага эриша олмагач, очлик пархезидан сўнг, семириб ҳатто меъёридан ҳам ошиб кетишлари тасдиқланган.

10 кунлик очлик билан йигилган хасталикларни даволаш учун, куйидагича муолажа олиб борилади. Очлик билан даволаш касалнинг аҳволига қараб мутахассис шифокорлар иштирокида олиб борилиши шарт. 10 кунлик очлик билан даволашни бошлаган куннинг эрта тонгидан бошлаб bemor ovқat ейишни тўхтатади. У ҳар куни, ҳар соатда 100 г дан бир суткада 2 литргача қуруқ сув ичиши лозим. Бунинг учун қайнаган сувни сирли идишга солиб музлатгичнинг музҳонасига 12-15 соатга кўйилади. Сув яхлагандан кейин унинг тагидаги яхламаган сувни тўкиб ташланади. Яҳлаган сув паст оловда ёки газда иситилади ва қайнамасдан олдинроқ олиб, шу сувдан кун бўйи ичиб турилади. Бошқа сувлар, жумладан, дистилланган сув ҳам бўлмайди. Очлик билан даволаш давомида ҳар куни эрталаб ва кечкурун эҳтиёжга қараб икки маҳал ичаклар орқа чиқарув аъзоси орқали 2 литр қайнатиб совутилган сув билан ювилади (хўнқа қилинади). Мазкур сувга бир ош қошиқ олма шарбати ёки энг яхшиси сиқилган лимон

суви күшилади. Бу нордон мухит беради (кислая среда). Ичакда эса чучуклик макони (щелочная среда). Күйилаётган сув чучукликни тезда эритади, натижада ичакларга ёпишиб қолған эски ахлатларни ҳам тушади. Хұнқаны биринчи 3 кунда 2 маҳал, иккінчи ҳафтадан бошлаб күн ора 10 кунгача құлинади.

3 кунлик, 5 кунлик, 7 кунлик ва 10 кунлик очлик билан даволашни тұхтатғандан кейин, очликнинг оқырғи куни кечқурун, бир ош қошиқ бозор гуручидан туз солмасдан сувнинг үзіда бүтқа қилиб (гуруч яхши пишиб эзилиб кетиши керак) ейилади. Эртасига икки ош қошиқ гуручдан икки маҳал әрталаб ва кечқурун шу усулда бүтқа тайёрлаб ейилади. Илиқ қолдаги мева сабзавотларнинг шарбатларини ичиш тавсия этилади. Учинчи кундан бошлаб 3 маҳал бүтқа ейилади. Тұртинги куни гуруч миқдорини ҳар галти бүтқага 2,5 ош қошиқдан уч маҳал ейилади, шарбатлар исталғанча ичилади. Бешинги куни бүтқага 3 ош қошиқда гуруч солиб бүтқа пишириб ейилади ва озгина димланған карам, шолғом, сабзи, бақлажон, помидор, күкатлар, қызил лавлаги ейиш мүмкін. Шу усулда очликдан чиққандан кейин 10-15 кунгача ейилади. Шу муддат давомида қовурилған ва қайнатилған гүшт, ёғли шунингдек қозонда пишган овқатлар емаслик керак.

Агар очлик билан даволанишнинг ўтказишининг иложи бўлмаса, унда қуйидаги усулда даволаниш тавсия этилади: Бунда 15 кун давомида қуйидаги таом тайёрлаб ейилади: 5 та ярим литрлик шиша банка олиб, (уларни ҳар бирини номерлаб) сон белгиси билан белгилаб қўйилади. Биринчи куни 1 шиша банкага 2 ош қошиқ бозор гуручидан солиб, устига тўлғунча қайнатилған илиқ сув қўйилади. Бир кун ўтгач, сувини тўкиб ташлаб, устига яна илиқ сув қўйилади ва музлатичга қўйилади. Орадан 4 кун ўтгандан кейин олиб 10 дақиқа шу сувда қайнатилади, сўнгра сувини тўкиб ташлаб гуручи ейилади. Ҳудди шу усулда иккінчи куни 2-шиша банкани тайёрлаб борилади, учинчи куни 3-банкани тайёрлаб борилади, тўртинги куни 4-банкани ва бешинчи куни 5-банкани шу усулда тайёрлаб борилади. Беш кунда 5 та шиша банкани бирин-кетин тайёрлаб борилади. Сўнг 5-кунидан бошлаб 1-банкадаги гуруч ейилади, ўша бўшаган банкага яна гуруч солиб илиқ сув қўйиб қўйилади. Эртасига, яъни иккінчи куни 2-банкадаги гуручни еб, бўшаган банкага яна гуруч солиб қўйилади. Шу усулда ҳар куни 15 кунгача шиша банкадаги гуручни еб турилади. 15 кунда одам ичаклари яхши тозаланади ва касалликлар ўз-ўзидан шифо топади. Бу усул билан бош оғриғи, ичак касаллиги, нафас қисиши (астма), юрак касаллиги ва бошқа касалликларни даволайди.

### Жалолиддин Румий шундай деганлар:

Даволар асоси саналур пархез,  
 Пархез қил, жон кучин күргил ўша кез.  
 Пархездир дорию даво сарвари,  
 Қичиш ошар қўтири кучайган сари.

Пархез тўғрисида жуда кўп китоблар, рисолалар ёзилиб, табибларнинг даволаш усулига айланган ва кўп касалликлардан даволаниб келинмоқда.

### Биласизми:

Оз ейди кўп киши, соғлом бўлади,  
 Кўп ейди кўп соғлом тезда ўлади.

(Низомий Ганжавий)

Жаҳоннинг ҳонидан еганда таом,  
 Ортиқ еб ўз ранжинг чўзмагил мудом.

(Абдурахмон Жомий)

Оз ейиш баданга шифодир ҳар кез,  
 Ва лекин давонинг асоси пархез.

(Бадриддин Хилолий)

## ПЕШОБ ҲАЙДОВЧИ ВОСИТАЛАР

Буйрак, қовуқ ва бошқа касалликларда пешоб йигилиб қолмаслиги учун пешоб ҳайдовчи воситалардан фойдаланиш зарур. Мана шу мақсадда танадан пешобни ҳайдаш хусусиятига эга бўлган шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш мумкин. Буларга куйидагилар киради:

*Бўйимодарон (Тысячелистник обыкновенный).* 14-расм. Ўсимликнинг гуллари сариқ саватчага тўпланган. У бош оғриқ ўти ҳисобланадиган бошқа тури яъни, бу ўсимликнинг гуллари оқиш саватчага тўпланган, пояси шоҳланган тури пешоб ҳайдовчи ҳисобланади. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаб ичилади. Дамлама тайёрлаш учун, бир идишга бир ош қошиқ ўсимлик солиниб, устига бир стакан қайнаб турган сув куйилади бир соат дамланади. Дамламадан пешоб ҳайдаш учун кунига 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичирилади.

*Иғир (Аир болотный).* 60-расм. Абу Али ибн Сино иғир ўсимлиги илдизпоясидан тайёрланган қайнатмани пешоб ҳайдовчи сифатида тавсия қиласди. Қайнатма тайёрлаш учун идишга 3 стакан сув куйиб, устига 15 грамм майдалангандан ўсимликнинг илдизпоясидан солинади ва 15 дақиқа қайнатилади. Совугач сузиб кунига 3 маҳал чорак стакандан ичилади.

**Бутакүз (Василёк сипи).** 18-расм. Халқ табобатида бўғакўзини тилсимон гулидан тайёрланган дамлама пешоб ҳайдовчи сифатида тавсия қиилнади. Дамлама тайёрлаш учун бир стакан сувга бир ош қошиқ ўсимлик гулидан солиб бир соат дамланади. Сўнг докадан сузиб кунига 3 маҳал чорак стакандан ичилади.

**Тарвуз (Арбуз).** Бу ўта хушхўр, шифобахш неъмат ҳисобланади. Табиблар қадимдан ўт ва пешоб ҳайдовчи неъмат сифатида беморларга тарвуз ейишни тавсия қилганлар. Тарвуз дармондорилари пинг барчасига бой неъматдир.

**Арпабодиён (Анис обыкновенный).** 54-расм. Зиравор ўсимлик ҳисобланиб, ўзек пазандалигида лафмонга солинади, қайнатмаси ширмойинон хуруши сифатида ишлатилади. Халқ табобатида арпабодиён ўсимлиги мевасидан дамлама тайёрлаб пешоб ва ўт ҳайдовчи сифатида чой сифатида ичилади. Бунда чой дамлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошигида арпабодиён меваси солинади устига қайнаб турган сув қўйилади, қайта қайнаб чиқиши учун чойнак 10-12 дақиқага оловга қўйилади. Шу дамламага кичкина қошиқда қора чой солиниб, яна 4-5 дақиқа чўғ олдида тутилади, сўнг чойга ўхшатиб ичилади, пешобни яхши ҳайдайди.

Пешобни рангига келсак, агар унинг ранги оқ бўлса, у бод касалидан, қора бўлса, унда иситмадан бўлган. Агар апельсин ва зафорон рангли бўлса, бу баданда сафро кўплигидан бўлади. Агар анжир рангига бўлса, унда баданда қон кўпайганини билдиради деб изоҳлаганлар табиблар.

Пешоб тутилиб қолса, халқ табобатида қадимий табиблар шундай дейишган: Агар кишининг пешоби тутилиб қолса, қалдирғоч боласини шакар билан қайнатиб еса, дарҳол шифо топгай.

Агар кимсанинг пешоби тутилса, беш мисқол (1 мисқол 4,25г) ёнгоқнинг сабугаси (қобиги), беш мисқол сариқ чечак ўт, беш мисқол арпабодиён, беш мисқол совунўт уруғи, беш мисқол қовун илдизини жам қилиб, қайнатиб ичилса, тутилган пешоб ҳайдалади.

Яна бошқа табиатдаги айrim неъматларни чой қилиб ичилса пешобни ҳайдашда яхши наф беради, булардан айримларини келтирамиз:

**Мурчли чой (Чай с чёрным перцем).** Ўзбекистонда ва бошқа Осиё мамлакатларида мурчни чойга кўшиб дамлаб ичилади. Ярим литрли чойнакка кичкина қошиқда олий навли кўк чой солиб, устига туюлган мурчдан ярим чой қошиқ солинади, ёки мурч доналаридан 15 дона солиб, устидан қайноқ сув қўйиб бир оз дам едирилгач чойга ўхшатиб ичилади ва бу яхши пешоб ҳайдайди.

**Седанали чой** (*Чай с чернушкой посевной*). Пешоб ҳайдовчи восита сифатида халқ табобатида седанали чой тавсия этилади. Чой тайёрлаш учун 0,5 л ли чойнакка 20-25 дона седана солинади ва озгина чой қүшиб оловга қўйиб дам едирилади, сўнгра чойга ўхшатиб ичилади.

**Қора-андиз** (*Девясил высокий*). 52-расм. Агар инсонда пешоб тутилиб ва унинг ранги қора бўлса, унда кора-андиз дамламасидан ичиш керак. Дамлама тайёрлаш учун, бирор идишга бир стакан қайнаб сочутилган сув куйилади, устига 2 чой қошиқ қора-андизнинг майдаланган илдиз ва илдизпояси арарлашмасидан солиб, 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 4 маҳал овқатдан 20 дақиқа слдин чорак стакандан ичилади.

Пешоби тутилган киши типратиконнинг ички аъзоларини пишириб тановвул қиласа, яна хўроznинг панжалари билан пишириб еса яхши даво.

Пешоб йўлларида тош бўлса, уни ҳайдаш учун кийик ўтили чой, долчинли чой,райхонли чой, олма чой ва ўрик чойлардан ичиб, пешобни хайдаш билан бирга тошни ҳам ҳайдаш мумкин. Бу чойларнинг ичидаги кийик ўтили чой кучли ҳайдайди.

Нонни сутга ботириб ейилса, пешоб йўлларидаги ачишишга барҳам беради.

#### **Биласизми:**

Қарафс (Петрушка) пешоб ҳайдаб, Танга келтиради наф.

## **ПЕС КАСАЛЛИГИ**

**Касалликнинг келиб чукиш сабаблари.** Одам мунтазам кучли, ёли ва иссиқли овқатларни кўп еса, ундан ташқари пала-партиш овқатланса, танада йиғилиб қолган энергияларни (кучларни) сарфламаса габии мувоззнат бузилиб, турли касалликларга олиб келади, шулардан бири энг оғир ва иллатли касаллик песлик бўлиши мумкин.

Песлик вазаҳ ва баҳақ бўлиши мумкин. Вазаҳ ва баҳақ песлиги ранги қора ёки қизгиш бўлиб терига чукур ботмайди, мўйнинг устида бошқа мўйлар рангидаги қора ёки қизгиш бўлиб ўсишидир, яна ишқалаганда қизаради, унинг соғайишига умид бор. Қизармаса ёмон хили бўлади. Песликнинг фарқи у ҳам баданинг ҳамма жойларида бўлади, терида бўлиб, гўштдан то суюккача ўтади. Устидаги мўйлар ҳам оқ бўлиб ўсади, ишқаланганда қизармайди, соғайиши қийин бўлади.

**Пес касаллигыда табиат неъматларидан фойдаланиш.** Агар қора баҳақ бўлса, бунда қон кўп бўлади. Танадаги куйган хилтни бўшатиш учун томирдан қон олиш зарур. Бунинг учун девпечак ва дараҳт пўкагини, қора ҳалила ҳамдарайхон қайнатмаларига майиз, анжир қўшиб аралаштириб ичиш тавсия этилади. Ундан ташқари ҳар куни 200 г девпечакни бир коса оғиз сувига қўшиб ичилса, аста-секин қора баҳақ ва вазаҳ тарқалади. Агар пес доғлари бўлса унда қон олмаслик зарур. Песлиги бор бемор ҳаммомга тушишдан, шароб ичишдан, томирдан қон олдиришдан сақланиши керак. Лекин ахёнда бир наҳорда ҳаммомга тушиши мумкин. Беморнинг бадани тоза бўлса ҳаммомда терлаш унга фойда қиласи, қусиши ҳам яхши. Булардан ташқари сийдикни ҳайдаш, ични юргизиш яхши натижалар беради.

Песлик — доғли жойларига дорилар ишлатишдан олдин, ўша доғ жойларни анжир барги билан ишқалаб қизартириб кейин дори қўйса бўлади. Айрим вақтларда қонагунча ишқалаш ҳам дорини таъсирини кучайтиради. Беморлар чапланадиган дориларни қўёшга тутиб ишлатсалар яхши ёрдам беради. Табиблар томонидан синалган дорилардан бири бу самбитетулнинг хўл баргини то барг қуригунча зайдун ёғи билан қўшиб қайнатилади. Кейин бу қайнатмани сузгичдан ўтказилади ва унга тозаланган мумдан бир миқдор қўшилади, сўнгра бунинг устига сариқ олтин гугурт сепиб малҳамдек қилинади ва қўёшга тутиб туриб суртилади.

Баданда оқи (песи) бўлган одам тошбака гўштини еса касалдан фориг бўлади. Сичқон, қора ўрдак, қарға қонини аралаштириб, шу омухтани пес тушган жойларга суртилса шифо бўлади. Агар одам пестга чалинган бўлса, у кундузи ва кечаси лола уругини истеъмол қилиши лозим. Пес тушганда лайлак тухумини от тезагига кўмиб қирқ кун сақлаш, кейин уни пес тушган жойларга суртиш ижобий натижада беради.

Бу касалликка чалинган кишилар енгил ҳазм бўладиган овқатларни истеъмол қилишлари керак. Сув ичишдан сақланиши керак, ичадигани шифобахш неъматлардан дамламалар қўшилиб кам оз-оздан ичишлари лозим.

Замонавий тиббиёт маълумотларига қараганда, энг сирли касалликлардан бири бўлмиш песни даволашнинг янги усули Тошкентда профессор Нозима Дехқонхўжаева раҳбарлигига ишлаб чиқилди. Маълумки бу касаллик терининг айрим қисмларида «Меланин» пигментининг йўқолиб, турли шакл ва катталигига оқ доғларнинг пайдо бўлишидан иборат. Келиб чиқиш сабаблари ноъмалум. Олимлар томонидан Амфотерицин В деган дори ишлаб чиқарилди.

Жароқатланган терига бу дори суртилганда касаллик чекинишга юз тутди. Шунингдек витаминалар тўплами кўлланиб, терининг касалланган қисмларига бодом ёғи суртилади ва улар кварц билан нурлантирилади. Даволаш уч босқичда ўтказилади, ҳар бир босқич ораси 1-2 ой ўтказилиб, бемор бутунлай согайиб кетади.

Абу Али ибн Сино: Киши танасида доғлар бўлса, у турп уруғи билан тенг микдорда етмак олиб янчиб ҳамир шаклида тайёрлаб бўлгач, ҳаммомга бориб яхшилаб иссиқ сувда ювениб, сўнг баданини артиб, оқ доғларга турпни уруғидан тайёрланган доридан суртишини тавсия этган. Муолажа ҳар куни такрорланиб туриши шарт, тез кунларда доғлар кетади.

## РУҲЛАР ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ҲУЛОСАЛАР

Ёвуз руҳлар, жинлар ва қора кучларнинг бошқа вакилларини ҳайдаш ҳодисаси дунёдаги турли мамлакатларнинг адабиётида учраб туради. Асосий вазифаси заарарли кучларга қарши курашишдан иборат бўлган хилма-хил сирли маросимларга кўплаб олимлар гувоҳлик беришган. Шу маросимлар ижобий натижалар берганини кўплади ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳи ҳам бўлишган. Гувоҳлар бу ҳодисани руҳий таъсир кўрсатилаётган одамнинг таъсир кўрсатувчи одамга руҳан болглиқлиги билан изоҳлашган. Тиббиёт тадқиқотлари таъсирида янгича қарашлар шунга олиб келадики (руҳнинг бу дунёда бошқа вужудларга қайта-қайта келиши, жинлар ўйини), инсоннинг самовий акси (руҳи) ва ҳаказо ҳодисалар тўғрисидаги ишончли маълумотлар кўпайиб бормоқда ва янгича қарашга ундаиди. Ҳозирги замонавий тиббий тилларда айтилганда, психиатрия билан Эксорсизм ўзаро бир-бирини тўлдиради. Эксорсизм анча олий даражадаги кўшимча бўлган дуога асосланади, инсон бу дуони кучини изоҳлаб беришга қодир эмас. У дуони кўринувчи ва кўринмас мулоқот сифатидагина ҳис эта олади ҳолос. Дуода эса инсоннинг Ҳудога мурожаати, унинг учун шу вақтгача кўринмай уфқларни очиб беради, тиббий ёрдам имкони ҳам шу заилда туғилади. Эксорсизм психиатрияга ҳам, динга ҳам зид эмас, зотан у илоҳий қонундир. Кейинги пайтларда ўзини экстрасенс деб юритадиган шахслар жуда кўпайиб кетишган. Фолбин, кинначи, синиқчи ва чала домлалар ўзларига келган беморларни даволаш қўлларидан келмаганидан кейин, асосий руҳий дардга дучор бўлганларга «бўйиннинг бошқаларни дав олашни олсанг, шу дарддан кугуласан» дейдилар ва беморларни алдаб пулларини, нарсаларини олиб фотиҳа бериб кетадилар, беморларни касали борган сари авжига чиқаверади.

**Пес касаллигига табиат неъматларидан фойдаланиши.** Агар қора баҳақ бўлса, бунда қон кўп бўлади. Танадаги куйган хилтни бўшатиш учун томирдан қон олиш зарур. Бунинг учун девлечак ва дараҳт пўкагини, қора ҳалила ҳамдарайхон қайнатмаларига майиз, анжир қўшиб аралаштириб ичиш тавсия этилади. Ундан ташқари ҳар куни 200 г девпечакни бир коса оғиз сувига қўшиб ичилса, аста-секин қора баҳақ ва вазаҳ тарқалади. Агар пес доғлари бўлса унда қон олмаслик зарур. Песлиги бор бемор ҳаммомга тушишдан, шароб ичишдан, томирдан қон олдиришдан сақланиши керак. Лекин аҳёнда бир наҳорда ҳаммомга тушиши мумкин. Беморнинг бадани тоза бўлса ҳаммомда терлаш унга фойда қиласи, қусиши ҳам яхши. Булардан ташқари сийдикни ҳайдаш, ични юргизиш яхши натижалар беради.

Песлик -- доғли жойларига дорилар ишлатишдан олдин, ўша доғ жойларни анжир барги билан ишқалаб қизартириб кейин дори қўйса бўлади. Айрим вақтларда қонагунча ишқалаш ҳам дорини таъсирини кучайтиради. Беморлар чапланадиган дориларни қўёшга тутиб ишлатсалар яхши ёрдам беради. Табиблар томонидан синалган дорилардан бири бу самбитгулнинг хўл баргини то барг қуригунча зайдун ёғи билан қўшиб қайнатилади. Кейин бу қайнатмани сузгичдан ўтказилади ва унга тозаланган мумдан бир миқдор қўшиллади, сўнгра бунинг устига сариқ олтин гугурт сепиб малҳамдек қилинади ва қуёшга тутиб туриб суртилади.

Баданда оқи (песи) бўлган одам тошбака гўшгини еса касалдан фориг бўлади. Сичқон, қора ўрдак, қарға қонини аралаштириб, шу омухтани пес тушган жойларга суртилса шифо бўлади. Агар одам песга чалинган бўлса, у кундузи ва кечаси лола уругини истеъмол қилиши лозим. Пес тушгандан лайлак тухумини от тезагига кўмиб қирқ кун сақлаш, кейин уни пес тушган жойларга суртиш ижобий натижага беради.

Бу касалликка чалинган кишилар енгил ҳазм бўладиган овқатларни истеъмол қилишлари керак. Сув ичишдан сақланиши керак, ичадигани шифобахш неъматлардан дамламалар қўшилиб кам оз-оздан ичишлари лозим.

Замонавий тиббиёт маълумотларига қараганда, энг сирли касалликлардан бири бўлмиш песни даволашнинг янги усули Тошкентда профессор Нозима Дехқонхўжаева раҳбарлигига ишлаб чиқилди. Маълумки бу касаллик терининг айрим қисмларида «Меланин» пигментининг йўқолиб, турли шакл ва катталигига оқ доғларнинг пайдо бўлишидан иборат. Келиб чиқиши сабаблари ноъмалум. Олимлар томонидан Амфотерицин В деган дори ишлаб чиқарилди.

Жароҳатланган терига бу дори суртилганда касаллик чекинишга юз тутди. Шунингдек витаминалар тўплами қўлланиб, терининг касалланган қисмларига бодом ёғи суртилади ва улар кварц билан нурлантирилади. Даволаш уч босқичда ўтказилади, ҳар бир босқич ораси 1-2 ой ўтказилиб, бемор бутунлай согайиб кетади.

Абу Али ибн Сино: Киши танасида доғлар бўлса, у турп уруғи билан тенг миқдорда етмак олиб янчиб ҳамир шаклида тайёрлаб бўлгач, ҳаммомга бориб яхшилаб иссиқ сувда ювиниб, сўнг баданини артиб, оқ доғларга турпни уруғидан тайёрланган доридан суртишини тавсия этган. Муолажа ҳар куни такрорланиб туриши шарт, тез кунларда доғлар кетади.

## РУҲЛАР ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ҲУЛОСАЛАР

Ёвуз руҳлар, жинлар ва қора кучларнинг бошқа вакилларини ҳайдаш ҳодисаси дунёдаги турли мамлакатларнинг адабиётида учраб туради. Асосий вазифаси заарарли кучларга қарши курашишдан иборат бўлган хилма-хил сирли маросимларга қўплаб олимлар гувоҳлик беришган. Шу маросимлар ижобий натижалар берганини кўплари ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳи ҳам бўлишган. Гувоҳлар бу ҳодисани руҳий таъсир кўрсатилаётган одамнинг таъсир кўрсатувчи одамга руҳан болгилкни билан изоҳлашган. Тиббиёт тадқиқотлари таъсирида янгича қараашлар шунга олиб келадики (руҳнинг бу дунёда бошқа вужудларга қайта-қайта келиши, жинлар ўйини), инсоннинг самовий акси (рухи) ва ҳаказо ҳодисалар тўғрисидаги ишончли маълумотлар кўпайиб бормоқда ва янгича қараашга ундаиди. Ҳозирги замонавий тиббий тилларда айтилганда, психиатрия билан Эксорсизм ўзаро бир-бирини тўлдиради. Эксорсизм анча олий даражадаги кўшимча бўлган дуога асосланади, инсон бу дуони кучини изоҳлаб беришга қодир эмас. У дуони кўринувчи ва кўринмас мулоқот сифатидагина ҳис эта олади ҳолос. Дауда эса инсоннинг Ҳудога мурожаати, унинг учун шу вақтгача кўринмай уфқларни очиб беради, тиббий ёрдам имкони ҳам шу заилда туғилади. Эксорсизм психиатрияга ҳам, динга ҳам зид эмас, зотан у илоҳий қонундир. Кейинги пайтларда ўзини экстрасенс деб юритадиган шахслар жуда кўпайиб кетишган. Фолбин, кинначи, синиқчи ва чала домлалар ўзларига келган беморларни даволаш қўлларидан келмаганидан кейин, асосий руҳий дардга дучор бўлганларга «бўйнинг бошқаларни дав олашни олсанг, шу дардан кутуласан» дейдилар ва беморларни алдаб пулларини, нарсаларини олиб фотиха бериб кетадилар, беморларни касали борган сари авжига чиқаверади.

Қадимги тиббиёт нуқтаси назаридан руҳий дардга дучор бўлғанларнинг шахси иккига бўшинади. Бу шахс ўз қиёфасида ёки бошқалар қиёфасида бўлиши мумкин. Демак, руҳий дардга чалингандар ўзлари ёки бошқалар билан хаёлан гаплашадилар. Уларнинг айтган гапларини бажарадилар, бундай ҳолатларда уларнинг кўзларига ҳар-хил нарсалар кўринади, ўлиб кетган қариндош урувлари, учар ликобчалардагилар билан ва бошқа кўринга! инс-жинслар билан мулоқатда бўладилар. Динда ҳам бундай шахсларни шайтон васвасасига дучор бўлғанлар деб юритилади.

Руҳий хасталикларни даволаш ўта мураккаб, чунки у руҳдарни ҳайдашдан иборат ва бемор руҳини покиза тутишdir. Даволашни экстрасенс таъсирида олиб бориш. Руҳий таъсирипинг яна бир воситаси гипноздир. Гипноз даволаш услуги сифатида ўтган аср ва шу асрнинг бошларидан шифокор француз Сон Черток ва инглиз Жексон томонидан ишлаб чиқилиган ва руҳий касалликка дучор бўлғанларни, айниқса ичкилика, шу билан бирга нашаванд ва гиёхвандликка берилғанларни даволаш учун қўлланган. Гипнозда ишлатиладиган ўзига хос сўзлар инсоннинг руҳиятига таъсири кўрсатади. Тутқаноқ, миопатия (мажруҳлик), қон ивимаслик (гемофилия), ранг ажратмаслик ( дальтонизм), вояга етганда ақл пасайиб кетиши ва бошқалар ирсий касалликка киради. Бу кўпгина мамлакатларда айниқса бизнинг Ўрта Осиё мамлакатларида қариндошлэр билан ўзаро никоҳларда бўлиши катта фойзни ташкил килади. Бундай касалликларини олдини слиш чора тадбирлари-никоҳдан ўтища қариндош уругчиликка йўл кўймаслик лозим.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳам ўтказган тадқиқотлар асосида ирсиятта оид фикрларни ёзиб қолдирган. Агар одам бақувват ва соғлом яшаб, ҳар хил наслий касалликлардан холи бўлса, унинг авлоди ҳам соғ бўлади, деб хулоса чиқарган. Дунёда мўжизавий сеҳргарлар кўплаб учайди. Афсунгарлар, масалан, яқинда ҳайратланадиган Кашпировский гапириб одамларни даволаган бўлса, Чумак тамшаниб, ўткир нигоҳдари билан даволарди. Жанубий Калифорниялик афсунгар доктор Энди Раис ақл бавор қилмас даражада «ҳакимлик» қобилиятига эга, афсунгарнинг даволаш усули уларнидан ҳам анча осон, яъни «Дунё янгилеклари» журналида докторнинг оёқ панжаларини сурати босилди. Журнални харид қилган киши бемалол ўша сурат панжаларини босса бас. Уч дақиқа оёқларингизни докторнинг оёқларига босиб турасиз, шу дақиқаларда вужудингиздаги хасталикни тортиб олаверади, ҳатто бедаво саратон (ракка) ўсимтага мубтало бўлғанлар ҳам дардан фориғ бўлишганмиш.

Дунёни билиш чексиздир, унда ҳали фан тараққиёти даражаси билан тушунтириб бўлмайдиган кўплаб воқеа ва ҳодисалар тўлиб ётиди. Руҳий дунё билимларига деярли эътибор берилмади. Шунинг учун ноанъанавий тадқиқотлардан фойдаланиш керак.

Помидор тановвул қилинганда, уятчанлик йўқола боришини олимлар амалда аниқлашган. Негаки унинг таркибида кўз ва бошқа органларга шифо бағишловчи моддалар билан бирга серотонинга ўхшашиб руҳиятга таъсир қилувчи моддалар ҳам борлиги инсонда дадиллик пайдо қилишига сабабчи экан.

**Биласизми:** Ўтган кишиларингизнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз.

(Ҳадисдан)

*Арзимас нарсага хафа бўлган одам,  
Арзимас нарсадан хурсанд бўлади.*

## САРАТОН (Рак)

Асримизнинг энг даҳшатли касали — саратон (рак) касаллиги, бу савдо ҳилтига тегишли шиш бўлиб, сафро аралашиб қўйган моддалардан келиб чиқади. Саратон кўпина ғовак аъзоларда пайдо бўлади, шунинг учун у аёлларда кўпроқ учрайди. У асабга бой аъзоларда ҳам кўп бўлади. Касалликнинг бошланиши яширин кечади, чунки у дастлаб пайдо бўлганида, уни аниқлаш қийин бўлиб, кейинчалик белгилари кўринади. У бошланишида кичик бақала донидек, каттиқ юмалоқ, хира рангли ва бир қадар ҳароратли бўлади. Унинг баъзиси қаттиқ оғриқти, баъзиси оғриқсиз бўлади, яъна баъзиси ярага айланади. Инсон организмидаги эпителий хужайраси тўқимаси бор бўлган барча органлар — тери, шиллиқ қаватлар, қизилунгач, ўпка, меъда, ичак йўли, сийдик таносил аъзолари, шунингдек мия ва ҳаказоларда саратон пайдо бўлиши мумкин. Саратон хужайралари жуда тез бўлинади ва ривожланади, ҳамда атрофидаги соғлом хужайраларни емиради.

Саратоннинг турлари кўп бўлиб уларнинг кўриниши қисқичбақа оёқлари каби томирлар чиқиши сабабли уни қисқичбақа деб аталади. Кўпинча саратон организм ичкарисида пайдо бўлади. Файласуф олим Сукротнинг айтишича, саратонга тегиб безовта қилмаслик керак, чунки унга тегилса у ҳалокатга олиб боради. Агар уни ўз ҳолига қўйиб даволанмаса, айниқса, арпа суви, тошлоқ балиғи, илтилган тухумнинг сариги ва шуларга ўхшашиб совутувчи, ҳўлловчи, тинч ва беҳавотир модда пайдо қилувчи нарсалар билан

овқатлантирилса, бир қадар соғлиқ билан тириклик муддати узаяди. Агар саратонда ҳаракат бўлса, сигир қатигининг ёғи олинган янги айронни ва хўл сабзавотлар, қовоқдан тайёланган овқат берилади. Саратон кичик бўлса, баъзан уни кесиш мумкин. Шу билан бирга кесиш кўпинча саратоннинг ёмонлигини ортиради. Саратонни билиш учун бадан ҳолатидан олинадиган белгиларнинг турлари: Баъзиси борки, уни ушлаб кўриб билса бўлади.

Абу Али ибн Сино айтишича, хўл ва оғир овқатлар танада хом хилт туғдиради, унинг натижасида шишлар, сокин саратонлар хасталигини келиб чиқади.

**Биласизм:** Саратон касалига чалинмай десангиз, организмни ортиқча заарли хилтлардан тозалаш даркор.

**Саратон касаллигига табиат неъматларидан фойдаланиш.** Саратон касалигида дори ишлатишдан тўрг мақсад кўзда тутилади: саратонни тубдан йўқотиши, (бу қийин албатта) уни зўрайиб кетишини олдини олиш, ярага айланышни тўхтатиши, ва ярага айланганини табиат неъматлари билан даволаш. Саратоннинг авж олишини тўхтатиши келганда, бу мақсадга моддани кесиш, овқатни тузатиш, машҳур қайтарувчи дорилар ёрдамида аъзони кучайтириш ва чапланадиган дорилар ясаб ишлатиш, масалан: тегирмон тоши ва қайроқ тоши ишқалангандан тушган кукунини, шуни тўртдан бир қисмига гул ёғи ва кашнич сиқиб сувини кўйиб, кўргошин ҳовончага солиб кўргошин даста билан яхшилаб ишқаланганда, чиқсан нарсани чапланади. Шунга ўхшаш узум гўрасини янчиб кўйиб, боғлаш ҳам яхши натижга беради.

Саратон ярага айланганда, каноп латтани итузум сувига ботириб мунтазам яра устига қўйилади, латта қуришига яқинлашганда уни қайтадан хўллаб яна устига қўйилади.

Саратон ярага айланганида яна бир яхши усул: одам ўз пешобини яранинг ҳаммаёғига хўл бўлгунча томизиш ва латтага пешобни шимдириб ярага кунига 6-8 маҳал кўйиш керак, ҳамда киши ўз пешобини катталарга 60-100 г дан, болаларга 30-50 г дан кунига 3-4 маҳал ичиш тавсия этилади.

**Саримсоқ (Чеснок).** Америкалик олимлар қаерда саратон бўлса, саримсоқ ҳудди шу ерга кўпроқ таъсир қилиши тўғрисидаги таҳминни билдирганлар. Айниқса ҳар доим саримсоқни хомлигича еб юрган киши саратон касалига камроқ чалинади. Хитой табиблари эса саримсоқдан заҳар кучини кесувчи, ўスマларга таъсир қилувчи восита сифатида фойдаланганлар. Абу Али ибн Сино: Саримсоқнинг микробларга,

бир ҳужайралы содда жониворлар ва замбууругларга қарши таъсир күчига эга экани алоҳида таъкидланади. Корея, Япония, Хитой, Вьетнам мамлакатлари аҳолиси саримсоқни кўп истеъмол қилинади, айниқса уни ҳомлигича салатларга қўшиб ёки ўзини истеъмол қилиш уларда одат тусига кирган. Қуруқ чой эса саримсоқнинг қўланса ҳидини батамом йўқотишга ёрдам беради. Бунинг учун бир дамлам қора чойни оғзингизга солиб шиминг, лекин ютиб юборманг, сўнгра оғзингизни чайқасангиз ноҳуш ҳиддан асар ҳам қолмайди. Саримсоқ шамоллаш, грипп, кўп ҳасталикларни олдини олади ва даволайди.

Яна бошқа усул: 250 г саримсоқ пиёзни майдалааб, устига 200 г 96 градусли спирт қўшиб аралаштирилади ва идиш қопқоғини ёпиб, салқин ва қоронғи жойга қўйилади. 10 кун ўтгач, уни докадан сузиб, яна 2-3 кун сақланади, кейин 50 г совуқ сутга томизиб, ҳар куни 3 маҳал ичилади. Бунда биринчи куни 8 томчи қўшиб, 25 томчига етгунга қадар ичилади ва сўнгра орқага қайтарилади.

*Иттиканак* (*Череда трёхраздельная*). 67-расм. Ҳалқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма саратон ҳасталигини даволашда кўлланилади. Дамлама тайёрлаш учун бирор идишга ярим лифт қайнаб турган сув қўйилади ва ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 2 ош қошиқ солиб, дуҳовкага 12 соатга қўйилади, докадан сузиб қунига чорак стакандан 3-4 маҳал ичилади.

*Кушкўнмас* (*Волчец благословенный*). 68-расм. Агар эркак киши қовуқ ости бези саратон касалига чалинган бўлса, қадимдан бу ўсимликнинг ер устки қисмидан майдалааб 1-2 г истеъмол қилишни касалга буюрилади.

*Қариқиз* (*Лопух войлочный*). 33-расм. Бирор бир идишга 2 чой қошиқ ўсимлик гулидан солиб устига бир стакан қайнаб турган сув қўйилади ва 2 соатга дамлаб қўйилади, докадан сузиб 2-4 маҳал ярим стакандан ичилади.

*Зубтурум* (*Подорожник ланцетный*). 35-расм. Унинг куритилмаган баргидан бир сиким олиб эзилади ва бир ош қошиқ шакар билан аралаштирилиб ва иссиқ жойга 3 ҳафтага қўйиб қўйилади. Ажралган ширадан ўпка ва меъда саратони касаллигига 10-15 кун давомида қунига 3-4 қошиқдан ичилади. 15 кун дам олиб яна 15 кун ичилади.

Рус табиблари томонидан саратонни даволашда янги усул ўйлаб чиқилди. Бу усулга кўра саратон касалини даволаш учун шишга чўяннинг микро заррачалари киритилади, бу ўша шишни қиздириш

имконини беради, ҳарорат баланд бўлиб шиш бор жойда ҳарорат  $43,5^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади, натижада саратон хужайралари 100% гача ҳалок бўлади. Бу усулга 1991 йили ноябрда патент берилди.

Ал-Азхар университети олимлари олиб борган илмий изланишлари натижасида саратон касалини оддини олиш ҳусусиятларига эга бўлган 40 хил озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган. Булардан биринчи ўринда кўк чой, саримсоқ пиёз, район ва қизгиш гуруч туради, улар таомноманинг асосини ташкил этади. Уларга яна баъзи кўкатлар ва дон маҳсулотлари қўшилса, саратон касалига қарши табиий тўсиқ қўйилади.

### Биласизми:

*Қовун билан бирга емагил асал,  
Гар есанг албатта булурсан касал.  
Ҳар ким сабр қилса,  
Оллоҳ уни тезда яхши ниятларига етказади.*

## САРИҚ КАСАЛЛИГИ

**Касалликниң келиб чиқиши сабаблари.** Сариқ касаллиги баданинг хунук сарғайиши ёки қорайиши ўзгаришидан иборатdir. Халқ тиббиётида бу ҳасталикни инсон организмидаги қон таркибида билирубин миқдорининг ортиб кетиши билан изоҳланади. Халқ табобатида эса касалликка сариқ ёки қора хилтнинг сасимасдан терига ва тери остига оқиб бориши сабаб деб кўрсатилади. Сариқ касалида асосан жигарнинг тиқилмалари заарланиб, беркилиб қолади, натижада жигар кенгайиб шишади, жигарга келган қонга жигар тиқилмалари қўшилиб натижада фермент деб аталадиган тиқилмалар кўпаяди ва жигардаги ўт ўз йўли беркилтани туфайли ичакка бормасдан қон орқали танага тарқалади, шундан беморнинг териси, юзи, кўзини оқи сарғаяди, аҳлати оқаради. Талоқ касаллиги билан бўлган жигар кучизлигига эса одам ранги қораяди. Овқат устига овқат ейиш ва овқатланиш тартибини бузиш жигарга энг заарли нарсалардан саналади. Шунинг учун одам ўз саломатлигини ўзи сақлаши лозим.

**Сариқ касаллигига табиат неъматларидан фойдаланиш.** Сариқ касаллигини даволашда икки нарса мақсад қилиб олинади: бири сариқликнинг ўзини ювуви чоридалар, кўз учун ишлатиладиган ва бурунга юбориладиган чоридалар, шунингдек сариқ касаллигини пайдо қилаётган моддани чиқарувчи сурги чоридалар ёрдамида тери ва кўздан кетказишидир. Сариқ бўлган одамга шароб ичиш рухсат этилмайди, лекин сув аралаштирилган шаробни ичиш мумкин.

Улар енгил ҳазм бўладиган гўштларни истеъмол қилишлари зарур, шу билан бир қаторда уйкусизликдан, ғазабланишдан, кўп ҳаракат қилишдан ва ҳаммомда чўмилишдан сақланишлари керак. Сариқ нарсаларга қараш яхши фойда беради, чунки бу нарсалар табиатни савдоли моддаларининг ҳаммасини терига қараб ҳайдашга қўзғатади ва шу билан даволаш иши енгиллашади. Сариқликни кетказадиган дорилар ични суриши, ё сийдикни кучли ҳайдани ёки терлатиши билан даволайди.

Жигар тиқилмаларини очадиган дорилар: санавбарнинг катта уруғидан 3 дирҳам (бир дирҳам 2,975 г  $x 3=8,925$  г), уруги олинган майиздан 5 дирҳам (14,875), олтингугуртдан ярим мисқол (бир мисқол-2,95 г ярими-1,48) девпечак, тог петрушкасининг уруғи, қора нўхат ва оқ кундир елимининг ҳар биридан 2 дирҳамдан-6 г дан; ҳар гал шу таркибдан 1,5 дирҳамдан олиб, яъни 4,5 г дан олиб арпабодиён суви билан бир неча кун истеъмол қилинади.

Сариқ касалини даволаш учун қадимги шарқ табобатида жуда кўл шифобахш ўсимликлардан фойдаланилган, масалан: сариқ касалини даволаш учун сабзини стаканга ўхшатиб ўйлади, ичига ҳар куни бола сийдигини куйиб турилади, сийдикдаги сув буғланиб охири куруқшаб, унинг қолган заррачалари (кристаллари)ни bemорга берилади, кунига 3-4 маҳал ярим мисқолдан (1,5 г) ичиб турилади, 4-5 кунда сариқ касали тарқаб кетади, инсон шифо топади.

*Үрик (Урюк).* Шифобахш неъматлардан ҳисобланниб унинг ўзини қайнатиб, шарбатини сув ўрнида ичиш тавсия этилади. У сариқ касали билан оғриган одамни ичини яхши юргизади, ҳам дори сифатида яхши таъсир этади.

Сариқ касаллигида анорнинг қобиғи, пўстлоги ва гулидан Абу Али ибн Сино тенг микдорда олиб дамлама тайёрлашни ва кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичишни буюради.

*Рўян (Марена красильная).* 46-расм. Абу Али ибн Сино рўян илдизидан тайёрланган қайнатмага озгина асал кўшиб сариқ касали (жигар ва қора жигар) шишларида ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида тавсия қилган. Қайнатма тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйиб, устига майдаланган рўян илдизидан бир чой қошиқ солинади 10 дақиқа қайнатилади, сўнг асал кўшиб кунига 4 маҳал ярим стакан ичилади.

*Коврак (Ферула ваничая).* 49-расм. Ўзбекистоннинг барча ерларида, даштларда, кумли чўлларда, соғ тупроқли ерларда ўсади. Буйи 1 м га етади, пояси тик ўсади, йўғон ичи ковак, гуллари оч сариқ соябонга тўпланган бўлади. Март, апрель ойларида гуллайди.

имконини беради, ҳарорат баланд бўлиб шиш бор жойда ҳарорат 43,5°С га кўтарилади, натижада саратон ҳужайралари 100%гача ҳалок бўлади. Бу усулга 1991 йили ноябрда патент берилди.

Ал-Азхар университети олимлари олиб борган илмий изланишлари натижасида саратон касалини олдини олиш ҳусусиятларига эга бўлган 40 хил озиқ-овқат маҳсулотлари мавжуддиги аниқланган. Булардан биринчи ўринда кўк чой, саримсоқ пиёз,райхон ва қизгиш туруч туради, улар таомноманинг асосини ташкил этади. Уларга яна баъзи кўкатлар ва дон маҳсулотлари кўшилса, саратон касалига қарши табиий тўсиқ кўйилади.

### ***Биласизми:***

*Қовун билан бирга емагил асал,  
Гар есанг албатта булурсан касал.  
Ҳар ким сабр қилса,  
Оллоҳ уни тезда яхши ниятларига етказади.*

## **САРИҚ КАСАЛЛИГИ**

**Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.** Сариқ касаллиги баланнинг хунук сарғайиши ёки қорайиши ўзгаришидан иборатdir. Халқ тиббиётида бу ҳасталикни инсон организмидаги қон таркибида билирубин миқдорининг ортиб кетиши билан изоҳланади. Халқ табобатида эса касалликка сариқ ёки қора хилтнинг сасимасдан терига ва тери остига оқиб бориши сабаб деб кўрсатилади. Сариқ касалида асосан жигарнинг тиқилмалари зарарланиб, беркилиб қолади, натижада жигар кенгайиб шишиади, жигарга келган қонга жигар тиқилмалари кўшилиб натижада фермент деб аталадиган тиқилмалар кўпаяди ва жигардаги ўт ўз йўли беркилгани туфайли ичакка бормасдан қон орқали танага тарқалади, шундан беморнинг териси, юзи, кўзини оқи сарғаяди, аҳлати оқаради. Талоқ касаллиги билан бўлган жигар кучсизлигига эса одам ранги қораяди. Овқат устига овқат ейиш ва овқатланиш тартибини бузиши жигарга энг зарарли нарсалардан саналади. Шунинг учун одам ўз саломатлигини ўзи сақлаши лозим.

**Сариқ касаллигига табиат неъматларидан фойдаланиши.** Сариқ касаллигини даволашда икки нарса мақсад қилиб олинади: бири сариқликнинг ўзини юувучи дорилар, кўз учун ишлатиладиган ва бурунга юбориладиган дорилар, шунингдек сариқ касаллигини пайдо қилаётган моддани чиқарувчи сурги дорилар ёрдамида тери ва кўздан кетказишидир. Сариқ бўлган одамга шароб ичиш рухсат этилмайди, лекин сув аралаштирилган шаробни ичиш мумкин.

Улар енгил ҳазм бўладиган гўштларни истеъмол қилишлари зарур, шу билан бир қаторда уйқусизликдан, ғазабланишдан, кўп ҳаракат қилишдан ва ҳаммомда чўмилишдан сақланишлари керак. Сариқ нарсаларга қарашиб яхши фойда беради, чунки бу нарсалар табиатни савдоли моддаларининг ҳаммасини терига қараб ҳайдашга кўзгатади ва шу билан даволаш иши енгиллашади. Сариқликни кетказадиган дорилар ични суриши, ё сийдикни кучти ҳайдashi ёки терлатиши билан даволайди.

Жигар тикилмаларини очадиган дорилар: санавбарнинг катта уруғидан 3 дирҳам (бир дирҳам 2,975 г  $x 3=8,925$  г), уруги олинган майиздан 5 дирҳам (14,875), олтингугуртдан ярим мисқол (бир мисқол-2,95 г ярими-1,48) девпечак, тоғ петрушкасининг уруги, қора нўхат ва оқ кундир елимининг ҳар биридан 2 дирҳамдан-6 г дан; ҳар гал шу таркибдан 1,5 дирҳамдан олиб, яъни 4,5 г дан олиб арпабодиён суви билан бир неча кун истеъмол қилинади.

Сариқ касалини даволаш учун қадимги шарқ табобатида жуда кўп шифобахш ўсимликлардан фойдаланилган, масалан: сариқ касалини даволаш учун сабзини стаканга ўхшатиб ўйлади, ичига ҳар куни бола сийдигини қўйиб турилади, сийдиқдаги сув буғланиб оҳири қуруқшаб, унинг қолган заррачалари (кристаллари)ни беморга берилади, кунига 3-4 маҳал ярим мисқолдан (1,5 г) ичиб турилади, 4-5 кунда сариқ касали тарқаб кетади, инсон шифо топади.

**Ўрик (Урюк).** Шифобахш неъматлардан ҳисобланниб унинг ўзини қайнатиб, шарбатини сув ўрнида ичиш тавсия этилади. У сариқ касали билан оғриган одамни ичини яхши юргизади, ҳам дори сифатида яхши таъсир этади.

Сариқ касаллигида анорнинг қобиги, пўстлоғи ва гулидан Абу Али ибн Сино тенг миқдорда олиб дамлама тайёрлашни ва кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичишни буюради.

**Рўян (Марена красильная).** 46-расм. Абу Али ибн Сино рўян илдизидан тайёрланган қайнатмага озгина асал қўшиби сариқ касали (жигар ва қора жигар) шишларида ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида тавсия қўлган. Қайнатма тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйиб, устига майдалангандан рўян илдизидан бир чой қошиқ солинади 10 дақиқа қайнатилади, сўнг асал қўшиби кунига 4 маҳал ярим стакан ичилади.

**Көврак (Ферула ваничая).** 49-расм. Ўзбекистоннинг барча ерларида, даштларда, кумли чўлларда, сог тупроқли ерларда ўсади. Буйи 1 м га етади, пояси тик ўсади, йўғон ичи ковак, гуллари оч сариқ соябонга тўпланган бўлади. Март, апрель ойларида гуллайди.

Ўсимлик илдизидан елим-смола олинади. Бунинг учун поя чиқармаган ўсимликнинг илдиз атрофи чуқур қилиб ковланади. Сўнгра илдизнинг юқори томонидан озгина жойи кесиб кўйилади. Шу ердан елим-смола оқиб чиқади. Қотиб қолган смолани эртасига йигиб олинади. Илдизни кесиб кўйилади, илдизда елим-смола тамом бўлгунга қадар бу иш қайтарилаверади. Абу Али ибн Сино коврак ўсимлигининг елим-смоласини жигар сариқ касаллигида, талоқ, меъда, буйрак касалпикларида, ҳамда сийдик ҳайдовчи сифатида bemorрга хаб дори шаклида кунига 3 маҳал берган.

*Қовул* (*Каперцы колючие*). Бу ўсимлик судралиб ўсади, гуллари оқ. Халқ табобатида сариқ касаллигида ўсимликнинг илдизидан тайёрланган қайнатма тавсия этилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув кўйиб, устига майдаланганд қовул илдизидан бир чой қошиқ солинади ва 15-25 дақиқа қайнатилади. Сўнгра докадан сузиб қайнатмадан кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

*Шотара* (*Дымянка войяна*). 59-расм. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма сариқ касаллигини даволашда қўлланилади. Қайнатма тайёрлаш учун бир стакан сувга бир чой қошиқда майдаланганд ўсимликнинг ер устки қисмидан солинади ва 5 дақиқа қайнатилади. Сўнгра докадан сузиб 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

*Чақамиқ* (*Подмаренник цепкий*). Халқ табобатида сариқ касалига чалингнларга чақамиқ ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани ичирилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув кўйиб, устига ўсимликнинг майдаланганд ер устки қисмидан озгина солинади ва 3-4 соат дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 3-4 маҳал чорак стакандан оз-оздан хўплаб ичилади.

*Қовоқ* (*Тыква*). Халқ табобатида сариқ касалини даволаш учун қовоқнинг пўстини ҳомлигича ейиш тавсия этилади. Ундан ташқари қовоқнинг гўштили қисмини сувда пишириб ейиш ҳам яхши фойда беради.

*Қорақанд* (*Смородина*). 29-расм. Баргини дамлаб ичирилади.

Седанадан етти дона олиб, уни аёл сутида бирор соат ивитиб, ундан бурунга томизилса, сариқ касаллиги ва кўз сариқлигига яхши фойда қиласи.

Болгариялик башоратчи Вангани айтишига қараганда сариқ касаллигида касаллик аён бўлиши билан 3 кун давомида лимон сувига бир чой қошиқда истеъмол содаси аралаштириб, наҳор ичилади.

**Сариқ касали билан оғриган беморга анор шарбатига ботириб қаттиқ нонни едириш керак.**

**Түя истиҳсо (Верблюд).** Сариқ сув касаллiği безовта қылган киши түянинг пешобидан ҳар куни қандга аралаштириб, қирқ мисқол (бир мисқол 2,95г) ичса, у бутунлай дардан фориғ бўлади.

**Ялпиз (Мята).** 11-расм. Сариқ касални даволайди, меъдани мустаҳкамлайди.

**Бодом (Миндаль обыкновенная).** 4-расм. Тожик ҳалқ табобатида чучук бодом мағзидан сариқ касалини даволашда фойдаланилади. Бунинг учун бемор биринчи куни тозаланган бодом мағзидан 2-3 маҳал 5 донадан истеъмол қиласи. Кейинги кун мағизи сонини 5 тагача кўпайтирилади. Шундай қилиб 4-5 кунга бориб бемор ўртacha 70 дона мағиз ейди. Шундан сўнг ушбу тартибда мағиз сонини 15 тагача туширади, кейин истеъмол қилишни тўхтатилади, бу ҳам яхши фойда беради.

**Турп (Редька).** Сариқ касалини даволаб жигардаги тиқилмаларини кетказиш, турп баргини дамлаб ичиш тавсия этилади.

Ундан ташқари турп уругини янчиб унидан ҳамир қилиб нўхотдай қилиб кунига 3 маҳал биттадан ичиб турилса жигар оғригини қолдиради.

**Яна Алой (Сабур).** Баргини чайнаб ейилса жигардаги тиқилмаларни очади, ҳамда меъда оғригини қодиради.

**Биласизми:** Турп уругин дамлаб ичса, меъдани юмшатиб, қиласар мулойм, жигар тиқилмасин очади доим.

## СЕМИЗЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ортиқча семизлик одам организмни учун ўта ноҳуш вазиятларни келтириб чиқаради. Шу сабабли семириб кетмасликни истаган кишиларга қуйидаги тартибда парҳез қилишни ва доимо вазнини назорат қилиб боришни тавсия этамиз. Киши семириб кетмаслиги учун арпа нон, карам, сабзи, қовоқ ҳамда сут, қатик, пишлоқ каби маҳсулотларни кўпроқ, мол ёғи, товуқ, ўрдак ва гоз ёғини камроқ истеъмол қилиши керак. Бир ойда икки кун овқат емаслик ёки ўша кунлари 1,5 кг олмани 5га бўлиб истеъмол қилиш буюрилади. Бундан ташқари, 1,5 литр сут ёки қатиқни бга бўлиб ичиб ҳам пархез тутиш мумкин. Бир кун давомида 600 г турли хил мева шарбатларини 800 г наъматак шарбатига аралаштириб ичиш керак. Буни 5 марта такрорланса, фойда беради.

Ҳар куни писта, маккажӯхори ва пахта ёғида тайёрланган овқатларни истеъмол этиш тавсия қилинади. Парҳез даврида умуман гӯшт, балиқ, аччиқ ва шўр нарсалар, қовурилган, дудланган таомлар, колбасаларни емаслик керак. Таркибида калий ва кальций кўпроқ бўлган меваларни, денгиз карами, ўрик, олхўри, картошка, сули ва гречка, сабзи, карам, лимон, петрушка ва укропни истеъмол этиш ва бир кун давомида бир ярим литр суюқлик истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бир кунда оз-оздан беш маҳал овқатланиш тавсия этилади. Бирданига кўп овқат емаслик лозим. Ётиш олдидан бир стакан қатиқ ёки сут ичиш ҳам фойдалидир. Бир кун мобайнида куйидаги тартибда овқатланиш ҳам фойдалидир: эрталаб карам, сельдерей, кашнич ва ўсимлик мойи солиб тайёрланган салатлар ейиш лозим. Гречка ёки сули бўтқаси, сутли овқат, қандсиз, тузсиз тайёрланган таомлар. Тушликда карам шўрва, ярим кунликда олма чой, наъматак шарбатидан 200 г (8-10 та наъматак 200 г қайнот сувда дамланади). Кечкурун сувда пиширилган 110 г балиқ, тузсиз, сувда пиширилган картошка, қандсиз чой буюрилади. Ётиш олдидан қатиқ ёки сут, кун бўйи давомида эса 2-нав ундан тайёрланган 100 г нон истеъмол қилинади. Мана шу тартибдаги пархез жуда фойдалидир.

Агар семиришни истасангиз яхши овқатланиб, кўпроқ телевизор кўринг. Гарвард университети олимлари қизиқарли тажриба ўтказишиди. Текшириш турли ёшдаги 6 минг нафар одамлар орасида олиб борилди. Маълум бўлишибча, телевизорни бир кеча кундузда 3 соатдан ортиқ томоша қилинса, инсон оғирлигининг оргиши тезлашаркан. Айниқса 18 ёшдан 26 ёшгача бўлганлар орасида бу жараён янада тезкорлик билан ўтаркан. Шунинг учун «Соғлиғинг ўз кўлингда» деган иборани доим ёдда сақламоқ даркор.

Абу Али ибн Сино: баданни озиқлантариш ва семиртириш учун маска ёғи суртиш кераклигини айтади. Ёввойи сано уруги долчин семиртиради ҳамда юз рангини ва бадан тусини чиройли қиласи. Сут ҳам семиртиради. Ҳатто оғиз суви иссиқ ва куруқ мижоз сабабли озган одамларнинг мижозини хўллаш ва ёмон ҳилтларни чиқариш ва шубилан озиқани яхшилаш орқали семиртиради. Қатиқни темир тўполи билан берилса, ўшандай одамларни тез семиртиради. Каклик гўшти семиртиради. Абу Бакр Розий бундай дейди: озғинларни ҳар куни иссиқ сувга ўтказиш, баданига гунафша ёғи суртиш ва шакарсиз арпа суви билан озғинлиги тузалпунча чора кўриш керак. Ундан сўнг иссиқ сувга ўтказиш ва гунафша ёғини суркашни такрор буюриб, қовундан ташқари хўл меваларни ейишга руҳсат берилади.

### Биласизми:

Танга берсанг доим ширинлигу ёғ,  
Жонинг жавҳарини кўрмагайсан соғ.

## СЎГАЛ

**Касалшкнинг келиб чиқиш сабаблари.** Сўтал тери устида пайдо бўладиган юзаси ғадир-бутир ёки ясси думалоқ, нўхатдек кўринишдаги ҳафсиз ўсмадир. Сўтал ҳар хил заарли микроблар туфайли пайдо бўлади. Кўпинча сўтал бармоқларда, юзда, оёқ тагида юзага келади. Одам 40-50 дан ошгандан сўнг эса баъзи кишиларда кўкрактига, елкасига, бўйнига кичкина-кичкина ясси сўтал чиқади. Бу сўгалларни қариллик сўгаллари дейилади. Сўтал одамни унчалик безовта қилмасада, юза қисмда пайдо бўлганлари бирор нарсага тегса қонайди, оғрийди, кўл-оёқларингизни хунук кўрсатади. Оёқ тагида пайдо бўлган сўгаллар эса қадоқقا ўхшаб қадалиб, оғрийди.

**Халқ табобатида сўгалларни йўқотиш усуллари.** Ҳар куни кечкурун ётишдан олдин сирка кислотасини ҳар бир сўгалнинг устига эҳтиётлик билан бир томчидан томизилади, терининг бошқа бир ерига сирка кислотаси томиб кетмаслиги керак. Сўтал устига томизилган бир томчи сирка уни куйдиради ва сўтал 2-3 кундан сўнг тушиб кетади.

Агар сўтал оёқда бўлиб ва жуда катта бўлса, унда истеъмол содаси солинган қайноқ сувга оёқни солиб, уни обдон ивитилади, кейин сўгални устидаги қотиб қолган терини иложи борича қириб ташланади. Сўнг оёқни куруқ латта билан яхшилаб куригунча артилади. Шундан кейин кичкина-кичкина ҳом гўшт кесиб сўтал устига кўйиб, ёпишқоқ (пластырь) ва дока билан болграб 3-4 кунга қолдирилади, шу вақтда сувга тегилтирмаслик керак. 3-4 кундан кейин болгамни олиб ташланади, ва оёқни яна қайноқ сувга истеъмол содаси аралаштириб бир оз ивитилади, сўтал ўзи тезда тушиб кетади.

Сўгални йўқотиш учун халқ табобатида яна бошқа бир усул бор, у ҳам бўлса саримсоқни сиқиб ширасидан ёки саримсоқни тозалаб бўлагини олиб кесиб шуни сўгалнинг устига кунига 5-6 ва ундан ҳам кўпроқ, яхшилаб ишқаланса, сўтал 3-4 кунда ўзи этдан ажralиб тушиб кетади.

Хурмо суви билан илон пўстини аралаштириб, сўгалнинг устига кўйилса, тез кунда сўгални тушиб кетишига ёрдам беради.

Пиёз уругини туз билан қўшиб янчиб сўталга кўйилса, уни қўпоради.

Сўгални қайта-қайта карам шарбати билан артилса у тезда йўқолади.

*Анжир (Инжир).* 2-расм. Анжирнинг хомини, шунингдек баргини, хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига суртилса, тез кунда натижа беради, яъни ход ва сўгални йўқотади.

Қоқигул баргини майдалаб узум сиркаси қўшиб сўгалга ҳар куни суртилса турилса 3-4 кунда уни йўқотади.

*Тоғжамбили.* 51-расм. Тоғжамбил ҳам ҳалқ табобатида сўгални йўқотишида ишлатилади.

## СЕПКИЛЛАРНИ ВА ДОГЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

*Касаликнинг келиб чиқиши сабаблари.* Инсон организмида бирор бир модда етишмаслиги ёки модда алмашинувининг бузилиши оқибатида, танага (юзга, кўлга, оёққа, бўйинга ...) ҳар хил тошмалар, сепкиллар тошади. Айниқса бу ҳомиладор аёлларда кўп кузатилади, чунки ҳомиладор аёлларнинг организмига қабул қилинаётган озиқанинг кўпчилиги она қорнида ривожланаётган боланинг озиқланишига сарфланади.

Ундан ташқари инсон узоқ касал бўлиб, энди касалдан тургандарда озуқаларни етишмовчилиги оқибатида ҳар хил тошмалар пайдо бўлиб, айримлари кўп вақтгача бадандан кетмасдан кишининг галати бир ёқимсиз кўринишларига олиб келади. Ва яна яралар ёки ҳар хил тошмалар чиқсан жойлари қонталаш дод бўлиб қолади, буларни йўқотиш учун она табиатга мурожат этиш лозим.

*Сепкилларни, додларни йўқотишида табиат неъматларидан фойдаланиш.* *Тактак.* 53-расм. Бу ўсимлик қир-адирларда ўсади. Ҳалқ орасида у ёввойи арпа деб ҳам юритилади. Июнь ойининг ўрталарида пишиб етилади. Тактакнинг дони қорамтири бўлади, бошоги пишганда терилади ва уни куритиб янчиб ун қилиб олинади. Бу ўсимлик гаройиб таъсир кучига эга. Унинг уни билан 3-4 кун юз ювилса сепкилни, бошқа додларни кетказади, темираткини ҳам йўқ қиласди.

Лимоннинг сувини сиқиб у билан юзни ювилса сепкилни кетказади.

*Пиёз (Лук)* юзни қизартиради, уруги додни кетказади.

*Петрушка обыкновенная.* Петрушкани янги узиб олинганидан сиқиб олинган шарбати юздаги додларни, сепкилни кетказиб, чивин ва ари чақсанда ҳам жароҳатларни даволашда яхши фойда беради.

*Ровоч (Ревень татарский).* 27-расм. Халқ табобатида ровоч илдизини қайнатмасига озгина узум сиркасидан қўшиб сепкил ва теридаги ярадан қолган изларга фойда қиласди. Теридан жой олган бўлса бирор из, доғми ё сепкилми йўқотар беиз.

*Хантал (Горчица саренская).* 48-расм. Халқ табобатида ханталнинг уни билан тенг миқдорда асал кўшилади, пиёзгул гулларини қайнатиб унга қайнатмани аралаштириб, сепкил ё доғ тушган жойларга суртилса уларни йўқотади.

*Келинтили (Горец почечуйный).* Халқ табобатида келинтили янгисини уруги билан янчиб, юздаги доғга, сепкилга, ва эскирган нұқтали қон талашларга суртилса уларни кетказади.

Агар эчкини ўпкасини сепкиллик юзга суртилса, у сепкилни йўқ қиласди.

Ҳар кимнинг юзида сепкил бўлса, товушқоннинг қонини суртса йўқ қиласди.

Аччик бодомни майдалаб, уни шаробга қўшиб юз ювилса сепкил йўқолади.

Бақлажон сувидан юзига суртса, юздаги доғлар кетади.

Мошнинг илдизини сиқиб олинган ширасини юзга суртса, сепкилни кетказади.

Картошка ниқоб юздаги ажинларни йўқотади. Картошкани қайнатинг ва эзив, унга озгина сут қўшинг, сўнгра юзга суртинг.

Петрушканинг япроғини ва илдизини ярим соат давомида паст оловда қайнатилади. Қайнатма бир оз совуб тингач, юмшоқ матога шимдириб, юзга ёпиштирилади. 20-30 дақиқадан сўнг дармон ниқоб олинади. Ҳафтада 2 марта такрорланиши лозим, ундан сўнг одамнинг юзи тиник, тоза бўлади.

Сабзи, лимон, апельсин пўчоқларини яхшилаб юваб, қирғичдан ўтказиб, юзга чаплаб, бир икки соат турса юз дам олади, ҳам ёшариб очилади.

Рангни тиниқлаштириш учун нонни увоқларини сувда ивитиб тухумни оқи билан ивиган ушоқларни сизиб олинганига қўшиб аралаштириб юзга суртилади.

Яна юз тиник бўлиши учун нўхат ва илитилган тухум, гүшт сели ва анжир енг. Анжир қон айланишини равон қиласди. Сабзавотлардан турп, пиёз, карам ва саримсоқни тез-тез истеъмол қилиб туриш керак. Шунда юздаги доғлар йўқолиб ёшаради.

Сепкил ва қора доғлар ҳомиладор аёлларда учраганда, доғларни кетказиш учун кўпроқ редиска, сут истеъмол қилиш керак. Ҳар куни ҳар хил пиёз, бодрингларнинг шарбати билан юз териси артиб турилади.

Ҳар хил дөгларни ва ажин тушишдан сақлашда қуийдаги мулажа қилинади: 1 ош қошиқ сузма, 1 та тухумнинг оқи ва бир ош қошиқда ўсимлик ёғи яхшилаб аралаштирилиб, юзга қалин қилиб суртилади. 20-25 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювилади.

Инсоннинг рангини оқартириш, ҳар хил дөглардан ҳоли бўлиш учун: бир бойлам укроп олиб 10-15 дақиқага сувга солиб қайнатилади ва уни докадан ўтказиб, оғзи бекиладиган идишда музлатгичга қўйилади. Ана шу қайнатма билан ҳар куни юз артиб турилса, дөглар кетиб, шўралаганлар йўқолиб, ранг оқариб асл ҳолига келади.

Миср аёлларининг такидлашларича, агар юзда ҳар хил сепкил ва дөглар бўлса, улар мунтазам равишда кум маскани қилиб турсалар, юздаги сепкил, доғлар кетиб, юз териси ёшааркан. Кўз остидаги ва бошқа ажинлар текисланиб йўқоларкан. Қуёш нурида қизиган кумдан фойдаланиш керак.

### Биласизми:

*Тухумни сарифини асалга қўшиб ҳар қачон,  
Суркалса юз доғин кетказар ҳар он.*

СУТ

(Она сути камайиб кетганда)

Эмизикли аёлларда баъзи сабабларга кўра сути камайиб кетиши ҳоллари кузатилади. Эмизикли аёл ҳаяжонланмасдан бўлар-бўлмасга жаҳли чиқмасдан, ўзини ҳотиржам тутиши лозим. Чунки онадаги кайфият сути орқали таъсир болага ҳам бўлади. Эмизикли аёл заарли ва кўнгли тортмаган нарсаларни танавул қилмаслиги керак. Шунингдек, сут таъмини бузадиган турли кўкатлар, хомпиёз, саримсоқ ейишдан ҳам ўзини тийгани маъқул. Сут келиши қийинлашганда кўкрак учларига олмос суртилса сут йўли очилади. Эмизикли аёлнинг сути камайиб кетганда қадимги шарқ табобатида қийдагилардан фойдалангандар.

Агар эмизикли аёлнинг сути бўлмаса, унда эчкини сутида лавлагини қайнатиб, ҳаммасини бирга истеъмол қилса сути кўпаяди.

**Швіт—Бодиён (Укроп пахучий).** Халқ табобатида швітнинг мева дамламаси сутини кўпайтирувчи дори сифатида тавсия қилинади. Швіт мевасидан дамлама тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб ва унинг устига 2 чой қошиқ майдалантган мевадан солинади сўнг 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Кейин докадан сузилади. Тайёр бўлган дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади. Лекин бу дамлама қон босимини туширади.

*Анжир (Инжир).* 2-расм. Абу Али ибн Синонинг аниқлашича анжир шарбати эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиришга ёрдам берар экан. Шарбат тайёрлаш учун 15-20 г анжир мева қоқиси олиниб, 200 г қайнот сувда 30 дақиқа дамланади. Шу дамламадан кунига 3-4 маҳал 1-2 стакандан ичилади.

*Тугмачагул (Мальва дикая).* 43-расм. Халқ табобатида маълум бўлишича ўсимлик баргидан ёки гулидан тайёрланган дамлама эмизикли аёлларни сутини кўпайтиради. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига майдаланган баргидан ёки гулидан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади, сўнгра докадан сузилади ва озроқ қанд қўшилади, бу дамламадан кунига 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади.

Яна сутни кўпайтириш учун нилуфар гулини дамлаб ва унга арпа дамламасидан қўшилади ва уни кунига 3-4 маҳал 1-2 пиёладан ичилади.

Булардан ташқари эмизикли аёлларни сутини кўпайтириш учун, райхонли чой, арпабодиёнили чой, седанали чой ва бодиёнили чойларни ичиш тавсия этилади.

## СИЙДИК ТУТА ОЛМАСЛИК

*Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.* Кечаси уйқуда ўринга сийиб кўйиш, кундузи беихтиёр сийиб юбориш, сийдик тута олмаслик ҳоллари болалар орасида кўп кузатилади. Қовуқ, буйрак, сийдик пуфаги ва сийдик йўлларининг атрофида жойлашган мушакларнинг шамоллаши туфайли ёш болалар кечаси ва кундузи уҳдаётганида ўрнига сийиб кўяди. Сийдик тута олмаслик ҳамма ёшдаги одамларда учрайди. Катта ёшдаги одамлар бу касалликни кўпинча яширадилар. Баъзан бу касаллик сабабли ёш оиласар ажрашиб кетишади. Катта ёшдаги кишилар орқа ва бош мия касалликларида сийдик тута олмай қоладилар. Айниқса орқа мия зарарланган ёки ўсма ўсаётган бўлса, сийдикни ушлаш қийин бўлади.

Бош мия қон томири торайганда, айниқса кекса ёшдаги кишилар кулганда, ёки қаттиқ асабийлашганда сийдик чиқиб кетиши, баъзан сийиб юбориш ҳоллари кузатилади, бундай ҳодисалар кўпроқ хотин қизларда учрайди. Сийдикни ушлай олмайдиган кишиларга қовуқ бўғимчаси фаолиятини яхшиловчи табиат неъматларидан фойдаланишлари лозим.

**Табиат незъматларидан фойдаланиши услублари.** Одатда янги туғилған чақалоқ кундан-кунга тез-тез сиядиган бўлади. Бир кеча кундузда ўрта ҳисобда 16 мартадан 20 мартағача сийиши мумкин. Ёш болани целофанга ўраш ярамайди, уни тез-тез тўсиш керак, ёшлигидан шунга ўргатиш лозим. Болани таги ҳар доим ҳўл бўлса, бора-бора бола шунга ўрганиб қолади. Боланинг сийгиси қистаса, у бироз безовта бўлиб, финшийди, сесканади, шу захоти она уни тўсса турса шунга ўрганади ва бадани, бош мия шунга ҳаракат қилиб, таги қуруқ бўлишини ҳоҳлаб" қолади.

Бола уҳлаётганда чалқанча, кифти билан, ҳамда корин билан ётмасдан, ёнбошлаб ётса сийиб қўйишни олдини олади.

Болалар уйқу олдидан кўп суюқлик ичмасликлари керак, бунинг ўрнига зубтурум (подорожник) баргидан тайёрланган дамлама ичилса яхши фойда беради.

Вақти-вақти билан боланинг киндигига асал қўйиш буюрилади.

Халқ табобатида сийиб қўйиш касаллигини буткул давоси бор. Энг муҳими даволанувчи киши фақат айтилған тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариши зарур. Бунинг учун бир боғ исирикни майдалаб, бир пақир сувда 20-25 дақиқа қайнатиш керак, сўнгра докадан сузиб, тоғорага солиб, бадан куймайдиган қилиб болани кечкурун ётишдан олдин шу сувга ўтказиш зарур. Агар қайнатма боланинг белигача чиқмаса устига иссиқ сув куйиш лозим. Тоғорадаги сувдан чўмичда олиб, боланинг елкаларидан куйиб туриш керак. Сув совугач болани бошқа сувда чаймасдан, чойшабга ўраб куритиш керак, сўнг кийинтириш лозим. Тоғорадаги совуган сувни олиб куйиб, яна 4-5 мартағача иситиб ишлатса бўлади. Кечаси бола уҳлаши олдидан оёғининг тагига асал суртиб кўйиш керак. Бунинг учун қоғоз ёки целофанни оёқ тагига мулжаллаб кесилади, унга асал суртиб оёқ тагига ёпиштириб, устидан пайпоқ кийдириб қўйилади. Эрталаб олиб ташланади ва оёқ иссиқ ҳўлланган латта билан артилади. Бу муолажани ҳар куни 2 ой давомида бажарилади.

Ётиш олдидан боланинг киндигидан бошлаб оёғининг учигача қўй ёғи суркаш яхши фойда беради. Бунинг учун 3 ёшли қора кўчкорнинг 400 г картдумба ёғини ҳом эритиб (жиззани саргайтирмай ) олиб, ундан ҳар куни 1-2 чой қошигини иситиб суркалади. Уни ишқалаб танага сингдириб юборилади. Боланинг боши ва юзига офтоб туширмаган ҳолда баданини офтобда тоблаш лозим. Бунинг учун уни яланғочлаб қовугини офтобга тутиш зарур. Биринчи ойда баданига дод қилинган пахта ёғи суркаш керак, кейинчалик суркамаса ҳам бўлади.

Болгарилик башоратчи Ванга ҳам офтобда тобланишни буюради. Даволаниш даврида ҳар куни 6 та ёнгоқ, 2 чой қошиқ асал, бир боғ кашнични 3 кунга бўлиб истеъмол килиш керак. Кунора нўхат ва ловия пишириб ейиш лозим. Чой ўрнида наъматак дамламаси ичилади ва қуюқ иссиклик овқатлар ейилади. Катталарга ҳам даволаниш усули шунга ўхшаш бўлади Яна бошқа усуллар:

Абу Али ибн Сино айтишича, чигирткани қовуриб болага едирилса, сийиб қўйиш дардига даво бўлар экан.

**Далачой** (*Зверобой обыкновенный*). 22-расм. Халқ табобатида сийиб қўядиган кишиларга далачой ўсимлиги дамламасидан ичиб туриш лозим. Бунинг учун бир стакан қайнаб турган сувга 10 г ўсимликнинг майдалангандан ер устки қисмидан солиб бир оз дамланади. Шундан кунига 2-4 маҳал бир ош қошиқдан ичиш тавсия этилади.

**Жағ-жағ.** 69-расм. Жағ-жағ ўтидан дамлама тайёрлаб, дамламадан чорак стакандан 4 маҳал ичиш керак.

**Швим** (*Укроп*) уруғидан бир ош қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувда дамланади. Шу дамламани бир йўла ичиб юборилади.

Агар қишида киши сийдик тутолмаса, унда шакар билан исириқни тенг миқдорда олиб ҳар доим еб туриши керак.

Агар ёзда киши сийдик тутолмаса, 3 г кашничга 12 г шакар кўшиб туйиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

#### ***Биласизми:***

Уйқуда сиймоқлик бўлса одатинг,  
Парҳез қил, кам бўлсин овқатинг.

### **СИЙДИК ТУТИЛИШИ**

**Касалликнинг келиб-чиқиши сабаблари.** Сийдик тутилиши сабаби: баъзан қовуқнинг ўзида бўлади, қовуқнинг кучсизлиги; бу мижознинг, айниқса совуқ мижознинг бузилиши орқасида, масалан: шимол шамолининг кўп эсиши орқасида пайдо бўлади, ёки у шиш ва бошқа касалликлар натижасида пайдо бўлади. Бунда қовуқ сийдикни ҳайдаш вақтида уни табиий ҳолдагидек сиқиб чиқариш учун унинг ҳаммасини қулай қамраб ололмайди. Сийдик тутилишига сийдик йўлида тош бўлиши, ундан ташқари сўтал, ортиқ ўсан гўшт ва эт униши, ҳамда инсон чотидаги безлар шамоллашидан сабаб бўлиши мумкин.

Касалликни олдин сабабини билиб, сўнг даволаш лозим.

Агар сийдик тутилишининг сабаби тош бўлса, тошнинг қаерда бўлишига қараб даволанади, агар сабаби юқорида айтилган сугалдан ёки шиц ёки ўстин гўштдан бўлса, бунинг учун бўшаштирувчи ванналар қабу қилиш, нордон нарсалардан сақланиш керак, ва пешоб ҳайдовчи бобидаги пешоб ҳайдовчи нарсалардан фойдаланиш лозим.

Агар сабаб сийдикни узоқ ушлаб турилса, унга қарши зигир уруги ва бедадан тайёрланган юмшатиб бўшаштирувчи ванналар ва шу ўсимликлар ёғидан тайёрланган қуюқ суртмалар билан даволанади. Сўнгра сийдикни юргизиша кучли дорилардан фойдаланилади.

*Пол-пола (Эрва шерстистая).* У халқ табобатида кучли сийдик ҳайовчи восита сифатида ишлтилади. Дамлама тайёрлаш учун ўсимликнинг майдаланганидан 2 чой қошибини бир стакан қайнаб турган сувга солинади, бироз дамланади, дамламага озгина шакар кўшиб, кунига ярим стакандан 3 маҳал овқатдан олдин ичилади.

Сийдирувчи нарсаларга келсак, улар тог петрушкасининг уруги, ёввойи сабзи уруги, коврак елими, ёввойи укроп илдизи, тог сумбули илдизи, игир буларнинг ҳаммасига турп сувини, арпабодиён ширасини кўшиб ичилса яхши фойда қиласди.

Абу Али ибн Сино сийдик йўлидаги ва қовуқдаги яраларда, ўсма, шиш ва бошқа касаллийкларни даволашда 0,07 г мумиёни мева шарбатига аралаштириб ичибни тавсия этган, кунига бир мартадан бир ой давомида.

Сийиш қийинлашганда агар дорилар кор қилмаса, катетр ва сийдирувчи нарсалардан фойдаланиш керак бўлади, қовуқда шиш бўлса бундай йўл тутиш ярамайди.

#### Биласизми:

*Сийидиги тутилиб, киши бўлса ҳор,  
Совуқ мижоз унга далилдир ошкор.  
Армон содасидан сийдик йўлига,  
Кўйилса очилиб сиҳат бўлар ёр.*

## **СИЛ КАСАЛЛИГИ** *(Туберкулёз)*

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Айтишларига қараганда сил касаллиги инсоният яратилгандан бери мавжуд экан. Яъни мисрда эрамиздан уч минг йил аввал яшаган ва мумиёланиб қолдирилган ҳар ўнта одам жасадидан тўртгасининг умуртқасида сил касалтигидан қолган белгилар аниқланган. Сил касаллиги одамнинг қайси аъзосини

— ўпка, сүяк бўғинлари, буйрак, лимфа безларини жароҳатламасин, касалликда бутун тана заарланади. Сил касалига чалинган беморлар кўпинча букчайган, кўқрак қафаси тор, кифилари чиқсан бўлади, улар иккита қаноти бордек, елкалари тирсакдан олди ва орқа томондан ажралгандек бўлиб кўринади. Сил касаллига чалинувчи энг совуқ мижозли бўладилар. Сил касаллигига чалиниш ёш 18-30 ёшлар ҳисобланади. Бу касаллик совуқ иқлимли мамлакатларда кўпроқ учрайди ва кўпроқ куз фаслида авж олади.

Сил касаллиги юқумли касаллик бўлиб, у сил таёқчалари орқали юқади. Ўпка силини бошланғич даврида тана ҳарорати  $37,0-37,5^{\circ}$  С бўлади. Сүяк силида касалликнинг маҳаллий белгилари қайси сүяк бўғинлари касалланган бўлса ўша жой қаттиқ оғрийди. Касалликка этибор бермасдан юришик натижасида у авж олиб умуртқалар атрофида кўплаб йиринг йиғилиши мумкин ва сүяклар чириш ҳолати кузатилади. Тизза бўғинлари силида дастлаб оғриқ пайдо бўлади, оғриқ айниқса bemor юрганида кучаяди, дам олганда оғриқ енгиллашиб бўғинда озгина шипп пайдо бўлиши мумкин. У шиш аста-секин катталашиб, баъзан тери тешилиб яра бўлиб, йиринг оқиши мумкин. Бундай ҳолатда bemor ўзи эса юролмай, кўлтиқ таёқлар ёрдамида юради.

**Касалликни даволаш усуллари.** Сил касаллиги аниқланганда уни авж олишига йўл қўймаслик учун куйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш тавсия этилади.

***Зигир уруғи (Семена лына кудряша).*** Абу Али ибн Сино ўпка силида зигир уруғи қайнатмасини сутга кўшиб, 2-3 ой давомида наҳорда ярим стакандан ичишни тавсия этган. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуйилади ва унинг устига 2 чой қошиқ майдаланган зигир уруғи солинади. Кейин уни 5 дақиқа қайнатилади ва докадан сузиб сутга кўшиб ичилади. Агар bemornи ҳарорати тушмаса, унга сут ичириш буорилади. Сут яра зардобини ва йирингини кетказади. Сутларнинг энг фойдалиси аёл ва эшак сугидир, ундан кейин эчки сути туради. Бия сути ҳам тозаловчи ва балғам кўчишини енгиллашигурувчи хусусиятларга эга. Эшак сутини ичиш учун уч ёки беш ойлик эшак танлаб олинади. Уни соғицдан аввал хурмача иссиқ сув билан ювилади кейин, унга сут соғилади ва ярим суккурожа (бир суккурожа- 106,25 г, демак-53,12 г)дан ҳар куни 3 ҳафтагача bemorgа ичирилади. Эшак ёки бошқа ҳайвонлар сутини ёғоч идишда сақлаган яхши. Bemor овқатига келсак, улар оқ нон, умоч оши, гуручли овқатлар, яхши қайнатилган ария оши истеъмол қилишлари лозим. Улар кўпроқ сув ичишлари керак. Бундай bemорлар тез-тез ҳаммомга тушиб турсалар улар семириб кучларига куч қўшилади.

*Барғыз итсегак (Анабазис безлистный).* Ўсимлик илдизини кузда ковлаб олиниб, сувда ювилади ва майды бўлакларга бўлиниб, очиқ ҳавода қутиллади. Халқ табобатида итсегак илдизидан тайёрланган қайнатма ўпка сили касаллигида даво хисобланади. Қайнатма тайёрлаш учун бир ош қошиқ майдаланган илдизни бир стакан сувга солиб 10 дақиқа қайнатилади, сўнгра докадан сузиб, бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарлидир.

*Қизил тасма (Горец птичий).* Ўсимлик гуллагандага ер устки қисми ўриб олинади ва салқин ерда қутиллади. Ундан тайёрланган дамлама ўпка сили касалликларида ичилди. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув куйиб, устига ўсимликнинг майдалаб қутилган ер устки қисмидан 3 чой қошиқ солинади, 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади, муолажа 20-30 кун давом этирилади.

*Кўка (Мать-мачеха).* 8-расм. Абу Али ибн Сино ўсимликнинг қутилмаган барг ширасини (илдиз ширасини ҳам) ўпка сили касалларига ялатишни тавсия этган.

*Тоғрайхон (Душика мелкоцветная).* 34-расм. Халқ табобатида ўсимлик дамламасини ўпка сили касаллигида тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турғат сув куйиб, устига тоғрайхоннинг ер устки қисмидан 15 г солинади ва 2 соатга дамлаб, сўнгра докадан сузиб, кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

*Совунүт (Очный цвет пашенный).* 47-расм. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ўпка сили, буйракдаги тошга, тутқаноқ, касалликларини даволаща ишлатилади. Совунүтдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув куйиб, устига ўсимликнинг қутилиб майдаланган ер устки қисмидан ярим чой қошиқ солинади, 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 3-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Юқорида келтирилган табиат неъматларидан мижозга мослашиб 1-3 ой давомида фойдаланилса, бемор албатта шифо топгай.

Абу Али ибн Сино сил касали билан оғриган кишиларга кўпроқ типратикон гўштини истеъмол қилишни буюрган.

### Биласизми:

*Сининг иллатидан ҳар ким бўлса хор,  
Арпа сув, эшакнинг сутин бер тақрор.  
Ҳаммомда бошингдан қўйсанг совуқ сув,  
Тананга касаллик ёпишгуси дув.*

## СОЧ КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.** Сочнинг касалликларидан соч куриши, соч тўклиши ва вақтдан аввал оқариб кетиши, ҳамда ёғли соchlар соч ҳасталикларига киради. Соch куриб кетиши инсон организмига А дармондориси етишмаслигидан келиб чиқади. Агар бошда кепак — казоқ бўлса, бу бошдаги ёғ безлари фаолиятини бузилтанидан дарак беради. Соддаги ранг берувчи моддалар вақт ўтиши билан камайиб боради. Шунинг учун одам кексайгач соchlари оқара бошлайди. Лекин баъзан ўшларнинг ҳам соch оқара бошлайди. Бу асаб тизими фаолиятининг кескин ўзгариши, организмда дармондориларнинг етишмаслиги натижасида содир бўлади. Бундай вақтда инсон организмига В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>5</sub>, РР дармондорилар жуда зарур. Булар мол жигари, буйраги, сут, гўшт, балиқ., пишлоқ каби маҳсулотларда кўп бўлади. Соch оқараётган ёш йигит-қизлар биринчи наебатда овқатланиш тартибига риоя қилишлари лозим. Оқарган соchни бўяш мумкин, лекин бундай муолажани ҳар 2-3 ойда такрорлаш керак, чунки соch бир ойда 1-2 см.га ўсади. Бўяща пала-партишилкка йўл кўйилса соch толалари заифлашиб, кўп тўклишига ёки синишига сабаб бўлади.

### **Соч касалликларида табиат неъматларидан фойдаланиши.**

Соч тўклишида, саримсоқни майдалаб эзиб, бўтқа шаклида бошга суртиш тавсия этилади. Болгарилик башоратчи Вангани айтишича бошни соf тупроқнинг лойи (белая глина) билан ювиб, соch тўкилган жойларга бир ой давомида лимонни паррак-паррак қилиб кесиб суртиш лозим.

Соч тўкилган жойга куйдирилган саримсоқ пўстини зайдун мойига қўшиб малҳам тайрлаб суриш ҳам ижобий натижа беради.

Соч-соқоли чиқмаган киши күённинг ўтини суртиши лозим.

Киши ойда бир марта лимон шарбати билан бошини артиб турса, у бош терисидаги қон томирларнинг фаолиятини яхшилаб, соch толасини мустаҳкамлайди.

Соч барваqt оқариб кетганда, қизил лавлагини қайнатиб оқарган соch-соқолга суртилса уни қорайтиради.

Агар саримсоқни пўстини зифир ёғи бирла соch ва соқолга суртса улар қораяди.

Агар бинафша гули билан ҳалилани қўшиб соch-соқолга суртса қорайтиради.

Агар олма, ўсма, хина суви ҳаммасини бир қилиб сочга суртилса, қорайтиради.

Соч-соқолни бўяш-ўз кўзини бўяш, оқ соchlар киши зийнати.

Сочлар оқариб кетаётган, тўкилаётган бўлса, уларга бўлка нон, гуручли овқат, жўхори, жигар ёрдам беради.

Сочни хом (гур) ёнгоқ пўстларидан тайёрланган дамлама билан ювилса, у кўнғир тусга киради, жилоланади.

Сариқ ингичка ва қуруқ сочга аччиқ қилиб дамланган чой ва пиёз дамламаси суртилса, соч жилоланибгина қолмасдан, балки унинг илдизи ҳам мустаҳкамланади, буни вақти-вақти билан такрорланиб турилса соч янада кўнғир тус олади.

Ёғлиқ соchlарни ювишдан яrim соат олдин бош терисига бир чой қошиқ асал, алоэ шарбати, лимон шарбати, тухум сариги ва майдаланганди бир бош саримсоқ пиёздан тайёрланган аралашмани суртиш керак.

Агар соч ювандан кейин у қуруқ ва хира кўринса ёки ёмон турмакланса, унда бошни турли шифобахш ўсимликлар дамламалари билан чайиш керак. Мойчечак, ялпиз, қариқиз ўсимликларидан фойдаланиш мумкин. Дамлама тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдалаб куритилган ўсимликни идишга солиб, устидан 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади бир оз дам етагчундан фойдаланиш мумкин.

Бош ювишдан аввал (айниҳса соч бўялган бўлса) уни 10 дақиқа уқалаш лозим. бунинг учун бармоқларингизни айланма ҳаракат билан терини бош суягига нисбатан силжитиб бошга ўсимлик, зигир, чиқамук, касторка ёғларидан суртиш керак. Бу ёгларни соchlарни тутамларга ажратиб бутун узунлиги бўйича суртилади. Ён яхши шимилиб кетиши учун уқалашдан сўнг сочни буғ устидан тараш лозим. Соch соелом бўлиши учун кўпроқ мева-сабзавотлардан истеъмол қилиш керак.

Соч-соқол ва ўслан мўйни йўқотиш усуллари. Агар тананинг айрим жойларида мўйни (жунни) йўқотиш керак бўлса: 150 г бангидевона (дурман обыкновенный, 17-расм.) ўсимлигини олиб, шуни бир литр қайноқ сувда дамланади аччиқ бўлиб чиқиши керак, бу дамлама узоқ вақт айнимайди. Шу дамламадан пахтагами ёки бирор матога шимдириб танадаги муй йўқотилиши керак бўлган жойларга суртилса, тез кунда мўйлар йўқолиб, бошқа чиқмайди.

Яна бошқа усул: хом ёнгоқни (ғўрасини) кесиб унинг шарбатини мўй йўқотиш керак бўлган жойга кунига 2-3 марта суртилса, тез кунда мўй йўқолади.

Ибн Синонинг айтишларича: Алоэ ўсимлигини олиб, эзиб унга тенг миқдорда узум шарбатини аралаштириб бошга суртилса, соч тўкилишини тўхтатади, муолажани 3-4 марта такрорлаш керак.

Сочни бўяш усули: Соч ранги тўқ, сарғиши бўлиши учун, яхши пишмаган ёнгоқ меваси икки донасини олиб бир литр сувда қайнатилади, токи шу сувнинг ярим қолгунча, тайёр бўлган қайнатмани илиқ қилиб яхши ювиб қуритилган сочга суртилади.

**Биласизми:** *Қора соқолингга оқ тушган замон,  
Умринг оҳирига бўлади нишон.  
Соч-соқол балғамдан бўлади оптоқ.*

## СУЯК КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Одамнинг суяклари чиқинти, синиши, чириши, шақиллаши ва қақшаб оғиши мумкин. Суяк чиқишида: суякнинг ўз жойидан ва табиий вазиятидан бир томонга қараб бутунлай чиқиши ёки бўғиннинг чукур ёки дўнг томонга қараб тойиб кетиши ҳисобланади, бу ушлаб кўриш орқали билинади. Касалланган бўғин ҳаракат қилолмаса, батамом чиққанлигидан дарак беради. Агар у турли томонга қараб ҳаракат қилиб, илтари етадиган жойларига ета олса, унда суяк чиқмаган бўлади.

Суяк синишида: синиш суякка ҳос узлуксизликнинг бузилиши бўлиб, шу сабабли суяқда ажралиш юзага келади.

Суяклар чириши: Бу ҳасталиқ асосан сил касаллигида кузатилади. Сил таёқчалари танадаги айрим аъзоларни чиритибгина қолмай, суякларни ҳам чиритади.

Суяклар шиқиллаши: Бунда бўғимлар шиқиллайди. Одамнинг ёши катталашган сари моддалар алмашинуви анча секинлашиб боради. Кўпчилик кишиларда қирқ ўйдан сўнг, айниқса эллик, олтмиш ўйдан кейин бўғим усти тогайсимон пардаси ўртасида бўладиган ёғсимон модда куюқлашиб, натижада бўғим усти куриб, қақшаб оғриди ва ҳаракат вақтида шакиллайдиган бўлиб қолади. Бу «Артроз» касаллиги дейилади. Бу касаллик ўшларда ҳам учрайди. У қаттиқ оғриқ ва шиш билан кузатилади. Ундан ташқари суякларнинг қақшаб оғиши ноҳуш ҳолат уйғотувчи дард бўлиб, кўпинча қаттиқ шамоллаш, чарчаш ёки инсон организмида бошқа бирор ўзгариш оқибатида рўй бериши мумкин.

**Касалликни табиат неъматларидан фойдаланиб даволаш умумлари.** Суяклар чиққанда даволаш тадбири қўйидагича: Бунинг учун бир суякнинг боши иккинчи суякнинг бошига тўғри бўлгунича бўғинни чиққан жойига қарши томонга қараб тортилади, кейин уни чиққан жойига қайтарилади. Шунда у жойига тушади, бу кўпинча шиқиллаб чиққан товушдан билинади. Кейин боғлаб қўйилади, боғлаб қўйиш шишишдан сақлайди.

Суяклар синганда: Синган суякларни ўз ҳолига қайтарилса, болаларда тез битиб кетиши мумкин. Жойига қайтарилгандан сүнг анорни пүстлөгини, ўзини ва гулини эзib синган жойга бойланса яхши шифо бўлади. Синган суяклар турли муддатда бирикади, чунончи, бурун суяги 10 кунда, қовурға суяги 20 кунда, билак ва унга яқин жойлардаги суяклар 30 кундан 40 кунгача, сон суяги 50 кунда бирикади, баъзан бирикиши 3-4 ойга ва ундан кўпроқ муддатга ҷузилади. Биритириш қоидаси аъзони керакли микдорда тортишдан иборат. Синган суякнинг ўша куннинг ўзида тузатиб тахтакачлаб қўйиш керак. Чунки муддат қанча узайса, жойига тушиши қийин бўлади.

Суяклар шиқиллашида: Оғриган бўғимларни иссиқ қилиб туриш керак. Бунинг учун парафин, азокерит, балчиг қўйиш мумкин. Силаш кабилар бўғимда қон айланишини, моддалар алмашинувини яхшилади. Буларни вақти-вақти билан бажариш яхши натижа беради, шунингдек дармондориларга бой сабзавотларни еб туриш керак.

Суяклар қақшаб оғриганда: Ёввойи мурч ўсимлигининг барги ва ёш навдаларидан бир сиқим олиб майдалаб, ярим литр сувда (ранги сарикқа айлангунга қадар) қайнатилади. Сүнгра шу қайнатмани пахта ёки бошқа бирор матога шимдириб, оғриётган жойга малҳам сифатида қўйилади. Бу дори кучли таъсир қилиши қадимдан маълум.

*Исириқ (Гермала).* 1-расм. Андростан. Абу Али ибн Сино суяк оғриғи ҳасталикларини даволашда исириққа катта аҳамият берган. Унинг тиббиётига доир асарларида таъкидланишича, тизза ва суякларниң қаттиқ ва қақшаб оғриган пайтида энг яхши оғриқ қолдирувчи омил исириқ экан. Бунинг учун бир сиқим исириқни икки стакан сувда қайнатилади ва бу қайнатмани 10 кун давомида пахта ёки бирор бир бошқа матога шимдириб, оғриган жойга суртиб турилса, беморга мадад бериши мумкин.

Болгариялик башоратчи Вангани айтишича, суяклари қақшаб оғриган киши ўша ериға мошина мойини суртиб силаса ва қўёшга тоблантиурса, тез кунларда оғриқлари батамом қолар экан.

Қадимдан ҳалқ табобатчилигига суяклар оғриганида 250 г ёнгоқ баргини бир литр сувда ярим соат қайнатиб, ушбу қайнатмани оғриётган жойга ванна, яъни қайнатмага солиб бир оз турилган ва бу яхши шифо қилган.

#### Биласизми:

*Бел оғриқ юз берар қариган чоғда,  
Асо турад, дармон қолмай оёқда.*

*Низомий Ганжавий.*

## ТАНАДА СУВ ЙИГИЛИШИ

**Касаллкнинг келиб чиқиши сабаблари.** Одам организмининг ҳамма ташқи ва ички аъзоларининг ҳужайраларида суюқлик йигилиши оқибатида тана шишиб кетади. Бу ҳасталик танага лимфа томирлари девори ва безлари орқали кўп суюқлик чиқиши оқибатида юз беради. Бу қонга ва лимфага озиқа орқали кўп миқдорда суюқлик келиши сабаб бўлади. киши организмига кирган жамики ортиқча нарсалар, ҳоҳ у суюқлик бўлсин, ҳоҳ бошқа турдаги моддалар бўлсин, организмдаги барча аъзолар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Танада шишиб пайдо бўлишининг сабабларидан бири: Ҳаддан ташқари кўп таом ейиш ва ортиқча суюқлик истеъмол қилишdir.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш усуллари.** Тана шишини халқ табобатида парҳез йўли билан даволанган, шу китобда очлик билан даволаш сарлавҳасидагини ўқиб, кўнгил ҳоҳлаганча 1 кунликми, 3 кунликми ё 5 кунлиқми очлик қилиб даволаниш мумкин ва бу муолажа яхши натижা беради, шу билан бирга камроқ суюқлик ичган маъкул.

**Укроп (Швим).** Бу зиравор ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани сийдик ҳайдовчи дори сифатида ичиш тавсия этилади.

**Қора-зира (Тмин обыкновенный).** Ундан тайёрланган дамлама ел ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун қора-зирадан 1-2 чой қошиқ олиб бир стакан қайноқ сувда 2 соат дамлаб кўйиб сўнг ичилади.

**Эрмон (Полынь горькая).** 24-расм. Халқ табобатида ундан дамлама тайёрлаб ва уни танадан ел ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилган. Дамлама тайёрлаш учун 2 стакан қайноқ сувга 1 чой қошиқ ўсимлик ер устки қисмидан солиниб дамланади, шундан чорак стакандан ичилади.

**Игир (Аир болотный).** 60-расм. Идлиз поясидан тайёрланган дамламани кунига 3 маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичиш буюрилади.

**Карафс (Сельдерей пахучий)** илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, ел ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи сифатида тавсия этилади.

**Мўмиё (Мумия).** Бутун организмга куч-куват бахш этиб, танадаги губорни сўриб олади, тиқилиб, дамланиб қолган нарсаларни юриширади. (мошдек қилиб ичиш керак).

### Биласизми:

Сув гарчи бўлса ҳам ширину зилол,  
Ортиқча ичилса келтириар малол.

## ТЕМИРАТКИ

**Касалшкниң келиб чиқши сабаблари.** Инсон организмидага модда алмашинуви бузилганида ёки бирор-бир турдаги модда етишмовчилиги рўй берганида унинг терисига турли ҳил тошмалар тошиши мумкин. Темиратки ҳам мана шу тошмалар сирасига кириб, у баъзан тананинг барча қисмига тарқалиб кетиши мумкин.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш.** Темиратки даволашда куйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланилади.

**Тактак (Трава злаковая).** 53-расм. Ўсимликни қуритиб, ҳовончада янчиб, ун шаклига келтирилади ва шу кукундан темираткига сепилади, 3-4 муолажадан сўнг тошмалар йўқолиб кетади. Бундан ташқари ўсимлик мевасидан 10-15 донасини олиб, дамлаб ичилса, яхши шифо қиласди.

**Қора андиз (Девясил высокий).** 52-расм. Таркибида 2-3% эфир мойи, сапонин, инулин, лактон, қанд ва бошқа моддалар бор. Бу ўсимликнинг барги ва илдизи темиратки, экзема ҳамда бошқа турли ҳил тери касалликларига қарши даво сифатида ишлатилади. Қора андиз илдизини майдалаб, ундан 100 г олиб, бир литр сувда 15 дақиқа қайнатилади ва бу шу дамламадан темираткида ванна қилишда фойдаланилади.

**Руян (Марена красильная).** 46-расм. Абу Али ибн Сино айтишича: Руян илдизи қайнатмасига узум сиркасини кўшиб, темираткига кўйилса, уни тузатиб, теридағи турли доғларни йўқотади.

**Ҳантал (Горчица сарепская).** 48-расм. Ҳалқ табобатида 200-500 г ҳантдал уругини олиб, сув ээзилтириб (ванна) сўнг катта тогорага солинади, устидан сув кўйиб темиратки, кўтирда абзан (ванна) қабул қилиш тавсия этилади. (20 дақиқадан ошмаслиги керак).

**Гулхайри (Алтея лекарственная).** 25-расм. Унинг уругига сирка кўшиб тайёрланган малҳамни офтобда ўтириб темираткига сурилса касаллиқдан фориғ бўлиди.

**Исириқ (Гермала).** 1-расм. Уни талқон қилиб, сувга аралаштириб темираткига суртилса, касаллик чекинади. Талқонидан ўзини малҳам қиласа ҳам бўлади.

Темираткига бир мисқол (4,25 г) дарё кўпигини эски сирка билан аралаштириб сурилса яхши натижага беради.

Тамакини қайнатиб ва унга учоғ қурумини күшиб темираткига суртилса шифо бўлади. Булардан ташқари темираткида олҳўри, анжир, келинтили, чақамувлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

## ТИРНОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Инсон организмидаги юз берган бирор бир салбий ўзгаришлар ёки кимёвий моддалар таъсирида тирноқлар юмшаб, тушиб кетиши мумкин. Бундай ҳолларда шифобахш неъматлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тирноқлар юмшаб тушиб кетадиган бўлиб қолса, Адармондориларига бой бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим, буларга сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин, жигар ва сут маҳсулотлари киради.

Баъзилар тирноқ тушиб кетишидан, ҳали юзларига, ҳали бўйинларига чипқон чиқаверишидан нолийдилар. Бундай ҳолатда кўпроқ ёнгоқ, кунгабоқар, каноп ёғини истеъмол қилинса одам тез орада бу касалликдан шифо топади. Бунинг учун ёнгоқ магзини олиб, унга тенг миқдорда пистани (кунгабоқарни) магзи қўшилади ва ҳовончада бирга туюлади, уларга каноп ёғидан қўшиб аралаштириб сўнг юмшаб кетган ҳамда тушиб кетаётган тирноқларга ва чипқон чиқаётган ерларга ҳам суртилади. Бундай вактда кўпроқ ёнгоқ ва писта истеъмол қилиш керак.

Болгарилик башоратчи Вангани айтишига қарагандаги, тирноқлари моғор касалига чалинган одам қуюқ қаҳва қайнатиб, қўлларини 2-3 марта ўшанга солиса касалдан фориг бўлар экан. Яна бошқа муолажасида шундай деб ёзди: Тирноқ ёнидаги тери тиришишидан шикоят қилган одамга болари уяенини кукун бўлгунча туйиб, унга эрмон ва ароқ аралаштириб, оғриган тирноқ ёнидаги терига суриш тавсия этилади.

Киши танасида ҳўллик устун келса, исириқ ва седана уругини туйиб унга бирор ширинлик қўшиб ва ҳаммомга кириб, шу аралашмани баданга ва бармоқлар орасига яхшилаб суртиш тавсия этилади.

### **Биласизми:**

Тирноқни шанба куни олиб бўлмайди, баҳтсизлик келтиради.

Тирноқни пайшанба куни олинса, яхши бўлади.

Кўл-оёқ тирноқларини олиб бўлгач, қуруқ ерга ташлаш керак.

«Айтадиларким Тирногинг намдадур, дилинг ғамдадур»

## ТУТҚАНОҚ

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Тутқаноқ — бу оғир дард бўлиб, асосан бош мия фаолиятининг бузилиши ёки миянинг олдинги қоринчасида ётган заардан пайдо бўлган умумий тиришиш сабабли вужудга келади, яъни унинг шикастланиши (руҳий кечинмалар, яқин кишиларнинг вафот этиши ёки бетоблиги, оилавий келишмовчиликлар) ва шунга ўхшаш асаб бузадиган даражадаги воқеалар, ирсий омиллар, уйқу бузилишлари ва ички безлар фаолиятининг бузилиши, пала- партиш жинсий алоқа қилиш ва кўп-кўп ҳаётий камчиликлар, спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш ва бошқа руҳий омиллар, ҳаром-ҳариш юришлар тутқаноқ касалини келтириб чиқаради.

Тутқаноқ нафсоний аъзоларнинг сезиш ва ҳаракат ишларига ҳамда тик туришга тўсқинлик қиласидиган касалликдир, лекин тўсқинлиги тўла бўлмайди.

Болаларда тутқаноқ кўпинча тугилишнинг дастлабки даврларида, гоҳо ўсмирилик даврида бўлади. Уларни тўғри даволаса касаллик йўқолиб кетади, бўлмаса сурункали бўлиб қолади. Тутқаноққа ташқи таъсиrlар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан: Ҳаддан ташқари кўп ейиш, ичиш ва меъда бузилиши, офтобда кўп бўлиш.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш иссиқлари.** Тутқаноги бор болани чақмоқ, довул, ногора, карнай, момақалдироқ, кўнгироқ овозлари ва кишиларнинг бақирган товушлари каби тўсатдан кўркитадиган овозлардан сақлаш керак, шунингдек уларни уйқусизлик, газабланиш, кўрқиши, қаттиқ совуқ ёки иссиқдан сақлаш лозим, овқатдан аввал енгил бадантарбия қилдириш керак, овқатдан кейин эса ҳаракат қилдирмаслик керак. Тутқаноги бор одамларга енгил ҳазм бўладиган овқатлар ейиши керак, балиқ ва барча ҳайвон гўштларидан парҳез қилиб, уларга жўжа, бедана, мусича, чумчук гўштлари берилиши лозим. Касаллинг тутқаноги тутган вақтда оғзи юмилиб қолмаслиги учун тишлари орасига қошиб тикиш лозим. Бундай беморларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ҳам фойдали тадбирларданdir.

Баъзи табибларнинг фикрича, тутқаноқ сафродан бўлса, даволаш учун ваннага тушиш, буринга юбориладиган совуқлик ва ҳўлловчи нарсаларни ишлатишга буюрилади.

Беморга тутқаноқ тутган ва тутмаган вақтда ҳам гўзакўт ҳиддатиш тавсия этилади.

Тутқаноги бор киши ит териси устига ўтиrsa, тутқаноқ тутиши тўхтайди.

Болгарилик башоратчи Ванга тутқаноғи бор бемор миясининг орқа томонидаги пастки чуқурчага гул япроқ (горицвет, адонис)ни майдалаб кўйдишни тавсия этган.

*Мош (Mash).* Ҳалқ табобатида мошни томирини қуритиб талқон қилиб узум сиркасига аралаштириб, тутқаноғи бор кишига ҳидлатиш тавсия этилади.

*Ялпиз (Мята).* 11-расм. Абу Али ибн Синонинг айтишича янги ялпизни сиқиб шарбатига озгина сув қўшиб, тутқаноғи бор одамнинг мия чуқурчасига қўйилса тезда шифо топгай.

*Кашнич уруғли чой (Чай из семян колеандра посевного).* Ҳалқ табобатида бош айланишда ва тутқаноқ касалида уни чой қилиб ичиб турилади. Чой тайёрлаш учун, бир чой қошиқ кашнич уругини 0,5 л сувга солинади 5-7 дақиқа қайнатилади ва унга кичкина қошиқда қора чой солиб, сўнг докадан сузиб ичилади (муз солиб яхна ҳолда истеъмол қиласа ҳам бўлади). Ибн Сино «Тиб қонунлари» II жилд 1956й. 342 бет.

*Анжир (Инжир обыкновенный).* 2-расм. Мевали дарахт. Ҳалқ табобатида тутқаноқ касалида хўл ва куруқ анжирни қайнатиб ичиш тавсия этилади. Қайнатма тайёрлаш учун 100 ганжир қоқисига 2 стакан қайноқ сув кўйиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. 2-3 соат қўйиб қўйилади, сўнг сузилади. Қайнатмадан кунига 2-3 маҳал ярим стакандан ичилади.

*Бутакўз (Васильёк синий).* 18-расм. Тутқаноқ касали бор кишига ўсимлиқдан дамлама қилиб ичирилса, ёки бурундан юборилса, мияни тозалайди ва яхши фойда беради. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан 15-20 дақиқа олдин чорак стакандан ичилади.

*Совунёт (Очный цвет пашенний).* 47-расм. Абу Али ибн Сино ўсимлик дамламасини тутқаноқ касалликларини даволащда ишлатган. Совунётдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига ўсимликнинг қуритиб майдаланган ер устки қисмидан ярим чой қошиқ солиб 10 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб, кунига 3-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Бу юқорида ёзилганлардан ташқари яна тутқоноқ касалида табиат шифобахш неъматларидан эрмон, тоғрайхон, шувоқ, сассиққалаф, санчикўт ва исириқни дамлаб ичиб турилса астасекин касаллик тарқалади.

## Биласизми:

Эчки жигарини еса тутқаноқ,  
Тутқаноғи тұмар ўша ондаёқ.

## ТУМОВ

**Касаллуккінг келиб чикиш сабаблари.** Тумов — бу киши елвізак, фур-фурак (сквозняк)да ўтирганида, қор ёмғирда ивиб күп қолиб кетганида, терлаб туриб сув ва бошқа совуқ нарсаларни ейиш, ичиш ҳамда совуқ сувда ювиниш оқыбатида тумов бўлиши мумкин. Бунда кишида иситма кўтарилиб, кейинчалик тушиб бурундан суюқлик моддалар кўп келади, боши оғрийди, кўзлари ёшланади ва ҳаказо. Тумов бўлган киши нафас олишга қийналиб, йўтала бошлайди.

Ўтмишда ўтган табиблар ёзишича: киши тумов иллатига йўлиқса, бунинг сабаби тўрт нарсадир: Бириңчиси - совуқ ҳаводан таъсирланиши; Иккинчиси - кўкрак шамоллаши; Учинчиси - барча аъзонинг бошдан оёқ шамоллаши; Тўртинчиси - қизиб турган меъдага совуқ сув, совуқ мевалар ва ичимликкінг тушиши, бунинг натижасида меъда ҳароратининг сўнишидири. Тумовнинг тўртта белгиси бор. 1- белги юрак безовталанади, 2- белги йўтал пайдо бўлади, 3- белги ҳарорат бадандада кўтарилади, ва ниҳоят 4- белги бош оғриши. Тумовни даволаш учун олдини уни келтириб чиқарган сабабини аниқлаб, уни йўқотиши, кейин табиат инъом этган неъматлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Тумовни даволаш усуллари.** Пиёз (*Лук репчатый*). Халқ табобатида киши тумов бўлганида пиёз яхши доривор сифатида тавсия этилади. Пиёзни тухумдан каттарофини олиб артиб бир идишга қирғичдан ўтказилади ёки майда қилиб тўғралади, сўнг унинг устига энгашиб оғизни очиб 10 дақиқа ҳидлаб турилади, бурун билан 80-100 марта, оғиз билан 80-100 марта нафас олинади, кейин шу тўғралган пиёзнинг идиш тагидаги сувига тоза пахтани шимдириб, буруннинг иккала катагига 2 томчидан томизилади. Бу муолажани тумов бўлганда биринчи куни 3 маҳал қайтарилса, тумов ўша куни қайтади ва нафас олиш енгиллашади, бурун оқиши тақда тўхтайди.

Пиёз билан қилинадиган содда муолажалардан яна бири: Тумов ҳуруж қилаётганини сезиб қолсангиз, бир бош пиёз ёки саримсоқни қирқиб тез- тез исқаб туринг, шунда дарднинг зўрайишини олдини олинади.

Бөлгариялык башоратчи Вангани айтишига қараганда, тумов бүлган киши бир чой қошиқ асалға икки ярим чой қошиқ ҳом лавлаги шираси күшиб ва уни бурун катакларига түрт маҳал беш томчидан томизса, кечаси пайпоққа хандал (горчица) кукунидан солиб уни кийиб ётса тезда шифо топади.

*Седанали чой (Чай из чернушки посевной).* Халқ табобатида инсон тумов бүлганида седанали чой ичиш тавсия этилади, у яхши фойда қилади. Седанали чойни дамлаш учун бир литрлик чойнакка бир чой қошиғида қора ёки күк чой солиб ва устига 20-25 дона седана солиб, устига қайноқ сув күйиладида, 3-4 дақықа чўёда дам едирилгандан сўнг чойга ўхшатиб асал билан ичилади.

### ***Биласизми:***

#### ***Совуқ тумов***

*Совуқ тумовлигин билгач билимдон  
Седана шарбатидин ичмоғи аён,  
Овқатга нұхоттинг шұрвасин ичса  
Наф топиб тузалиб кетар бегумон.*

#### ***Иссиқ тумов***

*Иссиқ тумов билан оғриса киши  
Нилуфар шарбатин лозим ичиши,  
Шарбатдан сўнг яна арпаю мошдан  
Овқат қилиб еса соз бўлар иши.*

#### ***Тумов тадбири***

*Сен зигирни куйдирib, тутунига бурнингни тут,  
У тумовни йўқотиб, дардни қилар тезда унум.*

## **ТУШЛАР КЎРИШ**

Маълумки туш кўриш қизиқлиги, мураккаблиги ва турли туман тасодифий воқеаларга бойлиги билан киши дикқатини ўзига торгади. Ҳамма ёшдаги одам туш кўриши мумкин. Асосан тез уйқуга кетадиган кишилар кўп туш кўришади. Секин уйқуга кетадиган одамларда бу ҳолат жуда кам кузатилади. Бир кечанинг ўзида 4-5 марта туш кўриш мумкин. Баъзи одамлар кўрган тушларини хотираларидан тез чиқариб юборадилар ва мен туш кўрмайман дейдилар, бу эса нотўғри. Болаларнинг туши ўз ёшларига мос бўлади. Ёшроқ кишилар кўпроқ туш кўриб, одам ёши улғайган сари камроқ туш кўрар экан.

Агар бирор киши кўрган тушини у яхшими, ёмонми, сизга айттиб берса, унинг таъбирини албатта яхшиликка йўйинг. Бундай таъбир қилиш айниқса чуқур фикрлайдиган болаларга, кишиларга қаттиқ таъсир этади.

Агар киши куни билан кўп асабийлашган ёки бирор нарсадан ҳавотир бўлса, ҳаддан ташқари кўп овқат еб қўйган бўлса, ёки кичкина, дим, ҳавоси янгиланмаган хонада ухласа, кўрқинчли тушлар кўради. Қадимдан қолган қизиқ бир гап бор: «Тушингни аёлларга айтма», «Эркакларни туши ўнисдан, аёлларнинг туши тескарисидан келади», «Тушингни сувга айт» ва ҳаказо. Тушинг таъбири бўлиши мумкин эмас, деган қаттий гаплар ҳам бор. Лекин шунга қарамай тарихда туш таъбирномалари бўлган.

Масалан: Киши тушида от минса, ўнгидаги мартабаси улуғ бўлармиш, агар киши тушида бедана, ошиқ ёки қаламтараш кўрса, хотини ўғил, агар қўғирчок, мунчоқ кўрса қиз туғар экан. Тушида узук кўрган одам яхши амалга эришар, тушида анор кўрган ёки олган бўлса, мол дунёси кўпаяр, аксинча агар тушида узугини йўқотса, бошига кулфат тушар экан.

Ибн Сийрийн айтурларким- Тушлар таъбирин

Ҳар ким тушида тиниқ сув билан юз кўлини ювса, ғам андуқдан нажот топгай, бемор бўлса шифо топгай, қарздор бўлса қарзидан кутулгай.

Ҳар ким тушида сутни кўрса ёки ичса, унга мол ва неъмат ҳосил бўлгай.

Ҳар ким тушида пишган ва ширин ўрикни еса, унга еган уриги миқдорида тилло танга насиб этгай. Агар ўрик аччиқ бўлса, уни акси бўлгай.

Ҳар ким тушида мушукни кўрса, маълум мушук бўлса уйига ўғри келгай. Ноъмалум мушук бўлса ноъмалум ўғри келгай, мушук уйидаги бирор нарсани еса, ўғри молидан олгай, ея олмаса, ўғри молидан ололмагай.

Ҳар ким тушидарайхоннинг гуркираб турганини кўрса, Оллоҳ унга фарзанд ато қилгай, агаррайхонни узиб олса, андуҳ кўргай.

Агар киши тушида типратиконни кўрса, душманга дучор бўлгай. Уни ўлдирса душмандан ҳалос бўлгай.

Ҳар ким тушида бодринг кўрса ва еса ҳушнуд бўлгай.

Ҳар ким тушида хурсанд бўлса, ўнгидаги ғам- андуҳ кўргай.

Хар ким тушыда қоронғу кечани күрса, далил бўлгайки, ғам-андуҳ етгай. Агар ойдин юлдузларни равшанлик ҳолида кўрса, хурсандчиликка далолат қилгай.

Агар итнинг тишини ўзи бирла ҳамроҳ қилса, марги мурожат (тасодифий ўлим) дучор бўлмай, тушыда кўрқмагай.

Баъзи кишилар кечалари алмойи-ажойи тушлар кўриб чиқадилар. Бундай кишилар ёстигининг тагига яшил япроғли ёш бута кўйилса, ёмон тушлардан ҳоли бўладилар.

Туш кўришни камайтириш ёки яхши тушларни кўришни кўпайтиришни иложисини қилиш учун: Бунда киши саломатлигига эътибор бериш керак. Тозаликка риоя қилиш, турмушнинг тинч осойишталикда ўтказиш, асабни бўлар-бўлмасга бузмаслик катта аҳамиятга эга.

*Туш кўрган боласига опасининг айтганг сўзлари:*

*Туш бу орзу- ўйингдир,  
Ҳайрон бўлма, жон болам.  
Ким нимани ўйласа,  
Шуни кўрар тушда ҳам.*

## ТЕРИ ШЎРАЛАШИ

**Касалшкнинг келиб чиқиши сабаблари.** Киши организмига айрим дармондориларнинг етишмаслиги туфайли тери шўралаши мумкин. Бунда юпқа оқ пардага ўхашаш тери қолдиқлари теридан ажралиб чиқади, уни тагида тери майдада оқ тошмаларга ўхшаб шўраланади, баъзан у қичишиб ёки қичишимасдан тери куруқ юпқа қолдиқ эпидермислар чиқади.

**Табиат неъматлари билан даволаш усуллари.** Тери шўралаб кетганда қуйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш лозим.

***Қора андиз (Девяил высокий).*** 52-расм. Халқ табобатида ўсимликнинг илдиз ва илдизпоясидан қайнатма тайёрлаб терига суртилади. Қайнатма тайёрлаш учун бирор идишга бир литр сув куйиб устига ўсимликнинг майдаланган илдиз ва илдизпоясидан аралаштириб 100 г солинади, бир оз қайнатиб, 4 соат кўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузилади. Бу қайнатмани тери шўралаганда ва бошқа тери касаллукларида матога шимдириб терига суртилади.

Тери шўралаганда А дармондорисига бой бўлган таомларни ва сабзавот маҳсулотларини кўпроқ танаввул этиш тавсия этилади. Буларга сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин ва бошқа турли сабзавотлар ҳамда сут маҳсулотлари киради.

*Анжир (Инжир обыкновенный).* 2-расм. Халқ табобатида анжирнинг қуруқ баргини 15-20 г олиб, чойнакка майдалаб солинади ва устига қайнаб турган сув куйиб, 30 дақиқа дамланади. Шу дамламани докадан сузиб, матога шимдириб, терига суртилади, 1-2 кундан сўнг шўралаш йўқолади.

*Исириқ (Гермала).* 1-расм. Ўсимликнинг ер устки қисмини олиб аччиқ қилиб дамланади ва бу дамламани бирор матога шимдириб, 10 кун давомида шўралаган терига суртиб турилади. У ижобий таъсир қилиб, касаллик тез қайтади.

*Кулупнай (Клубника).* Кулупнай ҳам терини намлантириб сөғломлашишига йўл очади.

*Лимон (Лимон)* теридаги тешикчаларни торайтиради. Шарбати кучли таъсир воситасига эга бўлгани боис уни юмшатиш мақсадида бошқа меваларнинг шарбатларига қўшиш мақсадга мувофиқдир.

*Пиёз (Лук)* барглари ёрилган терига ва қадоқча кўйилади.

*Рўян (Марена красильная).* 46-расм. Рўян дамламаси теридаги шўралашларни кетказади.

Ўрик — тинчлантиради, яллигланишни йўқотади.

*Қорақанд (Брусника)* бадандаги майда тешикларни торайтириш хусусиятига эга.

*Шафтоли (Персик)* терини силлигланитиради ва юмшатади.

*Узум (Виноград)* намлантиради ва юмшатади.

*Помидор ниқоб (Помидоры)* юз териси ёғли аёлларга тавсия этилади.

*Сабзили ниқоб* — хуснбузарли, рангиз ва сўлигани терига фойдалидир.

*Бодрингли ниқоб* — теридаги тешикчаларни торайтиради.

*Лимон* — бадандаги майда тешикчаларни торайтиради, кучли таъсир қиласади.

### Биласизми:

Агар еган бўлсангиз қуюқ овқат,  
Суюқ овқат еманг кетидан ҳеч вақт.

## ТИШ КАСАЛЛИГИ

**Касалликкінг келиб чиқиши сабаблары.** Тишлар киши танаси учун эңг зарур аэзі бўлиб, овқатларни истеъмол қилишда уларни чайнаб майдалаб меъдага узатади. Агар қабул қилинаётган овқатлар яхши чайналмаса, унда меъдада, ичакда овқатни ҳазм бўлиши қийинлашади, бунинг оқибатида бошқа меъда ичак касалликлари келиб чиқади. Шунинг учун одам овқатни яхшилаб чайнаб меъдага узатиши учун тишлари соғлом, бақувват бўлиши керак. Кишда ва эрта баҳорда одам организмida кўпинча дармондорилар камайиб кетади, ана шунда тишларнинг эмал қавати ва милклар тез касалланиши (стоматит, парадонтит) кузатилади, бу касалликлар С дармондорисининг етишмаганлигидан келиб чиқади. Д дармондорисининг етишмаслигига тишларнинг барвақт тушиб кетишига сабаб бўлади. Тишлар оғришига турли тиш касалликлари сабаб бўлиши мумкин. Ривожланмаган тишлар — бу тишлар инсон туғилишидан яхши ривожланмайди. Тишлар орасида тошлар пайдо бўлиши, тишларнинг ранги ўзгариб уқаланиб кетиши (кариес), тишларнинг илдизи ва милкларнинг шамоллаб оғриши ва ҳар хил кўланса ҳидлар келиши тиш касалликларига киради.

**Касалликни даволашда табиат незъматларидан фойдаланиши.**

С дармондориси одам организми учун эңг заруридир, кунига 70 - 100 мг ҳомиладор ва эмизикли аёллар кунига 75-120 мг С дармондориси истеъмол қилиши лозим, болалар 30-50 мг С дармондорисига бой ўсимликларга швит (укроп), селдерей, саримсоқ, турп, ёнғоқ, қорақандни 100 граммида - 200 мг дармондори С борлиги аниқланган. Натъматакда ундан ҳам кўп, 100 грамм наъматакда 470 мг С дармондориси борлиги аниқланган. Ундан ташқари апельсин, мандарин, лимон ва бошқа тропик ўсимликлар ҳам С дармондорисига бой.

Тишлар барвақт тушиб кетишига организмга Д дармондориси етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли таркибида Д дармондориси кўп бўлган таомлар ва маҳсулотларни қўпроқ ейиш лозим.

Тиш оғриғи иссиқдан юз берса, унинг белгиси совуқ сувдан роҳат топишди:

*Иссиқдан оғриса тишинг ногаҳон,  
Сиркага гулоб қўши, чайқа ўша он.  
Ичиши учун қидир сиканжубинни,  
Емишин мош, қовоқ бўлсин ҳар замон.*

Сиканжубинни тайёрлаш учун 100 мисқол шакар- (100x4,25 г.) - 425 г шакар қуюлгунча қайнатилади ва унга 30 мисқол (30x4,25) - 127,5 г узум сиркаси қўшилади яна 2-3 марта қайнатилади. Уни ҳар куни эрталаб бир чой қошиқдан сувга аралаштириб ичилади.

Тиш оғриғи совуқдан юз берса, унинг белгиси иссиқ нарсалардан наф кўриш, совуқ нарсалардан заар топиш. Давоси: Занжавул (Горлец бухарский), мурҷ, ҳантал (горчица) кабиларнинг бироргасини туйиб, элаб ўшанча миқдорда туз қўшиб оғриқ тишга сепилади. Ёки занжавул ва мурҷдан тентма-тeng олиб, чала туйиб, қайнатилади ва докадан ўтказилади, сўнг бир оз сирка ва озгина гулоб қўшиб, ярим қайноқ ҳолда оғиз чайқалиб турилади.

Зуриқиб тиш оғриганда ҳалқ табобатида Маврак (Шалфей) ни аччиқ қилиб дамлаб, дамламани иссиқроқ қилиб оғзига олиб бир оз ушлаб, кейин туфлаб ташлаб, яна олиб чайқаб тиш оғриган жойда кўпроқ ушлаб совугунча шу усулни ярим соат ичиди 5-6 марта такрорланиш керак, шу вақтдан сўнг оғриқ қолади.

Агар кишининг тиши оғриса, саримсоқ пиёзни ўтга кўмиб сўнг тишига қўйса дарҳол шифо топгай.

Агар кишининг тиши оғриса, илоннинг пўстини сиркада қайнатиб тишига қўйса, тиш оғриғи даф бўлгай.

Оғриган тиши кавагига озгина майда қалампир қўйиш ҳам фойда беради. Тиш оғримаслик учун унинг тубига сўлакхайдар талқонидан қўйиш лозим.

Тиш оғриганида сирка ва асал аралашмасига саримсоқ бўлакчасини бир кеча бўқтириб қўйинг. Оғриётган тишига саримсоқни камида бир соат қўйинг, оғриқ қолади.

Агар кишининг тиши оғриса, қурбақани жигарини оғриган тишига босилса, ўша замон тиши оғриғи қолади.

Тиш остидаги гўштнинг шишиши қондан юз берса, белгиси: Оғриқ оғизнинг ширин бўлиши, сафродан юз берса, ачишиб лўқиллаши, балғамдан пайдо бўлса, шишнинг оқлиги ва юмшоқлиги, савдодан бўлса, шишнинг қоралиги ва қаттиқлиги билинади.

Қондан ҳосил бўлса милклар аро шииш,  
Қонни олдирмаса ортади ташвиш.  
Агар сабаб бўлса унга бошқа ҳилт,  
Лозим унга зарур сургидан бериш.

Рубоий

Милқдан қон кетса, анор пўстлоғи ургуни дамламаси билан гарфара қилмоқ керак.

Милклар бўшашиб кетганда, қизил гул ёки анор гулини туйиб, ҳар куни милкларга босиш тавсия этилади.

Тез-тез тиш қамашса оғизни семиз ўт дамламаси билан чайқаш лозим.

Тиш оғриганда келинтили ўсимлигини чайнаб туриш ҳам шифо бўлади.

Тиш оғриганда тишга укроп урганини қўйиш ҳам фойдалидир.

Иби Сино айтадики: Шотут баргини суви билан оғиз чайилса, тиш оғриги қолади. Юқорида айтилганлардан ташқари тиш касалида ялпиз, қовок, қовун, совунўт, сигирқўйруқ, қоқигул, атиргул ва пешобфойдали ҳисобланади.

Агар тиш оғриги кучайиб кетса, бодринг илдизини тишпининг остида тутиб турилса, фойда қиласди.

Агар хурмо гўраси билан оғиз чайқалса, тиш илдизидан қон келишини тўхтатади.

Агар одамни тиши чириётган бўлса, унда шафтоли баргини куритиб оғизда чайнаб бироз тутиб туриш керак, шунда чириши йўқолади.

Тузни илиқ қайнатилган сувда намокоб қилиб, оғиз бўшлигига тиш оғриган томонда 5-6 дақиқа ушлаб турилса, тезда тиш оғриги қолади ва милклар мустаҳкам бўлади. Умуман намокобни 2-3 ойда бир-икки марта оғиз бўшлигига 3-4 дақиқа ушлаб турилса тиш ва милк оғриқлари бўлмасдан улар соғлом бўлади.

### Биласизми:

*Иссиқ сувдан агар тиши топса ором,  
Швим босмоқ керак остига мудом.  
Овқатинг нўҳат бўлса яхши наф қилар,  
Тиш милкни дардини яна даф қилар.*

## ТОМОҚ ОҒРИФИ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Томоқ оғриги касалилиги кўпинча совуқ нарсаларни истеъмол қилиш ёки бирор бир таъсир оқибатида келиб чиқади. У кўпинча бодомсимон тилчанинг шиншизи, яллиғланиши билан кечади. Томоқ оғригига ўз вақтида даволанмаса, касаллик авж олиб томоқдаги бодомчасимон тилча шишиб, кишини овози ҳам ўзгариши мумкин, ёки бутунлай овоз бўғилб, одам оғир дардга чалиниб ва бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Томоқ касалини даволашда қўйидаги шифобахш ўсимликлардан ва табиат неъматларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

**Касалышкни даволаш услуглари.** Боши ёзниң янги тайёрланган ширасидан кунига 1 чой қошиқдан 3-4 маҳал ичиш тавсия этилади.

Қўй гўштини кўп истеъмол қилган кишининг баданидан куруқлик қочиб, унда қувват пайдо бўлади. Томоқ касалида айниқса томоқ бўғилганда, қўй сут билан кунига 3-4 маҳал гар-фара қилинса, кишининг овози ўз ҳолига қайтади. Муолажани 10-15 кун такрорлаш лозим.

Томоқ оғриғида қизил лавлагини суви ҳам яхши ёрдам беради. Бунинг учун бир чой қошиқ асалга 3 ош қошиқ лавлаги суви аралаштирилади ва уни ҳар куни 3-4 маҳал шу аралашмадан бурун катақчаларига бир неча томчидан томизиб туриласди.

Болгариялик башоратчи Вангани айтишича, томоқ касалида кунига 1-2 маҳал нашатир спиртини 1-2 томчисини икки ош қошиқ эритилган кофе сувига аралаштириб томоқ чайилса ёки гар-фара қилинса яхши фойда беради.

Ҳар кимнинг томоги оғриб овози тутилса, қўй ўти билан гар-фара қилиса, овози очилади, агар ҳар ердаги жароҳатларга суртса, жароҳат даф бўлгай.

**Наъматакли чой.** Абу Али ибн Сино «Наъматакнинг барча ҳиллари тозаловчи ва суюлтирувчи»дир, ҳамда турли тиқилмаларни очувчи, томоқдаги ва бодомсимон безлардаги шишлар учун фойдалидир, қусицни ва хиқиҷоқни тўхтатади, айниқса унинг ёввойи туриси яхши» деб айтган. (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 й. 410 бет.) Наъматакли чой қуйидагича тайёрланади, наъматакни эзиз майдаланади, чойнакка озгина чой солиб, устига 10-15 дона наъматак солиб дамлаб ичиласди.

Томоқ оғриғида ўсимлик мойини иситиб компресс қилинса, жуда фойдали ҳисобланади. Бу усул бир неча бор такрорланса, томоқ оғриғи қолади.

Томоқ оғриғандага юқорида ёзилганлардан ташқари лимонли чой, мурчли чой, кийик ўтили чой, қўй ёғли чой, исмалоқ, пиёз, саримсок, шолғом, қовоқ, итузум, чучукмия ва қоқигулларни дамлаб, ҳидлаб, оғизни чайиб туриш ҳам фойдали ҳисобланади.

Мурчни асал билан тенг миқдорда кўшиб бемор танглайига суртиб турса, томоқ оғриғига яхши фойда қилади, ҳамда ўпкани тозалайди.

#### **Биласизми:**

*Қайси аъзони совуқ урса агар қилмай наво,  
Сиркаю кашнич сувин суркасин, шулдир даво.  
Эчки сути назла ва томоқ ярасига фойда.*

## ҮЙҚУСИЗЛИК КАСАЛИ

Үйқусиз үтказма тун ила кунни,  
Дам олмоқ учун уұла гоҳ- гоҳ.  
Узоқ ухламасанғ тун ила кунлар,  
Хазм ва асабинг бузилар ногоҳ.

Юсуфий

**Касалықнинг келиб чиқиш сабаблари.** Үйку инсон умрининг учдан бир қисмими ташкил қылади. Болалар ёшига қараб бир кече кундузда 8-14 соатдан ортиқ, кексалар эса 7-8 соат атрофида ухлашлары шарт. Үйку инсон сиҳат саломатлиги учун фойдалы ҳолатлардан бўлиб, бу вақтда марказий нерв (асаб) тизими ва бутун тана дам олади. Үйқусизликда кишининг томир уриши, нафас олиши сусаяди, қон босими пасаяди. Тунги үйқунинг турли сабабларга кўра бузилиши, узоқ вақт ухлай олмаслик, бевақт уйғониш, тез- тез үйқуда безовта бўлиш, үйқуда бошини деворга уриш инсон организмини қағтиқ чарчашига олиб келади. Бундай ҳасталикка чалинган беморларга аввало үйқусизликни келиб чиқиш сабабларини аниқлашда беморнинг ёши, қандай касалликлар билан оғриганилиги, уни кўпроқ нима безовта қилишига қараб турли ҳил даволовчи воситалар кўлланилади.

**Касалықни даволашиб услублари.** Қовоқ (Тыква) жуда ҳосиятли неъматdir. Кўтчилик қовоқнинг қадрига етмайди. Абу Али ибн Сино үйқусизликда ва безовта бўлганда ошқовоқнинг қайнатмасига асал кўшиб ярим стакандан ичишни тавсия этган.

**Шолюм (Репа).** Халқ табобатида шолюм үйқусизликда яхши фойда беради. Фойдаланиш учун 2 ош қошиқ майдаланган шолюм устига бир стакан қайноқ сув куйиб, 15 дақиқа қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичилади.

**Тоғжамбил (Тимьян ползучий).** 51-расм. Үйқусизликда тоғжамбидан қайнатма тайёрлаб (15 г ўсимликка 200 г сув) бир ош қошиқдан ичилади.

Үйқусизликда ҳар куни бир вақтда ётиш лозим. Ётишдан олдин қўштириноқ гули тирноқгул (Цветки календулы, 21-расм), унга кийикўти қўшиб ҳар биридан 50 г дан олиб дамлаб, шу дамлама билан бутун баданни чўмилтиришни тавсия этилади.

Үйқусизликда халқ табобатида 50 г швигт (укроп) уруғини олиб, 500 г мусаллас қўшиллади ва 15-20 дақиқа қайнатилади, бир соат турганидан сўнг докадан сузиб, үйкудан олдин 50-60 г дан ичилади.

*Асал (Мёд).* Уйқусизликда бир ош қошиқ асални бир стакан қайноқ сувга аралаштириб уйқудан олдин ичилади. Яхши фойда қилади.

Кечқурун уйқудан олдин оёқларни қайноқ сувга солиб, бироз парлаб ётилса, асабларни тинчлантириб, тез уйқуга кетишга ёрдам беради.

Болгарилик башоратчи Ванга уйқусида бошини деворга уриб чиқадиган гүдакни тонгдаги шудрингта чўмилтиришни тавсия этган. Бунинг учун эрталабки шудринг тушган гиёҳлару ўсимликлардан тоза чойшаб ёпиб, шудринг йигиларкан. Шундан кейин гүдакни шудринг шимдирилган чойшабга ўраб кўйиларкан. Чунки ўсимликлар эрта тонгда кўплаб шифобахш моддалар чиқаради. Яна Ванга бир килограмм ариқ кумини олиб, уни кўп сувга солиб қайнатиши ва сув тингандан сўнг уни касал боланинг устидан куйищни тавсия этган.

Уйқу олдидан одам олма еса, уйқуси тинч бўлади.

Булардан ташқари ухлатувчи шифобахш ўсимликларга кашнич, эрмон, нилуфар, бангидевона, бодом, мингдевона ва лимон киради.

*Уйқусизликдаги ёмон белги.*

*Ухлай олмай бемор чиққандан наво,*

*Давога қўл урмоқ мумкину аммо.*

*Куруқ йўтали бўлса ҳамроҳи уни,*

*Тегма фақат ажал бўлади даво.*

## УМРНИ УЗАЙТИРИШ СИРЛАРИ

Узоқ уmr кўришнинг сиру-асори инсониятни қадим-қадимдан ўйлантириб келган ва унинг йўлларини излаган. Азалдан соғюм ва бақувват бўлиш билан бирга узоқ уmr кўриш мақсадида ҳалқ табобатидан, яъни табиатнинг ўзидан кенг фойдаланилган.

Узоқ яшаш орзуси оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша афсонага айланиб қолган. Улуғ Ҳаким Сукрот ва унинг шоғирдлари табиий низ- неъматлардан оқилона фойдаланинни узоқ уmr гарови деб билишган. Қадимги Хиндистонда кўп яшаш учун йўлбарснинг пушт безлари, ёш молнинг жинсий аъзолари, Хитойда аёллар сути, кийик, шер ва бошқа ёввойи ҳайвонларнинг тана безларини истеъмол қилиш одат булган. Шунингдек ўрга асирларда ёш болалар қони ёшартирувчи восита саналган. Шу боис амалдор ва бойлар гўдакларнинг умрига зомин бўлишган. Франция қироли Людовик XI ўз ҳаётини узайтириш мақсадида болалар ва қизларнинг нафасини ўз ичига ютиб ором олган. Ўша даврларда меъданни тозалаб туриш, томирдан қон олдириш узоқ яшашни омили ҳисобланган.

Үрта аср кимёгарлари одамни ёшартириш ва узоқ умр кўриш муаммосини ҳал этишга астойдил уринишган. Швейцариялик шифокор Парацельс «Боқийлик тоши» деб ном олган нарсани иҳтиро этди. У таҳминан инсонга 600 йил яшаш имконини бераркан. Бу борада тезда бутун дунёга ёйилди. Шуниси қизиқки, 600 йил умр кўришга даъват этган иҳтиючининг ўзи 48 ёшида оламдан ўтган.

Инглиз геронтолог олими Жустин Гласе ҳоним ўзига ҳослиги билан ажralиб туради. Сиз у ёки бу масалада муаллифнинг фикрига қўшилмаслигингиз мумкин, лекин 180 йил яшац ҳақидагиоянинг ўзиёқ эътиборга лойиқdir.

Канча умр кўриш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ:

Абу Али ибн Сино узоқ яшаш ҳусусида фикр юритиб, феъл атворнинг юмшоқ, вазмин бўлиши, ўз вақтида овқатланиш, озода юриш ва тананинг ортиқча нарсалардан тозалаб туриш (ойда сано, ҳафтада ҳаммом)га амал қилиш, қадди қоматни тўғри тутиш, бурун орқали нафас олиш, кийимнинг танага мослиги, жисмоний ҳамда руҳий ҳаракатларнинг бир- бирiga уйғунлиги, тўйиб уҳлаш ва ўзини тетик тутишга алоҳида эътибор беришни уқтирган эди. Буюк табибининг бундан минг йил муқаддам айтган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз маъносини ўйқотгани йўқ.

Хаётда ким узоқ яшашни истамайди. Умрбод навқирон бўлиб юриш омиллари борми, албатта бор. Гўзал табиат, шифобахш гиёҳ, кенг ва озода уй, меҳрибон аёл, содик дўст, жисмоний меҳнат, меҳр-оқибатли қариндош, аҳли жамоа, адолатли жамият, шунингдек инсоннинг руҳий олами, ҳамда ички ва ташқи омилларга ҳам боғлиқ.

Серҳаракат киши ҳамиша соғлом ва бақувват бўлади. Нимжон, нўноқ, дангаса, заҳматни хуш кўрмайдиган, жаҳлдор ва бадфеъл бўлган одамлар, узоқ умр кўриш баҳтидан маҳрумдирлар. Тибиёт улдасидан чиқмаса, бемор яратганинг ўзига сажда қилиш билан даволаниши мумкин. Бу оддий ҳақиқатни миллиардлаб инсонлар ўз тарихларида синааб кўрганлар ва унга ишонч ҳосил қилганлар.

Гарвард университетининг профессори Геберг Бенсон буни илмий жиҳатдан ҳам асослади. Мунтазам намоз ўқиб сажда қилиш нафас олишнинг тебранишини камайтиради ҳамда бош миянинг тўлқинли тебранишларини меъёрида келтиради. Бу тананинг ўзини-ўзи даволаш жараёнига ёрдам беради. Бенсоннинг кузатишларига қараганда, диндорлар бошқа кишиларга нисбатан узоқ умр кўрадилар, ҳам шифокорларга 36% кам мурожаат қиласар эканлар. Шу билан бирга балиқ, карам, кулупнай, мева, сабзавотлардан тайёрланган таомлар, тухум сарифи,

гүшт истеъмол қилиш фойдалидир. Меъда ости безини ва жигарнинг оргиқча ёғ алмашинувини йўлга солади. Ҳамда А, С, Е, В дармондорилар кўп бўлган шифобаҳаш ўсимликларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Узоқ умр кўришни Оллоҳдан сўраб қоламиз.

#### Арасступинг насиҳатлари шудирки:

Касалдан қўркмаю, ғам ема ҳеч вақт,  
Баданинг дорига қимасин одат.  
Одат қилса агар бу ёмон иллат,  
Нафақат иллатдир, балки зўр зиллат.

## ФАЛАЖЛИК

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари. Фалаж кўпинча қишининг қаттиқ совуқ пайтида пайдо бўлади, гоҳо баҳорда ҳам бўлади. Жанубий мамлакатларда яшовчи эллик ва ўнга яқин ёшга борган кишилар орасида кузатилади, чунки жанубий мижоз кўпинча бошни моддага тўлғизади.

Фалаж кишининг соғ томони оловда турғандек алангали, фалаж теккан томон эса, қорда турғандек совуқ бўлади. Иккала томоннинг томир уриши ҳам турлича бўлади. Фалаж бўлган томоннинг томир уриши фалаж урмаган томонга қарагандан паст бўлади. Баъзан иш шу даражага бориб етадики, ўша фалаж томондаги кўз қисқаради. Бўшашган ва фалаж бўлган аъзоларнинг ранги баданинг фалаж бўлмаган қисми сингари ўзгармаса, қисқармаса, унда фалажнинг тузалишига умид қилса бўлади.

Юз фалажи. Бу касаллик юзнинг бир томони тайритабиий равища бир тарафга қараб тортилади, юзнинг табиий шакли ўзгаради, лаб ва шу тарафдаги қовоқлар яхши юмилмайди. Юз фалажига учраган кишини тўргт ёки етти кунгача қимирлатмаслик керак.

Касалликни табиат неъматлари билан даволаш усуллари. Фалажни даволаш айрим ҳолларда жуда узоқ вақт чўзилади. Бу кишидан кунт ва чидам тараб қилади. Фалаж бўлган аъзо ташки таъсирга нисбатан сезувчанлигини йўқотади, кўпинча ҳатто ўзининг ташки жиҳатидан шаклини ҳам йўқотиши мумкин. Фалаж белгиси сезила боштаган дастлабки кунданоқ табиий воситалар таъсирида даволай бошлаш лозим. Киши танасининг бир томони фалаж бўлганида, дастлаб беморнинг овқатига эътибор бериш лозим, унга 2-3 кун арпа суви ва асал бериш керак. Агар бемор куввати кўтарса, 14 кунгача шундай овқатлантирилади, агар кўтармаса, парранда гўштлари билан овқатлантирилади. Каклик гўшти латиф таомлардан ҳисобланади.

Ёнғокнинг мойини узум шарбатига қўшиб, фалаж аломатлари сезила бошлаган жойга суртиш лозим. Тўргинчи кун эса бу тадбирни тўхтатмаган ҳолда беморга капитар боласи гўштига нўхат ва зира солиб тайёрланган овқатни бериш даркор. Фалаж бўлган кишиларнинг бурниларига етмак ва унинг ўрнини босадиган нарсаларни пулланса, жуда фойда қиласди, у мияни тозалаб, касалликни келтириб чиқарган моддаларни кетказади. Жуда бўлмаса тўғралган пиёзни тўғраб ҳидласа ҳам бўлади. Эски шаробдан озроқ ичиш фалажга фойда қиласди, бироқ унинг кўпи асаб учун энг зарарли нарсадир.

Фалаж кишиларга игир (Аир болотный, 60-расм)ни мураббоси ҳам фойдали саналади.

*Канакунжут (Клешевина обыкновенная).* 70-расм. ёгини, илдиз сувларини ичиш ҳам жуда фойдали.

Беморга даволанаётган кунларида икки ёки уч марта сурги дори ичириш керак, токи ичакларда заарарли хилтлар қолмасин, бунинг дориси маккаи сано (Лист сенны).

Фалаж аъзони, у тутал тузалпунча уқалаш (массаж) қилиш керак.

Фалажлик тоҳо юқори ҳорорат, қаттиқ қичқириқ таъсиридан ҳам тузалиши мумкин.

Фалажга мўмиё ҳам даво, уни мошдек қилиб кунига бир маҳал ичиш тавсия этилади.

*Юз фалажини даволашда.* Касалларга зайдун ёғи қўшилган нўхат суви каби латифлаштирувчи овқатлар берилади, мол гўшти ва бошқа оғир ҳазм бўладиган овқатлар берilmайди. Агар касалнинг ичи қотган бўлса, 2-куни енгил ҳукна (клизма) қилинади.

Юз фалажига учраган кишига бир ойгача ҳар куни эрталаб ва кечқурун ёнгокдек, занжавул ва игирни озгина асал билан қориб ичиши ҳам фойдали экани тажрибадан маълум. Бу касалликда яна асалли сув (жуда ширин қилмасдан) ичиш тавсия этилади.

Юз фалажига учраган киши юзини узум сиркаси билан ювиши ва юзига ҳантал (Горчица, 48-расм)ни эзib солинган сиркани суриш фойдали тадбирлардандир.

*Тоғрайҳон (Душица мелкоцветная).* 34-расм. Ҳалқ табобатида умумий тана фалажида ва юз фалажида терлатувчи восита сифатида райҳон дамламаси ичирилади. Дамлама тайёрлаш учун ярим литрлик чойнакка икки чой қошиқ ўсимликнинг ер устки қисмидан солинади, устига 400 г қайноқ сув куйилади бир оз дам егач, ушбу дамламадан кун давомида ичиб турилади.

*Лимон (Лимон).* Лимон қобигидан сикуб ёғи олинади, ва унга вазелин қўшиб (4/1), фалаж бўлган жойларга суртилса, яхши фойда қиласди.

*Типратикон (Ёжик)* гўштини тузлаб, керакли дорилар билан кўшиб фалаж бўлган беморга берилса фойда бўлади. Уни куйдирилган териси ва тиканлари шароб билан ичилса фалажликка яхши фойда қиласди.

**Биласизми:**

*Фалажда биринчидан бошлиб,  
То тўрт кунгача фақат «Мой асал» ичин.  
Қора мурч асаб дарди учун даводир,  
Юз кийшайса, лаб тортишса наф қилиб қоладир.  
Жимодан сўнгра шўр еса ҳар киши,  
Фалаждан ортаркан ғами ташвиши.*

## ҲИҚИЧОҚ

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Ҳиқичноқ тутмайдиган одам бўлмаса керак. Одатда бундай ҳолат кўкрак билан қорин ўртасидаги парданинг вақти-вақти билан қисқариши натижасида келиб чиқади. Парда билан қисқарганда киши тўсатдан ҳаво ютиб, қорин девори қаппаяди. Овоз ёриги торайиб, ўпкадаги ҳаво зарб билан тортилиши натижасида «ҳик» деган овоз чиқади, шунинг учун ҳиқичноқ дейилади. Ҳиқичноқ шунингдек кўкрак- қорин бўшлиғида овқат яхши ҳазм бўлмаганда, турли касалликлар натижасида тутиши мумкин.

**Давоси.** Ҳиқичноқни тўхтатиш учун қултумлаб сув ичиш, нафасни бир оз тўхтатиб туриш керак. Ҳиқичноқ тутганда куйидаги оддий амалдан фойдаланиш мумкин. Оғзига бир бўлак қанд солиб уни кам-камдан сўлак билан ютиб туриш керак.

Ҳиқичноқ тутган заҳоти одам чукур нафас олиб, маълум муддат уни чиқармай туриши керак. Бир неча қултум совуқ сув ичиб юбориш ҳам фойдали.

**Наъматак (Шиповник).** 19-расм. Халқ табобатидан маълум бўлишича ҳиқичноқ тутадиган кишиларга наъматакнинг ёввойи туридан тайёрланган дамлама ичиш тавсия этилади. (Ибн Сино Тиб конунлари II жилд 1956 й. 410 бет.)

**Ялпиз (Мята).** 11-расм. Ибн Сино айтишича, ялпиз қиздирувчи ва буриширувчи кучга эга. Ялпиз меъданни мустаҳкамлайди, ҳиқичноқни тўхтатади, овқатни сингишига ёрдам беради, юракни бақувват қиласди. Ярим литрли чойнакка 4 та ялпиз барги солиниб, устига озгинча қора чой солиб дамланади. Шу дамламани чойга ўҳшатиб ичиб турилади. (Ибн Сино Тиб конунлари II жилд 1956й. 413 бет.)

*Лимонёт (Мелиса лекарственная).* 16-расм. Ҳиқиҷоқда лимонётни дамлаб ичилса, уни тўхтатади. Ровоч дамламаси ҳам ҳиқиҷоқни тўхтатади.

*Мўмиё (Мумия).* Халқ табобатида ҳар доим ҳиқиҷоқ тутиб турадиган беморларга мўмиё ичиб туриш тавсия этилади, у яхши фойда қиласди. Бунинг учун мўмиёни мошдек қилиб ҳар куни наҳорда ичиш буюрилади.

#### Биласизми:

*Меъда сари овқат ийли ногахон,  
Шишса, сабабига боққин ўша он.  
Шиши сабаби аниқ бўлгандан кейин,  
Лойиқ тадбир қўлла, эй доно инсон.*

*Рубойидан*

## ХОЛЛАРДАГИ ТАҚДИР БЕЛГИЛАРИ

Инсон танасидаги холларга ҳам тақдирнинг бир белгиси сифатида қаралар экан.

Пешонанинг ўнг томонидаги хол — ақл, обрӯ, омад белгиси.

Чап томондагиси эса, иродаси бўшлик, ланжлик.

Кўзнинг чекка томондагиси — камтаринлик, тежамкорлик, мутьтадил феълдан нишона.

Ўнг қошдаги хол — баҳтли эрта курилган турмуш.

Чап қошдагиси — омадсиз никоҳ белгиси.

Ўнг ёноқдаги хол — шахсий ҳаётдаги баҳт.

Чап рухсордагиси — тақдирдаги машшашат.

Кулокдаги хол — фикрсизликдан далолат беради.

Бақбақадаги хол эса — омади юришганлик ва катта давлатдан нишонадир.

Лаблардаги хол — саодатмандлик, таъсирчанлик намунаси.

Бурундаги хол таърифи — улуғвор келажакка эга, сафарга мойил, эҳтиросли киши.

Томоқдаги хол — бой-бадавлат никоҳ, кибру ҳаво белгиси.

Қўллардаги холлар — шуҳрат келтирувчи туғма қобилият.

Ўнг елкадаги хол — омаддан.

Чап елкадаги хол — иқтисодий камбагалликдан.

Бағр ўргасидаги хол — ўргамеъна ҳаётдан бир белгилир. Қадимда холларнинг жойлашувига қараб гўдакнинг келажак фолини очганлар. Албатта бу маъно таърифлар нисбийдир. Холларнинг неча ўнлаб таҳдил-таъбири бор. Мободо, холларнинг ёки болаларнинг холлари «омадли»

жойлашмаган бўлса, ўқиниб ўтиранг. Тақдирингиздаги омад ва ютуқлар, ёруғлик ва нурсизлик яратганинг ўзигагина аён. Яхшиликка ишониб яшаганлар эса, доим ёруғ кунларга эришганлар.

## ЧЕЧАК

**Касалликниң келиб чиқши сабаблари.** Бу юкумли касаллик бўлиб, жануб шамоллари кўп эсганда кўпаяди. Иссиқ хўл мижозли кишилар чечак касаллигига чалинишга мойилдиirlар. Чечак кўпинча болаларда, сўнг ўсмирларда юз беради, кексаларда эса у кам учрайди. Чечак куруқ баданлардан кўра рутубатли баданларда, қиши фаслидан кўра баҳорда кўпроқ пайдо бўлади, ёз ва кузда кам учрайди. Чечак пайдо бўлғанида аввало қичимани келтириб чиқаради, кейин игна учига ўхашаш тароқсимон нарсалар кўринади. Сўнгра бу нарсалар йирингта тўлиб, бадан сиртига чиқади, яра бўлади, кейин қуриб, турли рангда қовжираб тушиб кетади. Чечак тошган кишиларда кузатиладиган ҳолатлардан кўпроқ эътибор бериладиган нарса, бу унинг нафас олиши ва товушидир. Бу иккалasi яхшилигича қолса, демак иш бехавотир. Агар нафаси узилиб кетма-кет чиқаётгандиги кузатилса, унда кўкрак- қорин пардаси ялиғланганлигини билдиради. Чечак чиқишини белгилари: чечак чиқиш олдидан бел оғрийди, бурун қичийди, уйку бузулади, аъзоларда санчик, юз ва кўз қизаради, товуш бўғилади, нафас сиқилади, сўлак куюқлашади, иситма кўтарилади, чалқанча ёттанда оёқ титрайди.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш усуллари.** Чечакда агар шароит кўтарса шошилинч равишида етарли даражада қон олиш керак.

**Ровоч (Ревень татарский).** 27-расм. Абу Али ибн Сино куригилган ровочдан 2 ош қошиқ олиб, унга 1-1,5 стакан қайнатилган сув куйиб паст оловда 30 дақиқа қайнатиб, шундан бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал чечакда ичишни тавсия этган.

Хурмо гулидан овқатга кўшиб берилади, ёғли овқатлар берилмайди.

Касални яхшилаб ўраб, кўрпа ёпиб терлатиш яхши фойда беради.

Касалликни охирида ич суриндан эҳтиёт бўлиш керак, шунинг учун анор суви берилади.

Чечак оғирлашганда ва етти кундан ўтиб енгиллашганлиги кўринса, тилла игна ёрдамида эҳтиёткорлик билан ярани тешиб рутубатни пахтага шимдириб олиш тўғри тадбирлардан ҳисобланади. Туз қўйиш чечакни етилтиради ва қуритиб тезда туширади.

Чечак етилганда ва уни қуритишга киришилганда, чечак тошган кишини гуруч, арпа, тариқ ёки бокила унларининг устига ёткизиш фойдали тадбирларданdir.

### Биласизми:

*Товуқ қанотини парда куйдириб,  
Майда қилиб уни эзсалар,  
Ҳар жароҳат бўлса тандан қувади,  
Уч кун жароҳатга уни сениб турсалар.*

## ЧИПҚОН

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Чипқон ҳам чиқиқлар жинсидандир. Булар кўпинча ҳазм ёмонлигидан, бадан туклиги устига қилинган ҳаракатлардан ва шуларга ўхашшлардан пайдо бўлади. Инсон организмида модда алмашинуви бузилганда, ёки бирор бир модда етишмаганида, шамоллаш кучайиб кетганида чипқон чиқиши мумкин. Чипқонларнинг энг ёмони — энг чуқуридир. Чипқон ўзининг кечиш жараёни жиҳатидан оғир ва ноҳуш яра ҳисобланади. Баданига кўп чипқон чиқаверадиган киши сурги қилса, тез-тез ҳаммомга тушиб терисини сийраклатиб турса ва бадантарбия қилиб турса, чипқондан кугилади.

Чипқонни даволаш усуллари. Чипқонни пишириш учун халқ табобатида табиат неъматларидан бир неча усуллари қўлланиб келинмоқда. Бири асални анжирнинг сувига аралаштириб чипқонга кўйилади, уни тез пиширади. Иккинчиси пиёзни тозалаб кўрга кўмиб пиширилади ва оғриқни камайтириш учун чипқонга кўйилади, ҳар 3-4 соатда.

Чайналган бугдой чипқонга кўйилса, уни тез пиширади.

Тузни асал ва майиз билан кўшиб чипқонга кўйилса, уни даволайди.

Чипқон ҳали қаттиқ бўлса, чумчуқ ва товуқ ахлатини аралаштириб ва унга ёғ кўшиб малҳам қилинса чипқон пишади, пасотни чиқариб юборади.

Ҳали чипқон пишмаган бўлса, гулхайрини қатиқقا аралаштириб сурилса, чипқон уч беради ва пасотни чиқаради.

Болгаријлик башоратчи Вангани айтишига қараганда, чипқон чиқканда сули унидан бўлган қора нонни сут ва сарёгга аралаштириб ётиш олдидан чипқонга кўйилса эрталабгача чипқонни пасотини қолдирмай тортиб олади.

Чипқонни таг туғи билан йўқотиш учун: камфора мойини (Камфорное масло) 2-3 кун 3-4 маҳал чипқонга суртилади, шунда тезда чипқон йўқолиб кетади, умуман кейин чиқмайди. Бу усул жуда яхши натижада беради.

*Кунгабоқар* (*Семячики*)ни истеъмол қилиш ҳам чипқон ярасида ёрдам беради. Кунига 50-100 г. писта истеъмол қилиш зарур.

Каноп ёғига овқат пишириб ейиш ҳам чипқон чиқмасликка ёрдам беради.

### Биласизми:

*Ғунча янглиғ оғзин очмаса чипқон,  
Юрагинг танглиги бўлмаса пинхон,  
Ҳардалу, анжиру, майиздан боғла,  
Тузоқдан қуталиб бўларсан шодон.*

## ШАБҚЎРЛИК

*Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.* Шабқўрликда кўз кечаси қоронгуда кўрмайди, кундузи кўради, лекин куннинг охирида кучсизланади. Баъзан бу ҳолат одам организмидаги модда алмашинувининг бузилиши ёки бирор бир модданинг кучли даражада етишмаслиги оқибатида келиб чиқади. Кўпинча А дармондориси етишмаслиги ҳам бу ҳолатнинг содир бўлишига олиб келади.

*Табиат неъматлари билан даволаш услублари.* Халқ табобатида шабқўрликни шифобахш ўсимликлар ва турли хил неъматлар билан даволанилган. Қон кўпайган бўлса, кифол томиридан ва кўзнинг бурчагидаги томиридан қон олиш ва маълум бўшатувчи дориларни ишлатиши лозим.

Эчки жигарини пичноқ билан ёриб, чўғ устига туғиши орқали олинган селни кўзга суртилади, ёки жигардан оққан селни олиб унга озгина ҳинд тузи ва мурч сепилади ва кўзга суртилади. Баъзан жигарни чўққа тутишда унга доривор сепилади, ўшандай жигарнинг буғига юзу кўзни тутиш ва уни қовурилганини ейиш жуда фойда қиласди. Баъзан жигарни япроқлаб кесиб, уни узун мурч билан қат-қат қилиб қўйилади, шунда энг усти ва тагида жигар туриши керак. Уларни тандирда кабоб қилинади, лекин жуда ўтказиб юборилмайди. Кейин уни селини олиб тиндириб кўзга суртилади. Қуён, тия жигарини ҳам шундай қилиб ишлатилади. Бу усул кўз ичига миядан оқиб тушадиган заҳарли суюқликка қарши фойда қиласди.

Каклик гўшти шифобаҳаш неъматлардан ҳисобланади. Агар гўшт қаттиқ бўлса, уни икки кечада совуқда ва бир кечада иссиқда сақлаб, кейин қовуриб ейилади. Какликнинг ўти кўзга суртилса, кўриш қувватини оширади.

Шабкўрлик билан оғриган бемор таркибида А дармондориси кўп бўлган озиқ-овқатлар ва турли гиёҳларни кўпроқ истеъмол қилиши лозим. Бу дармондори сабзи, помидор, кўк-нўхат, қовун, апельсин ва сут маҳсулотлари таркибида кўп.

Шабкўрликдан халос бўлиш учун кўзга пиёз сувидан томизиб туриш лозим.

Агар мол ёки қўйнинг янги жигарини кабоб қилиб пиширилаётганида чиқаётган қон аралаш селини кўзга суртилса, шабкўрликда даво қиласди.

Шабкўр киши кўзига кашнич билан мойчечак (ромашка) қайнатмасидан қўйса, дардан халос бўлади. Булардан ташқари қалампирмунчоқдан чой дамлаб ичиш ҳам шабкўрликка даво бўлади.

### Биласизми:

*Кабутарнинг бошу парин куйдирашиб,  
Тўйиб, элаб ундан сурсанг кўзингга .  
Шабкур бўлсанг кўзнинг зулмати кетиб,  
Шодлик шулалари балқир юзингга.*

## ШАМОЛЛАШ

Қадимдан одамлар ёз саратонидан бошлаб қиш ғамини еганлар. Қиш бошланмасдан олдинроқ дон-дундан тортиб мева сабзавотларгача ғамлаб қўйишган. Чунки қиш аёзида дид билан тайёрланган бу маҳсулотларнинг хосияти ўзгача бўлади. Қишининг эт «чимчилар» кезларида одам саломатлигини муҳофаза этувчи энг оддий амал, иссиқ кийинишига уччалик эътибор берилмайди, натижада фавкулотда шамоллаб, тумов ёхуд грипп бўлиб ва буни, кўпчилик оёқ устида ўтказади.

Ҳакимларнинг ёзишича, киши шамоллаш иллатига йўлиқса, бунинг сабаби тўрт нарсадир:

Биринчиси — совуқ ҳаводан таъсирланиш;

Иккинчиси — кўкрак шамоллаши;

Учинчиси — барча аъзоларнинг бошдан оёқ шамоллаши;

Тўртинчиси — қизиб турган ошқозонга совуқ сув, совуқ мевалар ва таомларнинг тушиши, бунинг натижасида меъда ҳароратининг сўниши.

Шамоллашни түрттә белгиси бор:  
Биринчи -- юрак безовталанади;  
Иккинчи — йұтап пайдо бўлади;  
Учинчи — баданда ҳарорат кўтарилади;  
Тўртингчи — бош оғрийди.

Киши шамоллаганда яхши даволанмаса, асорати ёмон бўлади ва бу қатор хасталикларни келтириб чиқариши мумкин: нафас йўллари яллиганиши, томоғда қумоқ бордек бўлиши, бурундан суюқлик оқиши, кўзлар ёшланниши, мия оғриши, иштаҳа йўқолиши, ҳарорат кўтарилниши, йўтап пайдо бўлиши мумкин ва ҳаказо.

**Касалликни табиат неъматлари билан даволаш усуллари.**

Болалар учун даво: Турп (Редька)ни майдада бўлакларга бўлиб, қопқоқли идишга солинади ва устига шакар сепиб духовкага қўйилади, 2 соатча қолдирилади. Сўнг олиб, совугач тўрг бўлакларини олиб ташланади, тагида қолган суюқликни бирор идишга солиб қўйилади. Болаларга кунига 3-4 маҳал 2 чой қошиқдан овқатдан олдин ва кечкурун уҳлашдан олдин ичирилади, шамоллашни тез олади.

**Пиёз (Лук репчатый).** Киши шамоллаганда, аксириб бурнидан кўп суюқлик келганида, йўтап ҳам бўлганида, тухумдан каттароқ пиёзни қирғичнинг катта тешигидан ўтказилади ва шамоллаган бемор бошини уни устига энгаштириб оғиз ва бурин билан галма-гал нафас олиб чуқур ичга тортиб ҳидланади, кунига икки маҳал эрта билан наҳорда ва кечкурун уйқудан олдин, 10 дақиқа давомида. Шамоллашни тез олади, биринчи куниёқ суюқлик келиши тўхтайди.

**Наъматак (Шиповник).** 19-расм. Халқ табобатида шамоллашни олдини олиш учун қыш пайтлари уй шароитида 8-10 та наъматак мевасини чойнакка солиб, унга 300 г қайнаб турган сув ва 1-2 та чақмоқ қанд солинади ва ҳар куни ичилади.

**Қора андиз (Девясил высокий).** 52-расм. илдизидан 100 г олиниб устига бир литр қайноқ сув солинади, 15 дақиқа қайнатилади, тиндирилгач, кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичилади.

Парманчик хужагат, булдурун, малинанинг шамоллашда мураббосигина фойдали бўлиб қолмай, унинг барглари ва шоҳларидан тайёрланган қайнатма ҳам яхшигина терлатади. Баргларидан тайёрланган қайнатма нафас йўллари яллигланганда, томоғ оғригандага шунингдек балғам кўчиришида ишлатилади.

**Саримсок (Чеснок).** Шамоллашда халқ табобатида саримсоқ бўлакчасини тиш орасида ушлаб туриш тавсия этилади. Бу муолажадан бир неча соат ўтиши билан шамоллаш ўтиб кетади.

Агар томоғингиз ҳам оғриётган бўлса, олма сиркаси ҳамда асал аралашмаси (ҳар биридан стаканнинг тўртдан бир қисми ҳажмида олинг) билан оғиз ва томоқни чайқаб ташланг, шифо қиласди.

Кундалик овқат таркибига 2-3 дона олма киритиладиган бўлса, шамоллаш билан боғлиқ касалликларга чалиниш эҳтимоли уч мартага, ҳафақонлик хасталигини олти мартага камайиши мумкин.

Сигир сариёғидан бир қошиқ (ёки табга қараб кўпроқ) олиб, уч кун давомида эрталаб иситиб, ширмой нон билан ейилса, у совуқ тер чиқариб кўп ўтмай йўтални қолдиради, шамоллашга шифо қиласди.

Агар кўнгил овқат талааб қилса кўк сигирнинг сутидан (у бўлмаса бошқа рангдаги сигир ҳам бўлаверади) қайнатиб, қирқ бир марта шопириб, сув қўшмасдан, ширмой нонга қўшиб ичилса шамоллашни олади.

Булардан ташқари шамоллашни олдини олиш ва шамоллаганда лимонли асал чой, қорақандли чой, райхонли чой, ширчой, мурчи чой, кўй ёғили чой, анжирли чой ичиб туриш тавсия этилади.

### Биласизми:

*Сен зигирни куйдириб тутунига бурнингни тут,  
У тумовни йўқотиб, шифо қилар, тезда унум.*

## ШИШЛАР

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Йиқилиш, бошқа бирор сабаб туфайли шикастланиш оқибатида тананинг бирор жойида юзага келган шишлиарнинг ҳам халқ табобати тавсиялари бўйича даволаш фойдалидир. Шишлиар кўп ҳолларда йиқилиш ёки шикастланиш натижасида пайдо бўлади. Улар анча вақт ўтгандан кейинтина аён бўлиши ҳам мумкин. Айрим шишлиар бошида кичкина бўлиб, кейинчалик катта, оғриқсиз ҳам бўлиши мумкин. Саратон шишлиари аъзога ёпишган бўлиб, кўпинча кўриниши, юмалоқлиги, ранги ва атрофларидан қисқичбака оёқлари каби томирлар чиқариши билан ажralиб туради. Корин бўшлигига ел йиғилиб шиши пайдо бўлиши ва айрим вақтларда оёқ-кўллар шишиши ҳам мумкин. Одамзот кўп ейиш-ичишни асло одат қилмаслиги лозим, чунки унда ҳам танада суюқлик моддаси кўп йиғилиб бунинг натижасида оёқ-кўл ва корин бўшлигига шишиади. Ундан ташқари инсон кўп юрганда, чопганда ҳам оёқ-кўллар шишиади.

### Шишларни табиат незъматлари билан даволаш усуллари.

**Кашнич (Кореандр посевной).** 40-расм. Халқ табобатида қуригилган ва майдаланган кашнич баргини сигир сугига аралаштириб малҳам кўринишида шишга суртиш тавсия этилади.

**Укроп (Швим).** Ибн Сино шундай дейди: укроп совук ҳилтларни пиширувчи, оғриқларни тинчлантирувчи ва елларни ҳайдовчиидир. Укроп шишларни пиширади, дамламаси малҳам сифатида ишлатилади.

**Итузум (Паслён чёрный).** 39-расм. Абу Али ибн Сино итузумнинг шишларни қайтариш хусусиятини билган. Шунинг учун қуритилмаган ўсимликни майдалаб эзиз, шишган жойларга bogлашни тавсия этган.

**Келинтили (Горец почечуйный).** Халқ табобатида ўсимликдан тайёрланган қайнатма билан теридаги шишган жойларни ва тошмаларни ювишни буюрилган.

**Шолғом (Репа).** Шип одамнинг чотида бўлса шолғом уругини кўйиб боғланса ёки осиб кўйилса, елларни ҳайдайди ва кишини чотидаги шишларни йўқотади.

**Гулхайри (Алтея лекарственная).** 25-расм. Абу Али ибн Сино гулхайри илдизидан, баргидан ва уруғидан тайёрланган дамламани малҳам сифатида шишга кўйган.

Агар инсоннинг бир аъзоси оғриб шиш пайдо бўлса, кашнич солинган сирка билан артсин, хасталик чекинади.

Шишга сачратқи талқонидан озгина боғланса, шини қайтади.

Қўл-оёқ шишса сиркалаб кўйилган кашнич суриш керак.

Шишган юзни түя сути билан чаймоқ керак.

Агар кишида ўсма — саратон шиши пайдо бўлса, асалари уясидан қайнатма қилиб ичиши лозим.

Абу Али ибн Сино шиллиқли шишлар, қонталаш ва қўкарған жойларга тограйҳон уругини асал билан кўшиб суртишни тавсия этган.

Ибн Сино сабоқларида шундай дейилади: Агар инсонда орқа тешик шишса, ёки эркаклар олати шишса, яна инсоннинг тилини икки томонидаги мойланган мушак шишларига, кўйидаги муолажани қилиш керак. Алоэни олиб эзиз узум шарбати ёки асал билан тенгматаент аралаштириб, шишган жойларга кўйилса, яхши фойда қиласди.

### Биласизми:

*Шишгандан қўл ёки оёқ,  
Наф қиласди шолғом суркалгани чоқ.*

## ЭКЗЕМА *Тери касаллиги*

Бу касаллик терининг аллергик хасталиги ҳисобланиб, сурункали кечади. Экзема билан оғриган беморни даволашда кўпроқ маҳсус парҳез таомлар, яъни сут маҳсулотлари, ўсимликдан тайёрланган таомларни ейиш тавсия этилади. Шўр, аччиқ ва кучли овқатларни ейиш ман этилади. Ҳаддан ташқари кучли таъсир кўрсатадиган таомлар экземани кучайтириши ва унинг асосий белгиларидан бири бўлган қичишиш ҳолатини янада ошириши мумкин. Бундан ташқари тери экземаси билан оғриган беморнинг ичи доимо нормал тарзда келиб туриши керак. Бунинг учун унга қўпроқ ич сурадиган маҳсулотлар бериш ичакларни ва медани ҳамда бутун организмни салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган заарли моддалардан тозалаб туриш тавсия этилади.

Тери экземаси билан касалланган беморни кўпроқ табиий шифобахш воситалар билан даволаш тавсия этилади. Экземани халқ табобати усулида даволашда ёнгоқнинг шифобахш ҳусусиятига алоҳида эътибор берилгандигини билиш лозим. Ёнгоқнинг яхши пишмаган мевалари ва барглари териб олиниб, салқинроқ жойда қуритилади. Бунда унинг ўта даражада қорайиб кетмаслигига аҳамият бериш керак. Ёнгоқнинг баргида аскорбин кислотаси жуда кўп бўлиб, у 3-4 %ни ташкил этади. Каротин микдори ҳам шунча. Унинг таркибидаги В дармондори ва бошқа зарурий моддалар шифобахшлик ҳусусиятини янада оширади. Ёнгоқ мевасининг шираси экзодерматоз касаллигига шифо эканлиги аниқланган. Ёнгоқ меваси ширасини олиш учун 10-15 дона ёнгоқ пўсти билан олиниб, 300 грамм сувда 20 дақиқа қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатма экземага суртилади ёки мевасининг пўстлогини хомлигича эзib, шираси экзема бўлган жойга суртилади.

Ошқовоқни хом эти экзема бўлган жойга суртилса фойдали.

Ловияни пўстлоғи билан янчиб, уни экзема устига сепиш тавсия этилади. Унинг таркибида мис микдорининг кўплиги шифобахшлик ҳусусиятини янада оширади.

200 г неъматак, 100 г қичитқи ўти ва ёнгоқнинг яшил пўстлоғидан (уларнинг ҳаммаси қуритилган бўлиши лозим) олиб, ярим литр сувда 10 дақиқа қайнатилади. Бир кеча-кундуз давомида тиндириб қўйилади, сўнг докадан сузилади. Шундан икки ош қошиқ олиб, уни 50 г асал билан 50 г янги творогга аралаштириб, экземали жойга уч маҳал 20 дақиқага қўйилади.

## ЭМЧАК ЯРАСИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ШИФОБАХШ ВОСИТАЛАР

Янги бұшанған аёлларнинг эмчакларига баъзан яра чиқиб, азоб бериши ва ҳароратнинг күтарилишігі сабаб бўлади. Бунда ҳам халқ табобати тавсияларига биноан даволаш усулларидан фойдаланиш мумкин.

*Гулхайри (Алтея лекарственная).* 25-расм. Яра-чақани юмшатиш, пишириш, оғриқ қолдириш ҳусусиятига эга бўлган шифобахш ўсимликдир. Эмчак ярасига гулхайри баргини ивигиб боғланса, ярани тез қайтаради, шишларни шимдиради, оғриқни босади.

Мол миясини мум билан тенг микдорда аралаштириб суртиш ҳам яхши натижалар беради, яраларни авж олишига йўл қўймайди.

### ЭТ УЗИЛИШИ

Агар бирор бир ташқи таъсир — йиқилиш, бирор ерга урилиб кетиши натижасида эт узилса, унинг оғриғи ҳам кишига азоб беради. Бундай вақтда аввало фойдаланиши лозим бўлган шифобахш ўсимликларнинг ҳусусиятларини яхши билиш зарур.

*Бўймодарон (Тысячалистик обыкновенный).* 14-расм. Ўсимлик ўзининг ўта шифобахшлиги билан машхур. Унинг таркибида кўп микдорда К ва С дармондорилар (витаминалар), каротин, эфир мойлари, ошловчи ва бошқа шифобахшлик ҳусусиятига эга бўлган моддалар бор. Шу сабабли бўймодарон халқ табобатида қадимдан унумли тарзда қўлланиб келинган Жароҳатланган, эти узилган жойларга ўсимлик малҳам сифатида кўйилади. Ибн Сино бўймодаронни бел оғриғи, эт узилиши, лат ейиш сингари ҳолатларда ишлатган. Ўсимликнинг ўзини шикастланган жойга малҳам сифатида кўйиш билан бирга, унинг дамламасидан кунига овқатдан олдин 3-4 маҳал ичиб туриш ҳам тавсия этилади. Дамламани тайёрлаш учун бир чойнакка ўсимликнинг устки қисмини уқаланмасидан бир ош қошиб микдорида солиб, устидан қайноқ сув қўйилади, бир соатда дамлама тайёр бўлади. Уни докадан сузиб ўтказилгач, истеъмол қилиниши мумкин.

*Эрмон (Полынь горкая).* 24-расм. Эрмоннинг илдиз олди баргларини майдалаб, эт узилган жойларга оғриқ қолдириш учун малҳам сифатида боғланади. Қадимги табобатда эти узилган жойга пешоб босиш тавсия этилган у шишларни юмшатиб захрини олади.

Ибн Сино сабоқларида шундай дейилади: мурчни ёғ билан тенг микдорда кўшиб увишган жойга суртиб туриса, увишиш тез кунда қолиб кетади.

### Биласизми:

Ҳар ким эт узилишига бўлса гирифтор,  
Танига бўри ёки айиқнинг ёғидан суркасин тақрор.

## ЭСЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Бу касалликнинг номи — меланхолия деб аталади, гумонлар ва фикрларни табиий йўлдан бузуклик, кўркиш ва ёмонликка томон ўзгаришидан иборатdir. Бунинг сабаби савдоий мижоз бўлиб, мия руҳини даҳшатта солади ва кўрқигади. Бу касаллик эркакларда кўпроқ учрайди, хотинларда эса ёмонроқ шаклда бўлади. Ўрга ёшларда ва кексалarda кўп учрайди, қишида камаяди, ёзда ва кузда кўпаяди. Тили чучук, хўлқи тез, тиллари енгил сўзловчан, кўзини кўп пириллатадиган, юзи қип-қизил ёки буғдой ранг, сермўй, айниқса кўкраги сермўй, соchlари қора ва йўтон, томирлари кенг, лаблари қалин кишилар мелонхолияга мойил бўлишади.

Касаллик даволаш усуллари. Касаллик бошланиш лайтида даволаш осон бўлади. Касалликка учраган кишини хурсанд қилиш, ўйин кулги билан машғул қилиш ўтирган уйнинг ҳавосини намлаш, ёки ҳавоси мўтадил хонага жойлаштириш ва у ерга раёнлар ёйиб, ҳушбўй қилиш керак. Умуман у кишига доимо ҳушбўй нарсалар ҳидлатиш, енгил ҳазм бўладиган овқатларни бериш ва улар жинсий алоқадан ва қаттиқ терлашдан сақланмоғлари лозим. Уларга бокила қоқланган гўшт, ясмиқ, карам, қуюқ ва янги шароб бериш керак. Тузланган, шўр ва маззаси ўткир нарсалардан ва нордон нарсалардан парҳез қилмоғлари зарур. Бемор қандай бўлмасин бир нарса билан машғул бўлиши керак ва муентазам бадантарбия билан шугилланиши лозим.

**Сариқ ҳалила** — бошқача номи «халилаи заррин» бўлиб, тропик мамлакатларда ўсуви доривор дараҳт. Хом мевасининг куритилганини ҳалқ табобатида эслаш қобилиятини кучайтиришда ва аклни яхшилашда ишлатилади. Ундан чой дамлаш учун яrim литерли чойнакка бир чой қошиғида ҳалила солиниб, устига олий навлни қора чой солиб дамлаб чойга ўхшатиб ичилади. (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 й. 205-206 бетлар)

**Занжобил** (*Горлец бухарский*) ўсимлигининг томири ишлатилади. Уни майдалаб туйиб бир чой қошиғини 0,5 литр совуқ сувга солиб, 5 дақиқа қайнатилади, сўнгра устига озгина қора чой солиб қанд, асал билан чойга ўхшатиб ичилади. (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 й. 218-219 бетлар)

## ЭШАКЕМИ

**Касаллышкыннег келиб чиқыш сабаблари.** Эшакеми териға, баъзан шиллик қаватларга тошмалар тошиши билан кечадиган касаллик. Бу тошма күпроқ организмга бирор бир ташқи кузатувчи таъсир натижасида ёки күпроқ бирор-бир турдаги мевалардан — қулупнай, малина, мандарин ёки бошқаларни истеъмол қилиш натижасида ёки бирор-бир дорига нисбатан ўта даражада таъсирчанлик сезилганды юз бериши мумкин.

**Касаллышни даволаш исуллари.** Мана шундай тошма тошганида ҳам халқ табобати усулларидан фойдаланиб даволаш мумкин.

**Кашнич (Каршандр посевной)** 40-расм. ширасини тенг миқдорда асал ва майиз билан күшиб, эшакемига малжам сифатида күйиш ва ундан иккى ош қошиқ миқдорида истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

Пешоб ичириш усули ҳам эшакемида күлланилиши мумкин. Пешобни ҳар куни оч қоринга икки маҳал (кагталарга 60-100 г дан, болаларга эса 20-50 г дан) ичириш керак. Ичилганидан сүнг 4-5 кун ўтгач, баданда ўзгаришлар бошланади, терида кичкина, тез йўқолувчи тошмалар пайдо бўлиши мумкин. 10-15 кунлардан сүнг эшакеми йўқолиб, киши ўзини яхши сеза бошлайди.

## ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАР

Кўпинча киши қариб қолганида ёки бошқа баъзи бир сабаблар туфайли эшитиш қобилияти пасаяди. Бу ҳолда ҳам халқ табобатида қўлланилган ишончли воситалардан фойдаланиш мумкин.

Ёнғоқ барги ширасини сиқиб олиб, уни кулоққа томизилса, эшитиш қобилияти яхшиланади. Бундай усулдан қулоқ йиринглаганида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Санчувчи ўсимлигининг устки қисмидан бир сиқимини олиб, чойнакка дамланади ва кунига 2 маҳал 15 томчидан ичилади.** Бу ҳам эшитиш қобилиятини тикланишига ёрдам беради.

Бодом ёгини ажратиб олиб, уни кулоққа томизиш ҳам яхши фойда беради.

Соҳта каштан ва қарафс ўсимликлари ҳам қулоқ хасталикларида даво сифатида ишлатилади.

Пиёзни сувини 1-2 томчидан ҳар куни икки маҳал қулоққа томизиб турилса, кулоқни очади ва эшитиш яхшиланади.

### Биласизми:

Кулоқда гар иллат пайдо бўлган дам,  
Сабаби сафродир, боду, қон, балғам.

## ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Юрак (Қалб) — улуг тангри юракнинг икки бўшлиғидан, чап бўшлиғини руҳга ўрин ва унинг вужудга келиш жойи қилиб яратди. Руҳ воситасидан нафсоний қувватлар гавданинг турли аъзоларига тарқалади ёки ёйилади (Абу Али ибн Сино Тиббий рисолалар 1987 й. 103 бет). Юракда турли касалликлар, масалан: ҳар хил мижоз бузилишлари пайдо бўлади, ёки модда бузилиши кузатилади. Айниқса рутубат юракнинг томирларида, гоҳо унинг танаси билан гилофи орасида бўлади, кўпинча рутубат кўпайганда юракни сиқади ва унинг эркин ёйилишига йўл қўймайди. Гоҳо юрақда шишлар ва тиқилмалар ёки баъзи касалликлар пайдо бўлади, улар юракни сиқиб унинг ёйилишига тўсқинлик қиласиди, рутубат ичидаги бўғилиб қолади буни инфаркт деб аталади.

Юрак аҳволини далиллар орқали билиш йўллари саккизтадир:

- Томир уришининг ўзгариши;
- Нафас сиқилиши;
- Кўкрак тузилишининг бузилиши;
- Кўкракдаги мўйларнинг туша бошлаши;
- Баданда пайдо бўладиган холлар;
- Ҳулқ;
- Баданнинг кучли ёки кучсизлиги;
- Турли хаёллар.

Юрак хасталиклари келиб чиқиши ва кечиши жараённига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Уни юрак ва томир уришининг бузилишидан аниқланади.

Юрак хасталикларини даволаш усуслари. Юрак касалликларини даволашада ҳалқ табобатида бир қатор усуслардан фойдаланилади. Юрак заифлигига бир ёки икки ёшли қўй гўшти ёки янада енгилроқ ҳазм бўладиган парранда гўшти танланади. Шуларнинг гўшти суви ичирилади. Гўшти суви дейилганда, замонамиздаги табибларнинг кўплари, ичидаги гўшти пиширилган сув деб ўйлайдилар. Ҳолбуки бундай эмас, балки гўшти суви — қийма қилинган гўшти пиширганда чиқадиган селдир. У гўштни ҳил-ҳил бўлиб титилгунча яхшилаб қовуриб пиширилади ва оқиб чиққан сели беморга ичирилади.

**Кофур (Камфора).** Рұх жавқарига мұвоғиқ келишида күчли хосиятта әга. Баъзан юракда иссиқ заҳарланиш бўлса, кофурни ичирганда у яхши ёрдам беради. Рұх кофурдан ўзига ўтқир латифлик олиб нурланиш юракда ҳосил қиласи, шунинг учун юрак кувватланади ва шодланади (Ибн Сино Т. Рисолалари 1987 й. 142 бет.).

**Кашнич (Кореандр посевной).** 40-расм. Юракни күчли ва хурсанд қилишда, айниқса иссиқ мижозлиларда ажойиб даволовчи воситадан фойдаланиб келинган. Ёқимли ҳиди рұх жавқарига мустаҳкамлик берувчи ўсимлик сифатида тан олинган бўлиб, кашнични истеъмол қиласиданларда юрак касали кам учрайди.

**Тухум.** Мутлоқ дорилардан бўлмаса ҳам, юракни яхши кувватлаштириш жиҳатидан шубҳасиз даҳли бор. Бунда тустовуқ, товуқ, қирювул, каклик каби яхши гўштли қушлар тухумининг сарифи назарда тутилади. Бу тухумларнинг сарифи мўътадил мижозлидир. Бунда уч нарса жамланган: Биринчи — тез қонга айланади; Иккинчи — қонга айланмайдиган чиқиндиси оз; Учинчиси — бундан ҳосил бўлган қон юракни енгил озиқлантирувчи қон жинсидан бўлганинги учун у юракка тезлик билан боради ва қалбдаги қондан иборат қадимдан бўлган касалликлар келтириб чиқарувчи фасод бу билан тамоман йўқолади. Тухумни сарифини пишириб ёки илтишиб истеъмол қилишини буюрилади (Ибн Сино Т. Рисолалари 1987 й. 136 бет.).

**Лимонўт (Мелисса лекарственная).** 16-расм. Юракни хурсанд қилиш билан бирга уни кувватли қилишда ўсимликнинг ажойиб хусусияти бор. Бу билан бирга барча ички аъзоларга ҳам фойдалидир. Унда руҳдан ва юракдаги қондан савдоли буҳни сўриб чиқаришга етарли бўладиган енгил сурувчи табиат ҳам бор. Шунинг учун Абу Али ибн Сино лимонўт ўсимлигини юрак фаолиятини яхшилиш учун ишлатган. Халқ табобатида лимонўт ўсимлигининг юқори қисми олиниадида, майдалаб салқин жойда қуритилади. Шундан дамлама тайёрлаб, юрак касалликларида, камқонликда, овқат ҳазм бўлишининг бузилишида оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун қуритилган ўсимликдан бир ош қошиқ олиб, ярим литрли чойнакка солиб, устидан 0,5 литр қайнаб турган сув куйиб 10 дақиқа дамлаб, сўнг чойга ўхшатиб ичилади, юрак дардига шифо беради.

**Зира (Тмин обыкновенный).** Зиравор ўсимлик. Абу Али ибн Сино юраги оғриб юрадиган кишиларга уч кун бир маҳалдан зирани майдалаб ярим чой қошиқдан ичирган. У киши юрагини бақувват қиласи.

Сузма ажобий озиқа, ҳар куни 100 г сузма истеъмол қиласи киши атеросклероз, юрак ва жигар касалликларига чалинмайди.

**Олма (Яблоко)** ҳүшбуй, ширин ва нордон олмалар юрак фаолиятини яхшилааб, қувват баҳш қиласи. Олма таркибида инсон организми учун зарур бўлган темир мoddаси кўп бўлиб, заиф меъдани кувватлантиради, хамирнинг ичидаги пиширилган олма ишта ҳанси очади. Юрак хасталиигига қарши чой қайнатётганингизда саримсоқ бўлакчаларини ья олма сиркасини асал билан қўшиб юборинг. Бундай чой сизни юрак хасталигидан ҳимоя қиласи, ажойиб таъмли бу ичимликни ҳар куни ичиб турсангиз танадаги ортиқча ёғлардан arterияни ҳимоялаб, юракни мустаҳкамлайди. Чучук олмалар кучи юрак қон томирларига яхши даво.

Болгариялик табиб Ванга юрак хасталикларини олдини олиш учун ҳар бир одамга йилига 4 марта тўрт кундан кўк дўлана гулининг дамламасини ичишни маслаҳат беради. Яна Ванга асаб бузилиши натижасида юрак уришидан шикоят қиласидиган аёлларга ярим килограмм лимон шарбатини асал билан арадаштириб эрталаб ва кечқурун бир ош қошиқдан ичишни тавсия этади.

**Қора андиз (Девясил высокий).** 52-расм. Абу Али ибн Сино қора андизини юракка куч бағишловчи омил сифатида тавсия этган. Бунинг учун қора андиз илдизидан 100 г олиб, бир литр сувга солинади, сўнг 15 дакиқа қайнатилади ва мазкур қайнатмани чой ўрнида ичишни тавсия этади.

**Помидор (Помидор).** Бу ноз-неъмат ҳам ўзининг шифобахш хусусиятлари билан ажралиб туради. Унинг таркибида қанд мoddаси, органик аминокислоталар, турли ҳил дармондорилар: калий, кальций, магний, фосфор, темир тузлари ва бошқа мoddалар бўлиб, юрак хасталикларини даволашда фойда беради. Кўпроқ помидор истеъмол қиласиган кишиларда юрак хасталиклари камроқ учрайди.

**Маврак (Шалфей).** 20-расм. Халқ табобатида юрак тез урганда, юрак ўйнайдиган бўлиб қолганда маврак ўсимлигининг пишган мевасини қовуриб, чой қошиқнинг учдан бир қисмчасини олиниб, кунига 3-4 маҳал истеъмол қилинади.

Булардан ташқари халқ табобатида юрак хасталиклирида раийонли чой, ширчой, кийикўтли чой, қорақандли чой ичиш тавсия этилади.

### Биласизми:

*Юрак дарди бўлса оғиз ҳам ёмон,  
Нарсанинг мазасин билмас ҳеч қачон.*

*Жалолиддин Румий*

## ЮЗДАГИ КАСАЛЛИКЛАРИ

***Касалликинг келиб чиқиши сабаблари.*** Парвардигор инсон боласини бекаму күст яратган. Одамнинг кайфиятини, соглигини унинг юз кўринишига қараб билиш мумкин. Юз мускулларининг аҳволи организмни ички дунёсини ойна каби кўрсатиб туради. Халқимиз хусн тўйда, муҳаббат кунда керак дейишади. Зеро хотин- қизлар учун орасталик, сарамжон сарашталик табиатан мос жиҳатлар саналади. Аммо сиймони акс эттирувчи кузгу кашф этилмасдан аввалроқ ҳам аёллар ҳар қандай шароитда ўзларига қараб олишни эплашган.

Маълумки баҳор күёши юз терисига ўткир таъсир қиласди. Хусусан, доғларни юзага чиқариб, сепкилларни намоён этади. Абу Али ибн Сино дейдикси: доғлар бу ҳам жуда оғир хатардир, чунки у сабабли баданда тўхтаб қоладиган хилтлар ва бошқа заҳарли нарсалар, ёки бирор бир безнинг фаолияти бузилиши, ёки организмда айrim дармондориларни (витаминаларни) етишмаслиги натижасида танада, юзда доғлар пайдо бўлади. Баъзи одамларнинг юзи беихтиёр тортишади, қийшайиб қолади, кўзлари тез-тез юмилиб очиладиган бўлиб қолади, юзда ҳар хил доғлар, тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Булар одамнинг дилини хира қиласди, кайфиятини бузади. Юзнинг қийшайиши жуда қадим замонлардан маълум, унинг келиб чиқиши ва кимларда содир бўлиши кўтчиликни қизиқтириб келади. Замонавий тиббиётда юз қийшайишига шамоллаш, инфекция, юкумли касалликлар, юз нерви ўтадиган тешикчаларнинг торайиши сабаб бўлади. Юз нерви кулок тагидан чиқиб, кўлнинг беш панжасидек бутун юз усти мускулларига тарқалган бўлади. Бошқа нервларга қараганда улар юзароқ жойлашади, шунинг учун нервнинг заарланиши осон.

Масалан: Айrim кишилар ҳар куни ёки кун ора эрталаб бошини юваби ва яхши қуритмасдан кўчага чиқсанда юз нервларини шамоллатиш ва бу юз қийшайишига, кўз қовоқлари тез-тез торайиб туришига, ҳар хил доғлар, тошмалар пайдо бўлишига ва оқибатда юз фалажига олиб келиши мумкин экан. Шамоллаш одамга шунчалик азоб бериши мумкин. Қанд касаллиги билан оғриган кишиларда юз фалажи бошқаларга қараганда кўпроқ учрайди.

Асабнинг бузилиши салбий эмоция, оғир таъсирланиш ва мускулларнинг файри ихтиёрий ҳаракатларини юзага келтирувчи асосий сабаблардан ҳисобланади. Қизиги шундаки, касаллик бошланган даврда киши кўп ишлаган, уйкуси яхши бўлмаган кунлари кўзи қисилади, ёки чакка мускуллари учади. Кишининг асаби бузилмаса, руҳан ээзилмаса, тинч хотиржам юрса ўша кунлари юз учмаслиги мумкин.

Юз касалликларини даволаш усуллари. Бош миядаги юз нервининг марказий ёки ташқи қисмлари заарланганда бемор дарҳол тегишили мутахассисга мурожаат қилиши зарур.

Юзи қийшайишининг енгил тури 4-6 ҳафтада ҳеч қандай дори-дармонсиз тузалиб кетади. Баъзи bemорларда юзи қийшайиши умрбод қолиши мумкин.

Агар юзда, бошда темиратки касали бўлса, уни даволаш учун от чопганида танасидан чиқадиган тер кўпигини темираткига суриш лозим.

Агар юзда, бошда хўл ёки куруқ темираткини бошқа ҳили (эзкема) бўлса, сочлар ҳам тўкила бошласа, унда ҳафтада бир марта юзни ва бошни яхшилаб ювиб, ўша жойларни ош тузи билан яхшилаб ишқалаш керак, бу муолажани бир неча марта тақрорлаш керак. Шунда соч тўкилиши тўхтаб яра тез битади.

Агар юзга ва буйинга чипқон чиқаверса, унда ёнгоқ, кунгабоқарни ва канон ёғида пиширилган таомларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Агар юзга ҳар ҳил доглар, сепкиллар бўлса, унда куйидаги шифобахш неъматлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Кум (Песок).** Агар юз нервлари шамоллаган бўлса, Миср давлатидаги аёлларнинг таъкидлашича, юзга мунтазам равишда күёш нурида қизиган кум маскасини қилиб турилса, юздаги нервларни шамоллашига шифо қилибгина қолмай, юз терисидаги бошқа касалликларга ҳам яхши шифо қилиб, териси ёшарив кетади, кўз остидаги ва бошқа ажинлар текисланади, киши ёшаргандай бўлади.

Картошкали ниқоб юздаги ажинларни йўқотади. Бунинг учун картошкани қайнатилади ва эзилади, унга озгина сут кўшиб суртилади.

Кулоқ ва бўйин терласа рўмолжа билан артиб туриш лозим, асло ўзингизни шамолга тутманг, шунда касалликни олди олинган бўлади.

**Аччиқ бодом (Миндаль).** 4-расм. Сепкил ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади, у юздаги ажинларни ёзади, уни шаробга қўшиб юзни ювиш тавсия этилади.

Нўхат (Горох). Нўхатни ейиш ва ундан малҳам тайёрлаб юзга суртилса, юздаги нўхатли қонталашларни кетказади ва юз терисини тозалайди.

Саримсоқнинг икки бўлакчасини сиқиб олинган сувини ўшанча миқдордаги олма сиркаси ва бир неча томчи асал билан аралаштириб, ҳар куни кечқурун юздаги ҳуснбузарлар тошган жойга суртилса, 2 ҳафтада юз тозаланади.

**Лимон (Лимон).** Халқ табобатидан маълум бўлишича лимонни сиқиб олинган сувини юзга суртилса, у рангни тозалаб, дод сепкилларни кетказар экан.

**Эрмон (Польсь горькая).** 24-расм. Бу ўсимлик рангни яхшилайди. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади. Ўтини ўзини қўйиб бофланса, кулоқ орқаларидағи шишларни йўқотади. Фойдаланиш усули: малҳамдан ташқари ичириш учун дамлама тайёрланади, уни тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишига 2 стакан қайнаб турган сув кўйиб, устига майдалаб қутилган ўсимликнинг ер устки қисмидан 1 чой қошиқ солиб дамланади, сунгра 3 маҳал чорак стакандан кунига овқатлан олдин ичиш тавсия этилади.

Хар кимнинг юзига ел келса, шишиса, унда мисни сувда эзиз ёғ қайнатиб ичса дарҳол шифо топади. Яна юз шишганда турпни қайнатиб сувини ичса, ул ҳам яхши шифо беради. Бу амални уч маротаба қилмоқ керак.

**Сутни чой (Чай с малоком).** Сутнинг қонга яқинлиги сабабли одам организми уни то қонга айлангунча ўзлаштиради. Сут кекса кишиларга фойда қиласи. Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса аёлларни чиройли қиласи (Ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 й. 363-364 бетлар).

Болгариялик башоратчи табиб Ванга юз нервлари шамоллагандага ва ҳар хил хасталиклари пайдо бўлганда, нинани оловда қиздириб, унинг учини енгил-енгил юз терисининг ҳар жой ҳар жойига тикиб терини енгил куйдириш карак экан. Нинадан куйган тери тезда йўқолиб кетади, шу билан бирга юз нервисини шамоллацияга шифо қиласи, деган.

Пиёз уругини янчиб ун қилиб, атала шаклида кунига бир маҳал юзга суртилса, юздаги доғларни кетказади.

Петрушканинг янгисини олиб, сиқиб шарбатини юзга суртилса, юздаги доғ сепкилларни кетказади.

Тактак ўсимлигини майдалаб, талқонини атала шаклида юзга суртилса, юздаги доғларни кетказади.

Юзни оқартириш учун териси қуруқроқларга бир бойлам укропни (швит) 10-15 дақиқа сувда қайнатиб ва уни докадан ўтказилиб, салқин жойда сакланади. Шу қайнатма билан ҳар куни юз артиб турилади, юздаги шўралаш бўлса, у кетади, юз силтиқлашиб оқаради, ўз ҳолига келади. Агар юз ёғлироқ бўлса, унда бодринги қиргичдан ўтказиб творог аралаштириб юзга суртилади, сунг 20-25 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади, бундан юз тиниклашиб чиройига чирой қўшилади.

### Биласизми:

Еаклажон сувидан юзингга суртсанг,  
Юзингдаги дөглар кетар ўша он.  
Агар тақрор суртсанг юзингга уни,  
Яра изи учиб битар бегумон.

## ЯРАЛАР

### Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари. Яралар ҳар хил бўлади:

Оқма яра (йиринг, сув оқиб туради), иллатли яра (тузалиши қийин бўлған яра - грибки), тошма яралар (тез инсонни бутун баданига тошиб кетади), куруқ яра, хўл яра, чуқур яра, ўсадиган яра, сарамас яра, саратон яра, юкумли яра. Яралар инсоннинг юзида, бошида, қўлида, оёғида ва баданининг бошқа жойида бўлиши мумкин. Дард асоси иссиқ бод бўлиб, бунда қон касалланади, сафро кўпайганлиги учун йиринглаш кучаяди. Пайдо бўлган йирингли катта- кичик яраларни ўртаси кўкариши, қорайиши, оқариши мумкин, куруқ хўл, йирингли, сувли бўлиши мумкин, томир тортиши, беморни ҳарорати  $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$  га чиқиб боши оғриши мумкин. Бемор алаҳлаб, титраб, кўнгил озиб, қайд қилиши мумкин. Умуман баданидаги яралар одамга ёмон азоб бериши мумкин. Уларни қанчалик ўз вақтида даволанса, шунчалик тез шифо топиб, bemor ором топади.

Яраларни даволаш услуби. Яраларнинг мушак мажақланиши ёки эзилишидан пайдо бўлганларидан бошқа ҳаммасини қуритиш орқали даволаш керак. Баъзан яраларни тикишга тўғри келади. Ярага қарши энг аввал қўлланиши зарур бўлган тадбир уни дорилар билан йиринглатиш керак, кейин дорилар билан тозалаш, сўнгра эт ундириб битириштир. Энг аввал бажарилиши зарур бўлган шартларга риоя қилинган ҳолда, агар яра заҳардан бўлса, ярани сўриб ташлаш, заҳарни тортишни қўллаш керак.

Оқма ярага тошбақа косасини куйдириб, кулини гул ёғи билан қўшиб суртилса, яра 3-4 кунда тузалади.

Фасодли ярага қаттиқ нон билан кўй ёғидан олинган жizzани янчиб, эзив ярага малҳам сифатида қўйилса, уни тез кунда тузатади.

Йўтон ичақдаги саратон ярасига – Техаслик олимларнинг ва Андерсон клиникасининг илмий текширишларида маълум бўлишича, саримсоқ- қарши восита экан. Бунинг учун саримсоққа озгина сирка ва асал қўшиб, ҳар куни истеъмол қилиш кифоя экан.

**Лимон (Лимон).** Халқ табобатидан маылум бұлышыча лимонни сиқиб олингандын сувини юзға суртилса, у рангни тозалаб, дөф сепкілларни кетказар экан.

**Эрмон (Полынь горькая).** 24-расм. Бу үсімлик рангни яхшилады. Күз ости ва бошқа ерларда бұладыған гунафша рангли изларни йүқтәді. Үтіни үзини құйиб боланса, кулоқ орқалариңдаги шишларни йүқтәді. Фойдаланиш усули: малжамдан ташқары ичириш учун дамлама тайёрланады, уни тайёрлаш учун оғзи ёпилады 1/2 стакан қайнаб турған сув күйиб, устига майдалаб куригилған үсімлікнің ер үсткі қисмидан 1 чой қошиқ солып дамланады, сүнгра 3 маҳал чорак стакандан кунига овқатлан олдин ичиш тавсия этилады.

Хар кимнинг юзига ел келса, шишиша, унда мисни сувда әзіб ёғ қайнатыб ичса дархол шифо топади. Яна юз шишиганда турпни қайнатыб сувини ичса, ул ҳам яхши шифо беради. Бу амални уч маротаба қылмоқ керак.

**Сутти чой (Чай с молоком).** Сутнинг қонга яқыншығы сабабты одам организмни уни то қонга айланғунча үзләштирады. Сут кекса кишиларға фойда қылады. Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айникса аёлларни чиройлы қылады (Ибн Сино Тиб қонунлари II жыл 1956 й. 363-364 бетлар).

Болгариялық башоратчи табиб Ванға юз нервлари шамоллағанда ва ҳар хил хасталиктері пайдо бўлганда, нинзани оловада қиздириб, унинг учини енгил-енгил юз терисининг ҳар жой ҳар жойига тиқиб териини енгил куйдириш карак экан. Нинадан куйган тери тезда йўқолиб кетади, шу билан бирга юз нервисини шамоллашыга шифо қылади, деган.

Пиёз уругини янчиб ун қилиб, атала шаклида кунига бир маҳал юзға суртилса, юздаги дөғларни кетказади.

Петрушканинг янгисини олиб, сиқиб шарбатини юзға суртилса, юздаги дөғларни кетказади.

Тактак үсімлігини майдалаб, талқонини атала шаклида юзға суртилса, юздаги дөғларни кетказади.

Юзни оқартыриш учун териси куруқроқтарға бир бойлам укропни (швіт) 10-15 дақыла сувда қайнатыб ва уни докадан ўтказилиб, салқын жойда сақланади. Шу қайнатма билан ҳар куни юз артиб турилади, юздаги шўралаш бўлса, у кетади, юз силтиқлашиб оқаради, ўз ҳолига келади. Агар юз ёғлироқ бўлса, унда бодрингни қиргичдан ўтказиб творог аралаштириб юзға суртилади, сүнг 20-25 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади, бундан юз тиниклашиб чиройига чирой қўшилади.

## Биласизми:

Баклажон сувидан юзингга суртсанг,  
Юзингдаги дөглар кетар ўша он.  
Агар тақрор суртсанг юзингга уни,  
Яра изи учеб битар бегумон.

## ЯРАЛАР

**Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.** Яралар ҳар хил бўлади: Оқма яра (йириңг, сув оқиб туради), иллатли яра (тузалиши қийин бўлган яра - грибки), тошма яралар (тез инсонни бутун баданига тошиб кетади), куруқ яра, ҳўл яра, чуқур яра, ўсадиган яра, сарамас яра, саратон яра, юқумли яра. Яралар инсоннинг юзида, бошида, кўлида, оёғида ва баданининг бошқа жойида бўлиши мумкин. Дард асоси иссиқ бод бўлиб, бунда қон касалланади, сафро кўпайганлиги учун йириңглаш кучаяди. Пайдо бўлган йириңгли катта- кичик яраларни ўртаси кўкариши, қорайиши, оқариши мумкин, куруқ ҳўл, йириңгли, сувли бўлиши мумкин, томир тортиши, беморни ҳарорати  $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$  га чиқиб боши оғриши мумкин. Бемор алаҳлаб, титраб, кўнгил озиб, қайд қилиши мумкин. Умуман баданидаги яралар одамга ёмон азоб бериши мумкин. Уларни қанчалик ўз вақтида даволанса, шунчалик тез шифо топиб, bemor ором топади.

**Яраларни даволаш усуслари.** Яраларнинг мушак мажакланиши ёки эзилишидан найдо бўлганларидан бошқа ҳаммасини куритиш орқали давослаш керак. Баъзан яраларни тикишга тўғри қелади. Ярага қарши энг аввал кўлланиши зарур бўлган тадбир уни дорилар билан йириңглатиш керак, кейин дорилар билан тозалаш; сўнгра эт ундириб битиришдир. Энг аввал бажарилиши зарур бўлган шартларга риоя қилинган ҳолда, агар яра заҳардан бўлса, ярани сўриб ташлаш, заҳарни тортишни кўллаш керак.

Оқма ярага тошбақа косасини куйдириб, кулини гул ёғи билан кўшиб суртилса, яра 3-4 кунда тузатади.

Фасодли ярага қаттиқ нон билан қўй ёғидан олинган жizzани янчиб, эзиб ярага малҳам сифатида қўйилса, уни тез кунда тузатади.

Йўғон ичакдаги саратон ярасига — Техаслик олимларнинг ва Андерсон клиникасининг илмий текширишларида маълум бўлишича, саримсоқ- қарши восита экан. Бунинг учун саримсоққа озгина сирка ва асал қўшиб, ҳар куни истеъмол қилиш кифоя экан.

Абу Бакр ар-Розий сарамас ярасига сирка, кофур (камфора), гул ёғи, анжир елимини суркашни, қўроғшин упасини сепишни, қон олдиришни тавсия этган. Ҳар куни анор суви, арпани ивитилган сувидан ичиб туришни буюрган.

Абу Али ибн Сино яраларни даволашдан олдин жароҳатни йириングлашириш, кейин йирингдан тозалаш, эт олдириш, энг аввало баданни сафродан тозалаш, ошқовоқ, арпа сувларидан ичиришни буюради.

### Биласизми:

*Сиркадан қичима, қўтиру, тошимаю, сепкил,  
Суркалса боғланса йўқотар буткул.*

Агар яра меъда ва ичакда бўлса: Халқ табобатида қорақанд ўсимлигининг мева шарбатини ичиб туриш тавсия этилади. Бу неъмат ўзининг ўта шифобахшлиги билан ажralиб туради. Яна меъда ва ичак ярасида анор гулидан бир сиқим олиб чойнакка ачиқ қилиб дамлаш ва ундан кунига уч маҳал овқатдан олдин ярим пиёладан ичиш буюрилади. Бу дамлама меъда ва ичак яраларининг тезда асоратсиз битишига ёрдам беради.

Агар яра бошда бўлса: Абу Али ибн Сино семизўтни бўтқа қилиб шароб билан аралаштириб, бошдаги яраларга суртишни буюрган. Яна бошқа усул: бошдаги ярага укропни кўйдириб, кулини эски ярага сепилса тезда тузалади. Яна мол миясини мум билан тенг микдорда аралаштириб, бошдаги яраларга сепилса ҳам яхши шифо бўлади, дейди ибн Сино.

Теридаги яраларни даволаш: Унинг тез битишига тафкибида С дармондориси кўп бўлган картошка, карам, булғор қалампири, кулупнай, лимон, апельсин ва ош кўкларини кўпроқ истеъмол қилиш зарур.. Бу шифобахш неъматларнинг инсон организмига фойдаси катта, яраларни йўқотища зарур аҳамиятга эга.

Олхўрининг (57-расм) майдалантган ёки бутуň баргларини буёда юмшатилиб, баъзи бир фасодли, йирингли яраларга қўйилса, яраларни тез кунда тузатади;

— нашвати нок қоқиси ивитилиб ярага боғланса, ярани тузатади;

— товуқ қанотининг патини кўйдириб, кулини теридаги ярага сепилса тез тузалади;

— яра ёки жароҳатга чумчуқ миясини суртсангиз, тузалиб кетади;

— эски шохни ёқиб, кулини гўдак сийдиги билан аралаштириб ярага қўйинг тез тузалади;

- очиқ ярани битиши учун ҳина, зафарон (шафран), тухум оқини олиб уларни хамир қилиб, ярага боғланса, у тез битади;
- яра шишса, унга сиркали мис тузидан жиндай сепинг, тузалади;

— агар хом ошқовоқдан қирич билан шундай қириб олиб, уни сариёғ ва ёқилган эшак тезагини кулига аралаштириб, шу малжамдан ярага суртиб турилса, яра 3-4 кунда шифо топиб тузалади.

— ҳар қандай ярага ва жароҳатга эшак тезаги ва латта кулига озгина турп уругини майдалаб күшиб боғланса, тезда тузалади.

— агар товуқ тухуми, зафарон (шафран), қуритилган кашничдан (ҳаммасидан бир дирхамдан, яъни 2,975 г дан) малжам дори тайёрлаб, ярага суртилса, яра уч кунда тузалади.

### Биласизми:

*Арпани тўйиб танга агар суржалса ундан,  
Дофу қичимани йўқатар тандан.*

— Агар одамга темиратки чиқса, унда тамакини қайнатиб, қайнатмага ўчоқ қурумини қўшиб касал жойга суртилса, тез тузалади (қуёшга тобланса ҳам яхши);

— Богариялик башоратчи Ванганинг айтишича, агар одам бармоғининг тирноғи тагида йирингли яра бўлса, унга кечқурун қизил аччиқ қалампирни олиб, уруғидан тозалаб, эрталабгача бармоқда қўйиб боғлаб қўйилса (агар қаттиқ оғриқ бериб бемор чидолмаса ҳам 4-5 соатга чидаши керак) шунда шиш қайтиб, йиринги ҳам қолмайди, тез шифо топади;

— Яна айтадики, агар танада куйгандан қолган яра бўлса, унда 6 дона тухум саригини олиб, 6 чой қошиқда янги куйдирилган мол ёғи олинниб яҳшилаб аралаштирилади, аралашма майонезга ўхшаб қолади. Ушбу қоришмани докага шимдириб, ярага ёпиштириш керак;

— Агар кўл-оёқда, бармоқлар орасида ва танани бошқа жойларида иллатли яра бўлса (грибок) кўлда бўлса - кофеин аччиқ қилиб дамлаб, кунига 4-5 маҳал қўлни ичига тиқиб туриш керак. Агар оёқда бўлса, яҳшилаб оёқни ювиб, кейин узум сиркасига бир оз солиб сўнг тоза пайлоқ кийиб ётиш керак;

— Танадаги яраларда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар қуидагила рдир: бурган, далачой, зубтурум, келинтили, қовул, очамбити, бўймадарон, ровоч, отқулоқ, қўйпечак, тутмачагул, себарга жийда;

-- *Отқулоқ (Шавель күрчазый)*. 26-расм. Халқ табобатида куритилмаган баргини олиб озгина сариёғ суркаб, бешланытган йирингли ярага құйилса, тезда уни қуритади. Халқ медицинасида куритилмаган баргидан олинган шира билан құтири, темиратки ва ҳар хил яралар даволанади.

Иbn Сино сабоқларида шундай дейилади: Одам битиши қийин бұлған оғиздаги ёки бурундаги яраларга, алоәни үзини олиб, әзіб шундоқлигача кунига 3 маңалдан яраларга сурғасын, тез кунда шифо топгай.

5 г майдаланған ёңғоқ баргини бир стакан қайнаб турған сувда дамланади. Шу дамламадан докага шимдириб яраларга қўйилади. У йирингни тозалаб ярага яхши шифо бўлади.

Абу Али ибн Сино сабоқларида шундай дейилади: Иңсон танасида қонталаш бўлса, унда турп уругини майдалаб, ун қилиб хамир қилинади, шуни танадаги қонталашган жойларга суртиб турилса, уни тезда кетказади. Шундан иккинчи тайёрланадиган дори куйидагича, турпни уругини янчидан қилиб унга тенг миқдорда асал қўшиб ёмон ва сугли яраларга боғланиб турилса, яраларни кўпоради. Агар янчилган турп уругига учдан бир қисм узум сиркасидан қўшилса ва шу билан гангреноз яраларга суртиб турилса, яраларни бутунлай кўпориб ташлайди.

### Биласизми:

*Сиркадан қичима, құтиру, тошмаю, сепкил,  
Суркалса, боғланса, йўқотар бункул.*

## ҚАНД КАСАЛЛИГИ

### Сахарный диабет

*Касаллигинг келиб чиқиши сабаблари*, Қанд касалтиги дунёда көнг тарқалған ва энг оғир касаликлардан ҳисобланади, бу касалликни «ширин касали» деб ҳам юритилади. Бу дардга овқатланиш тартибиға риоя қилмайдиган кишилар кўпроқ чалинади. Қанд касали келиб чиқишига мөъда ости безининг фаолияти бузилиши сабаб бўлиб, бу без инсулин мoddасини ишлаб чиқармай қўяди. Бунинг натижасида қонда ва сийдикда қанд миқдори ошиб кетади. Уни музозанатга келтириш учун эса, бемор организмига инсулин юборилади. Бирсек бемор ҳётини инсулин билан ушлаб туриш ноиложликтан қилинувчи сунъий тадбирдир. Бу хасталикка йўлиққан bemорлар иккى гурухга ажратилади: Биринчи гуруҳдаги bemорлар асосан 40 ёшпача бўлиб, уларда хасталик тез бошланыб, тез кечади, bemор озиб кетади,

иштағаси яхши бўлишига қарамай, умумий қувватсизликдан иш қобилиятини пасайгандан нолиди. Конда ва пешобда қанд миқдори ортади. Бундай bemорлар инсулин гармони олиб даволанадилар. Иккинч гурӯҳ bemорлари асосан 40 ёшдан катта бўлиб, дарди секинлик билан бошланади ва секин давом этади. Уларда юқорида келтирилган хасталик белгилари бўлмаслиги мумкин, лекин қанд миқдори қонда ҳам, пешобда ҳам юқори даражада бўлади, шунга қарамай дард енгил кечади.

Бу гурӯҳ bemорлар буйрак хасталигидан азият чекадилар. Қанд касаллигининг энг асосий белгиси оғиз ва лабларнинг куриши, кўп сув ичиш, бош оғриши, асабийлашиш, юракда оғриқ пайдо бўлиши, кўзнинг хиралashiши, баданда чумоли юргандай бўлиши, оёғ оғриши кузатилади. Бу касаллик бадандан кўп рутубатни торгади ва баданнинг сув ичиш орқали ортиқча рутубатдан кераклигини олишга моне бўлади. Абу Али ибн Сино касалликни аниқлаш учун яъни bemорни пешобини сопол ликобчага солиб офтобга кўяди, пешоб буғланиб кетгач, ликобчага арилар қўна бошлайди, бориб қараса ликобчада майдада (кристаллар) заррачалар ҳосил бўлган, шунда табиб bemорга у қанд касаллига чалинганилигини айтган. Жисмоний иш билан мунтазам шугулланган ва доимий бадантарбия қилиб, овқатланиш тартибига риоя қилған, дам олишни тўғри ташкил қилған одамлар қанд касаллига ҳеч қаҷон чалинмайдилар. Касаллик тарихий манбаларига кўра, наслий ҳам бўлиши мумкин.

**Канд касаллигига табиат неъматларидан фойдаланиш.** Халқ табобати тарихий тиббий манбаларига кўра бу касалликни буткул даволаш мумкинлиги айтиб ўтилган. Даволаш муддати касалликнинг оғир- енгиллиги, эски- янгиллиги ва турига боғлиқ, ҳамда узоқ вақт, яъни 1,5-2 йил давом этиши мумкин. Ўзбекистон халқ табиби Абдулазиз Сайд Нуридин ўелининг қанд касалини даволаш усулини куйида келтирамиз. Шуни алоҳида такидлаб ўтиш керакки, қанд касаллигини халқ табобати йўли билан даволашнинг замонавий тиббий усулга мутлақо қарама-қарши томонлари ҳам бор. Шунинг учун бу борада муолажани танлаш bemорнинг ўзига ҳавола. Муолажа тартиби куйидагича: Биринчи даволаш даври: Жавзо (Май) ойида ҳар куни бўлиб-бўлиб жами 4 соат давомида фақат бош кийимда ва иштончада офтобга чиқиб ётиш керак. Тахтада ётиш шарт, офтобга чиқиши олдидан тўйиб қатиқ ичиш керак. Офтобда ётганида, күёш нури тушаётган очиқ жойларга доф қилинган пахта ёғи суркаш зарур. Икки соат ерга қараб, икки соат осмонга қараб ётиш керак. Ҳар соатда салқинга бориб дам олиш, дам олаётганда кийиниб олиш керак ва шакар

солинмай, узоқ қайнатилган ўрик сувини иссиқ-иссиқ ичиш зарур, овқат ва бошқа суюқлик ичиш мумкин эмас. Тағтада ётиш ўрнига курсида ўтируса ҳам бўлади, кечаси чўмилиб ётган яхши. Офтобга биринчи, иккинчи, ҳатто учинчи чиқишида қон босими бир оз кутарилиши мумкин, лекин у тезда тушади, шунинг учун бундан қўрқиш керак эмас. Оёғингизнинг тагига офтоб тушмасин. Саратон, Сумбула (Июнь, Июль, Август) ойларида ҳам офтобга чиқиш ўша тартибда давом этади. Фарқи шуки, ҳар куни ярим соатдан 4 марта офтобга чиқилади, бу вақтда баданга ёғ суркамаса ҳам бўлади. Мезон (Сентябрь, Октябрь) ойларида офтобга чиқиши 10-12 соатта кўпаяди, куз офтоби энг фойдали ва шифобахшдир. Қатиқ ичиш, ўрик суви ичишни аввалги тартибда давом эттириш керак.

### Биласизми:

*Шолғом уруғини тўйиб,  
Асал билан қўлсанг истеъмол,  
Ичингни юмшатар,  
Бақувват қиласар дарҳол.*

Офтобда чалқанча ётиш, Офтобда ўгирилиб ётиш.

Иккинчи даволаниш даврида, ҳафтада икки марта, ёзда бир марта ҳаммомга тушиб, узоқ терлаш шарт, шунда қанд сакалари (қон танаҷалари) камайади. Масалан: 30 та қанд сакаси камайтан бўлса, ҳаммомга тушгандан сўнг икки кун ўтгач 30 қанд сакасидан 20 таси бемор баданида тикланади, бироқ 10 таси тикланмайди, яъни шу йўсинда сакалар камайиб боради. Ҳаммомда ўқаланиш қанд касаллигини даволашда муҳим аҳамиятта эга.

Учинчи даволаниш даврида бемор ичадиган асосий суюқлик қатиқ зардоби бўлмоғи керак. Шунингдек кўк чой, тоғрайҳон ва ялпизни дамлаб ичиш мумкин. Лекин сут ичиш тақиқланади.

Тўртинчи даволаниш даврида қовурилган овқатлар тавсия этилмайди. Фақат пиёзни қовуриб ейиш мумкин. Кабоб, қази, кўй ёғи, мол ёғи, спиртли ичимлик ва шўр нарсалар истеъмол қилиш вақтингчалик ман этилади.

Бешинчи даволаниш даврида шириналлик ва қандолатчилик маҳсулотлари ейиш тўхтатилади. Асални меъёрида шунда ҳам совуқ, фаслда (куз, қишлоғ, эрта баҳорда) истеъмол қилиш мумкин.

Олтинчи, еттинчи даволаниш даврида барча мева ва полиз маҳсулотларини еса бўлади. Одам организми мевалардан ўзига керакли ширани, дармондориларни ажратиб олади. Овқатга кўк қўшиш, айниқса кўк пиёз ва оқ пиёзни кўп ейиш даволашда алоҳида ўрин тутади шунингдек овқатга зира ва сиркаларни қўшиб истеъмол этиш мақсадга мувофиқдир.

Саккизинчى давр талаби: Фақат суви қочган нон, қаттиқ нон ва талқон ейиш тавсия этилади.

Түккизинчى даволаниш давр талаби: Бемор жисмоний мөхнат қилиши, күп юриши ва толиқкүнға қадар бадантарбия билан шуғилланиши лозим. Кундузилари ухламаслик шарт.

Үнинчи даволаниш талаби: ҳар куни 4-5 та чилонжийда истеъмол қилиш, 7 дона исирақ уругини чой билан ютиш буюрилади. Ҳар куни 2 дона бақлажонни хомлигича аччиқ-чучук билан истеъмол қилинади. Ҳар куни 100 г хом карам ейиш керак, ҳар куни бир пиёла олма суви ва бир пиёла қайнатилган нордон олча суви ичиш шарт. Қора чой, кофе, какао ичиш, торт, кекс кабиларни ейиш рухсат этилмайди.

Үн биринчи даволаниш талаби: Фақат мол гүшти ейиш мумкин, у ҳам иложи борича қийма ҳолида бўлсин. Туҳум, норин, колбаса, мош кабилар мумкин эмас.

Үн иккинчи даволаниш талаби: Ҳар куни бир пиёла суюлтирилган хамиртуриш ичиш керак.

Үн учинчи даволаниш талаби: Ҳар куни 20 дона шафтоли мағзини ейиш керак.

Үт тўргинчи даволаниш талаби: Ёзда кеч соат 5 дан кейин оқава сувда узоқ чўмилиш керак. Шубилан даволаниш муолажаси якунланади. Бемор юқоридаги муолажаларни тўғри ва ўз вақтида бажаргандагина буткул тузалиб кетиши мумкин. Бордию даволаниш куз ёки қишига тўғри келса, бошқа муолажаларни бажариш зарур. Офтобга чиқиш учун жавзо ойини кутиш керак. Бу тадбирлар bemor соғлигини анча яхшилайди, ва уни бошқа касаллардан ҳам ҳалос қиласди.

Қадимий табобатда айтишларича, қанд касаллиги асосан олов сингари иссиқликдан пайдо бўлар экан. Шунинг учун bemorни совуқ мижозли сабзавотлар, мевалар ва куригилган ширалар билан совутиш ва ҳўллаш орқали, ҳамда совуқ ва ҳўл ҳавода ором олдириш, совуқ жомошовда (ваннада) кўкариб совуққотгунча ўтказиш билан даволанади. Ичиладиган нарсалар нордон айрондир, бу қанча қуюқ бўлса, шунча яхши, кўй сути қатигидан бўлгани яхшироқ. Қовурилган қовоқ суви, бодринг шираси, аччиқ анор суви, тут суви, олхўри суви фойдалидир. Буларни bemor сув ўрнига кўнгли кўтарганча ичиши керак. Боф ялпизининг қуюқ шираси ҳам жула фойдалидир. Сийдик ҳайдайдиган таомлардан парҳез қилиш керак.

Абу Али ибн Сино қанд касали бор bemorларни куйидагича даволашни маслаҳат беради: Эчки, кўй, сигир сутини ивитиб қатигидан зардоби ажратилади, кейин бир қайнатиб олиб, совутилади ва салқин жойда сакланади. Ундан ҳар куни кўнгил тусаганча ичилади.

Бир ой ичида бемор ўзини анча тетик сеза бошлайды. Яна бошқа усул: Ўрик мевасига дараҳт таңасидан ажраладиган елимни аралаштириб, ундан дамлама тайёрлаб чой сифатида қанд касаллигига мунтазам ичиб юриш тавсия этилади.

Халқ табобатида қанд касаллига йўлиққан одамга ўз пешобини ҳар куни икки маҳал, катталарга 60-100 г дан, болаларга эса 30-50 г дан ичиш тавсия этилади.

Санчувчи ўсимлиги ҳам қанд касаллигини даволашда ижобий роль ўйнайди. Бу ўсимликдан бир сиқим олиб, чойнакка солинади ва устига 200 грамм қайнот сув қуйиб, 10-15 дақиқа давомида дамланади. Кейин қайта-қайта докадан сузиб олинади. тайёрланган дамламадан кунига 2 маҳал 15 томчидан ичилади. Бу ўсимлик қондаги қанд микдорини камайтиради.

Беҳи барги билан пўстлогини дамлаб ичилса, қанд касаллигига яхши даво бўлади. Бунинг учун беҳи барги ва пўстлоги олиниб, салқин жойда қуритилиди, кейин ҳовончада янчиб шундан бир ош қошибини ярим чойнакка солиб устидан қайнаб турган сувдан ярим литр қўйилади, икки соат дамлаб қўйилади. Дамламадан кунига 5-6 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия қилинади.

Ёнғоқ баргини дамлаб ичилса, қондаги қанд микдорини камайтиради. Лекин бунда унинг қонни тез ивitiш ва буриштириш хусусияти борлигини унутмаслик керак.

Болгариялик башоратчи Ванга қанд касали бор беморга Парманчик (Ежевика) ўсимлигини дамлаб ичишни тавсия қилади.

## ҚИЗАМИҚ

**Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари.** Бу касаллик ёш болалар орасида кўпроқ учрайди. У ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. Бунда одам ҳароратининг жуда кўтарилиши, юқори нафас йўлларининг шамоллаши, кўз шиллиқ пардалари, оғиз бўшлигининг ялтиғаниши ва терига қизил йирик доғли тошмалар тошиши кузатилади. Иссиқ ҳўл мижозли, айниқса рутубати қурдатли баданларда учрайди. Қизамиқ чечакка нисбатан хавфсизdir. Ҳозир қизамиқка қарши эмлаш ишлари йўлга кўйилган бўлиб, у нисбатан кам учрайдиган касалликлардан ҳисобланади. Қизамиқнинг пайдо бўлиш белгилари чечакка ўшшаган бўлиб, лекин қизамиқда ўқчиш кўпроқ, кўнгил бехузурлиги ва алангланиш кучлироқ бел оғриги эса камроқ бўлади. Тез тошиб юзага чиқадиган ва етиладиган қизамиқ бехавотир, қаттиқ кўк, бинафша ранглиси эса ёмондир. Тўсатдан ичга ботиб йўқ бўладигани ҳам ёмон бўлиши мумкин.

**Кизамиқни даволаш услублари.** Кизамиқда шошилинч равища агар қон тұлғылары бұлса, қон олиш зарур. Бу касалликда аввало ҳароратни туширувчи ва шу билан биргә ични қотирмайдиган ва қонни қуолтирмайдиган нарсалар, масалан: чилонжийда қайнатмаси, суюқ овқатлар, ҳамда хурмо гулидан дамлама тавсия этилади.

**Бодом (Миндаль обыски).** 4-расм. Халқ табобатида бодом пүчогини қайнатиб қизамиқ чиққан болаларга ичириш тавсия этилади.

**Ровоч (Равен татарский).** 27-Расм. Абу Али ибн Сино, ровоч ўсимлигининг илдизи ва мевасидан дамлама тайёрлаб қизамиқ чиққан болаларга ичишни тавсия этган.

Яңғы униб чиққан кашнич суви ҳам бу касалликни даволашда құлланиши мүмкін. Үндан тайёрланған қайнатма ҳам фойдалиди. Қайнатмани таेरлаш учун бир стакан қайноқ сувга 3 чой қошиқ кашнич солинади ва 15 дақықа дамлаб құйилади, кейин докадан сузіб, кунига овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади. Гултожихұроздан ҳам қадимда қизамиққа қарши дамлама тайёрлаб ичиришганди. Бир стакан қайнаган сувга 2 ош қошиқ гултожи солиб дамлаб ичилади.

## ҚИЧИМА

**Касалликнинг келиб чиқши сабаблари.** Инсон организимида бирор бир турдаги дармандори, ёки шунга үхшаш, танадаги аязоларини озиқлантирадиган мөдделар етишмовчилик содир бүлганды, одам терисига тошмалар тошади, гоҳо тошма тошмасдан ҳам құл-оёқ ёки баданнинг айрим жойлари, ёки ҳамма жойи қаттық қишишади. Абу Али ибн Синонинг фикрича: Баъзан одам шүр сув ичганида, (унинг ҳусусияти қичимани вужудга келтиради) ёки олтингугурут билан ишлатганда (унинг заҳари ҳам қичима касалини келтириб чиқаради) қичима кузатилади. Совуқ, ҳамом тер бўлиб чиқувчи мөддани тескари ҳаракатлантиради, ва ундан турли оғатлар келиб чиқади, шундан қичима каби нарсалар пайдо бўлиш ҳам мүмкін. Ибн Сино шүр сувни күтирганда қичимага фойдали ҳисоблайди, иккинчи томондан одам кўпроқ шүр сув билан ишласа ёки қабул қиласа, у терини говаклаштириб, кейин зичлантиради, шундан қичима пайдо бўлади. (Ибн Сино Тиб рисолалари 1987 й. 176, 192, 195 бетлар).

**Касалликни даволаш усуллари.** Бу касалликни даволашда ҳам қадимиш шарқ табобатида жуда кўп табиий воситалардан фойдаланилган.

— буюк олим Беруний ўзининг «Китоб ас-Сайдана фиттиб» деган китобида бир қатор шифобахш ўсимликлар қаторида исириқнинг шифобахшлик ва кучли даволовчи хусусиятлари устида алоҳида тўхталиб ўтган. Жумладан унда баён этилишича, бу ўсимликнинг сутсимон ширасига 10 кун давомида пахта ёки бошқа матони шимдириб қўйиб, сўнгра уни қичимага йўлиқдан бемор баданига суртилса, шифо топади.

— *арпа* (*Ячмень*). Халқ табобатидан маълум бўлишича арпани янчib ун қилиб, танадаги қичима бўлган жойга суркалса, одам тез кунда даво топади.

— *Узум сиркаси* (*Виноградный уксус*) ўзининг шифобахшлиги билан ажralиб туради, уни одам танасидаги қичима тошмаларга суркалса, унга яхши шифо қиласди.

— *Наъматак* (*Шиповник*). 19-расм. Халқ табобати тавсиясига кўра қичимага йўлиқдан беморга наъматак қайнатмасини ичиш буюрилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идиштга икки стакан сув солиб, унинг устига бир ош қошиб тозаланган наъматак уруғидан солинади ва 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатмани докадан сузиб, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади, 3-4 кунда қичима ўйқолади.

— *Турп* (*Редька*) уруғидан бир неча дона еб турилса одам қичимадан кутилади.

— *Саримсоқ* (*Чеснок*) қичима бўлган киши саримсоқни еса фойдалидир. Яна саримсоқ палласини ёғда қовуриб танаввул этилса, танада қичима йўқолади.

— *Ровоҷ* (*Ревень татарский*). 27-расм. Халқ табобати тавсиясига кўра ровоҷ уруғидан талқон тайёрлаб ва ҳаммомда уни иссиқ баданга ишқаланса, қичима йўқолади.

— *Олабўта* (*Марь*). Бунинг турлари уч хил: хушбуй олабўта (маръ душистая), оқ олабўта (маръ белая), сассиқ олабўта (маръ ванючая). Бу ўсимлик деярли ҳамма жойда учрайди, чўлларда, адирларда, йўл-ёқаларида, бегона ўт сифатида экинлар орасида, аҳоли яшайдиган ерларда ўсади. Бир йиллик буйи-15- 60 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси шохланган ва безли туклар билан қопланган. Барги чўзиқ поядга кетма-кет жойлашган, гуллари шингилсизмон тупгулни ҳосил қиласди. Июль, август ойларида гуллайди. Ўсимлик гуллаганда ер устки қисми ўриб олинади. Халқ медицинасида оқ олабўтанинг майдаланган ер устки қисмiga сигир ёғидан аралаштириб, суртма дори тайёрланади. Бу дорини кўтириб, қичимада ва терига бирор нарса тошганда суртилади, 3-4 кунда яхши даво қилиб, бемор тузалади.

— *Пешоб (Моча-живая вода)*. Халқ табобатида қичима касалида бемор ўз пешобини ичиши тавсия этилади. (кагттарга 50-100 г, болаларга 30-50 г кунинга икки маҳал ичиш буюрилади).

**Биласизми:**

Кимда қичима, құйтиру, тошмаю ё күйган ўтдан,  
Сирка суркалса, боғланса йүқтепар этдан.

## ҚОВУҚДА ТОШ БҮЛИШИ

***Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари.*** Бу касаллик турли ҳил таъсириң қылувчи нарсалардан вужудга келади. Қовуқда күп туз йигилиб, бу тузлар қовуқда кичкина заррачаларга айланади, кейинчалик ундан каттароқ тошлар пайдо бўлиб сийдик йўлини беркитиб қўяди. Қовуқда тошлар пайдо бўлишига асосан сабаб қовуқнинг кучсизлиги, сийдикни узоқ ушлаб турилиши ҳамда майда туз заррачаларининг бирлашиб тошга айланishiдири. Қовуқ ўзи сийдикни ҳайдаш вақтида уни табиий ҳолдагидек сиқиб чиқариш учун унинг ҳаммасини кулай қамраб ололмайди. Қовуқда сийдик тугилишига, сўтал ёки ортиқ ўсган гўшт сабаб бўлиши мумкин, буни билиш учун иссиқ қилиб кўрилса, яъни иссиқ сувни жомошовга солиб шуни устига ўтирилса ва бунда сийдик қўйиб юборса демак қовуқда эт унган, ёки сўтал борлигини билдиради. Агар қовоқда тошлар бўлса, қўйидаги табиат неъматларидан фойдаланиш мумкин.

***Даволаш ўсуллари. Ошқовоқ (Тыква).*** Халқ табобатида хом ошқовоқдан қовуқдаги тошларни туширишда ва қовуқ фаолиятини яхшилашда фойдаланиб келинган. Ошқовоқни қиргичдан қириб, ҳар куни оч қоринга 3-4 маҳал 3-4 ош қошиқдан истеъмол қилиш буюрилади, яхши шифо бериб тез кунда тошларни туширади.

***Маккажўхори попуги (Рыльце кукурузное).*** Уни қайнатиб суви ичирилади, бу қайнатма қовуқдаги тошни майдалаб тушириш хусусиятига эга. Қайнатма тайёрлаш учун 3-4 ош қошиқ маккажўхори попугидан олиб, бир идишга солинади, унинг устига бир ярим стакан сув солиб, 30 дақиқа паст оловда қайнатилади, шу қайнатмадан ҳар куни 3-4 соатда бир марта 1-3 қошиқдан ичиб турилади.

***Қовун пўчоги (Кожура от дыни).*** Ибн Сино ўзининг «Китоб Ал- Конун фит-тиб» асарида қовун пўчогининг шифобахшилик хосиятлари ҳақида шундай ёзади: Қовуннинг салқин жойда куригилган пўчогининг дамламаси буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаш хусусиятига эга эканлигини баён этган. Шу билан бир қаторда

паришонхотирлик, дикқанафаслик, бод, беланги, сил, камқонлик, турли жигар касаллукларини даволашда ҳам унинг фойдаси борлигини маълум қилган. Даволаш мақсадларида ишлатиладиган қовун дориланмаган бўлса янайм яхши.

*Бўтакўз тилсимон гуллари (Лепестки цветов от василька).*

Халқ табобатида бўтакўзниң тилсимон гулидан тайёрланган дамлама қовуқ касаллукларида, қорин оғриганида ичирилади. У пешоб ҳайдовчи, терлатувчи восита сифатида ҳам ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун унинг майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сувга солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан ўтказилиб, ҳар куни уч маҳал чорак стакандан ичилади.

Қовуқ ва буйракдаги тошларни тушириш учун шафтоли данагидан 24 г, қовун ва турп уругларидан ҳар биридан 24 г дан олиб яхшилаб туйилади ва унга 16 г асал, 20 г шакар қўшиб қоришма тайёрланади. Мазкур қоришмадан ҳар куни наҳорга истемол қилиш тавсия этилади.

*Нұхат (Горох).* Абу Али ибн Сино нұхатни ивитиб чалалигига уни яхшилаб эзиб, шундан 2-4 ош қошигини олиб чойнакка солиб аччиқ қилиб дамлаб, қовуғида тоши бор беморга тошини майдалаб тушириш учун ичишни тавсия этган.

*Гулхайри (Алтея лекарственная).* 25-расм. Бу ўсимликнинг турлари Ўрга Осиёда кўп тарқалган. Халқ табобатида боғ гулхайрисининг барглари, шохлари қовуқдаги оғриқни қолдириш учун ишлатилади. У сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига ўсимликнинг майдаланган гуллари, барглари ёки шохларидан бир ош қошиқ солинади, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузилиб, озроқ қанд қўшиладида, тайёрланган дамламадан кунига 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади.

*Етмак* ични суради, сийдик ҳайдайди ва тошни майдалайди.

Юқорида ёзилганлардан ташқари қовуғида тош бор одам ҳар доим седанали чой, ширчой (тоғчой, чилонжийдали чой), мўмиёлардан ичиб туриш тавсия этилади.

Дорилар таъсир этмай, қовуқдаги тош сийдик йўлини беркитиб қўйса, бошқача йўл тутиб катетер ва сийдирувчи воситалар ишлатиш керак бўлади. Қовуқда шиш бўлса, катетерни ишлатмасдан, дарҳол мутахассисларга мурожаат қилиш лозим. Чунки бундай вақтда катетер шишга салбий таъсир қилиши мумкин.

*Биласизми:*

*Сийдиги тутимиб, киши бўлса ҳор,  
Совуқ мижоз унга далилдир ошкор.*

## ҚОН БОСИМИ КАСАЛЛИГИ Хафақон

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Қон босими касаллиги кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, агар ўз вақтида даволанмаса, асорати бошқа касалликларга олиб келади. Масалан: Кўзни хиралаштиради, қўл ва оёқни фалаж қиласди, тилдан қолдиради ва ҳаказо. Бордию асорат бермаган тақдирда ҳам беморнинг ҳаёти доимо ҳавф остида бўлади. Бу дард билан ёшлар ҳам, катта ёшдаги одамлар ҳам оғриши мумкин. Қон босими хасталиги келиб чиқишига бир қанча омиллар сабаб бўлади. Масалан: ногўри овқатланиш, тартибсиз ишлаш ва дам олиш, кўп асабийлашиш, гам ташвиш кабилар. Энг муҳими истеъмол қилинадиган овқатларнинг кувватини сарф қилиб туриш керак. Чунки овқат куввати кам сарфланиб, маълум қисми йилма-йил организмда тўпланиб бориши қон босими касаллигини келтириб чиқаради. Ўз ишини яхши ташкил қўлган жисмоний иш ёки бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланувчи ва тўғри овқатланувчи одамлар бу касалликка дучор бўлмайдилар.

Одатда куннинг биринчи ярмида одамнинг қон босими нормага яқин бўлади. Иккинчи ярмида эса, бироз кўтарилади, кечаси нормага яқинлашади. Баъзи кишиларда қон босимига тугма мойиллик бўлади. Баъзан эса, турмушдаги салбий ҳолатлар ҳам қон босими кўтарилишига сабаб бўлади. Айниқса бош мия касаллигига ва баъзи ички касалликларда ҳам қон босими кўтарилиши кузатилади. Қон босимининг ҳам устки, ҳам пастки даражаси кўтарилса бу хафақон (гипертония) касаллиги деб юритилади. Касаллик аста секин ривожланади, беморнинг жаҳли тез чиқадиган, бўлар-бўлмасга тажанг бўладиган бўлиб қолади, боши оғрийди, уйкуси бузилади. Лекин беморга тинч, хотиржам шароит яратилганда, бу аломатлар ўзича давосиз ўтиб кетиши мумкин. Оғриқ бошнинг орқа томонида пайдо бўлади, ёки иккала чеккаси оғрийди.

Қон босимини табиат неъматлари билан даволаш усуллари. Қон босими бор беморлар аввало бу касалликни келтириб чиқарган сабабларини аниқлаши лозим.

Эй иссиқ ҳафақон дардидан алам,  
Чекувчи даводан сув сеп унга ҳам.  
Гулоб кофур, олма сувини,  
Ўзаро қўшгину сурка ўша он.

Қон босими кўтарилиб турадиган бемор қуйидаги табиат неъматларидан дори тайёрлаб ҳар доим ичib туришлари тавсия этилади.

Бир стакан қызил лавлаги шарбати, бир стакан сабзи шарбати, бир дона лимонни сиқиб олинган шираси, бир стакан турпни сиқиб олинган шираси ва бир стакан суюқ асални ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади ва ушбу аралашмадан кунига уч маҳал бир ош қошиқдан овқатдан бир соат кейин ичилади. Муолажани икки ой давомида қилиш керак.

**Чилонжийда (Унаби обыкновенный).** 6-расм. Ўрта Осиё давлатларида ўстирилади. Меваси оддий нон жийдадан катта бўлади, ёнғоқ катталигига, ноксимон, олхўрисимон шаклда бўлиб, шифобаҳш ҳисобланади. Таркибида органик жавҳарлар, оқсиллар, С ва Р дармондорилари мавжуд. Чилонжийда С дармондорисига бойлиги жиҳатидан лимондан 15 баробар устун туради. Халқ табобатида чилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади. Ушбу дамлама бир стакандан кунига уч маҳал бир ой давомида ичилади. Бўрган мевалари ҳам ҳар гал 3-4 донадан истеъмол қулиниади (Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари II жилд 1956 й. 481 бет.).

**Қорақант (Смородина чёрная).** 29-расм. Ўсимликнинг барги ва меваси йигилади. Таркибида дармондорилардан С, В<sub>1</sub>, каротин, қандлар, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд. Халқ табобатида қорақант мевасидан тайёрланган дамламани қон босими бор беморларга ичиш тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун бир идишга қорақант баргидан ёки мевасидан бир ош қошиқ солиб, устига бир стакан қайнаб турган сув куйилади ва 1-2 соат дамланади. Докадан сузуб кунига 2-3 маҳал ярим стакандан шакар кўшиб ичилади.

**Зирали чой (Чай из Тмина).** Халқ табобатида зирали чой қон босими ошганларга тавсия этилган. Дамлама чойни тайёрлаш учун ярим литрги чойнакка тўла бир чой қошиғига зира ва шунча кўй чой солиб, устига қайноқ сув куйилади, 5-7 дақиқа дам едирилади. Сўнгра чойга ўҳшатиб ичилади, 1-2 ой ичидаги бемор яхши бўлиб қолади.

**Кийшүти (Чибрец).** Халқ табобатида кийик ўт дамламасини қон босим кўтарилиганда тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун ярим литрги чойнакка битта кичкина қошиқ куритиб майдаланган кийик ўт солинади, устига бир стакан қайноқ сув куйиб 5 дақиқа дамланади. Сўнг дамламадан беморга кунига 3-4 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

**Қора зирк (Барбарис продолжительный).** 71-расм. Зиркнинг 12 тури маълум. Шундан табобатда асосан оддий зирк ёки қора зирк, амур зирки қўлланилади. Қора зирк меваси қорамтири, бинафша рангда бўлиб, қадимдан халқ табобатида қўлланиб келиниади. Абу Али ибн

Сино бу борада шундай ёзган: қора зирк меваси кучлироқ бўлади. Сафрони енгиг қаттиқ ҳайдайди, қон босимини туширади. Таркибида 5% қанд, илдизида берберин алколоиди бўлади. Берберин моддаси таблетка ҳолида ишлаб чиқарилиб жигар ва ўт (сафро) шамоллаганида ўт ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Қора зирқдан тайёрланган 5%ли спиртдаги тиндирма қон босими кўтарилиганда уни тез тушириш учун кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Қон босими баланд бўлганда асаблар қақшаганда хамиртурушни илиқ сувда эритиб ичиш ҳам жуда яхши фойда қилади.

*Тум (Тутовник).* Бу мўжизакор меванинг ноз-неъмат бўлишидан ташқари қирқ дардга даволигини қадимдан маълум. У инсон танасидаги қонни тозалаб, ҳатто янги қон ҳосил қила олишини қадимда бобокалонларимиз ва табиатни ўзи тасдиқлаган. Луқмони ҳаким, Абу Али ибн Синонинг насиҳатларини олган ота-боболаримиз тут мевасини кўзга тўтиё қилишган. Айниқса қора шотут меваси, барги, пустлоги шифобахш ҳисобланиб юрак, қон томирларнинг фаолияти бузилганда, қон босими ошганда аччиқ қилиб дамлаб, чойга ўхшатиб ичилса, қон босими ўз ҳолига келиб, инсон шифо топади.

*Укроп (Укроп пахучий).* Халқ табобатида укроп дамламаси юрак уришини тезлатувчи (чарчаб қолган ҳолларда), қон томирини кенгайтирувчи, қон босимини туширувчи таъсирига эга. Мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув куйиб, устига 2 чой қошиқ майдаланган укроп мевасидан солинади ва 10 дақиқа дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузиб, бу дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

*Лимон (Лимон).* Халқ табобатида лимон меваси ҳамда баргидан тайрланган дамлама қон босими кўтарилиган ҳолларда уни пасайтирувчи омил сифатида ичилади. Дамлама тайёрлаш учун бир дона тухумдай лимонни кесиб, парраклаб чойнакка солинади, устига майдаланган бир ош қошиқда барг солинади, уларнинг устига икки стакан қайнаб турган сув солиб 10-15 дақиқа яхшилаб ўраб дамлаб кўйилади. Сўнг шу дамламадан ярим стакандан 2-3 маҳал ичилади.

*Бозулбанг (Заячья губа).* 72-расм. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида адирларда, шағалли жойларда, тоғ бағриларида ўсади. Бўйи 30-40 см баъзан 60 см гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик, шохланмаган, 4 қиррали. Барги оддий, гуллари поя шохларида ҳалқа шаклида. Ўсимликнинг гуллари ва қисман барги йигилади, пояси ташлаб юборилади. Бозулбанг ўсимлиги қон ивишини тезлатиш ва қон босимини пасайтириш таъсирига эга. Дамлама тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган гулини 2 стакан қайноқ сувда дамлаб, кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

*Черкез (Солянка рыхтера).* Бу ўсимлик Ўзбекистоннинг кумли ерларида ўсади, бўйи 5 метргача етади, бута ёки дараҳт, шоҳларини пўстлоги оч кул рангда, барглари оддий, гуллари шоҳлари учиди, меваси бир уруғлик ёнғоқча. Кузда меваси йифилади, ундан тайёрланган тиндирма (настойка) қон босими ошиб кетған беморларга ичишни буюрилади. Бир ош қошиқ мевасини идишга солиб устига 2 стакан қайнатилган сув кўйиб, 5-6 кун тиндирилади, сўнг докадан сузиб, кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.

— Агар қон босими нормадан паст бўлса қуидаги неъматлар қўлланилади.

— *Одамгиёҳ (Женьшень).* 30-расм. Унинг уч тури бор. 1 — Оддий женъшень — Панакс Гинзенг — Хитойнинг шарқи шимолида, Кореяда, Японияда, МДҲ нинг Уссури ўрмонларида ўсади. 2 — Америка женъшени Канада ва АҚШнинг шарқий қисмида ўсади. 3 — Соҳта женъшень, шимолий Хиндистон, Непал, Ҳинди Хитой, Таиландда ўсади. Буларнинг орасида энг қимматлироги- Оддий женъшендир. Одамгиёҳнинг илдизидан маҳсус тайёрланган дорилар кўп касалликларда қўлланалади. Кўпинча руҳий ва жисмоний касалликларда, шунингдек оғир касалликларда, безларнинг фаолияти пасайганда, қон босими пасайганда, юрак касалида, камқонликда, қанд касалида, жигарнинг шамоллашида, меъда ичак хасталикларида, марказий асаб системаси бузилишида (невроз, неврастения) ва бошқаларда ишлатилади.

Одамгиёҳ женъшень илдизидан тайёрланган кукун, спиртдаги эритма, дорихоналарда сотилади.

Үйку олдидан бир сиким майизни бир пиёла қайноқ сувга солиб кўйиб, эрта наҳорда майиз шарбатини ичиб, майизини ҳам ейишини тавсия этилади.

*Чакка, Сузма (Сузьма).* Унда инсон организмига жуда керак бўлган ўнлаб турдаги оқсил ва дармондорилар мавжуд. Абу Али ибн Сино жигар, қон босими пасайганда ва бошқа касалликларни даволашда энг биринчи табиий дори сифатида, сузмани тавсия этган. Халқимиз асрлар давомида чакканинг фойдали тарафини билган ҳолда сузма, курт, айрон, зардоб, ёвюн хўрда ва бошқа хил таомлар сифатида истеъмол қилиб келганлар.

Юқорида ёзилган шифобахш неъматлардан мижозга қараб, кўнгилга ёқадиганини олиб ихлос билан муолажа қилинса, мақсадга эришилади.

## Биласизми:

Сабзи олиб, сувга солиб, қайнатиб сүнгра уни,  
 Ким асал бирла еса, бўлғай уни тоза ҳони.  
 Қондан уйнар бўлса, юрагинг ҳар дам,  
 Доим ёнда бўлсин дилрабо санам.

## ҚУЛОҚ ҲАСАЛЛИКЛАРИ

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари. Кулоқ ҳасталиклари — бу қулоқга сув кириши, қулоққа яра чиқиши, қулоқда қурт пайдо бўлиши ёки унга бирор жонивор кириши, қулоқ шамоллаши, қулоқда йириング ва ҳар хил иллатлар пайдо бўлиши сабабли келиб чиқади. Ушбу касалликнинг дастлабки белгиси эшитишнинг бузилиши, қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши, қулоқдан йиринг, сув оқиши, қулоқ шиши. Уни пухта текшириш касалликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга ва даволаш осон кечади. Бунда фақат эшитишнинг қай даражадалиги эмас, балки касаллик қулоқнинг қайси қисмида эканлигини ҳам аниқланади. Қулоқнинг ялиғланиши билан кечадиган ҳасталиклари «отит» деб аталади. Бу касалликни ўз вақтида шифокорга мурожаат этиб даволанмаса, оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Касалликни даволаш учунлари. Қулоқ ҳасталиклари қадимдан халқ табобати йўли билан муввафақиятли даволанилган.

Кексалик туфайли одамнинг эшитиш қобилияти пасайганда, касалликнинг бошланиш даврида, тулки ёгини қиздириб икки ҳафта давомида ҳар куни ётиш олдидан уч томчидан қулоққа томизилса, эшитиш қобилияти яна тикланиши мумкин.

Кулоги оғриётган кишининг кулогига сигир пешобидан уч томчи томизилса оғриқни қолдиради.

Агар қулоқ қаттиқ оғрияпган бўлса, унда бир парча гўштни олиб, кабоб сингари пиширилади ва унни иссиқ селини қулоққа томизилади, оғриқ бироздан кейин қолиши мумкин.

Кулоги кўп шангиллаб туришидан безовтала надиган кишилар, икки дона анжирни бир пиёлала сиқиб унга ҳантал (горчица) ўсимлигини қайнатиб ҳосил бўлган кўпикдан аралаштириб, ана шу аралашмадан ҳар куни қулоққа 2-3 томчидан томизиш тавсия этилади.

Қулоқда йиринг бўлса, ёнгоқ мевасининг шираси ва айниқса баргининг ширасини қулоққа томизилса, тезда йиринг кетиб тузалиши мумкин

Агар қулоқда куртлар пайдо бўлса ёки бошқа бирор жонивор кириб қолса, у ҳолда ялпиз билан шафтолининг баргини тенг миқдорда олиб, аччиқ қилиб дамланади ва қулоққа томизилади. Бу муолажани ётиш олдидан бажариш мақсадга мувофиқдир. Агар алоэни мол ёғига аралаштириб, иситиб қулоққа томизилса, қулоқдаги қурт ёки бошқа жониворлар чиқади. Яна шафтоли баргининг суви қулоққа томизилса, қуртни ўлдириб эшитишни яхшилади.

### Биласизми:

*Кулоқда гар ишлат пайдо бўлсан дам,  
Сабаби сафродир, боду, қон балгам.*

**Пиёз (Лук).** Абу Али ибн Сино қулоғи шангиллаган кишиларга, шунингдек қулоғида йиринг ва сув пайдо бўлганида, пиёзни қирғичдан ўтказиб, уни сиқиб олинган сувини қулоққа томизиши буюрган.

**Қовоқ (Тыква).** Ҳалқ табобатидан маълум бўлишиб қовоқнинг шираси, айниқса қизил гул ширасини ёғи билан қўшиб қулоққа томизилса, тезда оғригини босади.

**Итузум (Послен чёрный).** 39-расм. Ҳалқ табобатчилигидаги узоқ вақтлардан бери ишлатилиб келинаётган шифобахш ўсимлик. Абӯ Али ибн Сино итузумнинг шишларни қайтариш хусусиятини билган. Шунинг учун қуритилмаган ўсимликни қулоқ остидаги ва миядаги шишларга боғлашни тавсия этган. Қулоқ ичидаги шишларга ва яраларга бунинг учун баргни майдалаб эзиб, шираси қулоққа томизилади.

**Эрмон (Полынь горькая).** 24-расм. Ҳалқ табобатида эрмон ўсимлиги ҳам қулоқ касалликларида қўлланилиб келинган. Бунинг учун қулоқ орқаларидаги шишларга, қулоқ оғриғида ва қулоқдан рутубатлар оқишида, эрмон ўсимлигини олиб илдиз олди баргларини қулоқ атрофига, ўзига боғланса шифо бўлади.

**Тоғрайҳон (Душица мелкоцветная).** 34-расм. Абу Али ибн Сино ўсимликтан аччиқ қилиб дамлаб, қулоқ оғриғига қўйилса, томизилса яхши шифо беради, деб айтган. Дамлама тайёrlаш учун 2 чой қошиқ майдаланган тоғрайҳон олиниб, 400 грамм қайноқ сувда дамланади, 10-15 дақиқадан сўнг шу дамламани докадан сузиб, бир сутка давомида ишлатилади, қулоққа кунига 3 маҳал 3-4 томчидан томизилади

*Арча (Можжевельник туркестанский)*. 73-расм. Ўрга Осиёда арчанинг кўп турлари учрайди. Ўрик арча, қизил арча, қора арча, саур арча. Булар тоғли туманларда 1000-3000 м баландликда, қояларда ўсади. Арчанинг таркибидаги эфир мойидан ажратиб олинган «цедрол» қисми бактерияларнинг ўсишини тўхтатади ва ярани битишини тезлаштиради. Халқ табобатида қизил арча қулоқ касалликларида ишлатилади. Арчани навдаси ва гудда мевасини майдалаб, кунжут мойига аралаштириб ва қулоғи яхши эшитмайдиган беморларнинг қулоғига томизилади.

Ҳўқиз сафросини қайнатилган сув билан омухта қилиб, қулоққа томизилса, карликни даволайди.

Агар кишини қулоғи чийилласа, унда Ажгон ўсимлиги (Айован душистый) ишлатилади. Шу ўсимликдан бир чой қошиқ олиб, сафроўтдан 1 ош қошиқ ҳамда седанадан 1 ош қошиқ олиб, буларни аралаштириб бўйни тор, жумраги узун кўзага солиб, оловга қўйилади, қайнаш даражасига етказилади ва қулоқни жумрак тўғрисига (тагига) тутилади, яхши шифо қиласи.

Булардан ташқари қулоқ хасталикларида шифобахш ўсимликлардан укроп, долчин, қовул, ҳантал ишлатилади.

Муҳаммад Ҳоди Алиқайм ва Ҳодижон Муҳаммад Ҳусайннинг «Қорабодин- қабир» номли доришшуносликка оид китобида: қулоқ карлигига ва яра бўлганида мўмиёни (мўмия) қўллаш усуслари куйидагича баён қилинган: 0,035 г мумиёни атиргул мойига аралаштириб, устига яна гўра узум сувидан қўшиб қулоққа томизилади. Бу дори тўғрисида Арасту бир оз муболагали фикр билдирган. Унинг айтишича, юқоридаги дори тўғма кар касалликларини ҳам даволаши мумкин («Ўзбекистоннинг мўмиёси» З.Хакимов 1991 й. 22-23 бетлар).

Абу Али ибн Сино бемор қулоғига йиринг ва сув пайдо бўлса, ҳамда қулоқлари шангиллайдиган бўлса пиёзни эзиб сиқиб, сувини оғриган қулоқларига томизган ва шифо топган.

1. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» — Тошкент, Фан 1982й.
2. Абу Али ибн Сино «Тиббий ўгитлар» — Тошкент, Меҳнат 1991й.
3. Абу Али ибн Сино «Тиббий рисолалар» — Тошкент, Фан 1987й.
4. Анвар Собиржон ўғли «Абу Али ибн Сино ва шифобаҳш гиёҳлар» — Тошкент, Абдулла Қодирий 1992й.
5. Ҳ. Ҳ. Холматов, А. И. Қосимов «Доривор ўсимликлар» — Тошкент, Ибн Сино 1994й.
6. Ҳ. Ҳ. Холматов, З. Ҳ. Ҳабибов «Ўзбекистон ўсимликлари» — Тошкент, Медицина 1976й.
7. М. Ҳасаний «Табобат дурданалари» — Тошкент, Ибн Сино 1990й.
8. М. Ҳасаний «Аёлларнинг хосиятлари» «Ҳолосул ашё» — Тошкент, Меҳнат 1990й.
9. М. Ҳасаний, М. Умаров, Ф. Жўраев «Мижоз ҳақида рисола» — Тошкент, Медицина 1991й.
10. К. Ҳ. Ҳожиматов, К. Ҳ. Ҳайдаров «Ўзбекистон ўсимликлари» — Тошкент, Медицина 1972й.
11. К. Ҳ. Ҳожиматов «Шифобаҳш гиёҳлар дардга малҳам» — Тошкент, Ўзбекистон 1995й.
12. Ш. Ш. Шомансуров «40 саволга 40 жавоб» — Тошкент 1992й.
13. Э. Джураев, Д. Джураева, М. Набиев, М. Мирзаев «Шифобаҳш гиёҳ шарбатлар» — Тошкент, Меҳнат 1992й.
14. З. Ҳакимов «Ўзбекистон мўмиёси» — Тошкент, Фан 1991й.
15. З. Эгамбердиев, А. Нурматов «Эркакларга 101 маслаҳатлар» — Тошкент, Ибн Сино 1992й.
16. Холида Мирфаёз қизи, С. М. Маҳкамов «Мижозингизни билиб даволанинг» — Тошкент, Ибн Сино 1997й.
17. Луқмони Ҳаким «Табобат» — Тошкент, Фоғур Фулом 1993й.
18. Карим Маҳмудов «Чойнома» — Тошкент, Камалак 1993й.
19. Виктор Востоков «Секреты целителей востока» — Тошкент, Ўзбекистон 1994й.
20. «Рецепты Ванги» — Тошкент, 1994й.
21. «Забытые рецепты народного врачевания» — Тошкент, 1991й.
22. Рўзномалар.

## МУНДАРИЖА

1. Сұз боши .....	3
2. Аллергия .....	7
3. Астма .....	11
4. Асаб касалліктер .....	18
5. Авитаминоз — дармандорилар (витаминалар) етишмаслиги .....	22
6. Ангинада .....	24
7. Аёл жинсий аъзоларининг касалліктер .....	26
8. Ари чаққанда .....	27
9. Бармоқлардаги нұқталар ҳикмати .....	28
10. Бачадон касалліктер .....	29
11. Бел оғриғи .....	31
12. Бош оғриғи .....	36
13. Бавосил (Геморой) .....	41
14. Буйрак касаллігі .....	45
15. Бүгім оғриқтар .....	50
16. Бронхит .....	52
17. Бурун касалліктер .....	55
18. Безлар касалліктер .....	58
19. Вабо иситмаси .....	59
20. Гижжа ва ундан келиб чықадиган касалліктер .....	60
21. Гавдани бұшатыш ҳақида (Ич суриш) .....	62
22. Дорилар таъсирида келиб чықадиган касалліктер .....	63
23. Дөглар (тана, юзда) .....	65
24. Димланышда келиб чықадиган касалліктер .....	67
25. Жигар касалліктер .....	69
26. Жинсий заифлик .....	77
27. Жигилден қайнаши .....	80
28. Заҳарланиш .....	81
29. Илон, чаён чаққанда ёки ит тишлигандан .....	83
30. Инфаркт .....	85
31. Иситма күтарилиши .....	87
32. Иштаха йүқолиши .....	89
33. Ичак касалліктер .....	92
34. Ич кетиши (Ичбуруг) .....	96
35. Йүғоничак касалліктер .....	99
36. Йүталь, күк йүталь .....	101
37. Камқонник касаллігі (Анемия) .....	103
38. Кафтада битилган тақдирлар .....	105

39. Күйиш .....	106
40. Күз касаллуклари .....	107
41. Күкракдаги сурункали оғриқ .....	109
42. Күнгил айниши .....	110
43. Лат ейиши .....	111
44. Литаргус — (Совуқ саром) .....	112
45. Мадорсизлик — Қувват йұқылғы .....	113
46. Манқа .....	114
47. Милк касаллуклари .....	115
48. Мижоз ҳақида .....	117
49. Мия оғриганда .....	119
50. Мохов касаллуги .....	120
51. Наслсизлик .....	122
52. Нафас қисиши .....	124
53. Овоз бүғилиши .....	125
54. Оёқ касаллуклари .....	126
55. Овқат ҳазм бўлмаслиги .....	129
56. Оғиз касаллуги .....	130
57. Меъда касаллуклари .....	132
58. Очлик билан даволаш .....	136
59. Пешоб ҳайдовчи воситалар .....	139
60. Пес касаллуги .....	141
61. Рұхлар түғрисидаги айрим хulosалар .....	143
62. Саратон (Рак) .....	145
63. Сариқ касаллуги .....	148
64. Семизликни олдини олиш .....	151
65. Сұтгал .....	153
66. Сепкилларни ва доғларни йұқотиши .....	154
67. Она-сүти камайиб кеттанды .....	156
68. Сийдик тута олмаслик .....	157
69. Сийдик тутилиши .....	159
70. Сил касаллуги (Туберкуллөз) .....	160
71. Соч касаллуклари .....	163
72. Суяқ касаллуклари .....	165
73. Танада сув йигилиши .....	167
74. Темиратки .....	168
75. Тирноқ касаллуклари .....	169
76. Тутқаноқ .....	170
77. Тумов .....	172
78. Туш кўриш .....	173

79. Тери шұралаши .....	175
80. Тиш касаллiği .....	177
81. Томоқ оғриғи .....	179
82. Үйкусизлик касали .....	181
83. Умрни узайтириш сирлари .....	182
84. Фалаж (Шол бўлиш) .....	184
85. Ҳиқиҷоқ .....	186
86. Холлардаги тақдир белгилари .....	187
87. Чечак .....	188
88. Чипқон .....	189
89. Шабкўрлик .....	190
90. Шамоллаш .....	191
91. Шишилар .....	193
92. Экзема .....	195
93. Эмчак ярасида қўлланиладиган шифобахш неъматлар .....	196
94. Эт узилиши .....	196
95. Эслаш қобилиягининг бузилишида .....	197
96. Эшак еми .....	198
97. Эшитиш қобилиятини оширишда қўлланиладиган воситалар ..	198
98. Юрак касаллуклари .....	199
99. Юз касаллуклари .....	202
100. Яралар .....	205
101. Қанд касаллiği .....	208
102. Қизамиқ .....	212
103. Қичима .....	213
104. Қовуқда тош бўлиши .....	215
105. Қон босими касаллiği (Хафақон) .....	217
106. Кулоқ касаллуклари .....	221
Фойдаланилган адабиётлар .....	224



ШУКУР ИРГАШЕВ

# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

*Муҳаррир:*  
**Рахимов Муҳамматжон**

*Мусаҳҳиҳ:*  
**Маҳмудова Муҳаббат**

*Бадиий муҳаррир:*  
**Рахимов Улугбек**

*Техник муҳаррир:*  
**Ильёсов Ойбек**

Теришга берилди: 10. 09. 2003й. Босишга рухсат этилди: 10. 10. 2003й.

Газета қофози. Virtec Times гарнитураси.

Адади: 1500 нусха. Буюртма № 151.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлигининг  
Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти,  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30

«Shoakbar» Илмий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси.  
700000, Тошкент, Чкалов кӯчаси 1а.

# Табиатнинг ўзи табиб китобига оид расмлар рўйхати.



Исириқ — Гермала  
(1-Расм)



Анжир — Инжир  
(2-Расм)



Үрик — Уриюк  
(3-Расм)



Бодом — Миндаль  
(4-Расм)



Кунжут — Кунжут  
(5-Расм)



Чилингрийда — Унаби обыкновенный  
(6-Расм)



Соҳтакаштан — Конский каштан  
(7-Расм)



Кука — Мат-мачеха  
(8-Расм)



Субарга — Клевер ползучий  
(9-Расм)



Мариымми, ёвойи мурч — Чёрный перец  
(10-Расм)



Ялинз — Мята полевая  
(11-Расм)



Дастарбози — Тысячелистник таволгеллистный  
(12-Расм)



Ковар, ковул тикоили — Капецы колючие  
(13-Расм)



Буйымадарон — Тысячелистник обыкновенный  
(14-Расм)



Исмалок, чўқчатикан — Шипиат  
(15-Расм)



Лимон ўт — Мелилла лекарственная  
(16-Расм)



Бангидевона — Дурман окинавенный  
(17-Расм)



Бутакуз — Василёк синий  
(18-Расм)



Нальматак — Шиповник  
(19-Расм)



Марвак — Шалфеймускатный  
(20-Расм)



Тирноқгул — Колендула, нағотки  
(21-Расм)



Далачай — Зверавой обикнovenный  
(22-Расм)



Зигир — Лён кудряш  
(23-Расм)



Эрмон — Полынь горкая  
(24-Расм)



Гулчайри — Алтея лекарственная  
(25-Расм)



От кулоқ — Шавель конский  
(26-Расм)



Ровоч — Ревень  
(27-Расм)



Узум — Виноград  
(28-Расм)



Қорақанд — Барбарис продолговатый  
(29-Расм)



Одамгие́ — Жень-шень  
(30-Расм)



Томирдори, торон — Горец земноводная  
(31-Расм)



Кора терак — Тоноль черный  
(32-Расм)



Карикиз — Лопух волчочный  
(33-Расм)



Марямы, ёвойи мурч — Чёрный перец  
(10-Расм)



Ялпиз — Мята полевая  
(11-Расм)



Дастарбот — Тысячалистник таволголистный  
(12-Расм)



Ковар, ковул тиконли — Капецы колючие  
(13-Расм)



Буйнадарон — Тысячалистник обыкновенный  
(14-Расм)



Исмалок, чўқаткан — Шиннат  
(15-Расм)



Лимон ўт — Меллиса лекарственная  
(16-Расм)



Бангидевона — Дурман окнавиений  
(17-Расм)



Бўтакўз — Василёк синий  
(18-Расм)



Наьматак — Шиповник  
(19-Расм)



Марвак — Шалфеймускатный  
(20-Расм)



Тириоқгул — Колендула, наготки  
(21-Расм)



Далачай — Зверавой обикновенный  
(22-Расм)



Зигир — Лён кудряш  
(23-Расм)



Эрмон — Полын горкая  
(24-Расм)



Гулхайи — Алтея лекарственная  
(25-Расм)



От кулоқ — Шавель конский  
(26-Расм)



Ровоч — Ревень  
(27-Расм)



Узум — Виноград  
(28-Расм)



Корақанд — Барбарис продолговатый  
(29-Расм)



Одамгіж — Жень-шень  
(30-Расм)



Томирдори, торон — Горец земноводная  
(31-Расм)



Қора терак — Тополь черный  
(32-Расм)



Қарикіз — Лопух войлочный  
(33-Расм)



Торрайхон — Душица мелкоцветная  
(34-Расм)



Зубтурум, баргизуб — Подорожник  
(35-Расм)



Янтоқ — Верблюжая колючка  
(36-Расм)



Арча — Можжевельник  
(37-Расм)



Жүқа дaraohчи — Липа серпевиличная  
(38-Расм)



Итузум — Послён чёрный  
(39-Расм)



Кашнич — Кореандэр  
(40-Расм)



Сассиқалаф — Белеголов  
(41-Расм)



Алое — Алое  
(42-Расм)



Тутмачагул — Мальва лестистая  
(43-Расм)



Маймуъюн — Малина  
(44-Расм)



Кирк бүгтим — Хвощ полевой  
(45-Расм)



Роян — Марена красильная  
(46-Расм)



Совун ўт — Очный цвет  
(47-Расм)



Хантал — Горчица  
(48-Расм)



Сув қалампирі — Воденой перец  
(49-Расм)



Коврак — Ферула  
(50-Расм)



Тогжамбіл — Тимьян сомнительный  
(51-Расм)



Қора аңдзіл — Девясил высокий  
(52-Расм)



Так-так — Так-так  
(53-Расм)



Арпабодиєї — Анис обыкновенный  
(54-Расм)



Сачратки — Цикрий обыкновенный  
(55-Расм)



Кунгабокар, нистадошлар — Подсолнечник  
(56-Расм)



Олхүри — Слива  
(57-Расм)



Лимон — Лимон  
(58-Расм)



Шотара — Димьяна вояна  
(59-Расм)



Игир — Аир болотний  
(60-Расм)



Бурган — Польнь однолетний  
(61-Расм)



Жыда — Лох усткалистный  
(62-Расм)



Енгөк — Гречий орех  
(63-Расм)



Ширчой — Гравилат речной  
(64-Расм)



Эман дарахти — Дуб обыкновенный  
(65-Расм)



Ширипмия — Солодка обыкновенная  
(66-Расм)



Иттиканак — Череда трехледельная  
(67-Расм)



Күншүймас — Волчец кудрявый  
(68-Расм)



Жағ-Жағ — Пастушья сумка  
(69-Расм)



Канакунгут — Клеверина обыкновенная  
(70-Расм)



Кора зигир — Барбарис продолговатый  
(71-Расм)



Бузулбинг — Зячья губа  
(72-Расм)



Сарикбос — Крестовник обыкновенный  
(73-Расм)



Сано — Растения сенины  
(74-Расм)



Тоғ қизылчаси, эферда — Хвойник  
(75-Расм)



Қашқабеда — Доник лекарственный  
(76-Расм)



Қизыл дарахти — Дёрен  
(77-Расм)



Баҳор андози — Горицвет  
(78-Расм)



Корақобик, омонкора — Унтерна виктора  
(79-Расм)



Кора мингдевона — Белёна черная  
(80-Расм)



Сигиркуйрук — Коропяк джунгарский  
(81-Расм)



Анор — Гранат  
(82-Расм)



Маккажўхори — Кукуруза  
(83-Расм)



Қоқи — Одуванчик  
(84-Расм)

## Кафтдаги битилган тақдирлар мавзусига оид расмлар (104-105бетлар)




1



2



3



4



5



6



## ШУКУР ИРГАЛИЕВ

1932 йилда Ташкент шаҳрида туғилган. Самарқандъ дәллат училищетини тамомлаган. 1962 йиллардан бўён тоб ён баътиларидаги шифоҳхш ўсимликлардан дорилар тайёрлаб, инсонларни даволаб, энорасида танила бошлаган. 1993 йилда уларни “Юз дардга, юз даво” китоблари чоп этилган. Газета ва журналларда бир неча мақолаларни боссиялган. Ҳозирда инсонларни лардига даво излаб, янги китоблар ўстида тинмай меҳнат килиб келятилар. Шукур ақага ишиарида ривож ва баркамоллик тиланимиз.

